

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

**Б.А. Исламов., Р.Х. Шодиев, Н.С. Исмаилова,
З.Т. Шодиева, Ғ.Л. Ёзиев**

ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР

*5231100 – “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар
(минтақалар ва фаолият турлари бўйича)” таълим йўналишининг талабалари
учун дарслик сифатида тавсия этилган*

ТОШКЕНТ – IQTISODIYOT – 2019

УДК 000000
ББК0000000

Исламов Б.А., Шодиев Р.Х., Исмаилова Н.С., Шодиева З.Т., Ёзиев Ғ.Л. Халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик. – Т.: IQTISODIYOT, 2019. – 262 б.

Замонавий жаҳон ҳўжалигида глобализация ва интеграция жараёнлари чуқурлашиб бораётган бир пайтда халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаб олиш муҳим вазифаларимиздан бири ҳисобланади. «Рақамли иқтисодиёт», «Интернет иқтисодиёт» каби янги тушунчаларнинг жаҳон ҳўжалигида пайдо бўлиши жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар фанини янада чуқурроқ ўрганишимизга муҳим асос бўла олади.

Ушбу дарслик «Жаҳон иқтисодиёти ва Халқаро иқтисодий муносабатлар» йўналиши бўйича таҳсил олаётган олий таълим муассасалари талабалари, мустақил илмий изланиш олиб борувчилар, аспирант, магистрант, илмий ходимлар, шунингдек, академик лицей ва коллеж ўқувчилари учун мўлжалланган.

Определение приоритетных направлений развития международных экономических отношений является одним из нашей задачи во время расширения процессов глобализации и интеграции в современном мировом хозяйстве. Один из основания изучения предмета «Мировая экономика и МЭО» возникновение понятий «Цифровая экономика» и «Интернет Экономика» в мировом хозяйстве.

Данный учебник подготовлен для студентов, обучающихся в учреждениях высшего образования, а также аспирантов, независимых исследователей, магистрантов, научных сотрудников, учеников лицеев и колледжей.

Determination of priority directions of international economic relations development is one of our tasks in the expansion of integration and globalization processes in modern world economy. The occurrence the terms as “Digital economy” and “Internet economy” in world economy one of the reasons for studying the subject of “World economy and International economic relations” is.

The tutorial is prepared for students enrolled in higher education institutions, master degree students, aspirant degree students, scientific researchers, independent scientific researchers, students of lyceum and colleges.

Масъул муҳаррир

Такризчилар:

А.А. Исажанов – Ўзбекистон халқаро ислом академияси Халқаро иқтисодий муносабатлар кафедраси профессори, и.ф.д.

Ш.О. Шарифхўжаев – ЖИДУ Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар кафедраси мудири, и.ф.д.

ISBN 0000000000

УДК 000000
ББК0000000

© «IQTISODIYOT», 2019.

© Исламов Б.А., Шодиев Р.Х., Исмаилова Н.С.,
Шодиева З.Т., Ёзиев Ғ.Л., 2019.

МУНДАРИЖА

	КИРИШ.....	5
I боб.	ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИДА ХАЛҚАРО МЕХНАТ ТАҚСИМОТИНИНГ ЎРНИ.....	7
1.1.	Халқаро иқтисодий муносабатлар тушунчаси, моҳияти ва мазмуни.....	7
1.2.	Халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш тенденцияси.....	10
1.3.	Жаҳон хўжалиги ривожланишида халқаро меҳнат тақсимотининг аҳамияти ва унинг турлари.....	13
1.4.	Мамлакатларнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги иштироки ва унга таъсир этувчи омиллар.....	16
II боб.	ХАЛҚАРО САВДО НАЗАРИЯЛАРИ.....	22
2.1.	Меркантилизм ва классик назариялари (Меркантилистлар назарияси, «мутлақ афзаллик» назарияси, «нисбий устунлик» назарияси, ўзаро талаб назарияси).....	22
2.2.	Ишлаб чиқаришнинг турли омиллари ва ишлаб чиқариш омиллари учун нархларни тенглаштириш (Хекшер-Олин-Самуэлсон назарияси).....	29
2.3.	Леонтъев парадокси, унинг изоҳи ва у ҳақидаги замонавий тушунчалар.....	31
2.5.	Халқаро савдонинг замонавий назариялари.....	32
III боб.	ТАШҚИ САВДОНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ ВА БОШҚАРИШ ЙЎЛЛАРИ.....	44
3.1.	Халқаро савдода давлатнинг роли.....	44
3.2.	Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солишнинг тарифли усуллари.....	45
3.3.	Тариф сиёсатининг асосий кўринишлари.....	46
3.4.	Тарифли бошқарувнинг афзаллик ва камчиликлари.....	52
3.5.	Ташқи савдони тартибга солишнинг нотариф усуллари.....	54
3.6.	Ўзбекистоннинг ташқи савдо сиёсати.....	60
IV боб.	ЖАҲОН ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР САВДОСИ.....	64
4.1.	Жаҳон товарлар савдоси.....	64
4.2.	Жаҳон хизматлар савдоси.....	72
4.3.	Савдо сиёсатининг принциплари ва воситалари.....	79
4.4.	Жаҳон товарлар ва хизматлар бозори.....	86
V боб.	ИШЧИ КУЧИ ХАЛҚАРО МИГРАЦИЯСИ.....	94
5.1.	Халқаро миграция турлари.....	94
5.2.	Миқдор кўрсаткичлари.....	97
5.3.	Миграция кўлами.....	98
5.4.	Иммиграция йўналишлари.....	101
5.5.	Миграцияни назорат қилиш воситалари.....	103
5.6.	Иммиграцияни тартибга солиш.....	104
5.7.	Реэмиграцияни рағбатлантириш.....	108
VI боб.	ХАЛҚАРО КАПИТАЛ МИГРАЦИЯСИ.....	112

6.1.	Капитал чиқаришнинг ўзига хос белгилари.....	112
6.2.	Бевосита чет эл инвестициялари	114
6.3.	Чет эл портфель инвестициялари.....	121
6.4.	Ссуда (қарз) капиталини чиқариш.....	124
VII боб.	ХАЛҚАРО ТРАНСМИЛЛИЙ КОРПОРАЦИЯЛАРНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.....	130
7.1.	Халқаро трансмиллий корпорацияларнинг ташкил топиши ва ривожланиши.....	130
7.2.	Трансмиллий корпорацияларнинг таснифланиши.....	137
7.3.	Ҳозирги кунда ТМКларнинг жаҳон хўжалиги муносабатларида тутган ўрни.....	141
VIII боб.	ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ, КЛАССИФИКАЦИЯСИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	147
8.1.	“Эркин иқтисодий зоналар” тушунчаси ва ривожланиш босқичлари.....	147
8.2.	Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш мақсадлари.....	149
8.3.	Эркин иқтисодий зоналарнинг асосий турлари.....	151
8.4.	Эркин иқтисодий зоналарга бериладиган имтиёзлар.....	158
IX боб.	ТЎЛОВ БАЛАНСИ.....	161
9.1.	Тўлов балансининг асослари.....	161
9.2.	Тўлов баланси схемаси.....	163
9.3.	Тўлов балансини тартибга солиш.....	169
X боб.	ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ҲИСОБ-КИТОБ МУНОСАБАТЛАРИ.....	177
10.1.	Халқаро ҳисоб-китоблар шакллари.....	177
10.2.	Курс ҳосил қилувчи омиллар ва валюта курсининг хўжалик ҳаётига таъсири.....	181
10.3.	Валюта курслари режимлари.....	188
10.4.	Миллий валюта сиёсати.....	191
10.5.	Жаҳон валюта тизими.....	194
10.6.	Жаҳон валюта бозори.....	199
XI боб.	БЛОКЧЕЙН ВА КРИПТОВАЛЮТА ТЕХНОЛОГИЯСИ.....	206
11.1.	Блокчейн технологияси тўғрисида оддий сўзлар.....	206
11.2.	Криптовалюта тушунчаси.....	209
11.3.	Криптовалютада даромад олиш турлари.....	213
11.4.	Тармоқ истиқболлари.....	218
XII боб.	ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ.....	224
12.1.	Халқаро интеграциянинг моҳияти, шарт-шароитлари, мақсад ҳамда вазифалари.....	224
12.2.	Халқаро интеграциянинг асосий мақсади ва вазифалари.....	227
12.3.	Халқаро иқтисодий интеграциянинг объектив шарт-шароитлари ва субъектив омиллари.....	228
12.4.	Халқаро интеграциянинг босқичлари ва шакллари.....	229
	ГЛОССАРИЙ.....	241
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	258

КИРИШ

Замонавий халқаро иқтисодий муносабатлар тизими глобализация, транснационализация, интеграция каби хусусиятлари билан ажралиб туради. Халқаро иқтисодий муносабатлар (ХИМ) тизимининг ривожланиши эса халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви асосида содир бўлмоқда. Мамлакатларнинг ХИМ тизимидаги иштирокига кўра, Европа, Америка давлатлари барқарор ривожланиш кўрсаткичлари билан ажралмоқда. Осиё мамлакатлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳам охириги йилларда иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари билан бу тизимда ўз ўрнини борган сари мустаҳкамлаб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М. Мирзиёев ташаббуслари билан “2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 5 устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси” ишлаб чиқилгани катта ўзгаришларга, ривожланишни яна бир босқичга кўтарилишига сабаб бўлмоқда. Хусусан, мамлакатимиз олдида турган муҳим стратегик вазифалардан бири очиқ иқтисодиётни шакллантириш орқали миллий иқтисодиётни жаҳон хўжалиги билан интеграциялашувини таъминлаш ва глобализация ҳамда халқаро меҳнат тақсимои афзалликларидан самарали фойдаланишни янги босқичларга кўтаришдан иборат. Бу долзарб вазифани муваффақиятли амалга ошириш мамлакатимизнинг халқаро иқтисодий муносабатларини янада ривожлантиришни, уларнинг самарадорлигини оширишни талаб қилади. Шу боисдан ҳам иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш жараёнлари олиб борилаётган ҳозирги кунда “Халқаро иқтисодий муносабатлар” фанини ҳар томонлама чуқур ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда таклиф қилинаётган дарслик макроиқтисодий таҳлил инструментларини халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида кенг тарғиб қилишни назарда тутди. Биз унинг тузилмасини замонавий иқтисодиёт назарияси тизимида кўриб чиқдик, чунки бу, ўз навбатида, халқаро иқтисодий муносабатлар фанига доир асосий муаммоларни мантиқий аниқлаш ва тадқиқ қилиш имконини беради.

“Халқаро иқтисодий муносабатлар” (ХИМ) фани “Жаҳон иқтисодиёти” ихтисослиги бўйича Давлат таълим стандартига киритилиб, ушбу ихтисослик бўйича таълим олаётган талабалар учун махсус фанлардан бири ҳисобланади ва аввалроқ ўрганилган “Иқтисодиёт назарияси”, “Макроиқтисодиёт”, “Жаҳон иқтисодиёти” каби фанларга асосланади. Шунингдек, мазкур фан ушбу ихтисослик учун махсус курс ҳисобланган “Ташқи иқтисодий алоқалар”, “Ташқи иқтисодий фаолият” ва “Халқаро валюта-кредит муносабатлари” каби курсларнинг асоси ҳисобланади.

Дарслик 12 бобдан иборат ва уларда халқаро иқтисодий муносабатларнинг асослари ва унинг ўзгаришига оид муҳим назарий ва амалий муаммолар кўриб чиқилган.

Дарсликнинг мақсади иқтисодий ислохотларнинг фаоллашуви, глобаллашув ва минтақалашув жараёнларининг ижобий ва салбий оқибатлари

шароитида самарали ташқи иқтисодий сиёсат юритишга кўмаклашувчи таҳлилий фикрлашни шакллантиришдан иборатдир.

Дарсликни ўзлаштиргандан сўнг талаба: жаҳон иқтисодий муносабатлар назарияси ва методологиясини, жаҳон бозори ва унинг турли сегментларининг моҳияти, вазифалари ва ташкилий жиҳатларини; жаҳон конъюнктура бозорларида ҳосил бўлаётган жараёнларни таҳлил қилиш ва баҳолаш усуллари билиш ва уларни ҳам назарий, ҳам амалий қўллаш олиш; олган билим ва кўникмалари ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибаларини юртимиз иқтисодиётининг турли йўналишларини такомиллаштиришда фойдалана олиши лозим бўлади.

Мутахассислар тайёрлашнинг таълим режасига мувофиқ, бу фан иккинчи курс охири, яъни 5 семестрда ўргатилади ва у лекциялар, семинар машғулотлари, курс ишини ёзиш ва уни ҳимоя қилишдан ва мустақил ишлар (докладлар ёзиш, уй вазифаларини бажариш ва ҳ.к.)дан иборат бўлади.

Мазкур дарсликни ўзлаштириш талабаларга халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасидаги тадқиқотларнинг жаҳон тажрибасидан тўлақонли фойдаланиш имконини беради ва нафақат ўқув жараёнларида, балки келгуси амалий фаолиятларида ҳам фойдали бўлади, деб умид қиламиз.

I боб. ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИДА ХАЛҚАРО МЕХНАТ ТАҚСИМОТИНИНГ ЎРНИ

*Замонавий Халқаро иқтисодий муносабатлар тизими
Барқарор ривожланиш мақсадлари томон интилоқда.
Бунинг натижасини эса 2017 йилдаги 3 %лик глобал
иқтисодий ўсишда кўришимиз мумкин.*

Антонио Гуттерос, БМТ котиби

Халқаро иқтисодий муносабатлар жуда мураккаб ва динамик ҳолда ривожланаётган тизимдир. Бу тизим ўз ичига товар ва хизматлар савдоси, капитал ва чет эл инвестициялар ҳаракати, ишчи кучи миграцияси, халқаро меҳнат тақсимоти, валюта-кредит муносабатларини олади. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг замонавий шакли учун глобализация, интеграция, транснационализация каби хусусиятлари билан ажралиб туради. Халқаро иқтисодий муносабатлар асосини эса халқаро меҳнат тақсимоти ташкил қилади. Халқаро меҳнат тақсимотида мамлакатларнинг иштирокига уларнинг географик жойлашуви, илмий тадқиқот жараёнларининг ривожини, интеграцион жараёнлар ва ТМК каби омилларнинг ривожланиши сабаб бўлмоқда. Дунё мамлакатларининг халқаро иқтисодий муносабатлардаги ўрнини мустаҳкамлаш ва халқаро меҳнат тақсимотидаги иштирокини ошириши натижасида сўнгги йилларда глобал иқтисодий ривожланиш кўрсаткичи 2017 йилда 3 %га ўсди.

1.1. Халқаро иқтисодий муносабатлар тушунчаси, моҳияти ва мазмуни

Халқаро иқтисодиёт муносабатлар замонавий жаҳон иқтисодиётининг кескин ривожланиб бораётган қисмидир. Халқаро иқтисодий муносабатлар фани мустақил фан сифатида XX асрнинг иккинчи ярмида жаҳон хўжалиги ривожланишининг янги поғанага ўтиши билан боғлиқ ҳолда тан олинган. Масалан, ўша даврда кўплаб давлатларнинг мустақил бўлиши, 90-йилларда социализм тизимининг парчаланиб, социал тизим давлатларининг бозор иқтисодиётига ўтиши каби воқеалар сабаб бўлган. Бу эса ўз навбатида, миллий иқтисодиётнинг ўзаро боғлиқликларини кучайтирди ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланишига сабаб бўлди. Бундан ташқари жаҳон хўжалигида давлатлар гуруҳлари ва иқтисодий гуруҳлар, алоҳида фирмалар ва ташкилотлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тобора кенгайиб, чуқурлашиб борди. Унинг ривожланиб, кенгайиб бориши халқаро меҳнат тақсимотининг ривожланиши ва хўжалик ҳаётининг байналмилаллашуви, уларнинг бир бирига боғлиқлиги ва яқинлашуви, минтақавий халқаро тизимларнинг ривожланиши ва мустаҳкамланиши, шунингдек, ҳозирги кундаги глобализация жараёнининг пайдо бўлишида намоён бўлмоқда.

Жаҳон хўжалиги – ишлаб чиқариш омиллари билан ўзаро боғлиқ жаҳондаги миллий иқтисодиётларнинг йиғиндиси.

Жаҳон хўжалиги ривожланишнинг янги поғонасига ўтиши куйидаги омиллар билан ифодаланади:

- иқтисодиётларнинг очиклик даражаси ошиши;
- халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви;
- халқаро ташкилотлар тизимининг тузилиши (БМТ, Жаҳон банки, ХВФ, ЖСТ ва ҳ.к.);
- ТМКларнинг пайдо бўлиши ва дунё бўйлаб кенг тарқалиши;
- глобализация жараёнларининг авж олиши;
- тўғридан-тўғри ташқи савдо ва ишлаб чиқариш омилларининг халқаро ҳаракати билан боғлиқ бўлмаган мустақил халқаро молиявий тизимнинг ривожланиши.

Халқаро иқтисодий муносабатлар жаҳон хўжалик субъектлари ҳисобланган алоҳида мамлакатларнинг миллий иқтисодиётлари ўртасидаги хўжалик алоқалари тизимидир. Халқаро иқтисодий муносабатлар халқаро меҳнат тақсимотига асосланган жаҳон хўжаликлари фаолиятининг асосий туридир.

Халқаро иқтисодий муносабатлар **объекти** материал кўринишидаги товарлар, хизматлар, технология, капитал ва ишчи кучи ҳисобланади. Унинг **субъекти** эса давлат органлари, миллий хўжаликлар, халқаро иқтисодий ташкилотлар, ТМКлардир.

Халқаро иқтисодий муносабатлар **предмети** халқаро иқтисодий муносабатлар ва уни амалга ошириш механизмидан иборатдир. Халқаро иқтисодий муносабатлар ўз ичига алоҳида давлатлар, уларнинг минтақавий бирлашмалари, шунингдек, ТМКнинг жаҳон тизимида мавжуд бўлган ўзаро иқтисодий муносабатлар мажмуини олади. Унинг механизми эса ўз ичига ҳуқуқий меёрлар ва уларни амалга ошириш воситаларини (халқаро иқтисодий келишувлар, шартномалар, кодекслар, хартиялар ва шу кабилар), шунингдек, халқаро иқтисодий ташкилотлар фаолиятдан иборат.

Халқаро иқтисодий муносабатларни бир тизим деб қарасак, ушбу тизим куйидагилардан иборатдир:

- халқаро меҳнат тақсимоти;
- халқаро товар ва хизматлар бозори;
- халқаро капитал ва хорижий инвестициялар ҳаракати;
- халқаро ишчи кучи миграцияси;
- халқаро молия ва кредит, валюта муносабатлари;
- халқаро иқтисодий интеграция.

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг анъанавий ва кенг ривожланиб бораётган кўринишларидан бири халқаро савдодир. Жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган халқаро иқтисодий муносабатларнинг 75-80 %и ташқи савдо улушига тўғри келади. Уларнинг савдоси эса халқаро товар ва хизматлар бозорида амалга оширилади. 2017 йил натижаларига кўра, ташқи савдо ўсишининг энг юқори даражаси Осиё давлатлари ҳиссасига тўғри келган, яъни 8,1 % ўсиш суръатини кўрсатди.

Халқаро савдо – барча мамлакатларни ташқи савдосининг йиғиндиси бўлмиш халқаро товар-пул муносабатларининг доираси.

Товар – бу маълум бир жамоавий эҳтиёжни қондирадиган ва айирбошлаш учун ишлаб чиқилган, яъни уни бошқа товарларга айирбошлаш жараёнида аниқланадиган қийматга эга бўлган предмет¹.

Миллий иқтисодиётда барча товарлар бозорда сотилади ва сотиб олинади, аммо халқаро иқтисодиётда халқаро савдода қатнашмайдиган товарлар мавжуд. Шунга кўра товарлар икки турга ажратилади: савдода қатнашадиган ва қатнашмайдиган товарлар.

Ташқи савдода қатнашадиган товарлар – турли хил мамлакатлар ўртасида кўчиб ўтиш қобилиятига эга маҳсулотлар.

Ташқи савдода қатнашмайдиган товарлар – ишлаб чиқилган мамлакатда истеъмол қилинадиган маҳсулотлар.

Ташқи савдода қатнашмайдиган маҳсулотлар қаторига қурилиш материалларининг кўп қисми ҳамда хизматларнинг кўп турлари киради: таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал хизматлар, турар жой арендаси ва ҳ.к.

Халқаро савдода қатнашадиган ва қатнашмайдиган товарлар ўртасидаги асосий фарқлар қуйидагича:

– сотиладиган товарларнинг нархлари жаҳон бозоридаги таклиф ва талаб тенглиги билан аниқланади. Сотилмайдиган товарларнинг нархлари миллий бозордаги талаб ва таклиф тенглиги билан аниқланади. Ушбу маҳсулотларнинг бошқа мамлакатлардаги нархларининг ўзгариши аҳамиятга эга эмас;

– сотиладиган товарларнинг ички талаб ва таклифи мувозанатини таъминлаш сотилмайдиган товарларга нисбатан муҳим эмас, чунки ички талабнинг етишмаслиги чет элдаги талаб ошиши орқали, ички таклифнинг етишмаслиги эса чет эл маҳсулотларини етказиб беришнинг кўпайиши орқали компенсация қилиниши мумкин. Сотилмайдиган маҳсулотлар учун ички талаб ва таклиф мувозанатини ушлаб туриш ўта муҳим деб ҳисобланади. Унинг бузилиши салбий ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келиши мумкин;

– сотиладиган товарлар нархларининг даражаси ва динамикаси бошқа мамлакатлардаги ушбу маҳсулотларга бўлган нархлар динамикасига ўхшаш бўлади. Сотилмайдиган товарларнинг ички нархлари уларнинг бошқа мамлакатлардаги нархларидан кескин фарқ бўлиши мумкин ва уларнинг ўзгариши чет элдаги маҳсулотларнинг нархлари ўзгаришига олиб келмаслиги мумкин.

Маҳсулотлар ва хизматларнинг халқаро савдоси ривожланиши ва ишлаб чиқариш омилларининг халқаро ҳаракати натижасида иқтисодий интеграция вужудга келди.

Иқтисодий интеграция — хўжалик механизмларни яқинлаштишига олиб келадиган, давлатлараро келишувлар шаклида ифодаланадиган ва давлатлараро органлари томонидан бошқариладиган, мамлакатларнинг иқтисодий ўзаро

¹ “Сирожиддинов Н. “Халқаро иқтисодий муносабатлар” фани бўйича ўқув қўлланма. – Т., 2016.

ҳаракати жараёни. Ҳозирги кунда Европа Иттифоқи, МЕРКОСУР, Евроосиё, АСЕАН, НАФТА сингари интеграцион бирлашмалар мавжуд бўлиб, улар интеграциянинг турли босқичида. Масалан, Евроосиё интеграциянинг иқтисодий иттифоқ босқичида.

Мамлакатлар иқтисодий бирлашмаларга киришидан бир қатор мақсадлар кўзлайди. Масалан, миқёс самараси афзалликларидан фойдаланиш. Бунда мамлакатларнинг бозор ҳажми ортади ҳамда инвестициялар оқими кўпаяди. Бундан ташқари бундай бирлашмалар қулай ташқи савдо муҳитини яратиш имконини, мавжуд савдо масалаларини ечимини топиш, шунингдек, иқтисодиёт тузилмаларини қайта қуриш, иқтисодиёт соҳаларини ривожлантиришга кўмаклашиш каби қулайликлар беради. Аммо бундай иттифоқларга аъзо бўлишнинг камчиликлари ҳам мавжуддир. Масалан, давлатлар иқтисодиётининг бошқа иқтисодиётларга боғлиқлик даражаси ортади ҳамда иқтисодий хавфсизлик муаммоси пайдо бўлиши мумкин.

Халқаро иқтисодий муносабатлар ривожланишининг яна бир кўриниши халқаро меҳнат тақсимотидир. Халқаро меҳнат тақсимоти эса халқаро меҳнат кооперациясига олиб келади. Халқаро меҳнат тақсимоти ривожланишининг муҳим омили деб бошқа омилларнинг халқаро тақсимоти ҳисобланади. Мамлакат маълум бир маҳсулотни ишлаб чиқаришга ихтисослашганининг асосий сабаби унда бошқа мамлакатларга нисбатан ушбу маҳсулотни самаралироқ ишлаб чиқариш учун зарур ишлаб чиқариш омиллари мавжудлигидир.

Халқаро меҳнат тақсимоти – мамлакатлар маълум бир маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашишини назарда тутатиган мамлакатлараро ижтимоий-ҳудудий меҳнат тақсимоти ривожланишининг энг юқори поғонаси.

Халқаро меҳнат кооперацияси халқаро меҳнат тақсимотига асосланган энг юқори самара билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни мамлакатлараро айирбошлашдир.

Ишлаб чиқариш омилларининг халқаро тақсимоти – бошқа мамлакатларга нисбатан маълум бир маҳсулотларни самаралироқ ишлаб чиқариш учун муҳим ҳисобланадиган, турли хил мамлакатларда тарихий шаклланган омилларнинг мавжудлиги.

Халқаро иқтисодий муносабатлар жаҳон хўжалиги вужудга келмай туриб, савдо кўринишида мавжуд бўлган. Масалан, Европа давлатлари ўртасидаги савдо муносабатлари, Буюк Ипак йўли давлатлари ўртасидаги савдо муносабатлари. Аммо бу муносабатлар фақатгина минтақавий характерга эга бўлган. Замонавий халқаро иқтисодий муносабатлар эса глобал характерга эгадир.

1.2. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш тенденцияси

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши ишлаб чиқариш кучининг ривожланиш даражасига боғлиқдир. Қадимги даврларда инсонлар уруғ, қабила бўлиб яшаётган пайтларда улар ўзаро товарлар айирбошлаш

орқали савдо қилганлар. Кейинчалик эса давлатлар шаклланди ҳамда улар халқаро савдони даставвал минтақалар кўламида кейинчалик эса дунё бўйлаб амалга оширдилар. Бу эса ўз навбатида, жаҳон бозори шаклланишига олиб келди.

Эрамиздан 3-4 минг йил аввал Қадимги Шарқда халқаро савдо йўлга қўйилган эди. Товарлар ўзга шаҳарларга карвонлар, денгиз орқали олиб келиниб сотиларди. Ўша пайтда асосий савдо маҳсулотлари ипак маҳсулотлари, матолар, турли қимматбаҳо тошлар, керамика ва металллардан қилинган асбоб-ускуналардан иборат бўлган. Миср ва унинг атрофидаги давлатларда олтин савдони амалга ошириш воситаси бўлган. VII асрларда кичик Осиё давлатларида эса савдо муносабатларини амалга оширишда турли металллардан тайёрланган тангачалардан фойдаланилган. Бундай халқаро иқтисодий муносабатлар Александр Македонский босқинигача давом этган.

Қадимги Грецияда эса савдо муносабатлари давлатлар ўртасида амалга оширила бошлаган, шунингдек, бу ерда давлатлар алоҳида товар турларини ишлаб чиқаришга ихтисослаша бошлаган. Бу эса меҳнат самарадорлигининг ошиши ҳамда мамлакатлар ўртасидаги савдо муносабатларининг кенгайишига сабаб бўлди. Ўша даврда Ўрта ва Қора денгиз атрофидаги давлатларда савдо воситаси сифатида юнон купонлари амалда бўлган. Тангаларни қўллай бошлагандан сўнг турли давлатлар ўз савдо воситаларини тангага алмаштира бошлаганлар ва бу банк иши фаолияти шаклланишининг илк босқичи эди. Бу кейинчалик Осиё ва Африка минтақаларида молия-савдо муносабатларининг ривожланишига туртки бўлди.

Рим империяси катта ҳудудни эгаллагани учун савдо халқаро даражага чиқди. Чунки бу даврда Рим империяси Осиё, Африка ва Европа давлатлари билан савдо муносабатларини йўлга қўйган эди. Империя даврида савдо қилинадиган товар турлари ҳамда транспорт воситалари ҳам ривожлана бошлади. Банк ишлари ва пул муносабатлари ривожланиб, савдо муносабатларида оддий ва трансфер векселлардан фойдаланиш бошланган.

Халқаро муносабатлар федерал тизими пайтида Европада анча кучсиз ривожланган. Англия, Франция, Россия ва Испаниянинг савдо муносабатларига киришиши натижасида эса яна ривожлана бошлади. XII-XIV асрларда эса капиталистик муносабатларнинг ривожланиши халқаро иқтисодий муносабатлар ривожланишини яна бир поғона оширди. Бу вақтда савдо Ўртаер денгизи, Болтиқбўйи ва Шимолий денгиз орқали амалга оширилиб, Шарқий Европа, Яқин Шарқ ва алоҳида давлатлар ўртасида савдо муносабатлари йўлга қўйилди. Бу савдо ҳам олдинги савдодан фарқ қилмаган ҳолда, асосан, ярмарка шаклида амалга оширилди. Хавфсизликни таъминлаш мақсадида давлатлар иттифоқи (гильдия) шакллана бошлади. Америкага йўл ва Ҳиндистонга денгиз йўлининг очилиши океан орқали савдо муносабатларини ривожлантирди. Европа кофе, шакар, пахта, олтин ва кумушларни импорт қилиб, қурол, керамика ва металл маҳсулотлари, матоларни экспорт қила бошлади. Коллониал тизим ривожланиши билан халқ кескин эксплуатация томон силжиб, савдо муносабатларини ривожлантира бошлади.

XVII-XX аср ўрталари халқаро иқтисодий муносабатларнинг янги даври ҳисобланиб, бу пайтда бутун дунё бўйлаб бозор капитал иқтисодиёти ривожланди ва жаҳон бозори пайдо бўлди. Ижтимоий иқтисодиёт даражаси пасайди. XX аср бошига қадар колониал тизим мустаҳкам бўлиб қолди, аммо кейинчалик бутунлай парчаланди. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланишига сезиларли таъсир қилувчи ҳарбий сиёсий омил бўлди. XIX аср бошидан жаҳон капиталистик иқтисодиёти аста-секинлик билан парчаланган бошланди ва вақти-вақти билан иқтисодий ва молиявий инқирозларга олиб келди. Янги даврда халқаро иқтисодий муносабатларнинг субъектлари хусусий акциядорлик компаниялари бўлди. XIX асрга келиб эса халқаро иқтисодий ташкилотлар ташкил топа бошлади, XX асрга келиб эса давлатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларда уларнинг роли орта бошлади. XVII-XVIII асрларда савдода лидер давлатлар Франция, Буюк Британия, Испания ва Голландия бўлса, XIX асрга келиб, Германия ва Буюк Британия қўлига ўтди. Бу бир пайтда халқаро иқтисодий муносабатлар марказига АҚШ ва Япония чиқа бошлади. Шу тариқа халқаро иқтисодий муносабатлар шаклланиб ривожланди. Шундан сўнг эса мамлакатлар ўртасида байналмилаллашув, минтақавий иттифоққа кириш каби жараёнлар авж ола бошлади.

Байналмилаллашув алоҳида миллий иқтисодий тизимларнинг ўсиб бораётган ўзаро алоқа ва ўзаро боғлиқликларини тавсифлайди ҳамда бу 20 асрда айирбошлашнинг капитал ва ишлаб чиқариш байналмилаллашувига айланди. 20 асрнинг 50 йилларидаги фан-техника инқилоби унинг ривожига туртки бўлди. Натижада эса халқаро ихтисослашув ва ишлаб чиқариш кооперациялари кескин ўсди. Миллий миқёсдан ихтисослашув халқаро даражада кескин ривожлана бошлади.

Халқаро иқтисодий муносабатлар ривожланишининг замонавий кўриниши қуйидаги уч жараён ривожланиш тенденцияси билан тавсифланади:

- халқаро иқтисодий интеграция;
- глобализация;
- транснационализация.

Глобализация ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашувидир. Мисол учун, глобаллашув жараёни туфайли иқтисодиётда рақамли иқтисодиёт, аста-секинлик билан интернет иқтисодиёт каби тушунчалар ривожланмоқда. Глобаллашув жараёнлари, асосан, ривожланган мамлакатларда юқори кўрсаткичга эга. Масалан, Япония ва Хитой. Япония ноу-хаулар, Хитой эса саноат даражаси бўйича кучлидир.

Транснационализация ТМК фаолияти натижасида мамлакатлар ўртасида иқтисодий чегараларнинг бирлашиши, халқаро миқёсда кўп тармоқли комплексларнинг пайдо бўлишидир.

Иқтисодий муносабатлар ривожланишига ҳозирги кунда жаҳон ҳўжалигида қуйидаги омиллар сабаб бўлмоқда:

- халқаро айирбошлаш тури ва ҳажмининг ўзгариши;
- ташқи савдо сиёсатининг либераллашуви;
- глобал муаммоларининг авж олиши;

- ХМТ тизимининг ўзгариши;
- халқаро иқтисодий интеграция жараёни;
- сиёсий омиллар.

Ҳозирги иқтисодий муносабатлар ривожланишида ривожланган мамлакатлар асосий роль ўйнамоқда. Уларнинг даромади асосий қисми товар ва хизматлар экспортдан келади. Бундай мамлакатлар очик иқтисодиётли давлатлар ҳисобланади. Масалан, Сингапурда экспорт квотаси 80 %, Россияда 30 %, Франция 25 %, АҚШда эса 9 %дан иборат. Бундай давлатларда савдо, асосан, иқтисодий интеграциялар орқали амалга оширилади. Дунё товар айланмасининг учдан бир қисми шундай ҳудудларда амалга оширилади. 2017 йил натижаларига кўра, товар ва хизматлар савдосида юқори ўсиш суръати Осиё давлатлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Иқтисодий иттифоқлар бўйича эса барқарор ривожланиш Европа Иттифоқи ҳиссасига тўғри келди.

Замонавий иқтисодий муносабатлар босқичма-босқич рақамлаштирилган иқтисодий муносабатлар босқичига ўтмоқда. Бу босқич учун эса интернет иқтисодиёт, шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнларининг роботлашуви келиб чиқмоқда. Саноат ва ноу-хаулар ривожланиши билан бирга глобал муаммолар ҳам ривожланмоқда. Масалан, роботлашиш натижасида дунё миқёсида ишсизлик даражаси, саноат корхоналари натижасида экологик ва саломатликка оид муаммолар келиб чиқмоқда. Буларнинг барчаси эса ўз навбатида, фан-техника ривожига олиб келади.

1.3. Жаҳон хўжалиги ривожланишида халқаро меҳнат тақсимотининг аҳамияти ва унинг турлари

Халқаро иқтисодий муносабатлар моҳияти, маъносини кўрсатувчи асосий кўрсаткичлардан бири халқаро меҳнат тақсимотидир. Дунёнинг барча мамлакатлари у ёки бу жиҳатдан ХМТга қўшилган. Халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этиш давлатларга кўшимча иқтисодий самара бериб, ўз эҳтиёжларини энг кам харажатлар билан тўлиқроқ қондириш имконини беради. Бунинг натижасида эса мамлакатларнинг ишлаб чиқариш жараёнини самарали йўлга қўйиш мақсадида ихтисослашувига олиб келади.

Халқаро меҳнат тақсимоти – мамлакатлар маълум бир маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашишини назарда тутадиган мамлакатлараро ижтимоий ҳудудий меҳнат тақсимоти ривожланишининг энг юқори поғонаси.

Халқаро меҳнат тақсимоти моҳияти ишлаб чиқариш жараёни меҳнат фаолияти турли шакллариининг ихтисослашуви ва уларнинг кооперациялашуви, ўзаро ҳамкорлигида намоён бўлади. Меҳнат тақсимоти жаҳон миқёсида меҳнатни бирлаштириш йўли сифатида намоён бўлади ва унинг натижасида ишлаб чиқариш самарали йўлга қўйилади.

Халқаро меҳнат тақсимоти давлатлар ўртасида меҳнатнинг ижтимоий-ҳудудий тақсимотининг даражаси ҳисобланади ҳамда алоҳида давлатлар ишлаб чиқаришларининг ихтисослашувига асосланади.

ХМТ жаҳон хўжалигида кенгайтирилган қайта ишлаб чиқариш жараёнларининг ўзаро алоқасини таъминлаб, халқаро соҳавий ва минтақавий-соҳавий пропорцияларни шакллантирувчи ролини ўйнамоқда.

Халқаро меҳнат тақсимоти назарияси А. Смит ва Д. Рикардо изланишларида асосланди ва ривожлантирилди. А. Смит ХМТ ҳақида ўзининг «Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари» китобида (1776 й.) савдо ва тадбиркорлик эркинлиги зарурлигини исботлайди. Чунки унинг фикрича, савдо эркинлигини турли чеклашлар алоҳида минтақалар ва бутун бир давлатлар ўртасида меҳнат тақсимоти чуқурлашишига халақит беради. Тўсиқларнинг йўқотилиши ва халқаро алмашинув майдонининг кенгайиши миллий иқтисодиётлар ихтисослашувига ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини оширишга, умумжаҳон хўжалигининг юзага келишига олиб келиши керак. А. Смит кейинчалик жуда машҳур бўлиб кетган эркин савдо шиорини олға сурди. А. Смит ғоялари кейинчалик инглиз иқтисодчилари Д. Рикардо, Р. Торренс ва Жон Стюарт Милл ишларида ривожлантирилди.

Ишлаб чиқаришнинг нисбий харажатлари назарияси классик изланувчиларнинг ХМТдаги илмий ютуғи ҳисобланади, шунингдек, бу назария халқаро савдонинг “классик” назарияси асоси ҳам ҳисобланади. Масалан, Хитой капитал сиғими юқори бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича нисбий устунликка эга, чунки бу давлатда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича етакчи мамлакатдир.

Ҳар қайси давлат халқаро айирбошлаш жараёнида ХМТнинг устунликларини амалга ошириш экспорт қилаётган товар ва хизматларнинг ташқи ва ички бозор нархларидаги фарқни олиш, арзонроқ бўлган импортдан фойдаланиб, миллий ишлаб чиқаришдан воз кечган ҳолда ички харажатларни камайтириш имконини беради.

ХМТ капиталистик тузум даврида пайдо бўлган ҳамда саноат тўнтарилишигача табиий равишда кечган. Сўнгра мамлакатларнинг бошқа иқтисодий омиллар – меҳнат, капитал, тадбиркорлик фаолияти, билимлар билан турли даражада таъминланлиги сабабли ихтисослашув чуқурлашди. Ҳозирда ушбу омиллар халқаро бозорда қайси товар ва хизматлар ишлаб чиқаришни белгилайди.

Халқаро меҳнат тақсимоти ички таркиби ва ривожланиш усуллариغا кўра қуйидаги турларга бўлинади:

- халқаро ихтисослашув – миллий иқтисодиётларнинг жаҳон бозорида сотиш учун муайян турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашуви;
- халқаро кооперация – мамлакатлар ўртасида улар томонидан нисбатан кам харажатлар билан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни айирбошлашга асосланган ҳамкорлик.

Халқаро ихтисослашув икки йўналишда ривожланади: ишлаб чиқариш ва ҳудудий. Улар ҳам ўз навбатида бир қатор турларга бўлинади.

Ишлаб чиқариш йўналиши:

1. Тармоқлараро ихтисослашув.
2. Тармоқлар ичра ихтисослашув.

3. Алоҳида корхоналар ихтисослашуви.

Халқаро ихтисослашувнинг худудий йўналиши эса ўз навбатида, қуйидаги турларга бўлинади:

1. Алоҳида мамлакат.
2. Мамлакатлар гуруҳи.
3. Регионлар.

Бундан ташқари ихтисослашув қайси маҳсулотни ишлаб чиқаришга қараб ҳам турларга ажратилади:

1. Тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришга ихтисослашув, яъни предметли.
2. Маҳсулот компонентлари ва қисмларини ишлаб чиқаришга ихтисослашув, яъни деталли.
3. Технологик ёки босқичли ихтисослашув, яъни алоҳида технологик жараёнларни амалга ошириш. Масалан, автомобилларни бошқа мамлакат худудида йиғиш.

Халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси эса ўз навбатида, ҳамкорликнинг турли шаклларига кўра қуйидаги турларга ажратилади:

- ишлаб чиқариш – технологик ҳамкорлик. Улар ўз ичига:

- а) лицензия бериш ва мулкчилик ҳуқуқларидан фойдаланиш;
- б) лойиҳа-конструкторлик ҳужжатлари, технологик жараёнлар, маҳсулотнинг техник даражаси ва сифати, қурилиш ва монтаж ишлари, кооперациялашган корхоналарни замонавийлаштиришни ишлаб чиқиш ва мослаштириш;
- с) ишлаб чиқаришни бошқариш, стандартлаштириш, унификациялаш, сертификациялашни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш дастурларини тақсимлаш;

- кооператив маҳсулотни сотиш билан боғлиқ бўлган савдо иқтисодий жараёнлар:

- сотилган техникага хизмат кўрсатиш.

Кооперация алоқаларини ўрнатишнинг 3 усули алоҳида аҳамиятга эга. Улар ҳамкорликдаги дастурларни амалга ошириш, шартнома асосида ихтисослашув, қўшма корхоналар ташкил қилиш.

Ҳамкорликдаги дастурларни амалга ошириш ҳам икки тартибда амалга оширилади:

1. Пудратли ишлаб чиқариш кооперацияси.
2. Ҳамкорликдаги ишлаб чиқариш кооперацияси.

Шартнома асосида ихтисослашув ишлаб чиқариш дастурларини ишлаб чиқариш кооперацияси иштирокчилари орасида тақсимлашни мақсад қилса, қўшма корхоналар эса бу интергациялашган кооперациялардир.

Халқаро меҳнат тақсимоти халқаро меҳнат кооперациясига олиб келади. Халқаро меҳнат тақсимоти ривожланишининг муҳим омили деб бошқа омилларнинг халқаро тақсимоти ҳисобланади. Мамлакат маълум бир маҳсулотни ишлаб чиқаришга ихтисослашганининг асосий сабаби унда бошқа мамлакатларга нисбатан ушбу маҳсулотни самаралироқ ишлаб чиқариш учун керакли ишлаб чиқариш омиллари мавжудлигидир.

Жаҳон хўжалигида халқаро меҳнат тақсимоти ривожланишининг асосий сабаби мамлакатларда ишлаб чиқариш омилларининг нотекис тақсимланганлигидадир. Масалан, Япония, Сингапур, Хитой саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар сирасига кирса, Малайзия хизмат соҳаси бўйича тараққий этган давлатлар сирасига киради. Сўнгги йилларда саноат маҳсулотлари экспорти бўйича етакчи давлатлар қаторига АҚШ, Европа давлатлари, Хитой ва Япония кирди.

Жаҳон хўжалигида содир бўлаётган глобализация жараёнлари, ихтисослашув натижасида эса мамлакатларнинг ташқи савдосида ўзгариш кутилмоқда. Масалан 2017 йил натижаларига кўра, Европа Иттифоқи давлатлари, АҚШ ва Осиё давлатлари ташқи савдосида ўсиш тенденцияси кузатилди. Жаҳон ташқи савдосининг эса 70 %ини саноат маҳсулотлари эгаллади.

1.4. Мамлакатларнинг ХМТдаги иштироки ва унга таъсир этувчи омиллар

Дунёдаги барча давлатларда омиллар бир хил даражада тақсимланмаган. Шунинг учун ҳам улар ресурслардан самарали фойдаланиш учун халқаро меҳнат тақсимотидан фойдаланадилар.

Халқаро меҳнат тақсимотининг ривожланишига қуйидаги омиллар таъсир қилади:


- мамлакатларнинг табиий географик жойлашуви;
- илмий техник жараёнлар;
- мамлакатларнинг илмий техник ва иқтисодий ривожланиш даражасининг турли даражада эканлиги;
- мамлакатларнинг ташқи иқтисодий алоқаларининг хусусияти ва хўжалик тури;
- ТМКларнинг иқтисодий экспанцияси;
- ҳудудий-иқтисодий интеграцион жараёнларнинг ривожланиши.

Ҳозирги кунда ХМТнинг ривожланиши мамлакатлар иқтисодиётига бевосита таъсир қилмоқда. Хусусан, иқтисодий иттифоққа бирлашаётган мамлакатларнинг ташқи савдосига аҳамият берсак, уларда ривожланишни кўришимиз мумкин. Жаҳон ташқи савдосининг 2017 йилдаги экспорт тузилмасини кузатадиган бўлсак, мамлакатлар, асосан, қайси маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашганини кўришимиз мумкин.

2017 йилда саноат озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти бўйича энг кўп улуш Шимолий ва Жанубий Америка давлатлари (Гренландия, Аргентина), Африка қитъаси давлатлари (Нигерия, Эфиопия, Сомали) ва Мадагаскар ороллари каби давлатлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Саноат маҳсулотлари бўйича эса АҚШ, Канада, Бразилия ва Европа давлатлари, Хитой, Япония каби давлатлар юқори ўринларда. Ёқилғи маҳсулотлари экспорти бўйича эса Россия Федерацияси, БАА, Африка қитъаси давлатлари 2017 йилда устунликка эришмоқда. Ушбу давлатлар келтириб

ўтилган маҳсулотларни бошқа давлатларга нисбатан камроқ харажат билан ишлаб чиқаради ва уни ишлаб чиқариш бўйича ихтисослашган (1.1-расм).



**1.1-расм. Жаҳон экспорт маҳсулотларнинг
худудлар бўйича тақсимоти, 2017 й.**

Халқаро меҳнат тақсимотини замонавийлаштиришнинг асосий ғоясига мувофиқ ривожланаётган давлатлар протекционизм сиёсатидан воз кечишлари ва иқтисодиётга хорижий капитални кенг жалб қилишлари лозим.

Кўпгина ривожланаётган давлатлар худди шундай қилди: «очиқ эшиклар», «очиқ иқтисодиёт» сиёсатини эълон қилиб, кўплаб қўшма корхоналар, эркин тадбиркорлик зоналари, эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил қилди ва ҳ.к. Бу, айниқса, Шарқий Осиё ва Лотин Америкасидаги «Янги индустриал давлатларда» кенг ёйилди. Шу билан бирга, улар протекционизм ғояларидан ҳам тўлиқ воз кечишмади ва ундан зарур бўлганда фойдаланишмоқда.

Саноати ривожланган давлатлар юқори малакали ишчи кучи талаб қилинадиган ва илмий техника инқилоби тез бораётган иқтисодиёт соҳаларга мослашишлари, шунингдек, капитал сиғими юқори бўлиши лозим. Масалан, Япония, Хитой ва АҚШ, Европа давлатлари ҳозирда халқаро меҳнат тақсимотида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг замонавий босқичида халқаро меҳнат тақсимотида давлатларнинг иштироқи куйидаги тартибда амалга оширилмоқда:

1) «Янги индустриал давлатлар», асосан, нисбатан малакали меҳнат, шунингдек, замонавий технологиялар талаб қилувчи товарлар ишлаб чиқаришга ихтисослашмоқда;

2) ривожланаётган мамлакатларнинг камроқ ривожланганлари меҳнат сиғими юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва жаҳон бозорига хомашё етиштириб беришга ихтисослашган (энг кам ривожланган давлатлар бу схемага умуман тушмайди);


3) саноати ривожланган давлатлар эса капитал сиғими юқори бўлган маҳсулотлар, юқори технологияли товарлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

2017 йилнинг товарлар ташқи савдосини кузатадиган бўлсак, унда саноат маҳсулотларининг улуши 70 %ни ташкил қилган. Бундан кўриниб турибдики, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашув даражаси қолган маҳсулотларга нисбатан юқори. Ёқилғи ва кон маҳсулотларининг улуши халқаро товарлар савдосида 15 %, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг улуши эса 10 %ни ташкил қилади.

Дунё мамлакатлари ўзларининг савдо шароитларини яхшилаш, бозор ҳажмини кенгайтириш ва савдо муносабатларидаги мавжуд тўсиқларни олиб ташлаш мақсадида ихтисодий иттифоқларга бирлашмоқда. Бу бирлашмалар ҳудудий жиҳатдан яқин давлатлар ўртасида тузилган. Масалан, Европа давлатлари иштирокида Евпора Иттифоқи, МДҲ мамлакатлари ўртасида Евроосиё ихтисодий иттифоқлари ташкил этилган. Ушбу интергацион бирлашмалар билан бир қаторда ҳозирги кунда трансмиллий корпорациялар фаолияти ҳам ёйилмоқда. Бундай корпорацияларга мисол қилиб, APPLE, Walmart, HP, NOKIA, Coca Cola каби брендларни келтириб ўтишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо айланмаси 2017 йилда 27 млрд. АҚШ долларини ташкил қилиб, шундан 13 млрд. АҚШ доллари импорт, 14 млрд. АҚШ доллари эса экспорт маҳсулотлари. Ўзбекистоннинг асосий ташқи савдо ҳамкорлари МДҲ давлатларидир. Экспорт таркибида 2017 йилда 43,1 % улуш хизматлар соҳасига тўғри келмоқда. МДҲ мамлакатлари ва бошқа давлатлар билан экспортини солиштирсак, МДҲ мамлакатлари ичида Ўзбекистон энергия ва нефть маҳсулотлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, хизматлар ишлаб чиқаришда нисбий устунликка эга. Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари билан савдо муносабатларига киришганда, ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашиши, бошқа давлатлар билан эса бошқа турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашишни йўлга қўйган.

Eksport



1.2-расм. Ўзбекистон Республикаси экспортининг худудлар ва товарлар таркиби бўйича тузилиши, 2017 йил

Манба: www.stat.uz Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси расмий сайти

Ўзбекистонда халқаро корпорациялар фаолиятини кузатадиган бўлсак, Ўзбекистон ҳудудида Coca Cola, Pepsi, Samsung кабилар фаолият юритади. Ўзбекистон, асосан, яримтайёр маҳсулотлар экспортга ихтисослашган ва иқтисодиёти ёпиқ давлат ҳисобланар эди. Президентимиз Ш.М. Мирзиёев ташаббуслари билан олиб борилаётган ислохотлар натижасида Ўзбекистоннинг техник базаси яхшиланмоқда, илмий изланишларга йўл очилмоқда, ишлаб чиқарувчилар қўллаб-қувватланмоқда.

Бундан ташқари Ўзбекистон бир қатор халқаро ташкилотларга ҳам аъзодир. Хусусан, 1992 йил БМТ, Халқаро меҳнат ташкилотига аъзо бўлган. Халқаро меҳнат ташкилотининг бугунги кунгача 14 та конвенцияси ратификациядан ўтган. Ушбу аъзолик доирасида бир қаторлар лойиҳалар амалга оширилди. Масалан, пахта йиғим-теримида болалар меҳнатидан воз кечилди.

Халқаро меҳнат тақсимотининг замонавий концепциялари, уни замонавийлаштириш режалари, шунингек, бу концепцияларни амалга оширишни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, жаҳон ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг ҳозирги даражасида саноати ривожланган ва ривожланаётган давлатлар ўртасида янги турдаги халқаро ихтисослашиш ва кооперациялашув вужудга келмоқда, ривожланаётган давлатларнинг жаҳон иқтисодиётига интеграцияси кучаймоқда.

Хулоса

Халқаро иқтисодий муносабатлар кескин тусда жаҳон хўжалигининг бир қисми сифатида ривожланиб бормоқда. Халқаро иқтисодий муносабатлар фани мустақил фан сифатида эса ХХ асрнинг иккинчи ярмида жаҳон хўжалиги ривожланишининг янги поғанага ўтиши билан боғлиқ ҳолда тан олинган

Халқаро иқтисодий муносабатлар – жаҳон хўжалик субъектлари ҳисобланган алоҳида мамлакатларнинг миллий иқтисодиётлари ўртасидаги хўжалик алоқалари тизимидир. Халқаро иқтисодий муносабатлар халқаро меҳнат тақсимотига асосланган жаҳон хўжаликлари фаолиятининг асосий туридир. Халқаро иқтисодий муносабатлар **объекти** материал кўринишидаги товарлар, хизматлар, технология, капитал ва ишчи кучи ҳисобланади. Унинг **субъекти** эса давлат органлари, миллий хўжаликлар, халқаро иқтисодий ташкилотлар, ТМКлардир.

Халқаро иқтисодий муносабатлар тизим сифатида қарайдиган бўлсак, унинг замонавий шакли халқаро меҳнат тақсимоти, халқаро ишчи кучи миграцияси, халқаро савдо, ТМК, халқаро капитал ҳаракати, халқаро валюта кредит муносабатлари шаклида намоён бўлмоқда.

Халқаро иқтисодий муносабатлар эрампдан аввалги даврдан бошлаб босқичма-босқич шаклланиб борди. Инсонлар қабила, уруғ бўлиб яшаётган пайтларда улар савдо муносабатларини айирбошлаш шаклида амалга оширганлар. Кейинчалик давлатлар пайдо бўла бошлади. Шундан сўнг савдо муносабатларида тангалар пайдо бўла бошлади. Бу эса валюта кредит муносабатларининг илк кўринишлари эди. Ўша пайтларда халқаро иқтисодий муносабатлар ҳудудий маҳаллий шаклда бўлса, кейинчалик давлатлараро шаклда ривожланиб борди.

Ҳозирги давр халқаро иқтисодий муносабатлар тизими 3 хусусият билан ажралиб туради: глобализация, транснационализация ҳамда халқаро иқтисодий интеграция. Халқаро иқтисодий муносабатлар ривожланишига ҳозирги кунда ХМТ тизимининг ўзгариши, глобал муаммолар, интеграцион жараёнларнинг авж олиши ҳамда сиёсий омиллар сабаб бўлмоқда.

Халқаро иқтисодий муносабатлар ривожланишининг асосини халқаро меҳнат тақсимоти ташкил этади. Дунё мамлакатлари у ёки бу жиҳатдан ХМТда иштирок этади.

Халқаро меҳнат тақсимоти – мамлакатлар маълум бир маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашишини назарда тутадиган мамлакатлараро ижтимоий ҳудудий меҳнат тақсимоти ривожланишининг энг юқори поғонаси.

Халқаро меҳнат тақсимоти моҳияти ишлаб чиқариш жараёни меҳнат фаолияти турли шакллариининг ихтисослашуви ва уларнинг кооперациялашуви, ўзаро ҳамкорлигида намоён бўлади. Халқаро меҳнат тақсимотининг 2 хил кўриниши мавжуд: халқаро кооперациялар ҳамда халқаро ихтисослашув. Улар ҳам ўз навбатида, бир неча турларга бўлинади.

Халқаро меҳнат тақсимотининг ривожланишига қуйидаги омиллар таъсир қилади: мамлакатларнинг табиий географик жойлашуви, илмий-техник жараёнлар, мамлакатларнинг илмий-техник ва иқтисодий ривожланиш

даражасининг турли даражада эканлиги, мамлакатларнинг ташқи иқтисодий алоқаларининг хусусияти ва хўжалик тури, ТМКларнинг иқтисодий экспанцияси, худудий-иқтисодий интеграцион жараёнларнинг ривожланиши.

2017 йилда саноат озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти бўйича энг кўп улуш Шимолий ва Жанубий Америка давлатлари (Гренландия, Аргентина), Африка қитъаси давлатлари (Нигерия, Эфиопия, Сомали) ва Мадагаскар ороллари каби давлатлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Саноат маҳсулотлари бўйича эса АҚШ, Канада, Бразилия ва Европа давлатлари, Хитой, Япония каби давлатлар юқори ўринларда. Ёқилғи маҳсулотлари экспорти бўйича эса Россия Федерацияси, БАА, Африка қитъаси давлатлари 2017 йилда устунликка эришмоқда.

Ўзбекистоннинг Халқаро меҳнат тақсимоотидаги иштироки нафақат ташқи савдосида, балки халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигида ҳам кўринади. Масалан, 1992 йил Халқаро меҳнат ташкилотига ҳамда БМТга аъзо бўлган. Ўзбекистон, асосан, ипак маҳсулотлари, энергия ва нефть маҳсулотлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда МДХ давлатлари орасида нисбий устунликка эга.

Таянч иборалар: жаҳон хўжалиги, халқаро иқтисодий муносабатлар, халқаро иқтисодий муносабатлар моҳияти ва предмети, савдода қатнашадиган ва қатнашмайдиган товар, халқаро меҳнат тақсимооти, халқаро кооперация, ихтисослашув, интеграция, нисбий устунлик назарияси, глобализация, транснационализация, илмий тадқиқотлар.

Назорат учун саволлар

1. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг моҳияти қандай ва унинг предмети нима?
2. Халқаро иқтисодий муносабатлар тизими деганда нимани тушунаси?
3. Замонавий жаҳон хўжалигида ХИМнинг ривожланишига қайси омиллар таъсир қилади?
4. Халқаро меҳнат тақсимооти, халқаро меҳнат кооперацияси ва ишлаб чиқариш омилларининг халқаро тақсимооти деганда нимани тушунаси? Аниқ мисоллар орқали ушбу тушунчалар маъносини ёритиб беринг.
5. Халқаро меҳнат тақсимоотининг қандай турларини биласиз ва уларнинг ХИМдаги ўрни қандай?
6. Халқаро меҳнат тақсимоотининг Халқаро иқтисодий муносабатлар тизимидаги аҳамияти нимадан иборат?
7. Ҳозирги кунда Халқаро меҳнат тақсимоотининг ривожланишига қандай омиллар туртки бўлмоқда?
8. Замонавий жаҳон хўжалигида мамлакатларнинг ХИМдаги иштирокига мисоллар келтиринг.

II боб. ХАЛҚАРО САВДО НАЗАРИЯЛАРИ

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг анъанавий кўринишларидан бири ташқи савдо ҳисобланади. Жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган халқаро иқтисодий муносабатлар умумий ҳажмининг тахминан 75-80 %и ташқи савдонинг улушига тўғри келади.

Дунёда мавжуд бўлган ҳар қандай мамлакат учун ташқи савдонинг роли каттадир. Иқтисодчи олим Ж. Сакснинг фикрича, “дунёдаги ҳар қандай давлатнинг иқтисодий муваффақияти ташқи савдода кўринади. Ҳозирги кунга қадар ҳеч бир мамлакат жаҳон иқтисодий тизимидан ажралган ҳолда соғлом иқтисодиётни ҳосил қила олгани йўқ”.

“Ташқи савдо” деганда, бир мамлакатнинг бошқа бир мамлакат билан ҳақ тўланадиган олиб кириши, яъни импорт ва ҳақ тўланадиган олиб чиқиш, яъни экспортдан иборат савдоси назарда тутилади. Дунёдаги барча мамлакатларнинг ҳақ тўланадиган товар айланмаси йиғиндиси халқаро савдо деб аталади. Халқаро савдо тушунчаси торроқ маънода ҳам қўлланилиши мумкин. Масалан, саноати ривожланган давлатларда товар айланмасининг йиғиндиси, ривожланаётган давлатларда товар айланмасининг йиғиндиси ва трансформацион мамлакатларда товар айланмасининг йиғиндиси.

Халқаро савдога оид назариялар ўз тарихига эга. Бу борадаги илк иқтисодий таълимот ўрта асрларда яратилган ва ҳозирги кунгача ривожланиб келмоқда.

2.1. Меркантилизм ва классик назариялар

Ўрта асрларда рўй берган Европадаги улкан ўзгаришлар, жумладан, янги қитъаларнинг кашф этилиши, мустамлакалардаги олтин ва бошқа бойликларни эгаллаб олишга интилиш, ўз-ўзини таъминлашни тарғиб этувчи феодализм назарияси доирасидан чиқиб кетган янги хўжалик тизими доирасида товарлар ролини ва давлатларнинг халқаро савдога бўлган талабини асослаб бера оладиган янги иқтисодий назарияга бўлган эҳтиёжни юзага келтирди.

Шундай назариялардан бири меркантилизм таълимотидир. Меркантилизм мактаби XVI-XVII асрларда фаолият кўрсатган. Унинг энг йирик вакиллари инглиз иқтисодчилари Томас Мэн (1571-1641), Уилям Стаффордлар (1554-1612), Уильям Петти (1623-1687), Франциялик олим ва давлат арбоби Жан Батист Колбер (1619-1683) ва бошқалар ҳисобланади.

Меркантилистлар ўз назарияларида фақат чекланган миқдордаги бойликка эга бўлган статик қарашларни қўллаб-қувватлаганлар. Шу сабабдан бирон-бир мамлакат бойлигининг кўпайиши фақатгина бошқа мамлакатнинг камайиши эвазига амалга ошириши мумкин. Демак, бойликнинг кўпайиши қайта тақсимот эвазига амалга ошар экан, ҳар бир мамлакат мустаҳкам иқтисодиётга ва бошқа давлатлар устидан ҳукмронликни таъминлаб бера оладиган армия, ҳарбий ва савдо флотидан иборат кучли давлат қурилмасига эга бўлиши зарур деб ҳисоблаган.

Меркантилистлар иқтисодиётни ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ва ҳарбий колониялар секторига бўлишган. Савдогарлар иқтисодиётнинг муваффақиятли фаолият кўрсатишида энг муҳим гуруҳ, деб ҳисобланган, меҳнат эса ишлаб чиқаришнинг асосий омили сифатида баҳоланган. Мамлакатнинг бойлиги унинг ихтиёрида бўлган олтин ва кумуш билан белгиланганлиги сабабли ташқи савдо мактаби мамлакат миллий иқтисодиётини мустаҳкамлаши учун қуйидагиларга амал қилиш лозим, деб ҳисобланган:

- ташқи савдода мусбат сальдони таъминлаш – экспортнинг импортдан катта бўлиши мамлакатнинг олтин захирасини бошқа мамлакатларнинг олтин манбалари ҳисобига ўсишига олиб келади. Бу, ўз навбатида, ички харажатлар, ишлаб чиқариш ва бандликнинг ошишига олиб келади;

- экспортни ошириш ва импортни камайтиришга қаратилган ташқи савдо сиёсатини юритиш – тарифлар, квоталар ва бошқа дастаклар ёрдамида савдо балансининг мусбат савдо сальдосини таъминлаш;

- хомашёнинг олиб чиқилишини қаттиқ чеклаш ёки тақиқлаш ва мамлакатда мавжуд бўлмаган хомашё импортидан бож ундирмаслик, чунки бундай чора-тадбирлар мамлакат олтин захирасининг кўпайиши ва тайёр маҳсулотларни паст нархлар бўйича экспорт қилиш имконини яратади;

- мустамлакаларнинг метрополиядан бошқа давлатлар билан ҳар қандай савдо алоқаларини тақиқлаш ва мустамлакаларни хомашё таъминотчисига айлантириш.

Меркантилистлар ғоясига биноан иқтисодий тизимда тўлиқ бандликка эришиб бўлмайди. Шу сабабли хориждан келадиган қўшимча олтин қўшимча иш жойларнинг яратилишига, ишсизлик даражасининг пасайиши ва ишлаб чиқариш имкониятларининг кенгайишига олиб келади.

Меркантилистлар халқаро савдо назарияси ривожланишига жиддий улуш қўшдилар. Улар халқаро савдонинг мамлакат иқтисодий ўсиши учун аҳамиятини биринчи бўлиб чуқур таҳлил қилдилар ва унинг ривожланишининг муҳим моделларидан бирини ишлаб чиқдилар. Улар биринчи бўлиб замонавий иқтисодиётда тўлов баланси деб аталадиган тушунчани таърифладилар.

Меркантилистлар ғоясининг асосий камчилиги уларни бир мамлакат бойиши бошқа мамлакатларнинг қашшоқлашиши ҳисобига амалга ошади деб ҳисоблашганидир. Бундай ғояга амал қилиш жаҳон иқтисодиётида иқтисодий диспропорцияларга ва иқтисодий вазиятнинг кескинлашувига олиб келди. Метрополияларнинг мустамлакалар ҳисобидан бойиши уларда ҳаддан зиёд олтин захирасининг тўпланишига ва шу орқали гиперинфляцияга олиб келди.

Меркантилистларнинг ғоялари халқаро иқтисодиётдаги кейинги мактаблари ғояларига илмий йўналиш берди. Меркантилистлар ғоялари бир ярим аср мобайнида кенг қўлланилган. Бунинг натижасида XVIII асрда халқаро савдо алоқаларда кескинликлар кузатилган, лекин ханузгача меркантилизмга асосланган протекционизм сиёсатининг элементлари қўлланилади.

Адам Смит ва унинг классик «мутлақ афзаллик» назарияси.

Меркантилистларни танқид қилган асосий иқтисодчилардан бири Адам Смитдир (1723-1790). А.Смит мамлакатнинг бойлиги у эга бўлган олтин миқдорига эмас, балки унинг ишлаб чиқариш имкониятларига боғлиқлигини кўрсатиб берди. Шунинг учун ҳар қандай давлатнинг асосий вазифаси мамлакат эга бўлган олтин миқдорини ошириш эмас, балки халқаро меҳнат тақсимоотида ўзига хос муносиб ўрин эгаллашдан иборатдир. Шунингдек, А. Смит ғояларига биноан ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланиш учун давлатнинг иқтисодиётга аралашувини чеклаш керак. Ушбу сиёсат «Лесси фер» («Laissez faire») номини олди.

А. Смит халқаро савдога оид қарашларига мувофиқ:

- давлат ташқи савдога аралашishi керак эмас ва мамлакат эркин савдо («free trade») режимига риоя қилиши лозим;

- мамлакатлар ишлаб чиқаришда афзалликка эга бўлган товарларни ишлаб чиқаришга ихтисослашишлари керак ва бу товарларни бошқа мамлакатлар афзалликка эга бўлган товарлар билан айирбошлаши керак;

- ташқи савдо миллий бозорларни бошқа мамлакатлар ҳисобига кенгайтириш орқали меҳнат унумдорлигининг ўсишини таъминлайди;

- экспорт мамлакат иқтисодиёти учун ижобий омил ҳисобланади, чунки у ички бозорда сотилмаган ортиқча маҳсулотларни хорижга сотиш имконини беради;

- экспорт субсидиялари ички солиқлар ҳисобидан молиялаштирилади ва ички нархларнинг ошишига олиб келади. Шунинг учун уларни бекор қилиши керак.

А. Смит иқтисодий назарияга биринчи бўлиб «мутлақ афзаллик» тушунчасини киритди.

«Мутлақ афзаллик» («absolute advantage») – мамлакатлар мутлақ афзалликка эга бўлган (таннархи пастроқ бўлган) товарларни ишлаб чиқаришга ихтисослашади ва уларни экспорт қилади, бошқа товарларни (бошқа мамлакатлар мутлақ афзалликка эга товарларни) эса импорт қилади.

Бу назарияни тушунтириш учун “икки мамлакат – икки хил товар” моделидан фойдаланамиз. Фараз қилайлик, иккита мамлакат (Буюк Британия ва Португалия) ўзаро савдо алоқаларини ўрнатишмоқчи. Бу мамлакатлар фақат икки хил товар (мато ва вино) ишлаб чиқаришади. Бу товарларни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган меҳнат ресурсларининг меъёрлари қуйидаги жадвалда келтирилган.

2.1-жадвал

Мамлакатларнинг бир бирлик товар ишлаб чиқариш учун сарфлайдиган иш вақти

	Буюк Британия	Португалия
Вино (1л)	4 соат	3 соат
Мато (1м ³)	2 соат	3 соат

Жадвал маълумотларидан Буюк Британиянинг мато ишлаб чиқаришда мутлақ афзалликка эга эканлиги кўриниб турибди. Чунки Буюк Британияда 1 м²

мато ишлаб чиқариш учун 2 соат сарфланса, Португалияда 3 соат сарфлаш керак. Демак, бу маҳсулотнинг Буюк Британиядаги таннархи Португалиядагига нисбатан арзонроқ бўлади. Ўз навбатида, Португалия вино ишлаб чиқаришда мутлақ афзалликка эга. Чунки бу мамлакатда 1 л вино ишлаб чиқариш учун Буюк Британияга нисбатан 1 соат камроқ вақт сарфланади. Демак, А.Смитнинг “мутлақ афзаллик” назариясига биноан Буюк Британия мато ишлаб чиқаришга ихтисослашиши ва уни экспорт қилиши керак. Ўз навбатида, Португалия вино ишлаб чиқаришга ихтисослашади ва Буюк Британия бу маҳсулотни Португалиядан импорт қилади.

А. Смитнинг “мутлақ афзаллик” назарияси узоқ йиллар давомида кўплаб мамлакатларнинг ташқи савдо сиёсати стратегиясининг асосини ташкил қилди ва бу мамлакатлар эркин савдо сиёсатини юритди.

Мутлақ афзаллик назариясининг кучли томони шундаки, у меҳнатнинг қиймат назариясига асосланган ва меҳнат тақсимотининг яққол устунликларини нафақат миллий миқёсда, балки халқаро миқёсда ҳам кўрсатиб беради. Аммо халқаро савдони тушунтириб беришда унинг чекланганлиги ҳам яққол кўриниб туради.

Давид Рикардонинг классик «нисбий устунлик» назарияси.

“Мутлақ афзаллик” назариясида бир қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Хусусан, бу модель мутлақ афзалликка эга бўлмаган мамлакатнинг халқаро савдодаги иштирокини тушунтириб бера олмайди. Фараз қилайлик, Буюк Британия ва Португалия ўртасидаги савдода мато ва винони ишлаб чиқариш бўйича мутлақ устунлик Буюк Британияга тегишли бўлсин. Бу товарларни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган меҳнат ресурсларининг меъёрлари қуйидаги жадвалда келтирилган.

2.2-жадвал

Мамлакатларнинг бир бирлик товар ишлаб чиқариш учун сарфлайдиган иш вақти

	Буюк Британия	Португалия
Вино (1л)	2 соат	3 соат
Мато (1м ³)	2 соат	6 соат

Бундай шароитда мутлақ афзалликка эга бўлмаган мамлакатда ҳам халқаро савдода иштирок этишдан фойда олишини инглиз иқтисодчиси Д. Рикардо биринчилардан бўлиб исботлаб берган. Давид Рикардо (1772-1823) мамлакатнинг халқаро савдода иштирок этишидан оладиган фойдаси муқобил нарх билан бегиланишини исботлаган.

Бу назария у ёки бу товарларни ишлаб чиқаришда мутлақ устунлик бўлмаганда, мамлакатлар нима сабабдан ўзаро савдо олиб боришини тушунтириб бера олмайди.

Давид Рикардо мутлақ устунликлар назариясини ривожлантирди ва икки мамлакат ўртасида ўзаро савдо уларнинг ҳеч бири маълум бир товарни ишлаб чиқаришда мутлақ устунликка эга бўлмаганда ҳам фойдали бўлишини курсатиб берди.

Муқобил нарх («opportunity cost») бир бирлик товарни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган иш вақтининг бошқа бир бирлик товарни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган иш вақти билан ифодаланишидир.

Нисбий устунлик назарияси («comparative advantage») – агар бир мамлакат бошқа мамлакат билан солиштирганда, нисбатан камроқ харажатлар билан ишлаб чиқара оладиган товарларни ишлаб чиқаришга ихтисослашса, уларнинг бирида ишлаб чиқариш бошқасига нисбатан мутлақ самаралироқ бўлишидан қатъи назар ўзаро савдо ҳар икки мамлакат учун фойдали бўлади. Савдодан келадиган ютуқ («gains from trade») – мамлакатлар ўзлари нисбий устунликка эга бўлган товарларни ишлаб чиқаришга ихтисослашганда, савдода иштирок этувчи ҳар икки мамлакат бу савдодан оладиган иқтисодий наф.

Нисбий устунликлар назариясида жаҳон икки мамлакатдан иборат ва улар икки товар билан савдо қилади, деб фараз қилинган эди. Амалда эса бундай ҳолатнинг бўлиши мумкин эмас, албатта. Жаҳондаги мамлакатлар ичидан иккитасининг фақат икки товар билан ўзаро савдосини ўрганмоқчи бўлсак ҳам, бу савдони ушбу мамлакатлар ва бошқа мамлакатлар умумий савдосидан ҳамда жуда кўп миқдордаги товарлар орасидан ажратиб олишнинг имкони йўқ.

Нисбий устунлик назариясининг аҳамиятини баҳолаш жуда мушкул, албатта. У бир неча юз йиллар давомида халқаро савдони тушунтириб берувчи ва барча иқтисодий билимларга кучли таъсир ўтказа олган асосий назарияларнинг бири бўлиб қолди. Иқтисодиётдаги классик мактаб вакиллари томонидан қилинган кўп сонли ўзгартиришлар ва кенгайтиришлар билан нисбий устунлик назарияси амалда биринчи бўлиб жами талаб ва жами таклиф мувозанатини изоҳлаб берди. Товар қиймати уни ишлаб чиқаришга сарфланган меҳнат миқдори билан аниқланиши кўзда тутилган бўлса-да, нисбий устунлик назарияси товарнинг қиймати ушбу товарга ҳам мамлакат ичидаги, ҳам хориждаги жами талаб ва таклифнинг нисбати билан аниқланишини кўрсатиб берди.

Ишлаб чиқариш омиллари нисбати назариясидаги асосий гипотезалардан бири алоҳида олинган товарнинг меҳнат ёки капитал сифимлилиги ҳамда мамлакатларнинг ишлаб чиқариш омиллари билан бир хил таъминланмаганлиги ҳисобланади.

Д.С. Милл: ўзаро талаб назарияси. Инглиз иқтисодчиси Джон Стюарт Милл (1806-1873) классик мактабнинг сўнгги намояндаларидан бири деб қаралади. Унинг отаси Жеймс Милл (1773-1836) ҳам иқтисодчи бўлган ва ўғлининг тарбияси билан жиддий шуғулланган, натижада ёшлигидаёқ дастлабки тадқиқотлари эълон қилинди. Аммо 1848 йил босиб чиқарилган «Сиёсий иқтисод асослари» (5 жилддан иборат) китоби унга шуҳрат келтирди. Амалий ҳаётда Милл Ост-Индия компанияси билан боғланган эди (1858 й. ёпилган). 1865-1868 йиллар Парламент аъзоси бўлган.

Классик мактаб вакиллари каби иқтисодий ривожланишда «Қишлоқ хўжалиги имкониятлари» билан ҳисоблашмаслик мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Бойлик тўғрисида анча содда фикрда бўлиб, бойлик бу бозорларда

сотиб олинадиган ва сотиладиган нарсаларнинг суммаси сифатида қаралади. Миллнинг қиймат назариясида «алмашув, истеъмол қийматлари», қиймат ва бошқалардан ташқари, қиймат бир вақтда барча товарларда ўсиши мумкин эмас, деган қисқача хулосалар чиқарилади, чунки қиймат нисбий тушунчадир. Қиймат меҳнат туфайли юзага келиши ва биринчи даражали аҳамиятга эгаллиги таъкидланади.

Пул тўғрисидаги ғоясида миқдорий масала биринчи ўринга қўйилади, яъни пулнинг кўпайиши ёки камайиши товарларнинг нисбий баҳоси ўзгаришига таъсир этади. Капитал деганда, «аввалги меҳнат билан илгари тўпланган маҳсулотлар захира»лари тушунилади. Капитал жамғариш инвестиция учун асос ҳисобланади ва бандликни оширади, ишсизликнинг олдини олинади.

Минимал иш ҳақи ғоясига амал қилиб, «ишчи фонди» доктринаси илгари сурилади, унга кўра, синфий кураш ҳам, касаба кўмиталари ҳам иш ҳақини яшаш минимуми даражасида сақлашнинг олдини ола олмайди.

Эркин савдо муносабатлари («Laissez faire»)ни қўллаш билан бирга, «бозор кучсиз» айрим соҳаларда (инфратузилма, фан, қонунларни чиқариш, бекор қилиш ва ҳ.к.) давлат аралашуви керак деб ҳисобланади.

Энг муҳими Джон С. Милл «Сиёсий иқтисод тамойиллари» китобида Давид Рикардонинг савдо назарияси факатгина таклиф таҳлилига таяниб, таклифни инобатга олмаганлиги, шунинг учун ҳам у савдо шартларини аниқлаши мумкин эмаслигини таъкидлаб ўтган.

Юқоридаги камчиликлар С. Милл томонидан ўзаро талаб (иккитомонлама) назарияси орқали аниқ ифодалаб ўтилган. Бу назария савдо шартлари чегарасида ҳақиқий савдо шартлари икки давлатда ишлаб чиқариладиган товарларнинг бир-бирига бўлган талаби интенсивлиги орқали аниқланади.

Савдо шартлари мамлакатнинг экспорт тушуми ва импорт тўловлари ўртасидаги нархларнинг ўзаро боғлиқлигидир. Бу кўрсаткич экспорт бўйича барча нархлар индексининг импорт нархлари индексига бўлиниши ва уни 100 %га кўпайтириш орқали аниқланади.

Савдо шартлари = Экспорт нархлари индекси / Импорт нархлари индекси x 100.

А. Смит, Д. Рикардо ва Дж.С. Милл назарияларида халқаро савдода мамлакатнинг ўрнини аниқлаш учун фақат битта ишлаб чиқариш омили бор деб фарз қилинган. Бу назарияларда мамлакатнинг халқаро савдода эгаллаши мумкин бўлган ўрни улардаги меҳнат унумдорлиги билан белгиланган. Шу сабабли бу олимларнинг ишларини давом эттирганлар, халқаро савдони бир нечта ишлаб чиқариш омили мавжудлигида таҳлил этишга ҳаракат қилишган.

Хекшер-Олин, Самуэлсон назариялари ва Леонтьев парадокси.

Классик назарияларда турли мамлакатлардаги товарларни ишлаб чиқариш учун ҳар хил, мутлақ ва нисбий меҳнат харажатлари халқаро савдосининг асослари деб таъкидланади. Бироқ меҳнат харажатларидаги фарқларнинг сабаблари нимада, деган савол туғилиши табиийдир.

Классик мактаб асосчиларининг давомчилари сифатида неоклассик иқтисодчилари халқаро савдо-сотикни ишлаб чиқариш омиллари орқали тадқиқ қилишган. Халқаро савдо назариясидаги янги ютуқ фақат 1920-1930 йилларнинг ўрталарида неоклассик иқтисодчилар томонидан, швед иқтисодчиси Эли Хекшер ва унинг талабаси Бертил Олин томонидан яратилган. Кейинчалик бу назария Хекшер-Олиннинг ишлаб чиқариш омиллари нисбати назарияси сифатида деб атала бошланган.

Ушбу халқаро савдо назарияси, нисбий баҳолардаги фарқлар турли мамлакатларнинг ишлаб чиқариш омиллари билан боғлиқлигини, шунингдек, мутлақ ва қиёсий устунлик назариясини ҳисобга олган ҳолда, кўпгина тахминларга асосланади. Уларнинг аксарияти мутлақ ва қиёсий устунлик назариясидаги тахминларига ўхшаш.

Ишлаб чиқариш омилларининг нисбати назарияси, аввалгидек, фақат иккита мамлакат (1-чи ва 2-чи мамлакатлар) ва улардан иккита (1-чи ва 2-чи товар) товар амашувида асосланган. Лекин улардан бири меҳнат, бошқаси капитал сиғимли товарлар, яъни иккита ишлаб чиқариш омили (меҳнат – L ва капитал – K) намояндалари.

Маълумки, мамлакатларнинг ҳар бири ишлаб чиқариш омилларининг турли даражаларига эга. Меҳнат билан ўлчаш назарияси рад этилмайди, лекин ишлаб чиқаришнинг бошқа омиллари меҳнатдан ташқари қиймат яратишда иштирок этиши фикри билан тўлдирилади. Ишлаб чиқариш омиллари нисбати назариясининг энг муҳим тахминларидан бири айрим товарларнинг хилма-хиллиги (биринчи товар – кўпроқ меҳнат талаб қиладиган, иккинчи капитал – сиғимли) ва айрим мамлакатларнинг турли омиллар билан тўлдирилиши (бир мамлакатда капиталнинг нисбатан катта бўлиши, бошқасида у нисбатан кичикроқ).

Ҳар икки мамлакатда ҳам 1-чи ва 2-чи товарларга бўлган талаб бир хил бўлса, ҳар бир таърифни қўллаш натижалари бир хил бўлади: чунки капиталнинг жами суммасининг 2-чи мамлакатда умумий меҳнатга нисбати 1-чи мамлакатда ва 2-чи мамлакатда капиталнинг нархи 1-чи давлатга қараганда нисбатан пастроқдир. Кейин 2 давлат иккала тавсиф учун ҳам сармоядор мамлакат деб ҳисобланиши мумкин. Агар биз 2 та товарга бўлган талаб капитални талаб қиладиган нарса деб ҳисобласак ва шунинг учун 2-чи мамлакатда капиталга бўлган талаб мамлакатда нисбатан юқорироқ бўлса, унда 2-чи мамлакатда капиталнинг нисбий баҳоси 1-чи мамлакатга нисбатан анча юқори бўлади (капиталнинг нисбатан катта ҳажмига эга бўлишига қарамадан). Бундай ҳолатда 2-чи даража мутаносиб равишда иккинчи таъриф билан капиталнинг ортиқча қисми деб ҳисобланадиган бўлади, лекин нисбатан қиёсий нархларга асосланган биринчи тавсифга кўра меҳнатга қудратлидир, чунки меҳнат нисбатан арзон бўлади. Мамлакатнинг омили тўйинганлигини аниқлашда бундай қарама-қаршиликларга йўл қўймаслик учун биринчи белгилардан бошлаб тегишли хулоса қилиш керак.

2.2. Ишлаб чиқаришнинг турли омиллари ва ишлаб чиқариш омиллари учун нархларни тенглаштириш (Хекшер-Олин-Самуэлсон назарияси)

Халқаро савдо учун асос сифатида ишлаб чиқариш омилларини турли хил таъминлаш назарияси иккита бир-бирига боғлиқ бўлган назариялар шаклида ифодаланиши мумкин: Хекшер-Олин назариялари ва ишлаб чиқариш омиллари учун тенг нархнинг назариялари.

Хекшер-Олин назарияси – ҳар бир мамлакат нисбатан кўп ишлаб чиқариш омиллари бўлган омилларни талаб қилувчи маҳсулотларни экспорт қилади ва ишлаб чиқариш омилларининг нисбий етишмовчилиги мавжуд бўлган товарларни импорт қилади.

Юқорида кўрсатилган нисбатларга асосан 1-чи мамлакатни ишлаб чиқарадиган ва экспорт қиладиган маҳсулотларни 1-чи турдаги товарлар, чунки у нисбатан меҳнатга қодир ва меҳнат бу мамлакатда нисбатан ортиқча ишлаб чиқариш омилидир. 2-чи мамлакат 2-чи турдаги товарларни ишлаб чиқаради ва экспорт қилади, чунки у нисбатан катта сармоя талаб қилади ва капитал бу мамлакатда нисбатан ортиқча омил ҳисобланади. Нисбатан ортиқ ишлаб чиқариш омиллари эгалари савдодан фойда кўришади, ишлаб чиқарувчиларнинг етишмаслиги сабаблари кам. Шундай қилиб, Хекшер-Олин назарияси классик қиёсий устунлик назариясидан анча қадам ташлайди: савдо-сотикнинг солиштирма устунликларга асосланганлигини англамайди, шунингдек, таққослама афзалликларга сабаб бўлади – мамлакатларнинг диққат-эътибори, ишлаб чиқаришнинг асосий омиллари (меҳнат, капитал ва ер). Турли мамлакатлардаги товарларнинг нисбатан баҳосидаги фарқ ва шунинг учун улар ўртасидаги савдо-сотик, уларнинг ишлаб чиқариш омиллари билан ҳар хил таъминлангани билан изоҳланади.

Шундай қилиб, ишлаб чиқариш омилларининг нисбий нархи савдоларнинг мавжуд бўлмаганда нисбий баҳосидаги фарқларнинг сабаби бўлиб, бу, ўз навбатида, ўзаро савдо учун зарур шарт-шароит ҳисобланади. Бошлангандан сўнг, ҳар бир мамлакат нисбатан омилкор ишлаб чиқариш омиллари бўлган омилларни талаб қилувчи маҳсулотларни экспорт қилади ва ишлаб чиқариш омилларининг нисбий етишмаслиги бўлган товарларни импорт қилади. 1-чи давлат томонидан истеъмол қилинадиган меҳнат қуввати 1 товарни, 2 мамлакатдан экспортга сарфланган капитални бойитадиган ИИ товарни импорт қилиш натижасида, иккала мамлакат иккала товарни истеъмол қилиш ҳажмини кўпайтирди. Шу билан бирга, ҳар икки мамлакатда истеъмолнинг ўсиши савдолардан даромад олган нисбатан ортиқча ишлаб чиқариш омилларига эгалик қилди.

Савдо натижасида савдо билан боғлиқ товарлар нисбий баҳолари яқинлашиб қолди. Аммо товарларнинг нисбатан баҳоси ишлаб чиқариш омиллари ва уларнинг нисбий баҳосидаги мамлакатларнинг даражасига боғлиқ деб тахмин қилинган бўлса, табиий савол туғилади: товарларнинг баҳосини фактор баҳосига мувозанатлашнинг тескари таъсири қандай? Бошқа сўз билан айтганда, агар меҳнат талаб қиладиган товарнинг нисбий баҳоси ўзгариб

бораётган бўлса, меҳнатга яроқли мамлакатдаги меҳнатнинг нисбий баҳоси бу маҳсулотни ўзгартириш ва ўзгаришларни қандай қилиб ўзгартиради? Агар савдони амалга ошириш натижасида капиталга асосланган товарнинг нисбий баҳоси ўзгариб кетса, капиталга бой мамлакатда капитал ўзгаришининг нархи қандай бўлади?

Бу саволга Америка иқтисодчиси Пол Самуэлсон жавоб берди. Хекшер-Олин назариясининг тўғрилигига асосланиб, у ўзининг исботини ишлаб чиқариш омиллари нархини ёки Хекшер-Олин-Самуэлсон назариясини тенглаштириш деб атади.

Яъни ишлаб чиқариш омилларига тенглаштириш назарияси (Хекшер-Олин-Самуэлсон назарияси) халқаро савдода иштирок этувчи мамлакатларда бир хил омил ишлаб чиқариш омиллари учун мутлақ ва нисбий нархларни тенглаштиришга олиб келади.

Оддий нуқтаи назардан товарларга нисбий нархларни тенглаштириш нисбий баҳоларни ва ушбу товарларни ишлаб чиқарадиган ишлаб чиқариш омилларини тенглаштиришга олиб келади. Капиталнинг бир хиллиги бир хил самарадорлик ва хавф билан тавсифланган капитал маблағларини англатади, меҳнатнинг бир хиллиги бир хил таълим, таълим ва самарадорлик даражасида англатади. Ушбу назариянинг ҳақиқийлиги Хекшер-Олин назарияси учун юқоридаги тахминларнинг барчаси қатъий риоя қилишни талаб қилади.

Назариянинг мантиқий исботи қийин эмас. Дастлабки шартларга кўра, товар мавжуд бўлмаган тақдирда, 1-чи товарнинг нисбий нархи 1-чи мамлакатда 2-чи мамлакатга нисбатан пастроқ бўлади, чунки мамлакатда меҳнатга оид нисбий нарх ёки шунга ўхшаш иш ҳақи камроқ. Савдо натижасида 1-чи мамлакатда кўп меҳнат талаб қиладиган товарлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштира бошлайди ва 2-чи товарларни ишлаб чиқаришни камайтиради, чунки бу капиталнинг кўпайиши билан боғлиқ. Натижада меҳнатга бўлган талабнинг ошиши иш ҳақининг ошишига олиб келади, капиталнинг нисбатан талаби (капитални кўпайтирадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун) камаяди, бу капитал нархининг (фоиз ставкасининг) пасайишига олиб келади. Иккинчи мамлакат учун эса аксинча бўлади. Капитал захиралар ишлаб чиқаришга ихтисослашгани сабабли капиталнинг кўтарилишига бўлган талаб ошиб, унинг нархини фоиз ставкаси билан ифодалайди ва меҳнатга бўлган талаб пасайиб, нарх-навонинг пасайишига олиб келади. Шундай қилиб, иш ҳақи нисбатан паст бўлган 1-чи мамлакатда савдонинг натижаси ўлароқ, 2-чи мамлакатда нисбатан баланд бўлган даража камаяди. Худди шундай, нисбатан юқори фоиз ставкаси бўлган мамлакатда ҳам тушади, лекин 2-чи мамлакатда нисбатан паст бўлган жойда фоиз кўпаяди.

Шундай қилиб, ишлаб чиқариш омиллари баҳосидаги мамлакатлар ўртасидаги фарқ пасаяди. Товарларнинг халқаро савдоси, шунинг учун ишлаб чиқариш омилларининг қийматига тесқари таъсирида, ишлаб чиқариш омилларининг халқаро ҳаракатидан, мамлакатлар ўртасида келиб чиқадиган нархни тартибга солиш ўрнини босади. Назарий жиҳатдан халқаро савдо ишлаб чиқариш омилларининг нисбий баҳосида ҳеч қандай фарқ йўқ бўлса,

ривожланиши мумкин. Яъни нисбий нархларда мамлакатлар ўртасида мувозанат бўлса, демак, бу мамлакатлардаги ишлаб чиқариш омилларининг нисбий баҳоси ҳам мувозанатлидир.

Шундай қилиб, назариянинг исботи шуни кўрсатадики, халқаро савдода бир хил меҳнат турлари учун тўланадиган иш ҳақининг мутлақ даражаси ва савдоларда худди шундай капиталга тўланадиган фоиз ставкаси йиллар мобайнида бирхилланиш трендига эга.

2.3. Леонтъев парадокси ва унинг изоҳи

Ишлаб чиқариш омиллари нисбати, унинг барча камчиликлари ва мутлақ мавҳум табиатига қарамасдан, бугунги кунгача халқаро савдони ривожлантиришни тушунтириб берадиган назариялардан бири бўлиб қолмоқда. Шу боис бу жуда кўп миқдорда статистика маълумотлари ва турли мамлакатлар, товар ва ишлаб чиқариш омиллари бўйича кўп марта эмпирик текширувларга дуч келиниши ажабланарли эмас.

Эмпирик тест натижалари ҳам назарияни қисман тасдиқлади ва қисман рад этди. Яккаҳонликнинг аниқлиги ва тўғрилигига қарамай, Хекшер-Олин-Самуэлсоннинг хулосалари биринчи бор 1953 йилда америкалик рус олими Василий Леонтъев томонидан амалга оширилган.

В. Леонтъев бир нечта эмпирик тестлар орқали Хекшер-Олин назариясининг амалда кузатилмаганлигини кўрсатди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Америка Қўшма Штатлари бошқа давлатларга қараганда нисбатан юқори иш ҳақи бўлган ва тўйинган мамлакатлардан бири деб ҳисобланган, шунинг учун назарий жиҳатдан улар сармоявий юкларни экспорт қилишлари керак эди. Ушбу гипотезани синаб кўриш учун Леонтъев 1 млн. долларлик экспортга мўлжалланган товарларни ишлаб чиқариш учун қанча капитал ва меҳнат талаб этилишини ва 1 млн. долларлик маҳсулотларни импорт товарлари билан бевосита рақобатлаштирган ҳолда ҳисоблаб чиқди. Ҳар бир саноат учун автомобиллар каби тайёр маҳсулотлар билан чекланмаган капитал ва меҳнат бирлигига сарфланган харажатларни ҳисоблаб чиқди, шунингдек, оралик маҳсулотлар (пўлат, шиша, каучук) учун тегишли ҳисоб-китобларни амалга оширди. Кейинчалик 1947 йилда АҚШ экспортининг статистик тузилмасидан фойдаланиб, у экспорт товарларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган капитал ва меҳнат харажатларини 1 млн. АҚШ долл.да ишлаб чиқарилган товарларни ташқарига чиқариб юборилган, В. Леонтъев ўша йили АҚШнинг тўғридан-тўғри импорт ўрнини босадиган Америка товарларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган капитал ва меҳнат нисбатларини ҳисоблаб чиқди.

В. Леонтъев, Хекшер-Олин назариясига мувофиқ, ҳисоб-китоблар АҚШ экспорт маҳсулотларини тўғридан-тўғри импорт ўрнини босадиган америка молидан (аслида америка импортидан) кўра ишчи учун кўпроқ сармоя талаб қилишини кутади. Натижа аксинча бўлди: АҚШ импортининг сармоявий интенсивлиги экспортга қараганда 30 %га юқори бўлди, бу АҚШнинг капитал интенсив мамлакат эмаслигини исботлайди. Яъни Хекшер-Олин назариясининг нотўғрилигини кўрсатади.

Иккинчи жаҳон уруши статистик маълумотларда кучли бузилишлар туфайли бўлганми ёки йўқми деб, В. Леонтьев 1951 йилги ҳисоб-китоблар асосида ушбу текширувларни такрорлади. АҚШ импорти экспортга қараганда яна сармоя интензивлиги сақланиб қолади, лекин фақатгина 6 %га.

Леонтьевнинг издошлари 1962 йил учун ҳамма нарсани ҳисоблаб чиқдилар. Бунинг натижаси янада чигаллашди: АҚШ импорти экспортга қараганда 27 фоиз кўпроқ капитал интензив товарларни ташкил этди. Бошқа мамлакатлар учун ҳисоб-китоблар қилинган. 1950 йилларда аниқ меҳнатга лаёқатли мамлакат бўлган Япония, сармоядорлар учун катта ҳажмдаги маҳсулотларни экспорт қилди. Ҳиндистон катта меҳнат ресурслари билан бутун меҳнатга қобилиятли маҳсулотларни экспорт қилди, аммо АҚШга экспорт қилиш катта маблағ сарфлади! Натижалар халқаро савдога оид олдиндан мавжуд неоклассик ғояларни ағдариб ташлаган ва улар “Леонтьев Парадокси” номи билан иқтисодий фан тарихига кирганлиги кутилмаган эди.

Леонтьев парадокси, Хекшер-Олин ишлаб чиқариш омилларининг нисбати назарияси амалда тасдиқланмаганлигидан далолат берди: меҳнат кучига бой мамлакатлар капитал кўпроқ талаб этиладиган маҳсулотлар экспорт қилса, капиталга бой мамлакатлар эса кўпроқ меҳнат талаб этадиган маҳсулотларни экспорт қилади.

Бир неча бор Хекшер-Олин назарияси иқтисодчилар кўплаб мамлакатлар учун замонавий электрон ҳисоблаш техникаси ёрдамида кўп экспорт-импорт маҳсулотлари таркибини текшириш синовидан ўтказдилар. Энг жиддий синов 1987 йилда америкаликлар Г. Боуен, Э. Лимер ва Л. Свекаукас томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, у 27 та мамлакат учун ишлаб чиқилган 12 та омил бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширди. Натижада: ишлаб чиқариш омилларининг назарияси асосида 2/3 қисми амалга ошган. Қолганлари эса Хекшер-Олин нуқтаи назаридан қарама-қарши натижаларга эга бўлган.

2.4. Леонтьевнинг парадокси ҳақидаги замонавий тушунчалар

Кўпчиликнинг бундай фикрларни кескин рад этиши тушунтиришни талаб қилди. Мунозара Хекшер-Олин назариясининг тўғри эканлигини ва Леонтьевнинг натижалари нотўғри эканини исботлашга уринишларга асосланган. Леонтьевнинг парадоксига қарши келтирилган далиллардан баъзилари:

1. Иш кучини малакали ва малакасиз меҳнатга ажратиш ва ҳар бир гуруҳнинг экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун алоҳида харажатларини ҳисоблаш керак. Америкалик олим Доналд Кайсинг, 1966 йилда чоп этилган тадқиқотда, ишчиларни “олимлар ва муҳандислардан” бошлаб “малакасиз ишчилар”га қадар малака даражасига кўра 8 хил тоифага бўлган. АҚШ таълим харажатларини ҳисобга олган ҳолда капитал сифатида қаралиши мумкин бўлган малакали меҳнат кучи маҳсулотларини экспорт қилади, деган хулосага келган.

2. АҚШ йирик хомашёларни импорт қилади, уларнинг қазиб олиниши катта капитал харажатларни талаб қилади. Шунинг учун, агар экспорт

товарлари катта миқдордаги сармоя талаб қиладиган хомашё талаб қиладиган бўлса, бу АҚШ экспортининг сармоявий ҳажмини оширади. Америкалик бир қатор олимлар, шу жумладан, америкалик Жеймс Ҳартиган Леонтьевнинг ўша йиллардаги маълумотларга асосланган ҳисоб-китобларини такрорлади, лекин катта миқдордаги хомашёларга жуда боғлиқ бўлган ишлаб чиқаришларни четлаб ўтди. Парадокс йўқ бўлиб кетди, Хекшер-Олин назарияси адолатли эканини исботлади.

3. Леонтьев тести америка саноатининг меҳнатга қудратли саноатини чет эл рақобатидан ҳимоя қилиш учун яратилган АҚШ импорт тарифини ҳисобга олмайди, бу эса меҳнат талаб қиладиган товарлар импортига тўсқинлик қилмоқда. Америкалик иқтисодчи Роберт Балдуиннинг 1971 йилда олиб борган қайта ҳисоб-китобларига кўра, тариф факторини бартараф қилиш Леонтьев парадоксининг таъсирини 5 %га қисқартиради, аммо уни бутунлай йўқ қилмайди.

4. Америкаликларнинг таъби ва имтиёзлари анъанавий равишда мамлакатнинг ўзи капитал билан яхши таъминланганлигига қарамай, чет элдан сотиб олинadиган сармоявий технология маҳсулотларига қаратилган. Бу аслида бутун Хекшер-Олин назариясининг бошланғич иншоотларидан бирининг рад этилиши ва ишлаб чиқариш омилларининг нисбатларига қараганда бошқа сабабларга кўра халқаро савдони тушунтиришга уриниш деганидир.

5. Ишлаб чиқариш омилларининг тескараси: ишлаб чиқариш омилларининг ўзаро мослашувчанлиги шароитида юзага келиши мумкин бўлган, капиталнинг ортиқча мамлакатда бир хил тоифадаги меҳнатга қудрати юқори бўлган давлатда ва капитал сиғимида кўп меҳнат талаб этилади. Мисол учун, Америка Қўшма Штатларидаги ишлаб чиқарилган гуруч илғор технология асосида ишлаб чиқарилганлиги сабабли капитал интенсив бўлган маҳсулотдир. Вьетнамда ортиқча ишлаб чиқарилган гуруч меҳнат кучига интенсив маҳсулотдир, чунки у деярли фақат қўл меҳнати билан ишлаб чиқарилади.

Бу кўшимча далиллар халқаро савдонинг умумий назарияси ҳақида маълумот беради. Тўғри, айрим тадқиқотчилар, одатда, классик Рикардо моделига қайтишни таклиф қилишди, чунки халқаро савдони ишлаб чиқариш омилларини етказиб беришдаги фарқ билан эмас, балки ҳар бир савдо мамлакатда мавжуд бўлган технология фарқлари билан тушуниш мумкин бўлган қиёсий устунлик назарияси учун асос бўлиб хизмат қилади. Ҳақиқатан ҳам, АҚШ самолёт ва компьютерларни экспорт қилмоқда, чунки улар бу соҳада автомобиль ёки пўлат ишлаб чиқаришга қараганда яхшироқ, чунки улар илғор технологияларга эга. Тўғри, бундай ёндашув иқтисодчиларнинг муҳим тадқиқотлари мавзуси бўлган мамлакатлар ўртасида технологияларни тақдим этишдаги фарқни тушунмасдан қолдиради. Хекшер-Олин назарияси кейинги кўшимчалар билан бир қаторда, халқаро савдони таҳлил қилишнинг асосий воситаларидан бири ва даромадларни тақсимлаш ва қайта тақсимлашдаги таъсирдан бири бўлиб қолмоқда.

Шундай қилиб, кўплаб ампирик тестлар Хекшер-Олиннинг ишлаб чиқариш омиллари нисбати назариясига қўйилди. Леонтьевнинг парадокси назарияга қарама-қарши мамлакатларнинг ортиқча капитал интенсив маҳсулотларини экспорт қилишидир. Бироқ Леонтьевнинг парадокси кўплаб саволларни жавобсиз қолдирди ва ишчиларнинг малакасини ҳисобга олган ҳолда ва кўплаб ишлаб чиқариш омилларини қамраб олган кўплаб нозик тестлар ишлаб чиқариш омиллари нисбати назариясининг ҳақиқийлигини тасдиқлади. Шунинг учун Леонтьев парадокси Хекшер-Олин назариясини амалда қўллашдан жиддий огоҳлантириш сифатида хизмат қилишда давом этиши мумкин. Бироқ шунга қарамасдан, назариянинг ўзига хос мавҳум табиатига қарамасдан, халқаро савдони, айниқса, ривожланган ва ривожланаётган давлатлараро алоқаларини таҳлил қилиш учун иқтисодий воситалар курилишида жуда муносиб жой эгаллаб келмоқда.

2.5. Халқаро савдонинг замонавий назариялари

Классик назарияларга муқобил янги назариялар таклиф эта олган иқтисодчилар XX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлди. Аввалги параграфларда халқаро савдо бўйича классик ва неоклассик назариялар кўриб чиқилиб, унда халқаро савдо, асосан, таклиф жиҳатидан таҳлил қилинди.

Назариянинг чекланганлиги ва ноанъанавий ёндашувлар. Классик ва неоклассик назарияларнинг умумий заиф томони шундаки, улар амалиёт билан тасдиқланиши учун кўплаб чеклов ва тахминларга амал қилиш талаб этилади. Воқеликда эса “соф тажриба”ни камдан-кам ҳолатларда амалга ошириш мумкин. Халқаро савдо назариялари асосланувчи кўплаб тахминларни таъминлаш учун сатистик маълумотларни кўплаб хусусиятлардан тозалашга тўғри келади.

Кўплаб ва жуда мураккаб хатолар натижасида зарур статистикани олишга эришилганда ҳам назарияларни эмпирик текшириш, масалан, Леонтьев парадокси ҳолатидаги сингари уларнинг ҳақиқат эканини доим ҳам тасдиқламайди. Шунинг учун XX асрнинг иккинчи ярмидаги иқтисодчилар халқаро савдонинг турли жиҳатларини изоҳловчи янги назарияларни фаол излашни давом этдилар. Янги назариялар классик назариялардан узоқлашган ҳолда қуйидаги йўналишларни акс эттиради:

- классик назария принципларини катта миқдордаги товарлар, мамлакатлар ва ишлаб чиқариш омилларига қўллаб, ўзгарувчилар миқдори ўзгаришига қарамай, назариянинг асосий қоидалари (ишлаб чиқаришга хос омиллар назариялари) тўғри бўлиб қолиншинини кўрсатган ҳолда уларни ривожлантиради;

- умуман, классик назарияларнинг тўғри эканлигини шубҳа остига қўймай, муаллифлар томонидан атайин қилинган тахмин ва мавҳумликлар ёхуд назариянинг ўзидаги камчиликлар туфайли халқаро савдонинг айрим жиҳатларини ўрганади. Замонавий иқтисодчилар янги моделлар ишлаб чиқиб, қатор назарияларни исботладилар, улар очиқ классик назариялар (халқаро савдо даромадларини тақсимлаш назарияси, кесишувчи талаб назарияси) қолдирган кўплаб саволларга жавоб топиш имконини берди;

- ниҳоят, баъзи янгича назарияларга кўра, классик назариялар замонавий халқаро савдони изоҳлаб бера олмайди ва янги назарияларга (тармоқдаги халқаро савдо модели, халқаро савдонинг динамик моделларига) алмаштиришга муҳтож.

Замонавий ёндашувлар. Агар мутлақ афзалликлар назарияси, киёсий афзалликлар назарияси ва ишлаб чиқариш омиллари нисбати назарияси кўрсатиб ўтилса, у ҳолда ҳозирги иқтисодчилар томонидан классик ва неоклассик назариянинг ривожлантирилиши қуйидаги кўринишга эга бўлади. Замонавий халқаро савдони изоҳлаш учун классик назарияни бирмунча ривожлантириш етарли, лекин баъзи ҳолатларда мутлақо янги назариялар талаб этилади.

Янги ёндашувлар, асосан, халқаро савдони таклиф жиҳатидан ривожлантиради ва кўпинча мутлақ киёсий устунликлар бўйича Смит-Рикардо классик назарияси ва ишлаб чиқариш омиллари бўйича Хекшер-Олин назарияси мавзуларига вариантларни намоён этади. Умуман, сотилувчи товарларни ишлаб чиқариш омиллари ва савдо қилувчи мамлакатлар сони иккитадан ортганда ҳам, савдода транспорт таркибий қисмини ҳисобга олишда тарифлар ва савдо йўлида бошқа тўсиқлар мавжудлигида, турли мамлакатларда истеъмолчиларнинг афзалликларини фарқлар мавжудлигида ҳам классик назариялар ишлашда давом этади.

Ишлаб чиқаришга хос омиллар назариялари, Столпер-Самуэлсон назарияси ва Рыбчинский назарияси, ўзаро талаб назарияси, ишлаб чиқариш омиллари қаршилиги назарияси, нархларни ишлаб чиқариш омилларига тенглаштириш назарияси ва бошқа назариялар классик назарияларни рад этмай, балки унинг айрим йўналишларини ривожлантиради. Бундан ташқари янгича назарияларнинг бу гуруҳини ўзи ҳосил бўлган классик назариянинг тўғрилиги шартидан келиб чиққан ҳолда исботлаш мумкин.

Ниҳоят, халқаро савдо, тармоқдаги савдо ва такомиллашмаган рақобатда товарнинг ҳаёт даври, технологик ривожланиши ва миқёси самараси назариялари ва баъзи бошқа назариялар халқаро савдони изоҳлашда классик назариядан фарқли ўларок, мутлақо янги ёндашувларга амал қилади. Улар классик моделлар яратилган пайтда мақбул бўлиб, лекин ҳозирги кунда замонавий эмас ва халқаро савдонинг мураккаб тузилмасини изоҳлай олмайди деб, деярли рад этади.

Агар классик назарияни ривожлантирувчи ёки ундан келиб чиқувчи халқаро савдо бўйича янги назарияларда халқаро савдо, асосан, товарлар таклифи жиҳатидан кўриб чиқилса, классик назарияни рад этувчи янгича назарияларда халқаро савдодаги талаб ва таклифга тенг даражада эътибор қаратилади.

Демак, халқаро савдо бўйича янги назариялар ёхуд классик назария принципларини катта миқдордаги товарлар, мамлакатлар ва ишлаб чиқариш омилларига қўлланган ҳолда уни ривожлантиради ёхуд халқаро савдонинг классик назария орқали изоҳланмай қолган айрим томонларини ўрганади. Янгича назарияларнинг бу икки гуруҳи халқаро савдони, асосан, товарлар

таклифи жихатидан кўриб чиқади. Назарияларнинг учинчи гуруҳи классик назарияларни эскирган дея эълон қилиб, умуман, рад этади ва халқаро савдо бўйича ўз таърифини таклиф этади. Бу гуруҳдаги назарияларда халқаро савдодаги товарларга талаб ва таклифга тенг даражада эътибор қаратилади.

Ўзига хос ва ҳаракатчан омиллар. Ишлаб чиқаришнинг ўзига хос омили асосида халқаро савдо бўйича назарий асос яратилганига ҳали кўп бўлмади.

Қиёсий афзалликлар назарияси ҳамда ишлаб чиқариш омиллари нисбати назарияси шундай шартдан келиб чиқадики, мамлакатлар орасида эмас, тармоқлар орасида эркин жойлаша олувчи ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланган. Қиёсий устунликлар назарияси ҳолатида бундай омил меҳнат ҳисобланиб, унга кўп ҳақ тўланувчи тармоқларга ҳеч қандай чекловсиз ўтиб боради. Ишлаб чиқариш омиллари нисбати назариясида тармоқлар ўртасида ҳаракатлана олувчи икки омил (меҳнат ва капитал) ҳаракати деб тахмин қилинган.

Бироқ мавжуд оламда омилларнинг иложи борича қисқа муддатдаги тўлиқ ҳаракати унча аниқ эмас, масалан, машинасозликда фойдаланилувчи табиий ресурслардан қишлоқ хўжалигида осонлик билан фойдаланишнинг иложи йўқ, чунки пўлат эритувчи ускуналарда моддийлаштирилган капиталдан ҳам буғдой етиштиришда дарҳол фойдаланиш мумкин эмас. Бу ерда ҳаққоний савол юзага келади: агар ишлаб чиқаришнинг маълум қисми ҳаракатчан бўлмай, тармоқлар ўртасида ҳаракатлана олмаса, яъни фақат ушбу тармоққа хос бўлса, халқаро савдо қандай ривожланади?

Бу саволга америкалик иқтисодчилар Пол Самуэлсон ва Роналд Джонс 1971 йилда чоп этилган тадқиқотларида жавоб берганлар. Улар ишлаб чиқаришга хос омиллар моделида тармоқлар ўртасида ҳаракатланувчи ҳамма омилларни ҳаракатчан омилларга, маълум тармоқларга хос омилларни эса ўзига хос омилларга ажратганлар. Мамлакатларнинг ишлаб чиқариш омилларига турлича бўлиниши товарларни нисбий таклиф этиш ва уларнинг нархлари нисбий белгиланишига сабаб бўлади, бу ҳолат мамлакатларни ўзаро савдо қилишга ундайди.

Халқаро савдо натижасида экспорт тармоғига хос омиллар ривожланади, импорт билан рақобатлашувчи тармоққа хос омиллар эса қисқариб боради. Ҳаракатчан омиллар бу тармоқлар ўртасида эркин ҳаракатланган ҳолда ёхуд ривожланиши ёхуд қисқариши мумкин. Халқаро капитал ҳаракати мавжуд эмаслигида мамлакатдаги импорт ҳажми жорий нисбий нархларда экспортдан олинган даромадлар билан чекланади.

Қиёсий устунликлар моделидан маълумки, 1-чи ва 2-чи товарларнинг нархларидаги ҳар қандай ўзгариш уларнинг нисбий нархи ўзгаришига сабаб бўлади. Бироқ товарлардан бирининг нархи ўзгариши ёки иккала товарнинг нархи номутаносиб ўзгариши нисбий нарх ўзгаришига сабаб бўлади. Бир мамлакатдаги товарнинг нисбий нархи бошқа мамлакатдаги шундай товарга нисбатан ҳар қандай ўзгариши улар ўртасида савдо ривожланишига шароит яратади.

Нисбий нархлардаги фарқлар савдонинг асоси ҳисобланади. Нисбий нархлар ҳар бир мамлакатдаги товарга нисбий талаб ёхуд уларнинг нисбий таклифи жиҳатидан фарқланиши мумкин. Хекшер-Олин назариясидан келиб чиққан ҳолда ўзига хос омиллар назарияси шундан келиб чиқадики, биринчи ва иккинчи мамлакатдаги товарларга талаб бир хил бўлиб, фақат таклиф фарқланади. Таклифдаги фарқлар мамлакатларнинг ишлаб чиқариш омиллари билан бир хилда таъминланмаганликдан келиб чиқади.

Халқаро капитал ҳаракати шароитида бюджетдаги чекловлар («budget constraints») жорий нисбий нархларда экспортдан олинган даромад орқали мамлакатдаги импорт ҳажми чекланишини намоён этади.

Демак, ўзига хос омиллар моделида тармоқлар ўртасида ҳаракатланувчи ҳамма омиллар ҳаракатчан омилларга, маълум тармоқларга хос омиллар эса ўзига хос омилларга ажратилади. Мамлакатларнинг ишлаб чиқариш омилларига турлича бўлиниши товарларни нисбий таклиф этиш ва уларнинг нархлари нисбий белгиланишига сабаб бўлади, бу ҳолат мамлакатларни ўзаро савдо қилишга ундайди.

Халқаро савдо натижасида экспорт тармоғига хос омиллар ривожланади, импорт билан рақобатлашувчи тармоққа хос омиллар эса қисқариб боради. Экспорт тармоқларига хос омиллар соҳибларининг даромадлари ошади, импорт билан рақобатлашувчи тармоқларга хос омил соҳибларининг даромадлари қисқариб боради. Ҳаракатчан омиллар бу тармоқлар ўртасида эркин ҳаракатланган ҳолда ёхуд ривожланиши ёхуд қисқариши мумкин.

Халқаро капитал ҳаракати мавжуд эмаслигида мамлакатдаги импорт ҳажми жорий нисбий нархларда экспортдан олинган даромадлар билан чекланади.

Ишлаб чиқаришнинг мутлақ ва қиёсий сарф-харажатлари назариясидан ташқари халқаро савдонинг ҳамма назариялари учун савдо натижасида даромадларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш масаласи муҳим ҳисобланади. Хекшер-Олиннинг ишлаб чиқариш омиллари нисбати назариясига кўра, нисбатан ортиқча ишлаб чиқариш омиллари эгалари савдода яхши даромад оладилар, нисбатан етарли бўлмаган ишлаб чиқариш омиллари эгалари эса ютқазадилар.

Хекшер-Олин-Самуэлсоннинг нархларни ишлаб чиқариш омилларига тенглаштириш назарияси далолат берадики, савдо натижасида нисбий нархларни товарларга тенглаштириш нисбий нархларни ишлаб чиқариш омилларига ҳам тенглаштиришга олиб келиб, улар ёрдамида бу товарлар ишлаб чиқарилган ва мос равишда, ишлаб чиқариш омиллари эгаларининг даромадларини тенглаштиради. Агар савдо ишлаб чиқаришнинг ўзига хос омилларига асосланса, у ҳолда Самуэлсон-Жонс назариясига кўра, экспорт тармоқларига хос омиллар эгаларининг даромадлари ортиб боради ва импорт билан рақобатлашувчи тармоқларга хос омил эгаларининг даромадлари қисқаради.

Столпер-Самуэлсон назариясига кўра, товар нархи ошиши уни ишлаб чиқариш учун тезкор фойдаланилувчи омил нархи ошишига олиб келади.

Рыбчинский назариясига кўра, ишлаб чиқариш омиллари ҳажми ошиши бу омил тезкор фойдаланилувчи товарлар ишлаб чиқариш омиллари ошишига сабаб бўлади. Иккала ҳолатда Жонснинг кучайиш самараси муҳим ўрин тутди – товар нархи ошиши уни ишлаб чиқариш учун тезкор фойдаланилувчи омилдан даромад кўпроқ ошишига олиб келади ҳамда ишлаб чиқариш омиллари ҳажми ошиши у тезкор фойдаланилувчи ишлаб чиқаришнинг сезиларлича кўпроқ ошишига сабаб бўлади.

Товарлар номенклатурасидаги фарқлар нуқтаи назаридан халқаро савдо икки оқим: тармоқдаги савдо – мамлакатлар ўртасида бир тармоқдаги фарқланувчи маҳсулотларни айирбошлаш, шунингдек, тармоқлараро савдо – мамлакатлар ўртасида бир хил маҳсулотларни айирбошлашдан иборат. Тармоқдаги савдо ўхшаш товарларнинг фарқланишини акс эттириб, тахминан бир хил ривожланган мамлакатлар ўртасида ўзаро яқин тармоқлар доирасида ривожланади. Тармоқдаги савдо доирасида мамлакат битта товар ёки тор номенклатурадаги товарларни ишлаб чиқаради ва миқёс самараси устунликларидан фойдаланади. Тармоқдаги савдо назарияси халқаро савдони бир турдаги товарлар орқали изоҳлайди ва турли товарларнинг тармоқлараро савдосини изоҳловчи қиёсий устунликлар назариясини рад этмайди, балки уни тўлдиради. Тармоқдаги савдо шундай индекс билан ўлчанадики, унда ривожланган мамлакатлар савдосида тармоқдаги савдонинг улуши доимий ортиб боради.

Сўнгги 50 йилда жаҳон савдоси йўналишлари ва таркибида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Бу эса мавжуд назарияларни янада ривожлантиришга ва муқобил назарий тушунчаларни ишлаб чиқишга рағбатлантиради. Бундай юқори даражадаги ўзгаришлар орасида, биринчи навбатда, инновацион ривожланиш, фан ва техника тараққиётини жаҳон савдосида ҳукмронлик омилига айлантирилиши, ишлаб чиқариш факторлари тахминан тенг бўлган мамлакатларнинг бир хил турдаги саноат товарларини ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши, ҳудудлар ичидаги жаҳон савдо айланмаси ҳажмининг кескин ўсиши туради.

1960 йилларнинг ўрталарига келиб, америкалик итисодчи Р. Вернон маҳсулотнинг ҳаётийлик даври жараёнининг назариясини тақдим этади. Унда у жаҳон савдосининг ривожланишини тайёр маҳсулотларнинг ҳаётий босқичларини, маҳсулотнинг ҳаётийлик даври давомида ва сотувчининг бу борадаги сотиш имкониятларидаги вақтни тушунтиришга ҳаракат қилди. Маҳсулотнинг ҳаётийлик даври тўрт босқичдан иборат: бозорда пайдо бўлиш ва бозорни эгаллаш, ўсиш, етуклик даври ва пасайишни йўқотиш.

Биринчи босқичда янги маҳсулотлар мамлакатда пайдо бўлаётган эҳтиёжларга мос равишда ишлаб чиқилади. Шу боис янги босқичда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кичик ҳажмга эга бўлиб, ишчиларнинг юксак малакасини талаб қилади ва инновацион (одатда, юқори саноатлашган мамлакат) ўзлаштирилади ва ишлаб чиқарувчи деярли монополистик позицияни эгаллайди ва маҳсулотнинг озгина қисми ташқи бозорга йўналтирилади.

Ўсиш босқичида маҳсулотга бўлган талаб ўсиб боради, ишлаб чиқариш кенгайди ва аста-секин бошқа ривожланган мамлакатларга тарқалади. Маҳсулот стандартлаштирилган бўлиб, ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобат кучаяди ва экспорти кенгайди.

Етуклик босқичида катта миқдордаги ишлаб чиқариш бошланади, рақобатдаги нарх омилига боғлиқ бўлиб, бироқ бозорлар кенгайиши, технологиянинг ривожланиши туфайли инновацион мамлакат рақобатбардош устунликка эга эмас. Ишлаб чиқаришни ривожланаётган мамлакатларга ўтказиш, арзон меҳнатни стандартлаштирилган ишлаб чиқариш жараёнларида самарали қўллашдан бошланади.

Маҳсулотнинг ҳаёт даври жараёни пасайиш босқичига тўрғи келганда, айниқса, ривожланган мамлакатларда талаб камаяди, ишлаб чиқариш ва бозорлар, асосан, ривожланаётган мамлакатларда жамланади ва инновация, яъни импорт қилувчи мамлакатга айланади.

Бир маҳсулотнинг ҳаётлийлик даври назарияси жуда кўп соҳанинг ривожланишини акс эттиради, бироқ у халқаро савдонинг ривожланиш тенденциясини тўла изоҳламайди. Тадқиқотлар ва ишлаб чиқишда илғор технологиялар раобатбардош устунликларни белгилайдиган асосий омил бўлиб қолса, маҳсулот ишлаб чиқариш бошқа ишлаб чиқариш омилларида, масалан, арзон меҳнат шароитларида қиёсий устунликка эга мамлакатларда аралашиб кетади. Шу билан бирга, ҳаётлийлик даври назариясига мос келмайдиган жуда кўп маҳсулот (қисқа ҳаётлийлик даври, юқори транспорт харажатлари, сифатли фарқлаш учун катта имкониятлар, потенциал истеъмолчилар учун мўлжалланган ва ҳоказо) мавжуд.

1980 йилларнинг бошларида П. Кругман, К. Ланкастер ва бошқа бир қатор иқтисодчилар миқёс таъсири деб аталадиган халқаро савдонинг классик тушунтиришига муқобил таклиф қилишди. Микроиқтисодий назариядан яхши маълум бўлган бу таъсирнинг моҳияти маълум технология ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш билан узоқ муддатли ўртача харажатлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш орқали камаяди: оммавий ишлаб чиқаришдан келиб чиқадиган тежамкорлик вужудга келади.

Ушбу назария муаллифлари нуқтаи назаридан кўплаб мамлакатлар (айниқса, саноати ривожланган) ишлаб чиқаришнинг асосий омиллари билан ўхшаш проектлар билан таъминланади ва бундай шароитда катта ҳажмда ишлаб чиқариш таъсири мавжудлиги билан тавсифланган соҳаларда ихтисослашганида ўзаро савдо қилиш фойдали бўлади. Бу ҳолда ихтисослашув ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва маҳсулотни арзонроқ нархда ишлаб чиқариш имконини беради. Оммавий ишлаб чиқаришнинг бу таъсирини амалга ошириш учун етарлича катта бозор талаб қилинади. Бу эса халқаро савдода хал қилувчи аҳамиятга эга бўлади, чунки у бозорларни кенгайтиришга имкон беради. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, халқаро савдо ягона интергациялашган бозорни шакллантириш имконини беради, бу эса ҳар қандай мамлакат ички бозоридан каттароқ ҳисобланади ва истеъмолчиларга катта ҳажмдаги маҳсулотларни арзон нархларда таклиф қилиш имконини беради.

Шу билан бирга, миқёсли таъсирни амалга ошириш, мукаммал рақобатнинг бузилишига олиб келади, чунки у ишлаб чиқариш концентрацияси ва монополист бўлган фирмаларнинг кенгайиши билан боғлиқ. Шунга кўра, бозорларнинг тузилиши ўзгариб бормоқда, бу бир хил маҳсулотларда ёки тармоқлараро рақобат бозорларида дифференциация қилинган маҳсулотларда ишлаб чиқарилган саноат ичидаги савдо билан саноат ўртасида савдоларнинг устунлиги билан олигополистик ҳолга айланади. Бундай ҳолатда халқаро савдо тобора ортиб бораётган улкан халқаро компаниялар, трансмиллий корпорацияларга қарам бўлиб, муқаррар равишда ички савдо ҳажмини оширишга олиб келади, унинг йўналиши тез-тез қиёсий устунлик тамойиллари ёки ишлаб чиқариш омилларини етказиш тамойиллари эмас, балки фирма стратегик мақсадлари билан белгиланади. 2008 йилда П. Кругман замонавий халқаро савдонинг назариясини ишлаб чиққанлиги учун иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти олди.

1991 йилда америкалик иқтисодчи М. Портер “Халқаро рақобат” деб номланган (рус тилидаги таржимада) китобини чоп этди, унда у халқаро савдони ривожлантиришнинг янги таҳлилий ёндашуви асосида рақобат устунликлари назарияси таклиф қилди. Компаниянинг жаҳон бозорида муваффақиятли бўлишига имкон берувчи рақобатбардош устунликлари, бир томондан, тўғри танланган рақобат стратегиясига, бошқа томондан, ушбу рақобатбардош устунликларнинг омилларига (детерминантларга) боғлиқ. Компаниянинг рақобат стратегиясини танлаши иккита асосий омил билан белгиланади: фирма фаолият кўрсатадиган тармоқнинг тузилиши ва фирманинг тармоқдаги позицияси. Саноатнинг бозор тузилмаси, ундаги рақобатнинг хусусияти, рақобатлашувчи фирмаларнинг сони ва янги рақобатчиларнинг пайдо бўлиши, ўрнини босадиган маҳсулотларнинг мавжудлиги, хомашё ва ускуналарни етказиб берувчиларнинг рақобатбардош позициялари ва ушбу саноатнинг якуний маҳсулоти истеъмолчилари билан аниқланади. Буларнинг барчаси саноатда монополия даражаси ва фирманинг рентабеллигига таъсир қилади.

Компаниянинг саноатда эгаллаган позицияси фирманинг қандай фойда топаётганлиги билан аниқланади. Фирманинг рақобатдаги ўрни мустаҳкамлиги, рақобатчиларга қараганда кам харажати ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотининг дифференциаллиги (сифатни яхшилаш, янги истеъмол хусусиятларига эга маҳсулотлар яратиш, сотишдан кейинги хизмат кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш ва ҳоказо) орқали таъминланади.

Жаҳон бозорида муваффақиятга эришиш учун мамлакатнинг рақобатбардош устунликларига эга бўлган, тўғри танланган рақобат стратегияси керак.

М. Портер мамлакатнинг рақобатбардош устунлигининг тўртта детерминантини аниқлайди. Биринчидан, ишлаб чиқариш омилларининг таъминланганлиги, бунда ҳозирги шароитда асосий ролни мамлакатнинг махсус ривожланиш омиллари (илмий ва техник ютуқлар, юқори малакали ишчи кучи, инфратузилма ва шу кабилар) эгаллайди. Иккинчидан, ушбу саноатнинг

маҳсулотларига ички талабнинг кўрсаткичлари, унинг ҳажми ва тузилишига қараб, миқёс самарасидан фойдалана олади, инновацияларни рағбатлантиради, маҳсулот сифатини яхшилади ва фирмаларнинг ташқи бозорга чиқишини рағбатлантиради. Учинчидан, рақобатбардош етказиб берувчилар (зарур ресурсларга тезкор киришни таъминлайдиган) ва унга яқин саноатдаги бир-бирини тўлдириб турувчи маҳсулот ишлаб чиқарувчилар (технология, маркетинг, хизмат кўрсатиш, ахборот алмашиш ва ҳоказо).

Шундай қилиб, М. Портернинг фикрига кўра, миллий рақобатбардош саноатнинг кластерлари шакллантирилади. Ниҳоят, тўртинчидан, саноатнинг рақобатбардошлиги фирмалар стратегияси, тузилмаси ва рақобатнинг миллий хусусиятига боғлиқ, яъни мамлакатдаги шароитлар, фирмаларнинг тузилиши ва бошқарилишининг ўзига хос хусусиятлари ва ички бозорда рақобатнинг ўзига хослиги.

М. Портер фикрича, мамлакатларнинг соҳалар ва уларнинг сегментларида муваффақияти шу тўрт детерминантни (миллий олмос деб аталадиган) учратишнинг юқори даражаси билан боғлиқ. Миллий олмос бир тизим бўлиб, унинг таркибий қисмлари ўзаро мустаҳкамланади ва ҳар бир детерминант бошқаларга таъсир қилади. Ушбу жараёнда мақсадли иқтисодий сиёсатни олиб борадиган давлат, ишлаб чиқарувчи ва тегишли тармоқларни ривожлантириш шароитларида, фирмалар таркибида ва ички бозорда рақобатнинг табиати бўйича ишлаб чиқариш омиллари ва ички талабнинг параметрларига таъсир кўрсатадиган давлат томонидан муҳим роль ўйнайди.

Шундай қилиб, Портер назариясига кўра, рақобат, шу жумладан, жаҳон бозорида, динамик ривожланиш жараёни бўлиб, унинг асосида инновациялар ва узлуксиз технологик янгиланишлар ётади. Шунинг учун жаҳон бозорида рақобатбардош устунликларни тушунтириш учун “фирмалар ва мамлакатларнинг омиллар сифатини яхшилаш, уларни қўллаш самарадорлигини ошириш ва янгиларини яратиш” керак.

Хулоса

Мутлақ афзаллик (“absolute advantage”) – мамлакатлар мутлақ афзалликка эга бўлган (таннархи пастроқ бўлган) товарларни ишлаб чиқаришга ихтисослашади ва уларни экспорт қилади, бошқа товарларни (бошқа мамлакатлар мутлақ афзалликка эга товарларни) эса импорт қилади.

Омиллар интенсивлиги (“factor intensity”) – маълум бир товарни яратиш учун ишлаб чиқариш омиллари нисбий сарфини белгиловчи кўрсаткич.

Омиллар сероблиги (“factor abundance”) – мамлакатнинг ишлаб чиқариш омиллари билан нисбий таъминланганлигини белгиловчи кўрсаткич.

Савдодан келадиган ютуқ (“gains from trade”) – мамлакатлар ўзлари нисбий устунликка эга бўлган товарларни ишлаб чиқаришга ихтисослашганда савдода иштирок этувчи ҳар икки мамлакат бу савдодан оладиган иқтисодий наф.

Муқобил нарх (“opportunity costs”) бир бирлик товарни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган иш вақтининг бошқа бир бирлик товарни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган иш вақти билан ифодаланишидир.

Нисбий устунлик назарияси (“absolute advantage”) – агар бир мамлакат бошқа мамлакат билан солиштирганда нисбатан камроқ харажатлар билан ишлаб чиқара оладиган товарларни ишлаб чиқаришга ихтисослашса, уларнинг бирида ишлаб чиқариш бошқасига нисбатан мутлақ самаралироқ бўлишидан қатъи назар ўзаро савдо ҳар икки мамлакат учун фойдали бўлади.

Омилларнинг кўплиги – мамлакатнинг ишлаб чиқариш омиллари билан боғлиқ нисбатларини белгиловчи кўрсаткич.

Хекшер-Олин назарияси – ҳар бир мамлакат нисбатан кўп ишлаб чиқариш омиллари бўлган омилларни талаб қилувчи маҳсулотларни экспорт қилади ва ишлаб чиқариш омилларининг нисбий етишмовчилигини бошидан кечираётган товарлар импорт қилади.

Нархларни тенглаштириш назарияси назарияси (Хекшер-Олин-Самуэлсон назарияси) – халқаро савдода савдо мамлакатларида бир хил омиллар ишлаб чиқариш учун мутлақ ва нисбий нархларни тенглаштиришга олиб келади.

Леонтьев парадокси – Хекшер-Олин ишлаб чиқариш омиллари нисбати назарияси амалда тасдиқланмаган: меҳнат билан тўлдирилган мамлакатлар капитални кўпайтирадиган маҳсулотлар экспорт қилади, капитални кўпайтириш маҳсулотлари эса меҳнатга қодир.

Хекшер-Олин-Самуэлсон назарияси – халқаро савдо мамлакатларида гомоген ишлаб чиқариш омилларининг мутлақ ва нисбий нархлари мувозанатлашувига олиб келади. Бу эса гомоген ишлаб чиқариш омиллари эгаларининг даромадлари ҳам мувозанатлашишини англатади.

Самуэлсон-Джонс назарияси – мамлакатнинг халқаро савдода иштирок этиши натижасида экспорт тармоқлари учун махсус бўлган омил эгаларининг даромади кўпаяди ва импорт билан рақобатлашувчи тармоқ учун махсус бўлган омил эгаларининг даромади камади.

Столпер-Самуэлсон назарияси – халқаро савдо таъсирида нархи ўсадиган товарни ишлаб чиқаришда нисбатан интенсив фойдаланиладиган омилнинг нархи ҳам ўсади ва аксинча, нархи пасайган товарни ишлаб чиқаришда нисбатан интенсив фойдаланиладиган омилнинг нархи ҳам пасаяди.

Р. Вернон маҳсулотнинг ҳаётийлик даври жараёни назарияси – тайёр маҳсулотларнинг ҳаётий босқичларини, маҳсулотнинг ҳаётийлик даври тўрт босқичдан иборат: бозорда пайдо бўлиш ва бозорни эгаллаш, ўсиш, етуклик даври ва пасайиш йўқотиш.

П. Кругман ва унинг миқёс самараси назарияси ишлаб чиқаришнинг шундай ривожланишики, бунда омиллар сарфининг бир бирликка ўсиши ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмининг бир бирликдан кўпроқ миқдорга ўсишига олиб келади.

М. Портернинг рақобат устунликлари назарияси компаниянинг жаҳон бозорида муваффақиятли бўлишига имкон берувчи бир томондан тўғри

танланган рақобат стратегиясига, бошқа томондан ушбу рақобатбардош устунликларнинг омилларига боғлиқ.

Таянч иборалар: Меркантилистлар назарияси, «мутлақ афзаллик» назарияси, омиллар интенсивлиги, омиллар сероблиги, савдодан келадиган ютуқ, «нисбий устунлик» назарияси, муқобил нарх, ўзаро талаб назарияси, Хекшер-Олин, Самуэлсон назариялари, Леонтьев парадокси, Халқаро савдонинг замонавий назариялари, Столпер-Самуэлсон назарияси, маҳсулотнинг ҳаётийлик даври назарияси, миқёснинг самараси назарияси, рақобат устунликлари назарияси.

Назорат учун саволлар

1. Меркантилизм ким томонидан ишлаб чиқилган?
2. Томас Мэн, Жан Батист Колберт, Сэр Виллиам Петтийларнинг назарида давлатлар нималарга эга бўлиши керак?
3. Меркантилистлар сиёсати ва амалиёти нималардан иборат?
4. Меркантилизмга шубҳа билан қараган биринчи иқтисодчи ким?
5. Адам Смит ва Давид Рикардонинг ташқи савдо назарияси қандай тахминларга асосланган?
6. Мутлақ ва нисбий устунлик модели нималардан иборат?
8. Джон Стюарт Милл назариясининг мазмуни нимадан иборат?
9. Ишлаб чиқариш омиллари нисбати назариясининг асослари қандай?
10. Хекшер-Олиннинг халқаро савдо назариясини ишлаб чиқиш, мамлакатлар ўртасида ишлаб чиқариш омилларининг нисбати.
11. Хекшер-Олин-Самуэлсон ишлаб чиқариш омиллари учун нарх тенглаштириш назариясини шакллантириш.
12. Ишлаб чиқариш омиллари нисбати назарияси қандай кучли ва заиф томонлари бор?
13. Нима учун уни фақат чекланган даражада қўллаш мумкин?
14. Леонтьевнинг парадокси нимадан иборат? Нима учун ишлаб чиқариш омиллари нисбати назариясини бутунлай инкор қилиш мумкин эмас?
15. Ички ва тармоқлараро халқаро савдонинг фарқларини аниқланг ва белгиланг.
16. Ички саноатдаги савдо қандай ўлчанади?
17. Халқаро савдода товарнинг ҳаёт айланиши нимадан иборат?
18. Линдернинг кесиб ўтадиган талаб назарияси нимани англатади?
19. Ишлаб чиқариш омилларининг тескариси нима?
20. Талабнинг тескариси нимани англатади?
21. Капитал миграция жараёнларини тушунтириш учун иккита ёндашувнинг моҳияти нимада?
22. Капитални экспорт қилишнинг асосий назарияларини қисқача тавсифлаб беринг.

III боб. ТАШҚИ САВДОНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ ВА БОШҚАРИШ ЙЎЛЛАРИ

Дунёнинг барча мамлакатлари иқтисодиётининг асосий таркибларидан бири ташқи савдо ҳисобланади. Миллий иқтисодиётнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини ошириш ва уни ҳимоя қилиш учун давлат ўзининг ташқи савдо сиёсатини белгилаб олади. Ташқи савдо сиёсати давлат аралашуви кўламига қараб эркин ва протекционизм сиёсатига ажралади. Ўзбекистон ҳам ташқи савдосини 4 босқичда ривожлантириб, ушбу босқичларда ўзининг сиёсатини ривожлантириб келмоқда. Ўзбекистон ташқи савдони тартибга солишда собиқ Иттифоқ ҳудудида интеграцион жараёнларнинг интенсив ривожланиши ҳамда аъзо бўлиши бўйича олиб борилаётган музокаралар катта таъсир кўрсатди.

Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солишда тариф ва нотариф усуллари алоҳида аҳамиятга эга бўлган асосий усуллардан ҳисобланади. Тариф усуллар билвосита усуллар сифатида товарлар экспорт ва импортида нархи таъсир этиш орқали таъсир кўрсатади, нотариф усуллар бевосита усуллар сифатида лицензиялаш, миқдорий чеклаш, техник тўсиқлар, эмбарго қўйиш орқали тўғридан-тўғри товар экспор-импорти ҳаракатига таъсир кўрсатади. Тариф усуллар бугунги кунда жаҳон ҳўжалигида миллий иқтисодиётларни бошқаришда кўпроқ халқаро ташкилотлар томонидан тавсия этилаётган усуллардан ҳисобланади. Шу ўринда тариф усулларни иқтисодий усулларга ёки нотариф усулларни маъмурий усуллар тоифасига киритган ҳолда таърифлашимиз мумкин.

3.1. Халқаро савдода давлатнинг роли

Ҳар қандай давлатнинг ташқи савдо сиёсати ҳукуматнинг умумиқтисодий йўналишининг муҳим таркибий қисми саналади, янада торроқ маънода эса экспорт-импорт товар оқимлари ҳажми, товар таркиби ва жўғрофий йўналишини тартибга солиш билан боғлиқ бюджет-солиқ фаолияти соҳаларидан биридир.

Ташқи савдо сиёсати ҳўжалик ривожланишининг ички жиҳатлари билан узвий боғлиқ бўлганлиги учун унинг бош вазифаси мамлакат ичкарисида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ва миллий бойликни кўпайтириш учун зарур бўлган қулай ташқи иқтисодий шарт-шароитларни шакллантириш ҳисобланади.

Эркин савдо сиёсати (ёки фритредлик – инглизча free trade) иқтисодий ҳаётнинг бир ҳодисаси сифатида XVIII асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлди. Унинг назарий жиҳатдан асосланишида А. Смитнинг машҳур асари – «Халқлар бойлиги табиати ва сабаблари» ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Фритредлик назарияси бошқа бир инглиз иқтисодчиси Д. Рикардо асарларида ривожлантирилди ва деярли ниҳоясига етказилди. Д. Рикардо Адам Смитнинг рақобат шароитида эркин тадбиркорлик аҳамияти ва мамлакат иқтисодиётини «кўринмас қўл» ҳукмронлигига, яъни бозорнинг ўз-ўзини

бошқариш қонунлари ихтиёрига топширувчи жамиятнинг «тунги қоровули» сифатидаги давлат роли ҳақидаги ғояларини ривожлантирди.

Эркин савдо сиёсатининг классик намуналарини XIX асрнинг иккинчи ярмидаги инглиз-саксон мамлакатлари, айниқса, Буюк Британия ва унинг доминионлари (1947 йилгача Британия таркибига кирган, расмий жиҳатдан мустақил бўлган давлатлар) иқтисодиётида кузатиш мумкин. Ҳозирги пайтга келиб, фритредлик тизимининг классик кўриниши давлат ихтиёрида бўлган бирор-бир мамлакат қолмади. Давлатнинг нуфузли ташкилотларини тартибга солиш борасида ролини сезиларли ошганлигини ҳисобга олсак, бу ўз-ўзидан тушунарли, албатта. Бироқ эркин савдо сиёсатининг унсурлари кўплаб мамлакатларнинг иқтисодий курсида ҳозир ҳам сезиларли, айниқса, ривожланган ва ҳудуди ҳамда ресурслари жиҳатидан кичик бўлган мамлакатларда, масалан, Сингапурда.

Иқтисодий назарияда, одатда, эркин савдо протекционизм сиёсати (ингл. protection – ҳимоя, ҳомийлик), яъни миллий иқтисодиётни ички ва ташқи бозор тамойилларининг салбий таъсирларидан ҳимоялаш мақсадида давлат томонидан жорий этиладиган иқтисодий ва маъмурий чора-тадбирлар тизими қарама-қарши қўйилади.

Протекционизм ўз моҳиятига кўра, илк давлатлар шаклланган пайтдан буён мавжуд. Бу сиёсатнинг принциплари назарий жиҳатдан америкалик давлат арбоби А. Гамильтон (XVIII асрнинг охири) ва таниқли немис иқтисодчиси Ф. Лист (XIX асрнинг ўрталари) асарларида ишлаб чиқилган. Бироқ протекционизм амалий чора-тадбирлар серияси сифатида сайёрамизда сўл (СССР) ва ўнг («Учинчи рейх» – фашистлар Германияси) сиёсий оқимларнинг тоталитар режими даврида ўз кульминациясига етган. Бу мамлакатларда савдо соҳасига давлат монополияси хос эди.

Юқорида қайд этиб ўтилгандек, халқаро иқтисодий муносабатларнинг асосий тамойили сифатида янада кўп сонли мамлакатларни аҳоли турмуш фаровонлиги ошишини таъминловчи эркин савдо сиёсатига ўтиши тан олиниб келинаётган бўлса-да, протекционизмнинг «танланган» реставрацияси деб аталган жараён ҳам кузатилмоқда. Ташқи савдода давлатнинг асосий вазифаси мамлакат экспортёрларига ўз маҳсулотини жаҳон бозорларига кўпроқ олиб чиқишга ҳамда уларнинг рақобатбардошлигини оширишга кўмаклашишдан, шунингдек, ички бозорни ҳимоя қилиш мақсадида импортга чекловлар қўйиш кабилардан иборатдир.

3.2. Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солишнинг тарифли усуллари

Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш турли кўринишларда бўлиши мумкин. Уларни товар оқимларига таъсири табиатига кўра бир-биридан жиддий фарқ қилувчи иккита асосий типга ажратиш мумкин: иқтисодий ва маъмурий.

Иқтисодий (тарифли деб ҳам аталадиган) усуллардан фойдаланганда, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар, энг аввало, нарх мутаносиблиги, товар ва

ресурслар экспорти ҳамда импортнинг сифати ва шартларига амал қилишади. Ташқи савдони тартибга солишнинг маъмурий (мос равишда тарифсиз) усулларидан фойдаланилганда, бозор механизмига давлат органлари томонидан таъсир ўтказилади, уларнинг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари кўп жиҳатдан ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг хоҳишларини белгилаб беради.

Тарифли усуллар товар нархига бевосита таъсир қилади. Бу усуллар давлатлар ташқи савдо амалиётида энг кенг тарқалган, чунки улар бирданига учта вазифани ҳал қилиш имконини беради:

- 1) фискал – бюджет учун қўшимча маблағларни олиш;
- 2) рағбатлантирувчи – хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни ривожлантириш;
- 3) протекционистик – миллий товар ишлаб чиқарувчилар учун қулай шарт-шароитларни яратиш.

Ташқи савдони тарифли тартибга солиш усуллари қаторига божхона бождлари, бождлар, йиғимлар, шунингдек, бошқа билвосита солиқлар, масалан, акцизлар киради.

Тарифсиз усуллар товар айирбошлашга таъсир қилиш дастакларини, яъни олиб кириладиган ёки олиб чиқиладиган маҳсулот ҳажми ва номенклатурасини чеклашни билдиради. Улар кўпроқ ривожланаётган ва ҳукумат томонидан протекционистик иқтисодий сиёсатни талаб қилувчи, бозор тузилмалари шаклланаётган ўтиш даври иқтисодиётли мамлакатларга хосдир.

Тарифсиз таъсир қилиш воситаларига квоталаш, лицензиялаш, экспортни субсидиялаш, демпинг, картель битимлар ва мамлакатлар ўртасидаги товар оқимларининг йўлида техник тўсиқларни яратиш кабилар киритилади.

Жаҳондаги мамлакатлар ва ҳудудлар бўйича статистик ахборотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ташқи савдони давлат томонидан бошқариш тарифли ва тарифсиз усулларнинг комбинацияси ёрдамида амалга оширилади. Тарифли усулларнинг мавқеи кейинги пайтда пасайиб бормоқда, бу эса Умумжаҳон савдо ташкилоти томонидан аъзо-мамлакатлар олдида қўйилган стратегик вазифа, яъни улар орасидаги ўзаро товар айирбошлашда тарифли чеклашларни босқичма-босқич бартараф этиш вазифаси билан боғлиқ. Тарифсиз чеклашларнинг аҳамияти «танловли» протекционистик савдо сиёсатининг кенгайиб бориши туфайли ортиб бормоқда.

Ташқи савдони тарифли тартибга солиш усуллари қаторига божхона тарифлари, бождлар, йиғимлар, шунингдек, бошқа билвосита солиқлар, акцизлар киради (library.ziyounet.uz/uz/book/download/44646).

3.3. Тариф сиёсатининг асосий кўринишлари

Миллий хўжалигининг ҳолатига боғлиқ равишда божхона сиёсати олиб боришнинг икки вариантини ажратиш мумкин: иқтисодий ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлардаги божхона сиёсатлари.

Ривожланган мамлакатлар учун кўп устунли тарифлар хос бўлиб, у турли импорт божи ставкалари: барча давлатлар учун тааллуқли бўлган миқдори баланд умумий ставкалар, энг қулай шароит яратиш режими ставкаси (икки

мамлакат ўртасида келишилган ҳолда ўрнатилган савдо операцияларининг имтиёзли тартиби), камбағал, паст даражада ривожланган иқтисодий мамлакатлардан қилинадиган импортлар учун белгиланган преференциал коэффициентли ставкаларни назарда тутди.

Ривожланган мамлакатлар божхона тарифларининг бошқа бир хусусияти, бу тарифларнинг 1988 йилда жорий этилган «Халқаро товарларни тавсифлаш ва кодлаштиришнинг уйғунлаштирилган тизими» (УТ) билан корреляцияси (ўзаро боғлиқлиги) ҳисобланади.

Ривожланаётган мамлакатлар гуруҳи божхона сиёсатининг ўзига хос хусусияти экспорт божларидан кенг кўламда фойдаланиш ва нисбатан юқори импорт тарифи ставкаларини ушлаб туриш (бу ставкалар ривожланган мамлакатлар учун мисли қурилмаган даражага етади – 50-100 фоизгача, Миср, Эквадор, Покистонда, ҳатто, бундан ҳам юқори) ҳосдир.

Бундан ташқари кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда, АҚШ, Япония ва Европа державаларидан фарқли равишда, эски Брюссель товар номенклатурасидан янги уйғунлаштирилган тизимга эндигина ўтишмоқда. Шунинг учун уларнинг баъзилари кўп устунли тарифларни қўллайди (Сенегалда – 9 та, Малида – 17 та). Миллий тарифлар билан бир қаторда жаҳон иқтисодиётида бир неча мамлакатларнинг божхона иттифоқларига бирлашиши кенг тарқалиб бормоқда. Божхона иттифоқлари ташқи савдони давлатлараро тартибга солишнинг турли кўринишларидан амалий фойдаланмоқда, бунда улар турли ҳудудий ва глобал халқаро ташкилотлар кўмагига суянмоқда.

Божхона божларининг моҳияти ва кўринишлари. Ташқи иқтисодий фаолият амалиётида ташқи савдони давлат томонидан тартибга солишнинг энг кенг тарқалган усулларидан бири божхона божлари ҳисобланади. Божхона божи иқтисодий моҳияти жиҳатидан товар давлат чегарасидан ўтаётганда олинадиган маҳсус пул йиғими, солиқни билдиради.

Божхона божлари кўринишларининг турли-туманлиги уларнинг товар оқимларини тартибга солиш жараёнида бажарадиган функцияларининг ниҳоятда кенг кўламлилиги билан тушунтирилади. Эслатиб ўтамиз, божхона божларини жорий этишдан асосий мақсад: бюджетнинг даромад қисмини кўпайтириш ва «ноҳалол» рақобат билан курашишдир. Шунинг учун ҳам савдога таъсир ўтказишнинг бу усулидан ҳозирги кунда жаҳоннинг юздан ортиқ мамлакатада фойдаланилади.

Товар оқимларининг йўналишига боғлиқ равишда импорт, экспорт ва транзит божлари мавжуд.

Импорт божларини жорий қилиш миллий компаниялар (резидентлар)га ишлаб чиқаришни кенгайтириш имкониятини беради, чунки улар жаҳон бозоридаги ўртача даражага нисбатан юқорироқ харажатлар билан маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлади.

Ҳозирги пайтда экспорт божлари анча кам қўлланилади. Улардан деярли барча ривожланган мамлакатлар воз кечишган, чунки уларни жорий қилиш жаҳон бозоридаги кескин рақобат шароитида экспортнинг қимматлашишига олиб келади.

Транзит божлар мамлакат ҳудудини кесиб ўтувчи товарлардан олинади ва транзит йиғимлар кўринишига эга.

Божхона божига тортишнинг иккита асосий усули мавжуд:


Махсус, бунда бож миқдори товарнинг оғирлиги, ҳажми миқдори бирлигидан белгиланган сумма сифатида ўрнатилади (масалан, автомобиль двигателининг 1 см^3 дан).

Адвалор (лот. – *ad valorem* – қийматдан), бунда божхона божи сотувчи томонидан қайд этилган товар қийматидан фоиз кўринишида аниқланади.

Бундан ташқари ташқи савдо амалиётида божларни ҳисоблашнинг комбинацион усули мавжуд. Унинг моҳияти шундан иборатки, маълум бир божхона ташкилоти вазиятдан келиб чиққан ҳолда махсус ва адвалор орасидаги усулни мустақил равишда танлаш ҳуқуқига эга бўладилар.

Божхона божи ўрнатишнинг у ёки бу усулини танлаш товар гуруҳи табиатига боғлиқ. Хомашё товарларига, одатда, биринчи усул қўлланилади, экспорт божларига келсак, улар ҳам, одатда, махсус усулдан фойдаланган ҳолда ўрнатилади. Адвалор усулдан фойдаланиш бўлса, машинасозлик маҳсулотлари ва бутловчи қисмлар, яъни юкори даражада дифференциацияга эга буюмлар импортида қулай ҳисобланади. Ҳозирги пайтда бу усул ҳиссасига барча божхона йиғимларининг 80 фоизидан кўпроғи тўғри келади. Савдо алоқаларидаги мамлакатлар бир-бири билан турли шартнома муносабатларида бўлганлиги учун импорт божлари: преференциал (махсус имтиёзли) бож, шартномавий (минимал) бож ва асосий (жаҳон бозори учун максимал даражада мумкин бўлган) божлар бўлиши мумкин.

Иқтисодиётда давлат томонидан ташланган протекционистик қадамлар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларга ҳамда қисқа ва узоқ муддатли истиқболда давлатнинг ўзига ҳам ҳар хил таъсир кўрсатади. Бундай сиёсатнинг ички бозор учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи миллий компанияларга таъсирини кўриб чиқишдан бошлаймиз.




3.1-расм. Импорт божининг миллий иқтисодиётга таъсири

3.1-расм ёрдамида импорт божининг кичик иқтисодиёт (ички нарх жаҳон нархига таъсир кўрсата олмайдиган иқтисодиёт)га таъсирини баҳолашимиз мумкин. Савдо бошланмасдан олдин мамлакатда 100 та товар ишлаб чиқариляпти ва истеъмол қилиняпти, мувозанат нархи 8 долларга тенг (талаб ва таклиф чизиклари E нуқтада кесишган). Агар товарнинг жаҳон нархи ички нархдан паст бўлса, мамлакатга жаҳон нархида (5 доллар) 120 та товар кириб келади, ички нарх жаҳон нархи даражасигача тушиб кетади. Бунинг натижасида миллий ишлаб чиқарувчилар фақатгина 40 та товар таклиф қилади, истеъмол эса 160 тага етади. Миллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоялаш мақсадида ҳукумат 2 доллар миқдорида божхона божи жорий қилса, экспортёрлар ўз товарини 7 доллардан сотишга мажбур бўлади ва ички бозордаги нарх кўтарилади. Бунинг натижасида ички ишлаб чиқариш 80 та товарни ташкил қилади, импорт эса 40 тагача қисқаради. Истеъмолчилар жами 120 та товар сотиб олади. Божхона божи ўрнатилиши натижасида миллий ишлаб чиқарувчилар а трапециянинг юзига тенг бўлган кўшимча фойда кўради. С тўғри тўртбурчакнинг юзига тенг бўлган сумма божхона божи сифатида давлат бюджетига тушади.

Бошқача қилиб айтганда, миллий компанияларнинг ички бозор учун ишлаб чиқарган маҳсулотлари божхона солиғидан озод бўлганлиги сабабли унинг нархи импорт қилинаётган ана шундай товардан сезиларли даражада паст бўлиши мумкин, бундай шароитда хўжалик юритувчи субъектлар янги технологиялар, хомашё ва материалларни тежаш ҳисобига харжатларини камайтириш заруратига эҳтиёж сезишмайди. Амалда импорт ўрнини қоплашга йўналтирилган соҳалардаги миллий фирмалар ўз товарларини импорт тарифига яқин нархларда сотади, натижада кўшимча фойда кўради. Миллий компанияларнинг даромадлари ўсиши ва миллий ишлаб чиқаришнинг кенгайиши сабабларидан бири ана шунда.

Тарифнинг катта мамлакат иқтисодиётига таъсири. Катта мамлакат учун импорт тарифи фақатгина ички ишлаб чиқаришни ҳимоялаш эмас, балки ташқи дунё билан савдо шартини яхшилаб олиш воситаси ҳамдир. Дарҳақиқат, катта мамлакат импортни қисқартирса, бу мамлакат ана шу товарнинг асосий харидори бўлганлиги сабабли экспортёр мамлакат ушбу товар нархини пасайтиришга мажбур бўлади. Экспорт товарлари нархи ўзгармаган ҳолда импорт товарлар нархининг пасайиши импортёр мамлакат учун савдо шартининг яхшиланишига олиб келади. лекин катта иқтисодиётли мамлакат ҳам импорт божини жорий қилишдан соф фойда кўрмаслиги мумкин.

Катта мамлакат ҳукумати ички ишлаб чиқарувчиларни хорижий рақобатдан ҳимоя қилиш мақсадида импортга бож жорий қилди. Бож ўрнатилиши натижасида товарнинг жаҳон нархи тушади. Лекин ушбу товарнинг ички нархи бож миқдorigа кўтарилади (t) P_w дан P_{w+t} га. Жами таклиф чизиги юқorigа янги S_{d+w+t} даражага сурилади. Таклифнинг янги даражасида ички талаб ва жами таклиф G нуқтада мувозанатга келади. Натижада ички ишлаб чиқариш Q_1Q_2 га ортади, ички талаб Q_5Q_4 га камаяди. Импорт Q_1Q_5 дан Q_2Q_4 га қисқаради.



3.2-расм. Тарифнинг катта мамлакат иқтисодиётига таъсири

Импорт тарифи жорий қилиниши натижасида истеъмолчиларнинг зарари $a+b+c+d$ га тенг бўлди. Кичик мамлакатда бўлгани каби импорт божининг таъсирини иккига ажратишимиз мумкин: қайта тақсимланиш самараси ва йўқотиш самараси.


Катта мамлакат мисолида даромад самараси иккига ажралади: ички даромад самараси ва савдо шарти самараси.

Ички даромад самараси – ички истеъмолчилардан олинган даромаднинг таъсимланиши.

Савдо шарти самараси – даромаднинг хорижий ишлаб чиқарувчилардан давлат бюджети фойдасига қайта тақсимланиши.

Тариф квотаси. Импорт божи ички қарама-қаршиликка эга. Яъни ишлаб чиқарувчилар бир тарафдан халқаро рақобатдан қутилиш мақсадида бундан манфаатдор бўса, иккинчи томондан иш вақтидан ташқари пайтда истеъмолчи сифатида импорт тарифига қаршидирлар. Бу зиддият қисман тариф квотасини жорий қилиш орқали ҳал этилади.

Тариф квотаси ўзгарувчан божхона божи кўриниши бўлиб, бож ставкаси миқдори импорт қилинадиган товар ҳажмига боғлиқ бўлади: маълум чегарадаги импортга пастроқ миқдордаги бож, бу чегарадан ошиб кетганда, юқорироқ бож ўрнатилади.




3.3-расм. Тариф квотаси

Фараз қилайлик, ички талаб (D_d), ички таклиф (S_d) ва жаҳон таклифи (S_w) чизиқлар билан ифодаланган. Савдо бошланмасдан олдин товар нархи 540 долларга тенг. Эркин савдо шароитида товар нархи 400 долларга тушади. Бу нархда мамлакат 5 бирлик товар ишлаб чиқаради ва 40 бирлик товар истеъмол қилади. Бинобарин, 35 бирлик товар импорт қилади. Ички ишлаб чиқарувчиларни ҳимоялаш мақсадида дастлабки 5 бирлик товар импортга 10 фоизлик, ундан ортиғига 20 фоизлик импорт божи жорий қилинади. Илгари мамлакат сезиларли даражада кўпроқ товар импорт қилганлиги боис товарнинг ички нархини 480 долларгача кўтарувчи икки қаватли тариф юзага келади. Натижада ички ишлаб чиқариш 15 бирликка етади, истеъмол 30 тага, импорт 15 тага камаяди. Чегаравий эффект а га тенг бўлади, тўғридан-тўғри иқтисодий зарар тарифдаги бўлгани каби $b+d$ га тенг бўлади.

Даромад сегменти с бир неча сегментчаларга бўлинади. Дастлабки 5 бирлик товарга 10 фоизлик, яъни 40 долларга тенг бож жорий қилинган, 200 долл. ($c_1=5 \times \$40 = \200) миқдоридаги фойда бюджетга тушади. Кейинги 10 бирлик товарга 80 долларлик бож ўрнатилган, демак, 800 доллар ($c_2+c_3= 10 \times \$80 = \800) ҳам бюджетга тушади. c_4 ($c_4= 5 \times \$80 - 5 \times \$40 = \$200$) сегмент эса маҳаллий компанияларнинг кўзда тутилмаган фойдасидир. Яъни бу компаниялар товарни 440 доллардан сотиб олиб, 480 доллардан сотиш имкониятига эга бўлади. Агар экспортёрлар товар нархини 480 долларга оширишса, кўзда тутилмаган даромадга хорижликлар эга бўлади.

Экспорт тарифи. Экспорт божлари экспорт товарлари мамлакат чегарасидан чиқиб кетаётганда олинadиган мажбурий тўловдир.

Фараз қилайлик, ҳукумат экспортни бож орқали чекламоқчи. Кичик мамлакат мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, экспорт божи жорий қилиниши жаҳон нархига таъсир кўрсатмайди. Бинобарин, савдо шарти ўзгармайди. Товар экспортининг фойдалилиги пасаяди ва ишлаб чиқарувчилар товарларнинг бир қисмини ички бозорга қайтаришади, натижада бу товарнинг ички нархи бож миқдорида P_w дан P_{w+t} га тушади. Жами талаб чизиғи экспорт тарифи миқдорида пастга кўчади S_{d+w+t} . Талабнинг янги даражасида ички таклиф ва жами талаб мувозанатига G да эришилади, бу вазиятда экспорт тарифи ёрдамида ички истеъмол Q_1Q_2 га ортади, ички таклиф Q_5Q_4 га камаяди.



3.4-расм. Экспорт тарифи

Экспорт миқдори эса Q_5Q_1 дан Q_4Q_2 га қисқаради. Демак, экспорт тарифи жорий қилиниш натижасида ички истеъмол ортди, ички таклиф ва экспорт миқдори қисқарди.

Экспорт тарифи ўрнатилиши натижасида истеъмолчилар а сегмент миқдорида фойда кўришди. Давлат экспорт бож ёрдамида с га тенг миқдордаги фойдани ишлаб чиқарувчилардан ўз фойдасига қайта тақсимлайди. $b+d$ сегментлари ишлаб чиқарувчиларнинг соф йўқотишларидир. Умуман олганда, экспорт тарифи ўрнатилганда ҳам импорт божи жорий қилингандаги каби эффектлар юзага келади: қайта тақсимлаш эффектлари ва йўқотиш эффектлари.

3.4. Тарифли бошқарувнинг афзаллик ва камчиликлари

ТИФ соҳасидан чеклашлар сиёсатини кенг кўламда ва фаол амалга ошириш давлатга қисқа муддатда муваффақият олиб келиши мумкин. Бу ютуқларни куйидаги жиҳатлар билан боғлаш мумкин: миллий корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши, бож, солиқ, йиғимлар ҳисобига бюджет даромадининг кўпайиши, иқтисодий хавфсизлик ва мудофаа қобилиятининг таъминланиши.

Ҳақиқатда эса бу тактик устунликлар стратегик, узоқ муддатли истиқболдан келиб чиқсак, қарама-қарши томонга ўзгаради. Давлатнинг тариф миқдорида кўпайтирилган импорт миқдорида тенг иқтисодий ютуғи истеъмолчилар томонидан давлат фойдасига трансферт тўлов ҳисобланади. Албатта, маблағларнинг бир қисми ижтимоий эҳтиёжлар (ойликларни ошириш, нафақалар тўлаш)га сарфланиши мумкин, бироқ уларнинг катта қисми бюрократик ўзбошимчалик ва маблағларни давлат ташкилотлари орқали ўтиши билан боғлиқ харажатлар туфайли қайтариб берилмайди.

Шунингдек, бошқа мамлакатларнинг протекционистик жавоб тадбирларини ҳам унутмаслик лозим. Бу тадбирлар туфайли товар айланмаси камайиб кетади, иш жойлари қисқаради, охир-оқибат бир қатор компанияларнинг маҳсулотлари миллий бозордан арзонроқ ва сифатсизроқ товар ишлаб чиқарувчи фойдасига суриб чиқарилади.

Истеъмолчилар масаласига тўхталадиган бўлсак, уларнинг асосий қисми «белбоғларини маҳкам бойлаб олишлари» керак бўлади, чунки оддий одамларнинг даромадлари ишлаб чиқарувчилар фойдасига қайта тақсимланади, зеро, божхона тарифи жорий этилишидан олдинги ва кейинги ички нархлардаги фарқ меҳнаткашлар (истеъмолчилар) зиммасига тушади. Фақатгина импортнинг ўрнини қоплаш соҳасидаги компанияларнинг акцияларига эга бўлган унча катта бўлмаган айрим гуруҳларга кирувчи истеъмолчилар олиб кириш божларидан даромад кўриши мумкин. Шундай қилиб, бозор иқтисодиёти шароитида протекционистик сиёсатни амалга ошириш нарх юқирилиги сабабли ички истеъмолнинг камайиши, солиқ базасининг қисқариши ва жамият учун, умуман олганда, соф йўқотишларга олиб келади.

Босқичма-босқич протекционистик сиёсат тоталитар режимлар томонидан маъмурий-буйруқбозлик тизимида чекланган макон ва замонда олиб борилган.

Протекционизмнинг салбий хусусиятларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Аҳоли турмуш даражасида соф йўқотишларнинг ортиб кетиши. Импорт божлари киритилганидан кейин харидорлар олиб кирилган товарлар учун янада юқориқоқ ҳақ тўлашга мажбур бўлишади. Бу инвестицияларга айланиши мумкин бўлган истеъмолдан ортадиган жамғармаларнинг камайишига олиб келади.

2. Янада кўпроқ мамлакатлар томонидан тариф чеклашлари жорий этилишининг занжир реакцияси билан боғлиқ халқаро кўпайтирувчи эффектнинг пайдо бўлиши.

3. Миллий иқтисодиётда носамаравий соҳалар ва корхоналарнинг сақланиб қолиши. Миллий корхоналарга имтиёзлар берилиши шароитида ишлаб чиқарувчиларда харажатларни камайтириш ва рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришга рағбат бўлмайди.

4. Иқтисодий соҳада коррупция ва ўз амалидан фойдаланишнинг бошқа кўринишлари кенг тарқалади. Миллий иқтисодиётнинг «ёпиқлиги», одатда, ТИФнинг криминаллашуви учун озуқа муҳитини яратади.

Ҳукуматнинг ТИФни тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар комплексини жорий этишга мажбур этувчи омиллар (ижобий омиллар) ичида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- иқтисодиётнинг янгидан шаклланаётган соҳалари қудратли хорижий компаниялар рақобатидан ҳимоялаш;
- давлат кўмагисиз тузилмасини қайта қуришнинг иложи бўлмаган жаҳон бозорида рақобатбардош бўлмаган «эски» соҳаларни қўллаб-қувватлаш;
- дискриминацион савдо сиёсати олиб бораётган мамлакатлар ёки компанияларга жавоб тариқасида демпинг ва хорижий рақобатнинг бошқа ноҳалол усуллари билан курашиш;
- жаҳон бозори конъюнктурасидаги тебранишларнинг миллий иқтисодиётга таъсирини камайтириш. Бу омил хомашё ва табиий ресурслар экспорт қилувчи мамлакатлар учун долзарб ҳисобланади;
- бюджетнинг даромад қисмини кўпайтириш – ўтиш даври иқтисодиётли ва ривожланган мамлакатларда давлат бюджети кўпинча протекционистик сиёсатнинг таркибий унсурлари бўлган божхона божлари ва бошқа эгри солиқлар ҳисобига амалга оширилади.

Шундай қилиб, протекционизм ташқи савдо операцияларига турли-туман чеклашларни жорий этувчи давлатга вақтинчалик, тактик ютуқ келтирса-да, стратегик, узоқ муддатли режада истиқболсиз сиёсат ҳисобланади. Бу сиёсат ХХ аср тажрибасидан маълумки, ҳаёт даражаси ва аҳоли турмуш фаровонлигининг пасайишига олиб келади. Шундай бўлса-да, иқтисодий эркинлаштириш курсини сақлаган ҳолда протекционизмнинг айрим

унсурларидан оқилона фойдаланиш маълум вақт оралиғида миллий иқтисодиётни ривожлантиришда ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

3.5. Ташқи савдони тартибга солишнинг нотариф усуллари

Нотариф усуллар товар айирбошлашга таъсир қилиш дастакларини, яъни олиб кириладиган ёки олиб чиқиладиган маҳсулот ҳажми ва номенклатурасини чеклашни билдиради. Нотариф усуллар миқдорий, молиявий, яширин ва ноиқтисодий усулларга ажратилади. Улар кўпроқ ривожланаётган ва ҳукумат томонидан протекционистик иқтисодий сиёсатни талаб қилувчи, бозор тузилмалари шаклланаётган ўтиш даври иқтисодиётли мамлакатларга хосдир.

Жаҳондаги мамлакатлар ва ҳудудлар бўйича статистик ахборотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ташқи савдони давлат томонидан бошқариш тарифли ва нотариф усулларнинг комбинацияси ёрдамида амалга оширилади. Тарифли усулларнинг мавқеи кейинги пайтда пасайиб бормоқда, бу эса Умумжаҳон савдо ташкилоти томонидан аъзо-мамлакатлар олдида қўйилган стратегик вазифа, яъни улар орасидаги ўзаро товар айирбошлашда тарифли чеклашларни босқичма-босқич бартараф этиш вазифаси билан боғлиқ.

Нотариф таъсир қилиш воситаларига квоталаш, лицензиялаш, экспортни субсидиялаш, демпинг, картел битимлар ва мамлакатлар ўртасида товар оқимлари йўлида техник тўсиқларни яратиш кабилар киритилади.

Квоталаш ёки контингентлаш. Умуман олганда, бошқа мамлакатлар билан савдони давлат томонидан тартибга солишнинг нотариф усулларининг 50 дан ортиқ тури мавжуд. Уларнинг ичида энг кенг тарқалгани квоталардир. Агар тарифли усуллар аниқ бир товар гуруҳи бўйича экспорт ёки импорт ҳажми масаласини очиқ қолдирса, квоталар олиб кириладиган ёки олиб чиқиладиган маҳсулотнинг қиймат ёки миқдорий ҳажмини тўғридан-тўғри чеклаш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Импорт квоталарини жорий қилишда давлат миллий ишлаб чиқарувчиларга хорижий рақобат таъсирини бартараф қилишга интилади. Бундай квоталарнинг ҳаракат механизми импорт тарифларидан фойдалангандаги ҳолатни эслатади, яъни импорт товарлар таклифи чекланганда ички баҳолар жаҳон нархига нисбатан ўсиб боради. Бироқ тарифдан фарқли равишда импорт квоталари хорижий рақобатнинг ички нархларга таъсир қилишига йўл қўймайди, бу орқали импортдан келадиган фойдани кўпайтиради ва мамлакат тўлов балансини мувозанатга келтириш жараёнини осонлаштиради. Халқаро битимлар орқали қатъий белгиланувчи тариф ставкалари ўрнатилган вазиятда мамлакат юқоридаги масалани ҳал эта олмайди, УСТ экспорт-импорт операцияларга миқдорий чеклашлар жорий қилишга руҳсат беради.

Ўз навбатида, экспорт квоталари миллий ишлаб чиқарувчиларни етарли табиий ресурслар билан таъминлаш, жаҳон бозоридаги экспорт баҳоларини кўтариш ва ҳарбий-стратегик мақсадларга эришиш кабиларга қаратилган.

Импорт квоталари каби экспорт квоталари ҳам мамлакат ҳукумати томонидан бир томонлама тартибда ёки манфаатдор ҳамкор билан халқаро келишув хулосаси орқали жорий этилиши мумкин. Улар глобал ёки маълум даврда амал қилувчи мавсумий бўлиши мумкин.

Лицензиялаш. Квоталаш жараёни (бошқача қилиб айтганда, контингентлаш), одатда, лицензиялаш, яъни махсус рўйхатга киритилган ресурслар ва маҳсулотлар билан ташқи савдо операцияларини амалга оширишга ваколатга эга бўлган давлат ташкилотлари (вазирликлар ва маҳкамалар) томонидан рухсат бериш билан биргаликда кузатилади.

Кўпчилик давлатларда ташқи иқтисодий фаолиятни лицензиялашни жорий қилиш халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга асосланади, уларнинг ичида энг асосийси 1947 йилда имзоланган Савдо ва тарифлар бўйича Бош битим (ГАТТ) ҳисобланади. Кейинчалик ГАТТ доирасида баъзи бир бошқа шартномалар имзоланган.

Ташқи савдони лицензиялаш турли кўринишларни олиши мумкин: бош лицензия, бир марталик лицензия ва автоматик лицензия. Бош лицензиялар унинг эгасининг маълум товар гуруҳи билан маълум вақт оралиғида (одатда, бир йилдан уч йилгача) экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини билдиради. Бир марталик лицензия компанияларга хорижий ҳамкор билан аниқ бир битимни амалга ошириш учун берилади. Автоматик лицензия давлат томонидан харидни, яъни харид ҳажмини ҳам, товар оқимларининг жўғрофий йўналишини ҳам доимий равишда назорат қилишни назарда тутди.

Лицензияларни жойлаштиришнинг асосий усулларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- очик конкурс – бунда максимал нарх таклиф қилган фирма лицензияга эга бўлади;
- яққол афзаллик тизими – бунда давлат ана шу соҳадаги энг обрўли компанияларга лицензия беради;
- харажатлар усули – бу рақобатчиларига нисбатан каттароқ ишлаб чиқариш қувватларига ва бошқа ресурсларга эга корхоналарга лицензия беришни англатади.

Ўз-ўзидан тушунарлики, келтирилган усуллар ичида энг афзали коррупция ва ошна-оғайнигарчиликдан холи бўлган очик конкурс усулидир.

Европа Иттифоқига аъзо-мамлакатлар орасида экспорт-импорт операцияларини лицензиялаш товар айланмаси умумий ҳажмининг 5-6 фоизи даражасига етади (квоталаш ва лицензиялаш бўйича ўзига хос «лидер» Франция ҳисобланади).

Лицензиялашни талаб этадиган товарлар рўйхатига, биринчи навбатда, экспортга мўлжалланган квоталанадиган маҳсулотлар, шунингдек, баъзи бир махсус гуруҳдаги товарлар: стратегик аҳамиятга эга товар ва ресурслар, доридармонлар, болалар ассортименти ва ҳоказолар киради.

«Кўнгилли» экспорт чеклашлари. Мутахассисларнинг фикрича, экспорт квоталарининг муҳим турларидан бири кўнгилли экспорт чеклашлари (КЭЧ) ҳисобланади. КЭЧ ҳолатида экспортёр-давлат «кўнгилли» равишда бошқа

мамлакатга олиб чиқадиган маҳсулоти ҳажмини чегаралайди ва ҳамкор тазйиқи остида минимал импорт нархларини ўрнатади. Бундай амалиёт АҚШ ва Европа Иттифоқида Япония товарлари (автомобиллар, электроника, пўлат)га нисбатан кенг қўлланилади. Ҳозирги пайтда жаҳонда бундай турдаги 100 дан ортиқ битимлар имзоланган, бироқ УСТ аъзо-мамлакатлар олдига улар ўртасидаги савдода ХХІ аср бошларига келиб, КЭЧни умумий бекор қилиш вазифасини қўймоқда.

Махсус, мантикий ниҳоясига етказилган квоталаш усули иқтисодий санкция кўринишидаги эмбарго ҳисобланади. Бу усул бир мамлакат ёки мамлакатлар гуруҳи билан савдо операцияларини бутунлай тақиқлашни билдиради. Одатда, сиёсий мақсадларни кўзлаган ҳолда эмбаргони жорий қилиш бутун номенклатурадаги ёки алоҳида гуруҳдаги товарлар экспорти ёки импортини чеклашни назарда тутаяди. ХХ асрда савдони тартибга солишнинг бундай усулига етарли даражада мисоллар келтириш мумкин. БМТ қарорига кўра эмбарго сиёсати Ироққа, қисман собиқ Югославия, Ливан, Эрон ва баъзи бошқа мамлакатларга нисбатан амалга оширилган.

Яширин протекционизм кўринишлари. Жаҳон амалиётида ташқи савдони тартибга солишнинг нотариф усуллари ичида миқдорий ва молиявий усуллардан ташқари яширин протекционизм усулларидан фойдаланилади. Яширин протекционизм усуллари моҳияти жиҳатдан марказий ҳукумат ва ҳатто маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ташқи савдо йўлига божхона табиатига эга бўлмаган турли-туман тўсиқларни ўрнатишини англатади. Яширин протекционизм усуллари кўпчилиги халқаро савдо мувофиқлаштирилган тамойилларини бузишнинг яққол намунаси дир.

Алоҳида мамлакат импорт ёки экспортни бир томонлама чегаралашда фойдаланадиган яширин протекционизм усуллари юздан ортиқ тури мавжуд. Бу усулларни тўртта катта гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Техник тўсиқлар.
2. Ички солиқлар ва йиғимлар.
3. Давлат харидлари доирасидаги сиёсат.
4. Маҳаллий компонентларнинг товар таркибида бўлишлигига талаблар.

Техник тўсиқлар яширин протекционизм усули бўлиб, миллий техник, маъмурий ва меъёрлар ҳамда қоидалар шундай ишлаб чиқиладики, улар товарларни ташқаридан олиб киришга тўсқинлик қилади. Техник характердаги тўсиқларнинг энг кенг тарқалганлари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- миллий стандартларга риоя қилишнинг талаб қилиниши;
- импорт маҳсулотнинг сифати ҳақида сертификат олинишининг талаб қилиниши;
- махсус қадоқлаш ва маркировкашнинг талаб қилиниши;
- маълум санитария ва гигиена қоидаларига риоя қилишнинг талаб қилиниши;
- атроф-муҳитни ҳимоялаш бўйича тадбирлар ўтказишнинг талаб қилиниши;

- мураккаблаштирилган божхона расмиятчиликларига риоя қилинишининг талаб қилиниши;



- истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисидаги қонунларга риоя қилишнинг талаб қилиниши ва ҳоказолар.

Ички солиқлар ва йиғимлар (domestic taxes and charges) яширин протекционизм усули бўлиб, улар импорт товарнинг ички нархини кўтаришга ва бу орқали унинг ички бозордаги рақобатбардошлигини пасайтиришга йўналтирилгандир. Улар ҳам марказий ҳукумат, ҳам маҳаллий ҳокимият органлари томонидан жорий қилиниши мумкин. Импорт товарлардан олинadиган солиқлар жуда хилма-хил, бу солиқлар тўғри солиқлар (қўшимча қиймат солиғи, акциз солиғи, сотишдан олинadиган солиқ) ёки эгри солиқлар (божхонада расмийлаштириш учун йиғимлар, регистрация учун ва бошқа расмиятчиликлар учун йиғимлар, порт йиғимлари) бўлиши мумкин.

Давлат харидлари доирасида сиёсат (state procurements) яширин протекционизм усули бўлиб, унга кўра давлат органлари ва корхоналардан фақат миллий ишлаб чиқарувчилар товарларини (бу товарлар импорт товарлардан қиммат бўлса ҳам) сотиб олиш талаб қилинади.

Маҳаллий компонентларнинг товар таркибида бўлишлигига талаблар (local content requirement) давлат сиёсатининг яширин усули бўлиб, унга кўра ички бозорда сотиладиган пировард товарда миллий ишлаб чиқарувчиларнинг улуши қонуний равишда белгилаб қўйилади.

Савдо сиёсати яширин усулларининг кўпчилигини миқдоран баҳолаш жуда қийин, бу эса унинг оқибатларини иқтисодий талқин қилишни ҳам қийинлаштиради. Қуйида маҳаллий компонентларнинг товар таркибида бўлишлигига талаблар мисолида яширин усулларнинг иқтисодий самарасини кўриб чиқамиз (3.4-расм).



3.4-расм. Маҳаллий компонентларнинг товар таркибида бўлишига талаблар

Фараз қилайлик, мамлакатда товар таклифи S_d , товарга талаб эса D_d ни ташкил қилади. Эркин савдо шароитида P_1 нархда хориждан товар таклифи S_1 ни ташкил қилади. Ушбу мамлакатда ишлаб чиқариш таннархи хорижга нисбатан юқори бўлганлиги сабабли маҳаллий товарлар таклиф қилинадиган нарх ҳам юқоридир. Агар маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва хориждан таклиф қилинаётган товарлар миқдорини ҳар бир нарх учун кўшиб чиксак, ушбу мамлакат бозорида ана шу товарнинг жами таклиф тўғри чизиғига – S_2 га эга бўламиз. Ички талаб жами талаб билан A нуқтада мувозанатга келади. Бу мувозанат нуқтада P_1 нархда Q_6 та товар сотилади, бу товарларнинг Q_1 таси ички ишлаб чиқарувчилар, Q_5 таси хорижликлар томонидан сотилади (1-а-расм).

Ҳукумат маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилишга қарор қилади ва маҳаллий компонентларнинг товар таркибида бўлишлиги талабларини жорий қилади. Чекловларга рўпара келмаслик учун хорижий компаниялар ўз ишлаб чиқаришини ушбу мамлакат ҳудудига кўчириб ўтказади, бу эса уларнинг харажатлари ошишига олиб келади. Харажатлар ошиши натижасида товар қимматлашади, хориждан таклиф чизиғи S_1 дан S_3 га кўчиб ўтади. Бунинг натижасида жами таклиф чизиғи ҳам S_2 дан S_4 га кўчиб ўтади ва B нуқтада мувозанатга келади. Натижада товар нархи P_2 гача ошади ва сотиш ҳажми Q_4 гача камаяди. Сотилган товарларни Q_2 таси маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, Q_3 таси эса мамлакатга кўчиб ўтган хорижликлар томонидан ишлаб чиқарилади.

Хорижийга нисбатан қимматроқ маҳаллий компонентларни сотиб олиш талабига мувофиқ ишлаб чиқариш харажатлари ошиб кетди ва нарх P_1 дан P_2 га кўтарилди, истеъмолчиларнинг зарари эса $a+b+c+d+e$ га тенг бўлди. Бу ерда a

сегмент – чегаравий эффект (маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга қайта таксимланадиган сумма), b сегмент – ҳимоялаш самараси (маҳаллий ишлаб чиқаришнинг хорижий ишлаб чиқаришга нисбатан носамаравийроқлиги сабабли йўқотишлар), d сегмент – истеъмол самараси (нарх ошиши натижасида истеъмол миқдорига йўқотишлар). Икки сегментнинг йиғиндиси c+e даромад самараси (хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг нарх кўтарилиши натижасида олган қўшимча даромади)ни ифодалайди, бу ерда c сегмент ушбу мамлакатда жойлашган хорижий ишлаб чиқарувчилага тегади, e сегмент эса ишлаб чиқариш харажатларининг ортишини ифодалайди. Мамлакатнинг жами иқтисодий зарари b+e+d ни ташкил қилади.

Савдо сиёсатининг молиявий усуллари: Субсидиялар. Лицензиялашга қўшимча равишда давлат миллий товар ишлаб чиқарувчиларни бевосита ва билвосита субсидиялар тизими, яъни мамлакат бюджетидан айрим корхоналарга ва маҳаллий ҳокимият органларига дотациялар бериш орқали рағбатлантириши мумкин. Бундан мақсад арзон импорт товарлари рақобатидан ҳимоя қилиш, энг асосийси, миллий саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини хорижга экспорт қилишни рағбатлантиришдан иборат. Бу вазиятда бевосита субсидиялар пул кўринишидаги маблағни, билвосита субсидиялар эса имтиёзли шартларда кредитлаш, солиққа тортиш, хавфхатарни суғурталаш бўйича давлат томонидан кафолатлаш, давлат хазинаси ҳисобидан экспорт қилинадиган товарларни ташқи бозорларда реклама қилиш кабиларни назарда тутаяди.

ГАТТ (УСТ) қоидаларига мувофиқ, аъзо-мамлакатлар ўртасидаги савдода бевосита экспорт субсидияларидан фойдаланиш тақиқланган. Европа Иттифоқи доирасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга бевосита экспорт субсидиялари бериш бундан мустасно. Юқорида кўрсатилган қоидаларнинг бузилиши импорт қилаётган мамлакатга компенсацияловчи импорт божлари олиш орқали жавоб чоралар кўришга асос бўлади. Бу боғлар УСТ арбитражида баҳс ҳал этилгунга қадар сақланади.

Экспорт субсидиялари миқдори ривожланган мамлакатларнинг қайта ишлаш саноати экспорти қийматининг 1 фоизидан ошмайди, бироқ айрим товар гуруҳлари учун, айниқса, ривожланаётган ва ўтиш даври иқтисодиётли мамлакатларда бу меъёр жуда катта миқдорга етиши мумкин.

Савдо сиёсатининг молиявий усуллари: Экспорт кредитлари. Экспорт кредитлари ташқи савдо сиёсатининг молиявий усули бўлиб, у миллий фирмалар экспорти ривожланишини давлат томондан молиявий рағбатлантиришни назарда тутаяди.

Экспорт кредитлари қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин:

- миллий экспортёрларга субсидиялашган кредитлар – давлат банклари томонидан бозор ставкасидан паст ставкада кредитлар берилиши;
- хорижий импортёрларга давлат кредитларининг берилиши, яъни кредит берган мамлакат товарини сотиб олиш шарти билан;
- миллий экспортёрларни экспорт рискларидан суғурталаш.

Экспорт кредитлари: қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узок муддатли бўлиши мумкин.

Экспорт кредитлари бўйича энг йирик уюшмалардан бири Экспорт кредити гуруҳи – Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти доирасида экспортни кредитлаш бўйича ҳукумат ва агентликлар вакиллари гуруҳи ҳисобланди. Бу гуруҳ 2 йил ва ундан ортиқ муддатли экспорт кредитларини тартибга солади. Иккинчи йирик ташкилот Берн иттифоқи, яъни кредитлар ва инвестицияларни суғурталаш бўйича халқаро иттифокдир.

Экспорт кредитларига баъзи ҳолларда бошқа давлатларга ташқи ёрдам сифатида қаралади.

Савдо сиёсатининг молиявий усуллари: Демпинг. Ташқи савдони нотариф усуллар билан тартибга солиш амалиётини ўрганиш шуни кўрсатадики, экспорт субсидиялари кўпинча демпингга – хорижий бозорларда экспортёр мамлакат ички бозоридаги ўртача нархга нисбатан паст баҳоларда сотишга моддий асос бўлади.

Мутахассислар демпингнинг қуйидаги вариантларини ажратиб кўрсатишади:

1. Тасодифий – экспортёрда тасодифий ортиқча товарларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ.

2. Вақтинчалик – экспортёр томонидан бошқа мамлакат бозорига тезлик билан кириб бориш учун қўлланилади.

3. Доимий – монополист компания томонидан унинг ташқи иқтисодий фаолияти давлатнинг доимий қўллаб-қувватлаши шароитида ташқи бозорларда фойдани максималлаштириш учун қўлланилади, бунда ички бозорда нисбатан юқори нарх сақлаб турилади.

Демпингдан, энг аввало, даврий пасайишлар ва ички талаб камайганда, иқтисодиётни таркибий қайта қуриш даврида фойдаланилади. Масалан, 30-йилларда шунга ўхшаш ҳодиса Шарқий Европа мамлакатларидан импорт қилинувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида кузатилди, 70 йилларда АҚШ ва Европа Иттифоқи томонидан Японияга нисбатан демпингдан фойдаланиш айблови илгари сурилди.

Вақтинчалик ва айниқса, доимий демпингга қарши импортёр-мамлакатлар ГАТТ моддаларига асосланган ҳолда импортга қарши импорт божларини жорий этиш ҳуқуқига эга бўлганлиги сабабли кейинги пайтда яширин демпинг кенг тарқалмоқда. Бу экспортёр ва импортёрлар ўртасида импортёрлар томонидан ўз миллий бозорида товарларни экспортёр етказиб берган нархдан паст баҳоларда сотиш ҳақида ошкор бўлмаган келишувни назарда тутди. Яширин демпинг йирик ТМКлар томонидан фирма ичида қўлланиладиган бутловчи қисмларнинг трансферти амалиётида кенг тарқалган (мас. япон ТМКлари ичида).

3.6. Ўзбекистоннинг ташқи савдо сиёсати

Ўзбекистон ташқи савдо сиёсатида аҳамият берадиган бўлсак, ушбу сиёсатни олиб боришдан мақсад мамлакатимиз экспорт ҳажмини ошириш,

экспорт товарларида юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар улушини ошириш ҳамда истеъмолчиларни сифатли импорт маҳсулотлари билан таъминлаш, импорт эвазига иқтисодиётда рақобат муҳитини оширишдан иборатдир.

Ўзбекистоннинг ташқи савдо сиёсати 4 босқичда амалга оширилди. Унинг биринчи босқичи 1991-1994 йилларни ўз ичига олади. Бу босқич асосида Ўзбекистоннинг божхона тариф тизими ётади. Ушбу босқичда Ўзбекистон импортга нисбатан юқори даражада бўлмаган (божхона қийматидан 5-10 %) импорт тарифларини, экспортга нисбатан эса 40 %гача бўлган юқори экспорт божлари ҳамда экспортга нотариф (квота, лицензия, тўсиқлар) чекловлар қўйиш сиёсатини қўллади.

Мамлакатимиз 1994-1996 йилларни олган ташқи савдо сиёсатининг 2 босқичида эса импортни либераллаштириш сиёсатини қўллади. Бу даврда мамлакатимиз барча импорт божларини бекор қилди. Экспортни бошқаришнинг нотариф усулидан тариф усулига ўтилди ва хомашё маҳсулотларига экспорт божи фоизини ошириб, хомашё бўлмаган экспорт маҳсулотларига нисбатан солиқ имтиёзлари тақдим этиш билан бу даврда ташқи савдони тартибга солди.

Маҳсулотларнинг бир қатор турларига нисбатан экспорт ва импорт божхона божлари фаол қўллаш билан 3 босқич 1996-1997 йилларда амалга оширилди. Экспортлар фикрига кўра, импорт божлари фоизи шартнома қийматининг 5 %идан 50 %игача ўсди. Экспорт божлари фоизи пасайтирилиб, экспортни рағбатлантириш мақсадида молиявий воситаларни қўллаш асосида квота ва лицензияга асосланган экспорт маҳсулотлари номи камайтирилди.

1998 йилдан ҳозирга пайтгача олиб борилаётган ташқи савдо сиёсати 4 босқич ҳисобланиб, унда импортга нисбатан тарифлар ўрнатиш ҳамда техник барьерлар қўйиш, акциз солиғи, ҚҚС, божхонада расмийлаштириш учун тушумлар жорий қилиш билан давлатимиз томонидан ташқи савдо тартибга солинмоқда. Экспорт нисбатан сиёсатда эса экспортёрлар учун солиқ ва божхона имтиёзларини яратиш, экспортни лицензиялаш ва экспорт маҳсулотларига чекловлар қўйиш орқали тартибга келтириб келинмоқда. Аммо Президентимиз Шавкат Мирзиёев Миромонович томонидан 2017 йил 15 декабрда қабул қилинган «Ташқи бозорда миллий маҳсулотларимиз рақобатбардошлигини ошириш ва экспортни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра махсус маҳсулотлардан ташқари экспорт божининг барча турлари бекор қилинди.

2017 йилда ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясининг 3-йўналиши Иқтисодиётни либераллаштириш ва ривожлантиришдир. Ушбу йўналиш бўйича ташқи савдони янада либераллаштириш ва самарали бозор иқтисодиётини шакллантириш мақсадида божхона божлари ставкаси 2 марта камайтирилди. 8 мингдан ортиқ импорт товарларига божхона божи, 3550 турдаги маҳсулотларга эса импорт божи ва 1122 турдаги маҳсулотларга акциз солиқ ставкаси 0 даражага туширилди. Бундан кўзланган мақсад ички маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишдир. 2017 йил натижаларига

кўра юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотларнинг экспортдаги улуши 28,5 %дан 34,5 %гача ўсди. Экспорт ҳажми эса 11,3 миллиард АҚШ долларига тенг бўлди ва ташқи савдо баланси сальдоси эса 519,5 миллион АҚШ долларига тенг бўлди.

Биргина Россия ва Ўзбекистон ўртасида олиб борилган ташқи савдо алоқаларига назар солсак, 2017 йилда Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги товар савдо айланмаси 21 миллион 162 минг АҚШ долларини ташкил этган. 2018 йилнинг биринчи чорагида эса бу кўрсаткич 27 миллион 579 минг АҚШ долларини ташкил этди. Россияга экспорт ҳажми эса ўтган йилга нисбатан 108,6 % , импорт ҳажми эса 140 %га ошган.

Ташқи савдони тартибга солишда олиб борилаётган сиёсат натижасида бугунги кунда Ўзбекистон дунёнинг 170 дан ортиқ давлатлари билан ҳар томонлама ташқи савдо алоқаларини ўрнатган. Испаниянинг EKZ Global компания раҳбари Адолф Ромеро Ўзбекистоннинг ташқи алоқаларига тўхталиб: “Ўзбекистон бугунги кунда хорижий ҳамкорлари билан савдо алоқаларини мустақамлаш ва кенгайтиришга қаратилган фаол инвестицион сиёсат олиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида, мамлакатга киритилаётган инвестиция ҳажмини ва ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга, ички маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга олиб келади”, – дея таъкидлаб ўтди ўз нутқида.

Хулоса

1. Савдо сиёсати воситалари (чоралари), энг аввало, тарифли ва нотариф чораларга бўлинади. Тарифли чоралар барча мамлакатлар савдо сиёсатининг асосий қуроли бўлиб, божхона божлари, божхона таомиллари ва қоидалари йиғиндисини ташкил қилади. Импорт қилинадиган товарларга божхона божлари божхона тарифларига умумлаштирилган бўлиб, у товарнинг келиб чиқиш мамлакатига қараб унга белгиланган божхона божлари ставкалари кўрсатилган ҳолда тизимлаштирилган товарлар рўйхатини ифодалайди. Унинг асосида келиб чиқиши ва қайта ишлаш даражасига боғлиқ ҳолда товарлар классификаторини ифодаловчи товар номенклатураси ётади. Мамлакатда божхона жараёнларини тартибга солиш асослари унинг Божхона кодексига белгиланган бўлади. Масалан, Россияда 2010 йилдан бошлаб Россия, Белоруссия ва Қозоғистон Божхона иттифоқининг Божхона кодекси амал қилади.

2. Нотариф чораларга иқтисодий ва маъмурий тавсифдаги турли воситалар бўлиб, энг аввало, уларга божхона-маъмурий импорт расмийчиликлари (божхона жараёнлари), яъни товарнинг божхона чегарасини кесиб ўтишда божхона органларининг ҳаракатлари йиғиндиси киради. Бунда энг мураккаб ва зиддиятли ҳолатлар бўлиб, товарнинг божхона қиймати ва келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш жараёнлари ҳисобланади.

3. Савдо сиёсатининг воситаси бўлмиш ташқи савдо субсидияси тушунчасини аниқлаш бирмунча мураккабдир. ГАТТ (ЖСТ) доирасида катта ишлар амалга оширилиши натижасида мазкур барча субсидиялар учта

“саватчага” гуруҳлаштирилган бўлиб, уларнинг ҳар бирига нисбатан турли жараёнлар амал қилади.

4. Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солишда иқтисодий усуллардан фойдаланиш ҳар томонлама самарали эканлиги, оптимал тариф ставкасини белгилаш муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги кунда давлатнинг фискал сиёсатини рағбатлантирувчи тариф усуллари ўтиш даври иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этувчи омилдир.

5. Ўзбекистон Республикаси ташқи савдони тартибга солишни мустақилликка эришганидан сўнг 4 босқичда амалга ошириб келди. Унинг сўнгги, яъни 1998 йилдан ҳозирга пайтгача олиб борилаётган ташқи савдо сиёсатида импортга нисбатан тарифлар ўрнатиш ҳамда техник барьерлар қўйиш, акциз солиғи, ҚҚС, божхонада расмийлаштириш учун тушумлар жорий қилиш билан давлатимиз томонидан усуллар қўлланилмоқда. Экспорт нисбатан сиёсатда эса экспортёрлар учун солиқ ва божхона имтиёзларини яратиш, экспортни лицензиялаш ва экспорт маҳсулотларига чекловлар қўйиш орқали тартибга келтириб келинмоқда. 2017 йилда ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясининг Иқтисодиётни либераллаштириш ва ривожлантириш йўналиши бўйича ташқи савдони янада либераллаштириш ва самарали бозор иқтисодиётини шакллантириш мақсадида божхона божлари ставкаси 2 марта камайтирилди ҳамда 8 мингдан ортиқ импорт товарларига божхона божи, 3550 турдаги маҳсулотларга эса импорт божи ва 1122 турдаги маҳсулотларга акциз солиқ ставкаси 0 даражага туширилди. Бундан кўзланган мақсад ички маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишдир.

Бу билан нотариф усулларни самарасиз деб бўлмади, улар ҳам ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда ўз ўрнига эга. Аммо ҳозирги жаҳон хўжалиги интеграциялашув жараёнида тариф усуллар самараси юқорилиги ҳисобига кўпроқ тариф усуллардан фойдаланиш тавсия қилинади.

Иқтисодиётнинг глобаллашуви жараёнида ушбу усуллар аҳамияти ортиб бормоқда, ривожланган давлатлар тажрибасида иқтисодиётнинг очиқлик даражасини оптималлаштириш натижасида тариф, нотариф усуллар кенг қўлланилиб келмоқда.

Таянч иборалар: ташқи савдо ҳажми, экспорт, импорт ҳажми, экспорт квотаси, мамлакатнинг савдо сиёсати, ҳудудий савдо келишувлари, кўп томонлама савдо тизими, қулай савдо режими, миллий режим, божхона кодекси, божхона тарифи, тариф линияси, демпинг, ташқи савдо субсидияси.

Назорат учун саволлар

1. Савдо сиёсати асосий режими ва уларни татбиқ этиш зарурлигини тушунтириб беринг.

2. Ташқи савдони давлат томонидан бошқаришнинг тамойиллари ва усулларини айтиб беринг.

3. Ривожланган мамлакатларда ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш усулларини таҳлил қилиб беринг.

4. Глобаллашув шароитида ташқи савдо урушлари кўринишлари ва унда ривожланган мамлакатларнинг тутган ўрнини тушунтириб беринг.

5. Кейинги йилларда ташқи савдо соҳасида рўй бераётган ўзгаришларни кўрсатиб беринг.

6. Республикамизнинг экспортга йўналтирилган иқтисодий ривожланиш моделини танлаши ташқи савдо ривожланишига қандай таъсир кўрсатишини тавсифлаб беринг.

IV боб. ЖАҲОН ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР САВДОСИ

«...дунёдаги ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ютуғи ташқи савдога таянади. Ҳали ҳеч қайси давлат халқаро иқтисодий тизимдан ажралган ҳолда кучли иқтисодиёт ярата олмаган».

Ж.Сакс, АҚШлик иқтисодчи

Ҳозирги жаҳон хўжалиги учун халқаро иқтисодий муносабатлар ривожланишининг асосий шакли ташқи савдодир. Ташқи савдо эса ўз навбатида, товар ва хизматлар савдоси билан тавсифланади. Алоҳида мамлакатларнинг жаҳон савдосига тортилганлиги миллий иқтисодиёт очиқлигининг турли кўрсаткичлари, шу жумладан, экспорт квотаси деб номланадиган экспортнинг ЯИМга нисбати билан тавсифланади. 2017 йилда жаҳонда товарлар ва хизматлар экспорти 22,3 трлн. долларга баҳоланган эди, ЯИМ эса 77,2 трлн. долларни (ХҚП бўйича 90 трлн. долларга яқин) ташкил этган бўлиб, яъни уларнинг нисбати 28,3 %га, (26 %га) тенг бўлди. Ҳозирги ва аввалги ўн йилликларда у ўсиб борди. Ўзбекистонда ташқи савдо кўламлари ва суръатлари кўпинча товар айланмаси (яъни экспорт ва импортнинг йиғиндиси) билан, лекин жаҳонда кўпинча экспорт билан ўлчанади.

Жаҳон савдосида бир неча минг товарлар ва хизматлар иштирок этади. Жаҳон савдосининг ривожланиши ҳозирги кунда мамлакатларнинг ташқи савдосини эркинлаштириши, глобализация, ТМКлар фаолияти кенгайиши

ҳамда интеграцион ва ихтисослашув жараёнларининг ривожланиши билан тавсифланади.

4.1. Жаҳон товарлар савдоси

Халқаро савдо халқаро савдо муносабатлари доираси бўлиб, дунёдаги бутун ташқи савдо алоқаларини ўзида жамлайди.

Ташқи савдо алоҳида мамлакатнинг экспорт-импорт операциялари мажмуидир. Бу бир мамлакатнинг халқаро хўжаликдаги субъектлар билан алоқасидир.

Жаҳон савдосининг жадаллашган (ЯИМ билан таққослаганда) ўсишининг асосий омилларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви;
- ТМК доирасида қўшилган қиймат занжирларини шакллантириш;
- инновацион ривожланиш;
- халқаро савдонинг либераллашуви;
- халқаро иқтисодий ташкилотларнинг фаолияти.


Глобаллашувга келсак, у алоҳида миллий бозорлар ўртасида янада зич алоқаларни ва глобал товарлар бозорини шакллантиришга кўмаклашди, ТМКлар фаолияти эса қўшилган қиймат занжирларини шакллантиришга кўмаклашди. Ушбу жараёнлар инновацион жараёнлар таъсири остида янада кучайди ва натижада товарлар ҳаётийлик даврининг қисқариши рўй берди. Глобал рақобат шароитларида мамлакатлар ўз бозорларини йириклаштиришга, шунингдек, ишлаб чиқариш кўламлари самарасига эришишга интилдилар, бу эса минтақавий ва имтиёзли савдо келишувлари сони ва спектрининг кенгайишига олиб келди. Глобаллашув шароитларида халқаро савдонинг либераллашуви ва халқаро савдони тартибга солишнинг унификация қилинган қоидаларини ишлаб чиқиш муқаррар жараёнга айланди. Глобал иқтисодий жараёнларни тартибга солиш ва умумий қоидаларни ишлаб чиқиш, ўз навбатида, халқаро иқтисодий ташкилотлар ва институтларнинг фаолиятини кучайтиришга олиб келди.

Жаҳон товарлар савдоси динамикаси ва унинг географик тузилмаси.

Жаҳон савдосининг динамикаси бутун жаҳон иқтисодиёти ва унинг алоҳида иштирокчиларининг ривожланиш характери ва суръатлари билан бевосита боғлиқ. 1950-1970 йиллар жаҳон савдосининг фаол ўсиш даври ҳисобланади, бу даврда доимий нархларда жаҳон товарлар экспортининг ўртача йиллик ўсиши 7 %ни ташкил этди (халқаро статистикада жаҳон савдосининг динамикаси ва ҳажми доимий нархлардаги экспорт билан ўлчанади ва бир кўриниш сифатида унинг жорий нархлардаги кўриниши қўлланилади). 1980 йилларда жаҳон савдосининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 5 %гача пасайган бўлса-да, ушбу ўн йилликнинг охирларидаёқ жаҳон экспорти тезлаша борди, 1990 ва 2000 йилларда эса жаҳон савдоси энг динамик равишда ўсиб борди.

2012-2017 йиллар жаҳон товарлар бозорига аҳамият берадиган бўлсак, 2015 йилда кескин тушганини кўрамиз (4.1-расм). Ташқи савдо назариясига биноан бунга сабаб экспорт товарлари нархининг тушиши жаҳон товарлар

бозорида таклиф ҳажмининг камайишига, бу эса ўз навбатида, графикнинг силжишига олиб келади. Бундан ташқари жаҳонда юз берадиган сиёсий, ижтимоий жараёнлар ҳамда мамлакатлар ташқи савдо сиёсатининг ўзгариши ҳам бевосита таъсир қилади.



4.1-расм. Жаҳон товарлар савдосининг ҳажми ва қиймати

Манба: Жаҳон банки https://www.wto.org/english/res_e/statis_e/wts2018_e/wts2018_e.pdf

Бироқ ўтган ўн йилликнинг сўнггида бошланган жаҳон иқтисодий инқирози сабабли 2009 йилдаёқ жаҳон савдоси динамикасининг бутун урушдан кейинги давр учун энг ёмон кўрсаткичи қайд этилди – жаҳон савдоси ҳажмининг қисқариши 12 %ни (жорий нархларда эса ҳатто 22 %ни) ташкил этди. Сўнгги ўн йилликнинг ўзига хос белгиси минтақвий савдо ҳамкорлигининг фаоллашуви ҳисобланади, у минтақавий савдо келишувлари (МСК) сонининг кўпайишида, улар билан қамраб олинган жаҳон савдосининг ўсишида, ривожланган мамлакатларнинг ноўзаро имтиёзлардан ўзаро имтиёзлар тизимига ўтишга интилишида намоён бўлади. Ҳозирги вақтда жаҳон савдосининг тахминан ярми МСК иштирокчилари ўртасида амалга оширилади. Ўсиб бораётган минтақавийлашувнинг асосий сабабларига қуйидагилар киради:

- интеграцион бирлашмалар доирасида савдони либераллаштириш бутун жаҳон савдо тизими доирасидагига нисбатан тезроқ амалга ошади ва келгусида янада кенг кўламларда либераллаштириш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин;

- ЖСТ негизида Доха-раунд доирасида 2001 йилдан бери давом этган кўптомонлама музокараларнинг барбод бўлиши кўпгина мамлакатларни хорижий бозорларга имтиёзли эришишни таъминлашнинг ўз йўллариини излашга мажбур қилди. Шу тарзда 2013 йил бошида ГАТТ (ЖСТ) доирасида 546 та МСК нотификация қилинган бўлиб, улардан 354 таси амал қилмоқда;


- халқаро савдо назариясидан келиб чиқишича, минтақавий либераллашув савдони яратиш жараёнларини тезлаштиради, бу эса унинг ҳажми ошишига ва товарлар номенклатурасининг кенгайишига кўмаклашади;

- минтақавий ва имтиёзли механизмлар заифроқ мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш даражасини иқтисодий жиҳатдан кучлироқ шериклар ҳисобига ўстириш ва заифроқ мамлакатларнинг товар бозорларига кириб боришларини кенгайтириш имконини вужудга келтиради;

- МСК ва имтиёзли савдо келишувлари (ИСК) айрим ҳолларда мураккаб сиёсий вазиятларнинг олдини олишга ва ҳал этишга кўмаклашади.

Натижада ҳозирги вақтда жаҳон савдосида ягона куч сифатида ҳаракат қилувчи ва айрим ҳолларда ўз қатнашчилари номидан ягона савдо сиёсатини олиб боровчи йирик минтақавий (интеграцион) гуруҳлар, шунингдек, айрим мамлакатлар ва бозорлар ўртасида кўп сонли МСК фаолият юритмоқда.

2017 йилдаги жаҳон товарлар савдосида Осиё давлатларининг улуши сезиларли даражада ошди, яъни 8,1 %га ўсди. Осиё давлатларининг 2017 йилда халқаро товарлар экспортидаги улуши 6,7 %га, импортдаги ҳиссаси эса 9,6 %га ошди. 2016 йилда жаҳон савдосидаги улушининг сезиларли даражада пасайишидан сўнг Шимолий Америка давлатларининг жаҳон экспортидаги ҳиссаси кескин (экспортдаги улуши 4,2 % ҳамда импортдаги улуши 4 %га) ўсди. 2017 йилда жаҳон экспорти ва импортида Осиё ва Европа давлатларининг улушини ошганини кўришимиз мумкин (4.2-расм).



Манба: www.unctad.org Handbook of statistics 2018

4.2-расм. 2011-2017 йилларда жаҳон товарлар савдосида худудларнинг улуши (фоизда)

ЕИ энг йирик савдо блоки бўлиб, 2017 йилда унинг улушига жаҳон товар айланмасининг 22 %и, шу жумладан, 32,26 % жаҳон экспорти ва 33,3 % жаҳон

импорти тўғри келади. 2016 йил билан таққослаганда, ЕИнинг экспорти 3,5 %га, импорти эса 2,5 %га ўсди. Евроиттифоқ, шунингдек, минтақавий ички савдонинг ўртача 56 %га тенг энг юқори улуши билан тавсифланади.

Муҳимлигига кўра иккинчи савдо блоки НАФТА бўлиб, у бозорларнинг интеграциялашувининг анча паст даражасига ва келишилган савдо сиёсатига эга эмаслиги (мос равишда 18,2 % ва 13,4 %) билан ажралиб туради. НАФТАда минтақавий ички савдо ўртача 45 %ни ташкил қилади ва товарлар гуруҳига кўра жиддий табақаланиш билан тавсифланади.

Савдо блоклари ичида учинчи ўринни АСЕАН эгаллайди: унинг улуши жаҳон экспортининг 7,4 %ини, жаҳон импортининг 6,7 %ини ва минтақавий ички савдо 590,4 млрд. АҚШ долларини ташкил қилади. Бу савдо блокининг 2017 йилда ЯИМи дунё ЯИМининг 3,5 %ини ташкил қилди. АСЕАН 2017 йилдаги товар ва хизматлар савдоси ҳажми 2574,8 млрд. АҚШ долларига етди, шундан 1322,3 млрд. АҚШ доллари экспорт ҳамда 1252,5 млрд. АҚШ доллари импортдан иборат бўлди.

Жаҳон савдосига МСК ва ИСКнинг самаралари анъанавий равишда Джейкоб Вайнернинг савдони яратиш ва диверсификация қилиш назарияси нуқтаи назаридан баҳоланади. Унинг назариясига кўра, табиий савдо шериклари деб аталувчи, яъни ўзаро фаол савдо олиб бораётган мамлакатлар ўртасида савдо келишувлари тариф тўсиқларини камайтириш ёки бартараф қилиш орқали савдони яратишга кўмаклашади. МСК, шунингдек, мураккаброк институционал қоидалар ва савдо доирасидан ташқарига чиқувчи кенгроқ МСК асосида янада кенгроқ кўламли бозорларни шакллантириш ва хорижий ишлаб чиқаришларни жойлаштириш ҳисобига динамик самарага эга.

Шунга қарамай, уларнинг барчаси аъзо-мамлакатларнинг ишлаб чиқариш тузилмаси ва ихтисослашувида ўзгаришларга, шунингдек, кластерлаштириш самарасига эга. Савдони диверсификация қилишга келсак, изланишлар шуни кўрсатадики, бундай самарага айрим тармоқлар ва айрим товар позициялари бўйича эришиш мумкин, бироқ у умумий ҳисобланмайди.

Замонавий иқтисодиётда исталган минтақавий савдо келишувининг жаҳон савдосига таъсири, энг аввало, унга аъзо-мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш суръатлари ва даражасига, шунингдек, келишув иштирокчиларининг интеграциялашув даражасига ва уларнинг умумий ташқи савдо стратегиясини ишлаб чиқиш қобилиятига боғлиқ. Асосан тариф масалаларини тартибга солувчи анъанавий келишувлар ички сиёсат масалаларини, умумий техник регламентларни, рақобат қоидаларини ишлаб чиқишни ва ҳоказони ўз ичига олувчи чуқур интеграциялашув тўғрисидаги келишувларга нисбатан жаҳон савдосига анча кам таъсир кўрсатади. Бу каби келишувлар нафақат товарлар, балки хизматлар билан савдо қилиш қоидаларини, кейинчалик эса инвестицияларни жалб қилиш сиёсатини ҳам уйғунлаштиришга олиб келади. Инвестицион ҳамкорлик, ўз навбатида, ўзаро савдони либераллаштириш ва имтиёзли савдо келишувларини имзолаш учун рағбат бўлиб хизмат қилиши мумкин. Аммо бундай савдо иттифоқлари, яъни интеграцион жараёнлар ривожлангани сари мамлакатларнинг қарамлиги, яъни

бошқа бир давлатга боғлиқлиги ҳам ошиб бораверади. Интеграцион босқичларининг ҳар бирида турли шартлари мавжуд. Мисол учун, божхона иттифоқида аъзо мамлакатлар ўртасида божхона тўсиқлари олиб ташланади ва бунинг натижасида истемолчилар ютиб, миллий ишлаб чиқарувчилар ютқизишига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари хавфсизлик масалаларини ҳам инобатга олмақ керак.

Жаҳон савдосининг товар тузилмасидаги тенденциялари. Жаҳон савдоси ривожланиши замонавий босқичининг муҳим тавсифлари бўлиб, тез ўзгарувчи товар тузилмаси ва янги товар гуруҳлари ҳамда турларининг пайдо бўлиши ҳисобланади. Жаҳон товар айирбошлашнинг тузилмаси анъанавий равишда учта товарлар гуруҳини, яъни озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, ёқилғи ва қазиб олиш саноатининг бошқа маҳсулотларини, қайта ишлаш саноатининг маҳсулотларини ўз ичига олар эди. Замонавий иқтисодиётда барча учта товар гуруҳлари ниҳоятда табақалаштирилган ва деталлаштирилган ҳамда турлича ифодаланиши мумкин. Жаҳон савдоси товар тузилмасининг ўзгаришлари умумий кўринишда қуйидаги 4.1-жадвалда келтирилган.

4.1-жадвал

Жаҳон савдоси товар тузилмасининг динамикаси (жорий нархларда), %*

Товар гуруҳи	Жаҳон экспорти						Жаҳон импорти					
	1995 йил	2005 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	1995 йил	2005 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил
Барча товарлар	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Озиқ-овқат товарлари (СХТТ 0+1+22+4)	9,0	6,6	7,5	7,5	7,8	7,9	9,0	6,7	7,6	7,6	7,8	7,9
Қишлоқ хўжалиги хомашёси (СХТТ 2-22-27-28)	2,7	1,6	1,6	1,5	1,5	1,5	2,9	1,7	1,7	1,5	1,5	1,5
Ёқилғи (СХТТ 3)	7,3	13,9	17,9	18,7	18,0	16,7	7,3	13,4	17,7	18,5	17,5	16,2
Қайта ишлаш саноатининг маҳсулоти (СХТТ 5 дан 8 гача, минус 667 ва 68)	72,7	70,4	62,8	62,6	63,2	65,4	72,3	70,9	63,6	63,2	64,0	66,0
Рудалар ва метал-лар	4,6	4,6	6,8	6,5	6,7	6,0	4,9	4,9	6,9	6,3	6,5	6,1

(СХТТ 27+28+68+667+ 971)													
--------------------------------	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

* кавсларда БМТнинг Стандарт халқаро товар таснифи (СХТТ) бўйича позициялар рақамлари.


Манба: UNCTAD. Handbook of Statistics. Geneva, 2012, 2013, 2014, 2015.

Қайта ишлаш саноати маҳсулотлари (тайёр маҳсулотлар) билан жаҳон савдоси ўз динамикаси бўйича фақат ёқилғи билан савдодан орқада қолади, ҳажми бўйича эса аллақачон халқаро товарлар савдосининг асосига айланган. Жаҳон савдосида унинг улуши 1995-2012 йилларда тахминан 70 %ни ташкил қилган. Қайта ишлаш саноати маҳсулоти орасида юқори технологик ва илмталаб маҳсулотлар савдоси энг тез ривожланмоқда. ЕИ ва ИХТТ мутахассислари юқори технологик тармоқларга тармоқ илм-фанига харажатлар улуши 4,5-5 %дан кам бўлмаган, илмталаб тармоқларга эса 10 %дан юқори бўлган ишлаб чиқаришларни киритадилар. Умумий ҳолда уларга қуйидаги ишлаб чиқариш турлари киритилади:

- тиббий, аниқ ва оптик асбоблар;
- фармацевтика;
- радио ва телеаппаратура ва коммуникация асбоб-ускуналари;
- офис асбоб-ускуналари ва компьютер техникаси;
- авиатехника ва космик асбоб-ускуналар;
- кемасозлик маҳсулотлари.

2017 йилда тайёр маҳсулотлар гуруҳининг асосини (20 %) машина ва асбоб-ускуналар, шу жумладан, офис ва телекоммуникация асбоб-ускуналари (9 %), автомобиль (11 %) ташкил этади. Автомобилсозлик маҳсулотлари савдоси, сўнгги жаҳон иқтисодий инқирозидан энг кўп зарар кўрганига қарамай, энг юқори суръатлар билан ўсмоқда. Кимё маҳсулотлари улушига жаҳон савдосининг 12 %и тўғри келади, қайта ишлаш саноатининг бошқа маҳсулотлари ҳам тахминан шундай ўринга эга. Шунингдек Жанубий Америка ва Европа давлатларини кўришимиз мумкин. Ёқилғи ва кон маҳсулотлари жаҳон савдосининг 15 %ини ташкил этди ва унинг асосий экспортёрлари РФ, Европа давлатларидир (4.3-расм).


Бироқ экспорт ўсишининг энг юқори суръатлари энергия ташувчилар учун хос бўлиб, бу, асосан, ушбу савдонинг жисмоний ҳажми ўсиши эмас, балки жаҳон нархларининг ҳисобига рўй берди. Нарх омили жаҳон савдосида бошқа хомашё гуруҳлари улуши ўзгаришининг муҳим элементига айланди. Сўнгги ўн йилликда ёқилғи, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги хомашёси, рудалар ва металлларнинг нархлари гоҳ пасайиб, гоҳ кўтарилиб, кескин ўзгариб турди.



Source: WTO estimates.

4.3-расм. Жаҳон товарлар экспортининг товар тузилмаси (2017 й.)

Халқаро савдо назариясига мувофиқ мамлакатларнинг жаҳон савдосидаги улуши ва унинг экспортдаги ҳолатини кузатиб, мамлакатларнинг нисбий афзаллигини аниқлаб олма бўлади. Ҳамда ушбу ҳолат таҳлилидан келиб чиққан ҳолда уларнинг мамлакатларнинг қайси соҳа бўйича ихтисослашганини кўришимиз мумкин. Масалан, БАА мамлакатларининг асосий экспорт маҳсулотлари ёқилғи, яъни нефтдан иборат. Шунинг учун улар асосий фаолияти ёқилғи саноат маҳсулотларидир. Буни қуйидаги 4.4-расмда кўришимиз мумкин:



4.4-расм. Жаҳон экспорт маҳсулотларининг ҳудудлар бўйича тақсимооти, 2017 й.

Ушбу расмдан кўришимиз мумкинки, саноат озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти бўйича Шимолий ва Жанубий Америка давлатлари (Гренландия, Аргентина) Африка қитъаси давлатлари (Нигерия, Эфиопия, Сомали) ва Мадагаскар ороллари каби давлатлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Саноат маҳсулотлари бўйича эса АҚШ, Канада, Бразилия ва Европа давлатлари, Хитой, Япония каби давлатлар юқори ўринларда. Ёқилғи маҳсулотлари экспорти бўйича эса Россия Федерацияси, БАА, Африка қитъаси давлатлари 2017 йилда устунликка эришмоқдалар. Бундан келиб чиқадики, ушбу маҳсулотларнинг халқаро савдодаги нархига ушбу давлатлар таъсир қила олади. Бундан ташқари халқаро савдо назариясига биноан ушбу давлатлар саноат ёки қишлоқ хўжалиги, шунингдек, халқаро савдода иштирок этаётган бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришда бошқа давлатларга нисбатан нисбий устунликка эгадир.

Қийматни яратишнинг глобал занжирларини шакллантириш жаҳон савдосининг тузилмасига ва тартибга солиш тизимига таъсир кўрсатувчи муҳим тенденцияга айланди. Ушбу шароитларда халқаро савдонинг таҳлили фақат товар айланмасининг қиймат ҳажмларини баҳолашдан иборат бўлиши мумкин эмас. Янада чуқур тушуниш учун қаерда ва қайси босқичларда кўшимча қийматнинг яратилиши рўй беришини тушуниш зарур. Ушбу ҳолатда қатор муаммолар вужудга келади: биринчидан, замонавий шарт-шароитларда ушбу занжирнинг элементлари мамлакатлар бўйича қандай тақсимланганини аниқлаш анча мураккабдир; иккинчидан, кўшилган қиймат яратишни ҳисобга олган ҳолда жаҳон савдосининг ҳисобини юритиш жаҳон савдосида товар оқимларини баҳолашга статистик ёндашувни ўзгартиришни талаб қилади. Шунга қарамай, халқаро савдо ва унинг тенденциялари жаҳон савдосининг 80 % тўғри келадиган трансмиллий бизнеснинг ривожланиш истиқболлари билан белгиланади. Айнан трансмиллий корпорациялар турли мамлакатларда ўз ишлаб чиқаришларини жойлаштириш орқали охир-оқибатда жаҳон савдосининг географик ва товар тузилмаси истиқболда қандай шаклланишини аниқлаб беради.

4.2. Жаҳон хизматлар савдоси

Халқаро савдода товарлардан ташқари хизматлар ҳам иштирок этади. Аммо халқаро савдо назариясига мувофиқ халқаро савдода иштирок этмайдиган товарлар турига хизматлар соҳасининг баъзилари кириб кетади. Масалан, коммунал хизматлар, турар жой аренда бўйича хизматлар ва шу кабилар. Статистик маълумотларга кўра, ҳозирги кунда ривожланиб келаётган хизмат турларига молия, туризм соҳасини киритиш мумкин. Хизматлар таҳлилий мақсадларда турли белгиларига кўра таснифланади. Бунинг учун ХВЖ томонидан ишлаб чиқилган тўлов баланси схемалари доирасидаги классификаторлардан ва хизматларга кенгайтирилган ёндашувни қўлловчи Жаҳон банкининг таснифлаш схемасидан фойдаланилади, лекин етакчи ўринни ЖСТнинг таснифи эгаллайди. У 160 га яқин умумлаштирилган хизматлар турини ўз ичига олиб, улар 12 та йирик бўлимларга ажратилган ва БМТнинг статистик бўлими томонидан ишлаб чиқилган СРС (Central Product Classification) асосида қурилган (4.2-жадвал).

4.2-жадвал

ЖСТ таснифи бўйича хизматлар турлари ва кўринишлари

Т/р	Хизматлар тури	Хизматлар кўринишлари
1.	Ишга доир хизматлар	
	1.1. Профессинал	1.1.1. Ҳуқуқий 1.1.2. Бухгалтерлик 1.1.3. Солиқ маслаҳатчилиги бўйича 1.1.4. Аудиторлик 1.1.5. Архитектура 1.1.6. Муҳандислик 1.1.7. Шаҳарсозик ва ландшафтни режалаштириш бўйича 1.1.8. Тиббий ходимлар, стоматологлар ва ветеринарлар хизматлари 1.1.9. Илмий-техник маслаҳатчилик бўйича
	1.2. Компьютер	
	1.3. Тадқиқотлар ва ишланмалар соҳасида	
	1.4. Кўчмас мулк айланмаси соҳасида	
	1.5. Хизмат кўрсатувчи ходимларсиз асбоб-ускуналарнинг ижараси	1.5.1. Кемалар 1.5.2. Самолётлар 1.5.3. Бошқа транспорт воситалари 1.5.4. Бошқа машиналар ва асбоб-ускуналар
	1.6. Бизнес учун бошқа хизматлар	1.6.1. Хизмат кўрсатувчи ходимлар билан асбоб-ускуналарнинг ижараси 1.6.2. Реклама 1.6.3. Бозор ва жамоатчилик фикрини ўрганиш 1.6.4. Бозор ва жамоатчилик фикри соҳасида маслаҳатчилик 1.6.5. Воситачилик ва ишга жойлаштириш 1.6.6. Қўриқлаш 1.6.7. Анжуманларни ташкил қилиш ва бошқалар
2.	Коммуникация хизматлари	2.1. Почта 2.2. Курьерлик 2.3. Телекоммуникация 2.4. Бошқалар
3.	Қурилиш ва конструкторлик хизматлари	
4.	Таксимот билан боғлиқ хизматлар (дистрибуторлик хизматлари)	4.1. Савдо агентлари хизматлари 4.2. Чакана ва улгуржи савдо 4.3. Франчайзинг
5.	Таълим хизматлари	
6.	Атроф-муҳитни ҳимоя қилиш билан боғлиқ хизматлар	
7.	Молиявий хизматлар	7.1. Суғурта 7.2. Банк хизматлари 7.3. Молиявий хизматларнинг бошқа турлари
8.	Соғлиқни сақлаш хизматлари	
9.	Сайёҳлик хизматлари	9.1. Меҳмонхоналар ва ресторанлар
10.	Рекреацион хизматлар (ўйин-кулги,	10.1. Денгиз транспорти хизматлари

	маданий ва спорт хизматлари)	10.2. Ички сув транспорти хизматлари 10.3. Ҳаво транспорти хизматлари 10.4. Йўлдошларни ўчириш ва эксплуатация қилиш билан боғлиқ хизматлар 10.. Темир йўл транспорти 10.6. Ер усти рельссиз транспорт 10.7. Қувур ўтказгич транспорти 10.8. Бошқа транспорт хизматлари
11.	Транспорт хизматлари	11.1. Йўловчи транспорти 11.2. Юк транспорти
12.	Юқоридаги гуруҳларга киритилмаган хизматлар	

Савдонинг анъанавий таърифи – товарни чегарадан ўтиши – хизматлар билан барча замонавий халқаро операцияларни қамраб ололмаслиги билан боғлиқ равишда ЖСТ хизматлар савдосини қуйидаги тўрт усулдан фойдаланган ҳолда хизматларни етказиб бериш сифатида аниқлайди:

1) трансчегаравий етказиб бериш, яъни хизматларни етказиб берувчи жойлашган мамлакат ҳудудидан истеъмолчи жойлашган мамлакат ҳудудига етказиб бериш (масалан, масофавий ўқитиш);

2) хорижда истеъмол қилиш – истеъмолчининг хизмат кўрсатиладиган мамлакатга боришини назарда тутати (масалан, хорижда университетда ўқиш);

3) бир мамлакат резидентининг хизмат кўрсатиладиган мамлакат ҳудудига тижорий мавжуд бўлиши. Тижорий мавжуд бўлиши деганда, ишга доир ёки профессионал муассасанинг исталган шакли, шу жумладан, юридик шахсни, филиални ёки ваколатхонани ташкил қилиш, харид қилиш ёки сақлаш тушунилади. Бундай етказиб бериш усулига мисол қилиб, мамлакатда хорижий банк, сайёҳлик фирма ёки рестораннинг фаолиятини келтириш мумкин;

4) хизматлар кўрсатадиган жисмоний шахсларнинг истеъмолчилар жойлашган мамлакатда вақтинча яшашини назарда тутувчи жисмоний шахсларнинг, масалан, бошқарув маслаҳатчилиги бўйича мутахассиснинг ёки шифокорнинг кўчиши.

Халқаро хизматлар савдосининг қўламлари ва тузилмаси

Халқаро хизматлар савдоси тўғрисидаги статистик маълумотлар ушбу соҳада амалга оширилаётган барча операцияларни акс эттирмайди. Ахборотларнинг асосий манбаи сифатида мамлакатларнинг тўлов баланслари бўлиб, уларда юқорида кўрсатилган хизматлар етказиб беришнинг биринчи ва иккинчи усуллари у ёки бу даражада тўлиқ ўз аксини топади. Шунга қарамай, 1990 йилларнинг ўрталаридан халқаро хизматлар савдоси халқаро товарлар савдосига ҳам таъсир кўрсатувчи мустақил ва муҳим соҳа сифатида қаралади. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида хизматлар соҳасининг ҳиссаси юқоридир. Шундай давлатлар ҳам борки, уларнинг аҳолиси даромадининг асосий қисмини хизматлардан олади. Масалан, Малайзия, Туркия, Франция, БАА каби давлатларда хизматлар соҳасининг туризм йўналиши яхши ривожлантирилган (4.3-жадвал).


4.3-жадвал

1980-2017 йилларда жаҳон товарлар ва хизматлар экспорти, млрд. долл.

Кўрсаткич	1980 йил	1990 йил	2000 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил
Товарлар экспорти	1 415	4 345	6 358	18 404	18 816	18 954	16 525	16 000	17 730
Хизматлар экспорти	364	866	1 901	4 397	4 644	5 064	4 754	4 900	5 280
Жаҳон савдосида хизматлар экспортининг улуши	20,5	16,6	23,0	19,3	19,6	21	22,4	23	23

Манба: WTO. International Trade Statistics (www.wto.org) –тегишли йиллар учун.

Хизматлар экспорти кўп сонли мамлакатлар учун ташқи иқтисодий даромаднинг йирик, қатор ҳолларда эса асосий манбаи бўлиб хизмат қилади. 2017 йилда хизматлар экспорти 5,28 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 8 % ўсди. Сўнгги йилларда хизматлар соҳасида дунёда хизматлар, молия ва бизнес хизматларининг улуши ортиб бормоқда. 2016 йилда хизматлар савдосининг 34 %и ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келди. 2017 йилда халқаро товарлар ва хизматлар савдосида хизматларнинг ўртача улуши 23 %ни, АҚШ учун ушбу кўрсаткич деярли 30 %, Буюк Британияда 33 %, Ирландия ва Данияда 32 %дан кўпроқни ташкил этади. Ушбу кўрсаткич, айниқса, хорижий туризмга ихтисослашган мамлакатлар, шу жумладан, Миср ва Греция (барча ташқи иқтисодий тушумларнинг 50 %га яқини), Испания, Туркия ва Австрия (экспорт тушумининг тахминан 30 %и) учун юқори ҳисобланади. Хизматлар савдосида етакчилик саноати ривожланган мамлакатлар учун тегишли, ривожланаётган мамлакатлар орасида 20 та етакчи мамлакатлар рўйхати фақат Хитой киради. 2017 йилда хизматлар соҳасининг ҳудудлар бўйича савдо ҳажми энг кўп АҚШ, Европа давлатлари, Австралия ва бошқа давлатлар ҳиссасига тўғри келмоқда (4.5-расм).




4.5-расм. 2017 йилда хизматлар савдосининг худудлар бўйича тақсимланиши

Манба: www.wto.org – Latest trends in the world trade 2017-2018.

Халқаро хизматлар савдосининг тузилмаси етарлича мураккаб ва хилма-хилдир. БМТ мутахассислари томонидан тузилган хизматлар классификатори 500 дан ортиқ позициялар ва субпозицияларни, ЖСТ классификатори эса 160 га яқин хизматларни ўз ичига олади. Шунга қарамай, тўлов баланси статистикаси атиги учта йириклаштирилган хизматлар позициясини: саёҳатлар, транспорт ва “бошқа турдаги хизматлар” позициясини ажратади.

2017 йилда молия хизматлари соҳасининг 82 %и ривожаланаётган Осиё давлатларининг ҳиссасига тўғри келди чунки, бу давлатлар орасида хизматлар экспортида юқори ривожланиш кўрсаткичига эга Сингапур, Гонконг, Хитой каби давлатлар мавжуд. Лотин Америкаси маданий турдаги хизматлар экспортида 34 %лик улушни ташкил қилди (4.6-расм).



4.6-расм. Хизматларнинг 2017 йилда ҳудудлар ва тармоқлар бўйича экспорт кўрсаткичлари (% да)

Манба: www.wto.org – Jahon savdo tashkiloti rasmiy sayti.


Жаҳон хизматлар экспортида халқаро туризм улушининг ўсиши қатор омиллар билан боғлиқ. Уларга аҳоли даромадларининг ошиши, транспорт воситаларининг такомиллашуви ва ҳаво ташувларининг арзонлашиши (йўловчи транспорт ташувларида авиатранспорт мустаҳкам етакчи ўринни эгаллайди), меҳмонхона хўжалиги корхоналари сонининг ортиши ва жиҳозланишининг яхшиланиши, валюта олиб чиқиш чекловларининг камайиши, шунингдек, алоқа воситалари ва ахборот хизматларининг ниҳоятда тез ривожланиши киради.

Хизматлар савдосида ушбу йўналиш ривожланишининг анъанавий асосий кўрсаткичлари бўлиб, етиб келишлар сони ва халқаро туризмдан тушумлар ҳисобланади. Халқаро статистикада “етиб келишлар” деганда, одатда, маълум вақт, кўпинча бир йил мобайнида у ёки бу мамлакатга етиб келган рўйхатдан ўтган сайёҳлар сони тушунилади. Жаҳон туризм ташкилотининг маълумотларига кўра, етиб келишлар сони 1950 йилдаги 25 млн. дан 2017 йилдаги 2 млрд. гача кўпайган, яъни саёҳатлар сонининг йиллик ўсиши ўртача 7 %га яқин, халқаро сайёҳлик операцияларидан тушумлар эса 2017 йилда 2 трлн. долларга етди. Олдинги йиллардаги каби халқаро туризмнинг энг юқори ривожланиши Европада бўлиб, унга барча етиб келишлар ҳажмининг 52 % ва тушумларнинг 45 %га яқини тўғри келади.

Франция ва Испания билан бир қаторда АҚШ ва Хитой сайёҳлик хизматларининг энг йирик етказиб берувчилари бўлиб қолмоқда.

Жаҳон хизматлар экспортида иккинчи энг йирик йўналиш транспорт хизматлари саналиб, улар иккита субпозицияни – транспорт воситаларини экипаж билан бирга фрахт ва ижарасини ўз ичига олган юк ташувларини, шунингдек, йўловчиларга хизмат кўрсатишни ўз ичига олувчи йўловчилар ташувларини, бандаргоҳ ва бошқа хизматларни бирлаштиради. Қиймат ўлчовида транспорт хизматларини тақдим этишда АҚШ, Германия ва Япония етакчи ҳисобланади. Бошқа мамлакатлар орасида йирик етказиб берувчилар (энг аввало, денгиз транспортини) Жанубий Корея, Гонконг, Сингапур, Хитой ҳисобланади. Миллий хизматлар экспорти тузилмасида транспорт даромадларининг юқори солиштирма оғирлиги Скандинавия мамлакатларида, хусусан, Данияда 50 %дан юқори, Жанубий Кореяда 45 %, Япония, Голландия ва Грецияда 40 %га яқинни ташкил қилади.

XXI аср техника асри ҳисобланиб, унда хизматлар соҳасида телекоммуникация соҳаларининг улуши ҳам аҳамиятга моликдир. Чунки Ҳозирги кунда ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида уларни кўрамиз ва бу хизматлардан фойдаланамиз. Масалан, банк хизматларини амалага оширишда компьютердан, интернет хизматларидан фойдаланилади. 2017 йилда АКТ хизмати улушида асосий улушни компьютер хизматлари ташкил қилди, яъни 71,7 %, инофрмацион хизматлар эса 5,3 %га, телекоммуникация хизматларининг улуши эса 23 %га тўғри келди.




4.7-расм. АКТ хизматларининг 2017 йилдаги тузилмаси

Манба: WTO-UNCTAD -ITC estimates 2017

Бошқа хизматлар савдосида молиявий, алоқа, ишга доир ва профессионал хизматлар, айниқса, динамик ривожланмоқда.

Халқаро хизматлар савдосида асосий қатнашчилар бўлиб ривожланган мамлакатлар сақланиб қолмоқда, улар жаҳон бозорида юқори талабга эга хизматларни етказиб беришда катта имкониятларга эга. Жаҳонда хизматлар экспортининг 60 %дан ортиғи ЕИ ва АҚШга тўғри келади (4.8-расм).



4.8-расм. Хизматлар экспортининг хизмат турлари ва ҳудудлар бўйича таркиби, 2017 й.

Манба: www.wto.org – Жаҳон савдо ташкилоти расмий сайти.

Қолган мамлакатлар учун ташқи хизматлар савдосида манфий сальдонинг мавжудлиги хос бўлиб, бироқ улар орасида йирик хизматлар экспортчисининг мавжудлигини инкор қилмайди. Масалан, Корея Республикаси муҳандислик-маслаҳат ва қурилиш хизматларига, Таиланд сайёҳлик хизматларига ихтисослашган бўлса, Сингапур йирик молиявий марказ ҳисобланади.

Камроқ ривожланган мамлакатларнинг жаҳон хизматлар экспортидаги улуши уларнинг иқтисодий ривожланиш ва чет эл капиталининг кирими ошган сари, ва энг аввало, Хитой, Ҳиндистон, Малайзия каби хизматлар экспортчилари, яъни асосан тез ривожланаётган Осиё мамлакатлари ҳисобига ўсиб боради. Бундан ташқари ЮНКТАД мутахассислари фикрича, Ҳиндистон, яқин келажакда товарларга нисбатан хизматларни кўпроқ экспорт қилиши мумкин бўлади, чунки сўнгги ўн йиллик мобайнида Бразилия, Хитой ва Ҳиндистоннинг ишга доир хизматлар экспортининг йиллик қўшимча ўсиши 10 %дан ортиқни ташкил этмоқда. Шу сабабли товарлар ва хизматлар экспортининг географик тақсимотидаги тафовутлар аста-секин камаймоқда, чунки кўпчилик товар ихтисослашуви шаклланган камроқ ривожланган мамлакатлар жаҳон хизматлар бозоридаги мавжуд ниша (уяча)ларни муваффақиятли ўзлаштирмоқдалар, бу эса пировардида уларнинг халқаро

товарлар ва хизматлар савдосидаги позицияларини мустаҳкамлашга олиб боради.

4.3. Савдо сиёсатининг принциплари ва воситалари

Мамлакатнинг савдо сиёсати унинг маҳаллий товарлар ва хизматларни жаҳон бозорига силжитиш бўйича ва ички бозорни хорижий маҳсулотларнинг рақобатидан ҳимоялаш бўйича давлат чора-тадбирлари тизимидир.

Ушбу сиёсатнинг қонунчилик асоси уч даражага эга. Биринчиси мамлакатнинг миллий қонунчилиги, иккинчиси унинг бошқа мамлакатлар билан, одатда, Жаҳон савдо ташкилоти меъёрлари асосидаги иккитомонлама келишувлари, учинчи даража ЖСТнинг халқаро ташқи савдо қонунчилигининг мажбурий меъёрларини мамлакат томонидан қўлланишидир. Шундай қилиб, ЖСТга аъзо-мамлакатларнинг ташқи савдо қонунчилигининг асосини ушбу ташкилотнинг меъёрлари ва қоидалари ташкил қилади. Шулар асосида жаҳонда кўптомонлама савдо тизими, яъни ГАТТ (ЖСТ) ҳужжатлари тўпламида амалга киритилган халқаро товарлар ва хизматлар савдосини тартибга солиш чоралари ва қоидалари тизими амал қилади, дейиш мумкин.

Халқаро савдо принциплари. Жаҳон савдо ташкилоти ташқи савдо учун қуйидаги асосий принципларни ўрнатади:

- ички бозорни, асосан, божхона тарифлари ёрдамида ҳимоя қилиш;
- тарифларни боғлаб қўйиш;
- хорижий товарлар ва хизматлар учун энг қулай миллий режимдан фойдаланиш.

ГАТТнинг 1-моддасига биноан энг кўп қулайлик режими (ЭҚР) шундай таърифланади: “олиб кириш ёки олиб чиқишга, ёки улар билан боғлиқ равишда, ёки чет элга импорт ёки экспорт учун тўловларни ўтказишга солинадиган исталган турдаги божхона божлари ва йиғимларига нисбатан, шунингдек, божлар ва йиғимларни ундириш усулига нисбатан ва олиб кириш ёки олиб чиқиш билан боғлиқ равишда расмийликларни тартибга солишнинг барча қоидаларига нисбатан ... исталган бошқа мамлакатдан келиб чиққан ёки исталган бошқа мамлакатга мўлжалланган исталган товарга нисбатан исталган аҳдлашаётган тараф томонидан тақдим этилган исталган устунлик, қулайлик, имтиёз ёки иммунитет дарҳол ва сўзсиз барча бошқа аҳдлашаётган тарафларнинг ҳудудидан келиб чиққан ёки барча бошқа аҳдлашаётган тарафларнинг ҳудудларига мўлжалланган худди шундай товарга тақдим этилиши зарур”. Шу билан бирга, ЭҚРдан айрим истиснолар мавжуд: бу айрим мамлакатларнинг бошқа мамлакатлар учун ёки ўзининг махсус режимга эга денгиз орти ҳудудлари учун анъанага айланган преференциялари; ривожланаётган мамлакатлар гуруҳига киритилган исталган мамлакатнинг импорт маҳсулотларига устунликлар; чегара олди савдосини ривожлантириш мақсадларидаги устунликлар; божхона иттифоқлари ва эркин савдо ҳудудлари доирасидаги преференциялар.

Шундай қилиб, ЭҚР ўзга мамлакатнинг бозорига киришда камситилмасликка қаратилган. Лекин бу, масалан, хорижий маҳсулот

Ўзбекистон бозорига киришда ўзбек маҳсулотлари билан бир хил режимдан фойдаланади, дегани эмас. Энг кўп қулайлик режими шуни билдирадики, мисол сифатида Россия битта хорижий мамлакатнинг маҳсулотига бошқа хорижий мамлакатнинг худди шундай маҳсулотига нисбатан кўпроқ қулайлик бериши керак эмас, ушбу принципдан муҳим истисно сифатида эса Белоруссия ва Қозоғистон маҳсулотлари (ушбу мамлакатлар Россия билан Божхона иттифоқида иштирок этади) ва бошқа МДҲ мамлакатларининг маҳсулотлари (бу еркин савдо зонаси) ҳисобланади. Бундан ташқари ЭҚР мамлакатга миллий бозорни ҳимоя қилиш чораларини қўллашга тўсқинлик қилмайди, бироқ бу ГАТТ (ЖСТ)нинг тегишли қоидалари асосида амалга оширилиши зарур.

Миллий режим таърифи ГАТТнинг 3-моддасида мустаҳкамланган ва у қуйидагича ифодаланади: "... товарларнинг ички сотувларига, сотиш тўғрисидаги таклифга, харидига, ташишга, тақсимлашга ёки фойдаланишга тегишли бўлган ички солиқлар ва бошқа ички йиғимлар, қонунлар, қоидалар ва талаблар ва товарларни аралаштиришни, қайта ишлашни ёки улардан маълум миқдорларда ёки улушларда фойдаланишни талаб қилувчи миқдорий тартибга солишнинг ички қоидалари маҳаллий ишлаб чиқариш учун ҳимояни ташкил қилувчи тарзда импорт қилинган ёки маҳаллий товарларга қўлланиши керак эмас". Масалан, Россия учун бу Белоруссия ва Қозоғистон маҳсулотлари Россияда нафақат божсиз, балки барча бошқа тўсиқларсиз сотилишини англатади (бошқа МДҲ мамлакатларининг маҳсулотлари сингари, лекин миллий режимдан қатор истиснолар мавжуд).

Миллий режим халқаро хизматлар савдосида алоҳида аҳамият касб этади, чунки хизматларнинг кўпгина турлари битта жойнинг ўзида, яъни истеъмолчининг бозорида сотилади ва истеъмол қилинади, шунинг учун ҳар бир мамлакат исталган бошқа мамлакатнинг хизматларига ва хизматлар етказиб берувчиларига худди шундай маҳаллий хизматларга ёки хизмат етказиб берувчиларга тақдим этилган режим каби қулай режимни тақдим этиши муҳимдир.

Дунёнинг турли мамлакатлари ўз савдо сиёсатини амалга ошириш учун турли хил воситалардан фойдаланади.

Бож ҳимоясининг ўртача даражаси маҳсулотлар импортининг қийматли миқдори бўйича ўлчанган импорт божининг ўртача даражаси ҳисобланади.

Нотариф чекловларнинг ўртача даражаси ушбу чекловларга тушадиган экспорт ёки импортнинг қийматли улуши ҳисобланади.

Ушбу чекловларнинг интенсивлик даражаси ҳам ҳисобга олинади. Юқори интенсив миқдорий чекловлар сифатида маҳсулотларнинг экспорти ёки импортига ўрнатилган чекловлар, миқдорий квоталар, экспорт ёки импортни лицензиялаш ҳисобланади. Паст интенсив миқдорий чекловларга автоматик лицензиялаш ҳамда мойил квоталар киради.


Савдо сиёсати воситаларининг характери

Ўртача ўлчанган тариф (фоизда)	Ман қилувчи > 40-100	Чекловчи > 25	Ўртача 10-15	Очиқ < 10
Микдорий чекловлар (улар ўрнатилган савдонинг улуши (фоизда))	> 40	> 25 > 10	0-10 10-15	0-25 0-10

Давлатнинг савдо сиёсати протекционистик, ўртача ва очиқ бўлади. Давлат савдо режимининг характери, кўпинча, умумий кўрсаткич орқали аниқланади. Ушбу кўрсаткич бож тарифининг ўртача даражасини ва микдорий чекловларнинг интенсивлигини ҳисобга олади. Бож тарифининг ўртача даражаси 10 %дан пастроқ бўлса ва микдорий чекловлар импортнинг 25 %идан кам улушига ўрнатилган бўлса, мамлакатнинг савдо режими нисбатан очиқ бўлади.

Савдо сиёсати воситалари. Халқаро савдони давлат томонидан бошқариш воситалари хусусияти бўйича тариф, яъни бож тарифи ишлатилишига асосланган ва нотариф – барча бошқа усулларга бўлинади. Нотариф бошқариш усуллари микдорий, молиявий ва яширин усулларга бўлинади.

Тарифли чоралар барча мамлакатлар савдо сиёсатининг асосий қуроли бўлиб, божхона божлари, божхона таомиллари ва қоидалари йиғиндисини ташкил қилади. ЖСТ принципларидан бири сифатида ташқи савдони тартибга солиш кўпроқ тариф чоралари билан, уларнинг шаффофлиги ва оддий тартибга солиниши туфайли амалга ошириш зарурлиги белгиланган.



4.9-расм. Давлатнинг ташқи савдони тартибга солувчи воситалари

Тарифли тартибга солишнинг асосий воситаси бўлиб божхона божи ҳисобланади, у ўзида чегарани кесиб ўтувчи товарлардан олинадиган энг солиқни ифодалайди. Энг кенг тарқалган воситаларга импорт божлари киради, улар мамлакат ичида импорт товарлар нархини ошириш ва маҳаллий товарларга нисбатан рақобатбардошлигини пасайтириш воситаси, айти вақтнинг ўзида давлат бюджетини тўлдириш манбаи сифатида хизмат қилади. Лекин катта хомашё экспортига эга мамлакатларда, масалан, Россияда экспорт божлари (Россияда нефть, газ ва нефть маҳсулотлари экспортига) янада муҳим аҳамиятга эга – улар табиий ресурсларнинг эгаси сифатида давлатнинг экспорт божларидан маҳаллий хомашё экспортчиларидан табиий рентани ундириш воситаси сифатида фойдаланиш имконини беради (чунки бундай хомашё, одатда, жаҳон бозорида мамлакатга нисбатан қимматроқ туради ва шунинг учун унинг экспортчилари ушбу фарқнинг ўзиданоқ катта фойда олишлари таъминланади).

Божхона солиқларига тортиш даражаси ташқи муҳитнинг ва миллий иқтисодий сиёсатнинг кўпгина омилларига боғлиқ ва ўзгармас бўлиб қолмайди. Ташқи омилларга товар бозорларидаги конъюнктурани, жаҳон ва ички нархлар ўртасидаги тафовутни, минтақавий савдо келишувларининг мавжудлигини, шунингдек, тариф ён беришлар бўйича кўптомонлама савдо келишувларининг боришини киритиш мумкин. Ички омилларга миллий иқтисодий сиёсатнинг мақсадларини, мамлакатда у ёки бу маҳсулотнинг ишлаб чиқариш даражасини, энг асосийси, мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражасини ва унинг текшишли халқаро рақобатбардошлиги даражасини (у қанчалик юқори бўлса, одатда, импорт маҳсулотларга божлар шунчалик паст бўлади) киритиш мумкин.

Импорт божлари бир нечта белгиларга кўра таснифланади. Божга тортиш мақсадарига кўра, фискал (энг аввало, бюджетни тўлдириш учун) ва протекционистик (миллий бозорни ҳимоя қилиш учун) божларга бўлинади. Божга тортиш объектига қараб импорт, экспорт ва транзит божлар ажратилади. Ундириш усулига кўра божлар адвалор (товар божхона қийматидан фоиз кўринишида ундирилади), махсус (товар бирлигига пулда ифодаланадиган) ва аралаш (олдинги икки турнинг аралашмасини ўзида ифодалайди) каби турларга бўлинади. Фойдаланишнинг осонлиги туфайли адвалор божлари энг кенг тарқалган. Бошқа томондан, бошқа турдаги божларни қўллаш тарифли тартибга солиш воситаларини қўллашда кўпроқ эгилувчанликни тўминлайди. Айрим ҳолларда махсус божлар ҳам, энг аввало, ҳимоя тавсифига эга божлар қўлланади. Импорт божларини таснифлаш учун энг муҳим мезонлардан бири товарнинг келиб чиқиш мамлакати ҳисобланади. Гап шундаки, товарнинг келиб чиқиш мамлакатига қараб унга минимал, максимал ва имтиёзли божлар қўлланилиши мумкин. Минимал божлар энг кенг тарқалган ҳисобланади, чунки мамлакатнинг ЖСТга аъзолиги туфайли ЭҚРнинг мавжудлигига ёки мазкур режим негизида иккитомонлама келишувларнинг мавжудлигига таянади. Максимал божлар ЭҚРнинг мавжуд эмаслиги шароитларида қўлланади. Имтиёзли божлар паст бўлиши (ривожланаётган мамлакатлардан импорт

қилинган товарлар учун у минимал божнинг 75 % миқдорида, энг кам ривожланган мамлакатлар бўйича эса ундан ҳам паст даражада ундирилади) ёки умуман нолга тенг бўлиши ҳам мумкин (Россияга МДХ мамлакатларидан олиб кириладиган кўпчилик товарлар учун).

Импорт қилинадиган товарларга божхона божлари божхона тарифларига умумлаштирилган бўлиб, у товарнинг келиб чиқиш мамлакатига қараб унга белгиланган божхона божлари ставкалари кўрсатилган ҳолда тизимлаштирилган товарлар рўйхатини ифодалайди. Унинг асосида келиб чиқишига ва қайта ишлаш даражасига боғлиқ ҳолда товарлар классификаторини ифодаловчи товар номенклатураси ётади. Жаҳон божхона ташкилоти томонидан Товарларни тавсифлаш ва кодлаштиришнинг уйғунлаштирилган тизими ишлаб чиқилган бўлиб, у кўпчилик мамлакатларнинг, шу жумладан, Россиянинг божхона тарифлари асосини ташкил қилади.

Божхона божлари бутун товар гуруҳига ягона бож сифатида ҳам, позициялар, субпозициялар, подпозициялар бўйича табақалаштирилган ҳолда ҳам белгиланиши мумкин. Муайян товарга ўнта сондан иборат кодга эга божхона тарифи тариф чизиғи деб аталади.

ЖСТнинг замонавий амалиётида ташкилотнинг барча аъзо-мамлакатлари ўз импорт божларининг чегаравий миқдорларини қайд қилиш ва уларни махсус таомилсиз, яъни иқтисодий манфаатларига путур етказилган ЖСТга аъзо-мамлакатларга компенсация (ён беришлар)ни тақдим этмасдан туриб, ушбу “боғлаш” даражасидан оширмаслик мажбуриятини олади. Бунда мамлакат саноат товарлари бўйича барча божларни боғлаш имкониятига эга эмас, чунки импорт божлар ГАТТ (ЖСТ) доирасида миллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилишнинг ягона расман рухсат этилган чораси ҳисобланади. Одатда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдосида боғланган тарифлар энг юқори ҳисобланади, чунки улар барча мамлакатлар учун энг таъсирчан ҳисобланади.

Россиянинг ЖСТга қўшилиши бўйича музокаралар натижасига кўра ушбу мамлакат ўтиш давридан сўнг 7,8 % даражасида (турли товар гуруҳлари учун турли, лекин ҳозирги ўн йилликнинг сўнггида) охириги боғланган тарифнинг ўртача торттирилган даражасини белгилаш бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олди, музокаралар яқунланишидан олдин у 9,5 % даражасида мавжуд эди. Бунда турли товар гуруҳлари учун боғлаш даражаси табақалаштирилган: қишлоқ хўжалиги товарлари учун мавжуд 13,2 % даражасидан фарқли ўлароқ, охириги боғланган тарифнинг ўртача торттирилган даражаси 10,8 % деб қайд этилди, саноат товарлар учун ушбу кўрсаткичлар мос равишда 7,3 % ва 9,5 %ни ташкил қилди. Кўпгина товарлар бўйича тариф квоталари белгиланиб, улар иқтисодиёт учун таъсирчан товарларни нисбатан паст тариф ставкасида, бироқ белгиланган квота доирасида импорт қилиш имконини беради.

Ушбу келишувлар амалда Божхона иттифоқи мамлакатларининг ягона божхона тарифи учун негизга айланди. Тариф квоталарига келсак, уларни киритиш бўйича қарорларни Божхона иттифоқининг Ягона иқтисодий

комиссияси қабул қилади, у мазкур чоранинг амал қилиш муддатини белгилайди ва барча манфаатдор мамлакатларни уларга ажратилган тариф квоталари ҳажми тўғрисида ахборот беради.

Замонавий рақобат шароитларида тарифли чораларнинг аҳамияти жиддий пасайди, жаҳон савдоси асосий иштирокчиларида эса тарифли ҳимоянинг ўртача торттирилган даражаси анча пастдир. Масалан, АҚШда ЭҚР асосида тарифларнинг ўртача даражаси 4,8 %ни, ЕИда 4 %ни, Хитойда 9,5 %ни ташкил қилади.

Савдо сиёсатининг воситаси сифатида нотариф чоралар тахминан 1970 йилларнинг ўрталаридан қўллана бошлади, бу иқтисодий ва маъмурий тавсифдаги турли воситалар бўлиб, уларни ГАТТ (ЖСТ) ҳужжатларида қуйидаги беш гуруҳга ажратиш қабул қилинган:

1) импорт ва экспортнинг миқдорий чекловлари (квоталаш, лицензиялаш, ихтиёрий чекловлар);

2) ташқи савдони тартибга солишда давлатнинг иштироки (субсидиялаш, давлат харидлари ва буюртмалари, солиқ сиёсати, экспортни кенгайтиришнинг савдо-сиёсий чоралари);

3) божхона-маъмурий импорт расмиятчиликлари (божхона таомиллари);

4) техник тартибга солиш (энг аввало, техник стандартлар) ва санитария-ветеринария меъёрлари;

5) тўловлар механизмига киритилган чекловлар (масалан, экспортчига тўловлар ўтказмасига).

Амалиётда божхона-маъмурий импорт расмиятчиликлари (божхона таомиллари) каби нотариф чекловлар, яъни товарнинг божхона чегарасини кесиб ўтишда божхона органларининг ҳаракатлари йиғиндиси тобора кўпроқ аҳамият касб этмоқда. Бунда энг мураккаб ва зиддиятли ҳолатлар бўлиб, товарнинг божхона қийматини ва келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш таомиллари ҳисобланади.

Божхона қийматини аниқлаш қоидалари билдирилган қийматга асосланади, лекин бу усулдан фойдаланиш имкони бўлмаганда, кетма-кет бошқа бешта усулдан фойдаланилади. Товарнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқ аниқлаш зарурати имтиёзли режимларни ва ҳимоя чораларини қўллаш билан асосланади. Халқаро амалиётда товарнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш учун қатор мезонлар мавжуд.

Мамлакатда божхона таомилларини тартибга солиш асослари унинг Божхона кодексига белгиланган бўлади. Масалан, Россияда 2010 йилдан бошлаб Россия, Белоруссия ва Қозоғистон Божхона иттифоқининг Божхона кодекси амал қилади.

Ташқи савдо воситаларининг алоҳида гуруҳига ички бозорни ҳимоя қилиш бўйича воситаларни, шу жумладан, божхона божлари ва нотариф чекловларни ажратиш мумкин. Энг аввало, бу ҳимоя чоралари триадаси деб номланувчи қуйидаги воситалардир: махсус ҳимоя, антидемпинг ва компенсацион чоралар. Улар мамлакатда ҳаддан зиёд импорт, демпинг ёки субсидиялаш ҳолати бўйича жиддий далил-исботлар мавжуд бўлганда, ушбу

ҳолат натижасида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга жиддий ёки моддий зарар етказилганда ва ўсиб кетган, демпингли ёки субсидияланган импорт ва миллий иқтисодиёт тармоғи учун зарар ўртасида сабаб-оқибат алоқалари ўрнатилганда қўлланади.

Барча далил-исботлар ЖСТ томонидан даъвогарнинг (миллий ишлаб чиқарувчиларига зарар етказилган мамлакат) ва жавобгар (демпингга йўл қўйган ёки субсидиялашдан фойдаланган мамлакат) иштирокида олиб борилаётган тергов доирасида тақдим этилиши зарур.

Махсус ҳимоя чоралари махсус божлар ёки квоталар (миқдорий чекловлар) шаклида тақдим этилиши мумкин. Антидемпинг чораларини қўллаш ҳолатида демпингни, яъни экспортчининг товарни ички бозорда сотиши мумкин бўлган нархдан паст нархларда экспортга етказиб бериш ҳолатини аниқлаш зарурати туғилади. Демпинг ўз-ўзича тақиқланмаган, лекин у кўпинча ғирром ишбилармонлик амалиёти воситасига айланади.

Ташқи савдо субсидияси тушунчасини аниқлаш бирмунча мураккабдир. ГАТТ (ЖСТ) доирасида катта ишлар амалга оширилиши натижасида мазкур барча субсидиялар учта “саватчага” гуруҳлаштирилган бўлиб, уларнинг ҳар бирига нисбатан турли таомиллар амал қилади. “Қизил саватча”га давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашнинг тақиқланган турлари: экспортчиларни тўғри солиқлардан озод қилиш, экспорт учун мукофотлаш, экспорт фаолияти кўрсаткичларига асосланган тўғри субсидиялар, шунингдек, импорт маҳсулот ўрнини маҳаллий маҳсулот эгаллаши билан боғлиқ субсидиялар ва шу кабилар киритилади. Шунингдек, “сарик саватча” ҳам мавжуд бўлиб, унга рухсат этилган субсидиялар киради, уларга нисбатан ўзига хослик мезони қўлланилади, яъни ушбу субсидиялардан иқтисодиётнинг фақат айрим корхоналари ёки тармоқлари фойдалана олишлари, шунингдек, аниқланган муддат билан чекланган субсидиялар, экспорт натижаларига қараб бериладиган субсидиялар ушбу тоифага киради ва шу каби субсидияларга нисбатан компенсацион божлар кўринишида жавоб чоралари қўлланиши мумкин. “Яшил саватча”га рухсат этилган субсидиялар, яъни мутлақо жазоланмайдиган субсидиялар, масалан, ИТТКНИ, экологик дастурларни ва бир мамлакат доирасида минтақавий ривожланиш тафовутларини текислашни қўллаб-қувватлаш киради. Таъкидлаш жоизки, ушбу тасниф, энг аввало, саноат товарлари учун қўлланади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдосида “сарик” ва “яшил саватча”, шунингдек, “мовий саватча” ажратилади. Бутун триада орасида антидемпинг чоралари энг оммавий ҳисобланади, чунки уларни қўллаш учун кўпроқ даражада асослар ва далил-исботлар топилади.

Савдо сиёсатида ҳимоя воситаларидан ташқари хужумкор тавсифли чоралар, ва энг аввало, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ва экспортнинг ўзини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари қўлланади. Бундай чораларни тартибга солиш қисман ЖСТнинг субсидиялар тўғрисидаги қоидалари асосида, қисман ИХТТ Консensusи деб номланувчи (хужжатнинг расмий номи – Давлат қўллаб-қувватлашидан фойдаланувчи экспорт кредитларининг асосий шартлари тўғрисидаги Халқаро келишув) хужжат

доирасида ИХТТнинг қоидалари асосида амалга оширилади. 1976 йилда “Джентельменлик келишуви” сифатида имзоланган ушбу ҳужжатнинг амал қилиши 1978 йилда узайтирилди ва ИХТТнинг барча мамлакатларига тарқалди. У экспорт кредитлашнинг асосий қоидаларини, шу жумладан, бўнак тўлови миқдори, кредит олувчининг нақд тўлов олишининг минимал миқдори ва умумий кредитлаш суммасининг ҳажмини ўрнатади. Экспортни молиявий қўллаб-қувватлашдан ташқари номолиявий қўллаб-қувватлаш воситалари ҳам мавжуд, уларга кўргазма-ярмарка фаолияти, ахборот кўмаги ва савдо дипломатияси, яъни савдо ваколатхоналари ва дипломатик ваколатхоналарнинг фаолияти киради.

Шундай қилиб, савдо сиёсатининг замонавий воситалари тўплами хилма-хил ва ички бозорда рақобатни моҳирона тартибга солиш, экспортга кўмаклашиш, шунингдек, кўп томонлама даражада, энг аввало, ЖСТ доирасида қоидаларни шакллантириш бўйича қарорларни қабул қилишда иштирок этиш имконини беради.

4.4. Жаҳон товарлар ва хизматлар бозори

Кенг маънода жаҳон товар бозори деганда, турли мамлакатлардан бўлган сотувчилар ва харидорларнинг у ёки бу маҳсулотни сотиш бўйича ўзаро муносабатлари тизими, тор маънода эса фақат мазкур маҳсулотнинг олди-сотдиси бўйича мунтазам операциялар амалга ошириладиган жой тушунилади. Жаҳон товарлар бозорларини таҳлил қилиш учун турли таснифлардан фойдаланилади, бироқ бозорлар, энг аввало, уларда сотиладиган товарлар бўйича, уларни жуда йирик товар гуруҳларига (машина ва асбоб-ускуналар бозори, минерал хомашё ва ёқилғи бозори, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон маҳсулотлари бозори) ёки подсубпозицияларгача табақалаштирилган ҳолда (қайта куйилган чўян бозори) ажратиб таснифланади.

Машинасозлик маҳсулотлари номенклатураси жуда катта, шу сабабли машина ва асбоб-ускуналар бозорини таҳлил қилиш учун у, одатда, уч гуруҳга: умумий машинасозлик маҳсулотлари, транспорт асбоб-ускуналари, идора ва электротехника асбоб-ускуналарига бўлинади. Минерал хомашё ва ёқилғи бозорлари нефть, газ, кўмир, рудалар ва концентратлар, қора, рангли ва қимматбаҳо металллар, норуда қазилма бойликларини қамраб олади. Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон маҳсулотлари ҳам жаҳон бозорида кенг ассортиментда тақдим этилган.

Жаҳон товар бозорлари конъюнктураси ва конъюнктура ҳосил қилувчи омиллар. Товар бозори конъюнктураси (товар конъюнктураси) бозорда реал вақтда ва муайян маконда талаб, таклиф ва нархларнинг ўзаро нисбати ўзгаришига олиб келадиган шарт-шароитлар ва омиллар тизимининг намоён бўлиш шаклидир.

Ушбу вазиятни ўрганиш учун товар бозорлари конъюнктураси индикаторларидан (кўрсаткичларидан) фойдаланилади. Товар бозорлари конъюнктураси деганда, ўрганилаётган объектларнинг энг кўзга кўринарли ўзгаришларини акс эттирувчи кўрсаткичлар тушунилади.

Ўз навбатида, индикатив бозор кўрсаткичларини танлашнинг асосий мезони уларнинг маълум вақт оралиғида бозорга таъсир кўрсатувчи конъюнктура ҳосил қилувчи омилларнинг ўзгаришини ақс эттириш қобилияти ҳисобланади. Сўнгиларига, энг аввало, талаб омиллари (шахсий ва ишлаб чиқариш истеъмоли ҳажми, импорт ҳажми ва тузилмаси, ўринбосар-товарлар ишлаб чиқариш) ва таклиф омиллари (энг аввало, ишлаб чиқариш қувватларининг кўламлари ва юклаш даражаси, буюртмалар портфели, сотиб тугатилмаган захиралар миқдори) киради. Бундан ташқари ҳар бир бозор учун ўзининг қўшимча индикаторлари мавжуд: масалан, жаҳон буғдой бозори учун бундай индикаторлар бўлиб экин майдонлари, ҳосилдорлик, фрахт ставкаларининг ўзгариши ҳисобланади.

Товар бозори конъюктурасини ўрганиш тўртта босқичга бўлинади: тадқиқот объектини аниқлаш, материалларни тўплаш, таҳлил ва башорат қилиш. Конъюнктура тадқиқотлари учун асосий ахборот ҳажми статистик ахборотномалар, илмий ва ишбилармонлик нашрлари, халқаро ташкилотлар ва миллий органларнинг материаллари, биржа таҳлилномалари ёрдамида шаклланади. Таҳлил босқичида энг мураккаб момент бўлиб, асосий конъюнктура ҳосил қилувчи омилларнинг ҳаракатлари кучи ва йўналишини аниқлаш ҳисобланади. Конъюктурани башорат қилишда башорат қилиш усулларини танлаш тўғрисидаги масала анча аҳамиятли ҳисобланади, чунки улар ўнлаб сонларни ташкил қилади, лекин энг аввало, уларга трендлар экстраполяцияси, иқтисодий-математик таҳлил, эксперт баҳолари, техник усуллар киради.

Башорат қилишнинг экстраполяция усуллари ўрганилаётган объект динамикасини ретроспектив (ўтмиш) даврда таҳлил қилишга асосланган. Экстраполяция жараёнида вақт қатори, тренд ва тасодифий омил аниқланади. Узок муддатли давр мобайнида конъюнктура ҳосил қилувчи омиллар тўплами жиддий ўзгармаган ҳолларда ва вазиятларда товар бозорларини башорат қилиш учун ушбу усуллар гуруҳидан фойдаланиш мумкин бўлади.

Башорат қилишнинг иқтисодий-математик усуллари келгусида товар бозорларидаги вазиятни аниқлаш учун тобора кўпроқ даражада талаб қилинади. Улар товар бозорлари индикаторлари ўртасидаги барқарор ўзаро алоқаларни аниқлаш ва кўллашга асосланган. Бироқ башорат қилишнинг иқтисодий-математик усулларининг устунликлари конъюнктура ҳосил қилувчи омиллар индикаторларининг нотўғри танланиши сабабли йўққа чиқарилиши мумкин. Бу, шунингдек, башоратларнинг кўпинча паст сифатли бўлишига ҳам сабаб бўлади.

Товар бозорларини башорат қилиш учун эксперт баҳолар усуллари (башорат қилишнинг интуитив усуллари)га анча кўп мурожаат қилинади. Улар индивидуал ва жамоавий турларга бўлинади (масалан, Дельфи усули, яъни экспертлар билан бир неча босқичларда сўровлар ўтказиш).

Биржа савдосида нархларни башорат қилиш учун башорат қилишнинг техник (механистик, график) усулларидан кенг фойдаланилади. Умумий кўринишда улар биржанинг ёпилиш вақтига, биржа котировкаларининг

позиция-диаграмма тасвирларида ёки сузувчи ўртача биржа котировкаларини тузишда нархлар кўрсатилган ҳолда вертикал бўлақлар ёрдамида нархлар тебраниши амплитудаларини акс эттиришга асосланади.

Жаҳон товар бозорларини башорат қилишнинг таҳлилий усулларини мавжуд хилма-хиллигида уларнинг қайси бири энг самарали эканлиги тўғрисида ягона хулоса чиқариш мумкин эмас.

Жаҳон савдосида нархни шакллантириш. Нарх бозор ҳолатининг энг муҳим кўрсаткичларидан биридир, унинг аниқланиши эса жаҳон бозори конъюнктураси тадқиқотларининг асосий масалаларидан биридир.

Нархга барча конъюнктура ҳосил қилувчи омиллар таъсир кўрсатади, бироқ улардан айримлари бевосита таъсир кўрсатади ва уларнинг таъсир кўрсатиш даражаси миқдорий жиҳатдан аниқланиши, бошқаларнинг эса фақат тахминан аниқланиши мумкин. Масалан, АҚШда сланец газни қазиб чиқариш ўсишининг нархларга таъсир кўрсатишини жорий даврда талаб ва таклиф кўрсаткичлари тизими орқали миқдорий жиҳатдан ҳисоблаш мумкин, газогидрат (денгизлар тубида ва доимий музликларда кристалл шаклидаги газ) каби потенциал истиқболли ёқилғи турининг потенциал таъсирига эса фақат эксперт баҳосини бериш мумкин.

Ўз навбатида, барча конъюнктура ҳосил қилувчи омиллар биринчи тартибли омилларга, яъни бозор нархига бевосита таъсир кўрсатувчи омилларга, иккинчи ва кейинги тартибли, нархга билвосита таъсир кўрсатувчи омилларга, шунингдек, нархга микродаражада таъсир кўрсатувчи махсус омилларга бўлинади.

Биринчи тартибли конъюнктура ҳосил қилувчи омилларга маҳсулот бирлигига ўртача харажатлар даражаси, талаб ва таклифнинг ўзаро нисбати, давлат ва хўжалик субъектлари томонидан нархларни тартибга солиш, валюта-молия соҳасининг ҳолати каби омиллар киради. Иккинчи тартибли омиллар энг муҳим омилларнинг асосий элементларини ўзида ифодалайди: масалан, автомобилсозликда иш ҳақининг ўзгариши автомобиль нархига харажатлар орқали билвосита таъсир кўрсатади.

Махсус нарх ҳосил қилувчи омилларга товарнинг истеъмол ва сифат тавсифлари, етказиб беришнинг базис шартлари, тўлов шартлари, контрагентларнинг ўзаро муносабатлари тавсифи киради. Бу ердаги мураккаблик шундаки, барча омиллар бозор нархига комплекс, тизим сифатида таъсир этади. Масалан, буғдой бозори учун жорий қишлоқ хўжалиги йилида нарх ҳосил қилувчи омиллар бўлиб, фермерлик харажатлари, буғдойнинг ҳосилдорлиги, давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг даражаси (шу жумладан, асосий ишлаб чиқарувчи мамлакатларда дон интервенцияларини олиб бориш шартлари), ёқилғи-мойлаш материалларига нархлар, асосий импортчи ва экспортчи мамлакатларда иқтисодий ва сиёсий вазият, об-ҳаво ва иқлим шароитлари ҳисобланади.

Конъюнктура тадқиқотлари учун “жаҳон нархи” тушунчасини ажратиш лозим. Жаҳон нархи бўлиб, товар бозорида мунтазам равишда импорт ёки экспорт операциялари, улар бўйича тўловлар эркин конвертирланадиган

валютада амалга ошириладиган ташқи савдо нархи ҳисобланади. Бунда жаҳон нархи турли кўринишга эга бўлиши мумкин. Энг кенг тарқалган жаҳон нархлари кўринишларига товарнинг хусусиятларига қараб биржа котировкалари, аукционлар нархлари, савдолар нархлари, ўртача экспорт ва импорт нархлари, маълумот учун нархлар, йирик фирмалар таклиф этаётган нархлар, ҳақиқий битимлар нархлари киради. Масалан, биржада металл, нефть, кўп турдаги донлар, мойли ўсимликлар, шакарга; аукционларда мўйна, чой, балиқ, гулларга; савдоларда бутловчи асбоб-ускуналарга нархлар шаклланади. Машина ва асбоб-ускуналар, асосан, маълумот учун чоп этилган нархлар ва таклифлар нархларига мўлжал олиб савдо қилинади.

Товар бозори жаҳон нархининг тавсифли белгиларидан бири унинг кўп миқдорга эгалиги бўлиб, у айнан бир вақтнинг ўзида ўхшаш конъюнктура мавжудлигида бир хил сифат тавсифларига эга товарга турли хил нарх даражаларининг мавжудлигини англатади. Масалан, турли биржаларда юмшоқ қишки қизилуруғ буғдой нархлари турлича бўлади. Нархларнинг бундай тафовутланиши негизда махсус нарх ҳосил қилучи омиллар ётади.

Ҳозирги асрнинг боши конъюнктура ва нархлар шаклланишининг омиллари ва шарт-шароитларининг кўпгина товар бозорлари учун умумий бўлган, шунингдек, уларнинг фақат айримлари учунгина ўз таъсирига эга анча мураккаб ўзаро нисбати билан тавсифланади.

Асрнинг бошида асосий товар бозорларидаги ҳолатни аниқловчи макроиқтисодий вазият таъсир кўрсатувчи омилларнинг хилма-хиллиги билан ажралиб туради ва натижада алоҳида босқичларда энг муҳим иқтисодий кўрсаткичларнинг барқарорсизлиги билан тавсифланади. Ушбу даврда глобал тенденциялар хомашё товар бозорларида жаҳон нархларининг юқори тебраниш даражалари ва нотекис ҳаракатланиши ҳисобланади. Биринчи ўн йилликнинг ўрталаридан бошлаб, у XX асрнинг сўнгги ўн йиллигидаги ўртача кўрсаткичлардан юқори бўлди, бироқ XXI асрнинг иккинчи ўн йиллигининг ярмига келиб, тенденция қарама-қарши томонга ўзгарди.

Осиё мамлакатларидаги, айниқса, Хитой ва Ҳиндистондаги динамик иқтисодий ўсиш хомашё товарларига талабнинг глобал ортиши, жаҳон нархларининг товар тузилмасининг ўзгариши ва шунга мувофиқ равишда нархлар ўсишининг энг муҳим омилга айланди. Натижада агар аввалги босқичларда хомашё товарлари экспортчилари учун савдо шароитлари узоқ муддат ёмонлашган бўлса, хомашё товарларига нархларнинг ошиш босқичи ушбу товарлар экспортчилари учун савдо шароитларини яхшилади ва тайёр маҳсулотлар экспортчилари учун ёмонлаштирди (4.5-жадвал). Шунга тегишли равишда сиёсий ва бошқа омиллар билан бирга ишбилармонлик фаоллигининг пасайиши вазиятни жиддий ўзгартирди.

**Жаҳон савдосида хомашё товарларига нархлар индекси динамикаси
(2000 й. = 100)**

Товар	Кўрсаткич								
	2005 й.	2007 й.	2009 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.
Барча товар гуруҳлари	140	207	213	302	277	258	242	202	200
Хом нефть	189	252	219	368	372	369	341	180	152
Минераллар, рудалар, металллар	173	313	232	375	322	306	280	218	205
Қишлоқ хўжалиги хомашёси	129	164	163	273	269	249	186	161	157
Озиқ-овқатлар	128	169	216	273	269	249	239	204	208

UNCTAD. Free Market Commodity Price Indices. Annual, 1960-2016; <http://unctadstat.unctad.org/wds/TableViewer/tableView.aspx?ReportId=28769> бўйича тузилган.

Хомашё товарларига, айниқса, металлларга нархлар қатъий детерминацияланган (сабабий боғланишларга асосланган) даврий элементларга эга, бироқ иқтисодий ўсиш ва металлларга нархларнинг ҳар йиллик ўсиши ўртасидаги корреляция тахминан 50 %ни ташкил этади.

Қишлоқ хўжалиги товарларига нархларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд – улар ишлаб чиқаришнинг энг ёмон шарт-шароитлари асосида шаклланади (бу ердан турли миллий товар бозорларида бир хил товарга нархларнинг кучли тафовутланиши келиб чиқади), даврийлик ва мавсумийлик кучлидир (кўтарилган барқарорсизликка ва юқори тебранишлар амплитудасига олиб келади).

XXI аср бошида машина ва асбоб-ускуналарга нархлар ҳаракатланишининг умумий тенденцияси XX аср охиридаги вазиятнинг давоми сифатида ошиб борувчи тенденция каби шаклланади. Ушбу ходисанинг асосий сабаблари сифатида товар диверсификациясининг ўсиши; аниқлик, унумдорлик кўрсаткичлари бўйича товарларга талабларнинг ортиши; айниқса, машина ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришда сезиладиган ИТТКИга харажатларнинг ўсиши шаклланади. Бунда алоҳида товар гуруҳлари бўйича нархлар динамикаси турли йўналишларга эга ҳисобланади. Нархлар ҳаракатланишининг узок муддатли тенденцияси уларнинг саноат ва маиший мақсадлардаги стандарт оммавий буюмларга пасайиши ва ноёб, ностандарт асбоб-ускуналарга ўсиши ҳисобланади. Нархларнинг пасайишига асбоб-ускуналар сериялигининг ортиши кўмаклашади, чунки у харажатларни пасайтириш ва унумдорликни ошириш имкониятларини беради. Нархларнинг ўсиши, ўз навбатида, алоҳида тармоқларни қўллаб-қувватлашнинг давлат дастурлари, ҳарбий буюртмалар, мегалойиҳаларда иштирок этишнинг давлат дастурлари билан рағбатлантирилади.

Машина ва асбоб-ускуналарга нархларни аниқлаш услубиятлари товар сегментларига қараб фаркланади. Оммавий стандарт буюмларга нархлар умумий ҳолда ўртача харажатлар ва ўртача фойда нормаси асосида шаклланади. Улар жиддий равишда тебраниб туради. Уларнинг асосий турлари бўлиб, чоп этиладиган маълумот учун нархлар, энг йирик бозор операторлари таклифларининг нархлари ҳисобланади. Ушбу нархларга, одатда, битимда иштирок этмайдиган томонлар ҳам эриша олади.

Ностандарт ва ноёб асбоб-ускуналарга нархлар индивидуал ишлаб чиқариш харажатларига ва индивидуал фойда нормасига мўлжал олади. Ушбу товарлар бозорларида нархларни аниқлаш учун кўпинча қуйидаги ҳисоб-китоб усулларидан фойдаланилади: солиштира кийматлар, сирпанувчи нархлар, индексли усуллар. Мос равишда нарх дисперсияси улкандир. Масалан, узоқ муддатли тайёрлаш муддатига эга асбоб-ускуналар (йирик энергетик асбоб-ускуна, авиацион техника, кемалар)нинг шартнома нархи қуйидаги сирпаниш формуласи асосида сирпанувчи нарх бўйича аниқланади:

$$P_1 = P_0 (A \times K_a + B \times K_b + C),$$

бу ерда:

P_1 – шартнома нархи;

P_0 – базис нархи;

A – нархда материаллар улуши;

B – нархда меҳнат ҳақининг улуши;

C – доимий таркибий қисмлар улуши;

K_a , K_b – нархнинг сирпаниш даврида тегишли элементларга нархлар ўсиш коэффициентларининг ўртача миқдори.

Нархларга, шунингдек, асбоб-ускуналарни истеъмол қилувчи тармоқларнинг ҳолати таъсир кўрсатади. Классик мисол тариқасида АҚШда 2001 йилдаги террористик актлардан сўнг авиасозликда буюртмалар портфелининг камайишини келтириш мумкин. Ҳозирги ўн йилликнинг бошида янги савдо кемаларининг барча асосий турларига, айниқса, контейнерли кемалар ва куруқ юк ташийдиган кемалар нархларнинг пасайиши кузатилади, бу эса уларда ташиладиган юкларга талабнинг пасайишини акс эттиради.

Тайёр маҳсулотнинг янги моделига нархни ҳисоблаш мисоли:

$$P_n = P_1 \times Q_n + D,$$

бу ерда:

P_n – янги товарнинг нархи;

P_1 – бозорда мавжуд товарнинг асосий параметри бўйича солиштира нархи;

Q_n – янги товарнинг асосий параметри миқдорий кўрсаткичи;

D – янги товарнинг иккинчи даражали хусусиятлари ҳисобига нархнинг ўзгариши.

Сўнгги йилларда машина ва асбоб-ускуналар бозорининг айрим сегментларида нархларнинг хизматлар соҳасига боғлиқлиги тенденцияси анча яққол намоён бўлмоқда. Масалан, “мобиль телефон гўшаги – хизмат” тизимида етакчи ролни операторлар хизмати ўйнайди, яъни абонент, биринчи навбатда,

алоқа компаниясини танлайди, телефон эса фақат хизматни олиш воситасига айланади. Бу гўшакларга нархларнинг тенглаштирилиши, уларнинг табақаланишининг камайишига олиб келди, товар сегментларида (элита сегментидан ташқари) нархларни барқарорлаштиришга кўмаклашди.

Хулоса

1. Жаҳон савдосини жадаллашган (ЯИМ билан таққослаганда) ўсишининг асосий омилларига жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви, ТМК доирасида қўшилган қиймат занжирларини шакллантириш, инновацион ривожланиш, халқаро савдонинг либераллашуви, халқаро иқтисодий ташкилотларнинг фаолияти каби омилларни киритиш мумкин.

2. Сўнги ўн йилликнинг ўзига хос белгиси минтақвий савдо ҳамкорлигининг фаоллашуви ҳисобланади, у минтақавий савдо келишувлари (МСК) сонининг кўпайишида, улар билан қамраб олинган жаҳон савдосининг ўсишида, ривожланган мамлакатларнинг ноўзаро имтиёзлардан ўзаро имтиёзлар тизимига ўтишга интилишида намоён бўлади. Ҳозирги вақтда жаҳон савдосининг тахминан ярми МСК иштирокчилари ўртасида амалга оширилади.

3. Жаҳон савдоси ривожланиши замонавий босқичининг муҳим тавсифлари бўлиб, тез ўзгарувчи товар тузилмаси ва янги товар гуруҳлари ҳамда турларининг пайдо бўлиши ҳисобланади. Жаҳон товар айирбошлашнинг тузилмаси анъанавий равишда учта товарлар гуруҳини, яъни озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, ёқилғи ва қазиб олиш саноатининг бошқа маҳсулотлари, қайта ишлаш саноатининг маҳсулотларини ўз ичига олар эди.

4. Халқаро хизматлар савдосининг тузилмаси етарлича мураккаб ва хилма-хилдир. БМТ мутахассислари томонидан тузилган хизматлар классификатори 500 дан ортиқ позициялар ва субпозицияларни, ЖСТ классификатори эса 160 га яқин хизматларни ўз ичига олади. Шунга қарамай, тўлов баланси статистикаси атиги учта йириклаштирилган хизматлар позициясини: саёҳатлар, транспорт ва “бошқа турдаги хизматлар” позициясини ажратади.

5. Мамлакатнинг савдо сиёсати унинг маҳаллий товарлар ва хизматларни жаҳон бозорига силжитиш бўйича ва ички бозорни хорижий маҳсулотларнинг рақобатидан ҳимоялаш бўйича давлат чора-тадбирлари тизимидир. Ушбу сиёсатнинг қонунчилик асоси уч даражага эга. Биринчиси мамлакатнинг миллий қонунчилиги, иккинчиси унинг бошқа мамлакатлар билан, одатда, Жаҳон савдо ташкилоти меъёрлари асосидаги иккитомонлама келишувлари, учинчи даража ЖСТнинг халқаро ташқи савдо қонунчилигининг мажбурий меъёрларини мамлакат томонидан қўлланишидир. Шундай қилиб, ЖСТга аъзо-мамлакатларнинг ташқи савдо қонунчилигининг асосини ушбу ташкилотнинг меъёрлари ва қоидалари ташкил қилади. Шулар асосида жаҳонда кўп томонлама савдо тизими, яъни ГАТТ (ЖСТ) ҳужжатлари тўпламида амалга киритилган халқаро товарлар ва хизматлар савдосини тартибга солиш чоралари ва қоидалари тизими амал қилади, дейиш мумкин.

6. Жаҳон товарлар ва хизматлар бозорлари конъюнктураси умумий шарт-шароитлар ва конъюнктура ҳосил қилувчи омилларнинг таъсири остида шаклланади. Бунда биринчиси ривожланиш йўналишларини, иккинчиси ҳақиқий ўзгаришларни аниқлайди.

7. Товар бозорлари конъюктурасини ўрганишнинг тўртта босқичи ажратилади. Бунда улар ўртасида бозор ҳолатини комплекс таҳлил қилиш имкониятини берувчи бирлик сақланиб қолади.

8. Жаҳон товар бозорлари ривожланишининг замонавий босқичи нарх нисбатларининг жиддий ўзгаришлари билан тавсифланади, бу ўзгаришлар ҳам янги умумий шароитлар, ҳам динамик ўзгариб бораётган конъюнктура ҳосил қилувчи омилларнинг таъсири билан боғлиқ. Нархлар умумий ўзгаришининг локомотиви бўлиб ёқилғи-хомашё ва аграр бозорлар ҳисобланади. Ушбу ўсишда чайқовчилик унсурларининг улуши улкандир. ХХІ асрнинг биринчи ўн йиллигида кўпгина хомашё товарларига нархларнинг жиддий ўсишида ўз тарихий чўққиларидан юқори бўлди, бироқ сўнгра нарх йўналишининг ўзгариши рўй берди.

Таянч иборалар: экспорт квотаси, мамлакатнинг савдо сиёсати, ҳудудий савдо келишувлари, кўп томонлама савдо тизими, қулай савдо режими, миллий режим, божхона кодекси, божхона тарифи, тариф линияси, демпинг, ташқи савдо субсидияси.

Назорат учун саволлар

1. Нима сабабдан халқаро савдо халқаро иқтисодий ҳамкорликнинг асосий воситаси бўлиб қолмоқда?

2. Халқаро савдонинг глобаллашувини қандай тушунасиз?

3. Халқаро савдони халқаро иқтисодий муносабаларининг бошқа кўринишлари билан алоқадорлигини асослаб беринг.

4. Ўзбекистон Республикасининг жаҳон савдосида иштирок этиши унинг иқтисодий ривожланишининг асосий параметрлари билан боғлиқлигини таҳлил қилинг.

5. Халқаро савдо ривожланишининг асосий тенденцияларини аниқланг ва тушунтириб беринг.

6. Савдо сиёсат асосий режимини ва уларни татбиқ этиш кераклигини тушунтириб беринг.

V боб. ИШЧИ КУЧИ ХАЛҚАРО МИГРАЦИЯСИ

Ҳозирда халқаро иқтисодий муносабатлар кенг ва турли-туман бўлиб бормоқда. Замонавий алоқа, транспорт воситалари, қонунчиликдаги унификациялаш ва миллий иқтисодиётларнинг очиклиги нафақат товар ва хизматларнинг, балки ишлаб чиқариш омилларининг ҳам эркин ҳаракатланишига имкон яратмоқда. Ишчи кучи юқори мобиллилик хусусиятига эга ишлаб чиқариш омилларидан бири ҳисобланади. Ишчи кучининг халқаро миграцияси халқаро иқтисодий муносабатларнинг муҳим шаклларида биридир.

Ишчи кучининг халқаро миграцияси дунёда содир бўлаётган миграцион жараёнларнинг бир қисми ҳисобланади. Бу тўғрисида ушбу бобда батафсил тўхталиб ўтилади.

5.1. Халқаро миграция турлари

Жаҳон хўжалик ва ижтимоий-маданий фаолиятида барқарор ривожланаётган интернационаллашув ҳамда демократиялашув жараёнлари, шунингдек, мамлакатларо ва миллатларо мавжуд айрим зиддиятлар, тўқнашувлар, фавқулодда вазиятлар ва табиий офатлар оқибатида аҳоли ҳамда меҳнат ресурсларининг мамлакат ичида ва мамлакатларо бир жойдан иккинчи жойга миграцияси (кўчиб ўтиши) қатор йиллар давомида кузатилмоқда. Уларнинг кўпчилиги, бир томондан, жаҳон цивилизацияси ва халқаро меҳнат бозорлари турар жой ва иш жойи танлаш учун яратиб берган ҳуқуқ ва имкониятлардан фойдаланувчи мигрантлардан иборат бўлса, иккинчи томондан, ўз хоҳиши билан эмас, балки шароит тақозоси билан туғилиб ўсган жойини ташлаб кетишга мажбур бўлган қочоқлар ҳамда зўраки мигрантлардан иборатдир. Мигрантлар оқимининг кўлами ҳамда аҳволнинг мураккаблиги баъзи даврларда жуда катта муаммоларни юзага келтирди. Бу муаммоларни ҳал этиш эса кенг миқёсдаги халқаро ҳамкорликни тақозо этади.

Халқаро меҳнат тақсимоти мамлакатлар ўртасидаги меҳнат тақсимоти ривожининг олий босқичи бўлиб, у бирор-бир мамлакатда муайян маҳсулотни ишлаб чиқаришда барқарор имкониятлар мавжудлиги ҳамда турлича миқдор ва малакага эга бўлган меҳнат ресурслари бўлишини тақозо этади. Халқаро меҳнат тақсимотини кенг маънода инсон фаолиятининг турларга бўлиниши, деб тушуниш бу соҳада кейинроқ юз берадиган кооперацияни мамлакатлар ўртасида ўзлари энг юқори иқтисодий самара билан ишлаб чиқарган маҳсулотларни муттасил айирбошлаш эканлигини инкор этмайди. Ана шундай кооперация икки кўринишда: меҳнат тақсимотига кўра ишлаб чиқарилган маҳсулотларни халқаро миқёсда айирбошлаш (халқаро савдо) ёки ишчи кучларининг давлатларо кўчиб ўтиши, яъни халқаро меҳнат миграцияси шаклида намоён бўлиши мумкин.

5.1-жадвал

Худудлар аҳолиси ва халқаро мигрантлар сони (минг) ҳамда уларнинг улуши (фоизда)


	Умумий аҳоли сони	Дунё аҳолиси сонигаги улуши, %	Халқаро мигрантлар сони	Халқаро мигрантлар улуши
Дунёда	7,550,262	100	257,715	100
Африка	1,256,268	16,6	36,266	14,1
Осиё	4,504,428	59,7	105,684	41
Европа	742,074	9,8	61,191	23,7
Лотин Америкаси ва Кариб кўрфази	645,593	8,6	37,72	14,6
Шимолий Америка	361,208	4,8	4,413	1,7
Океания	40,691	0,5	1,88	0,7
Номаълум	М/Э*	М/Э	10,56	4,1

Манба: Жаҳон банки маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилди.
<https://data.worldbank.org/indicator>

* Мавжуд эмас.

Аҳоли ва меҳнат ресурсларининг мамлакатлараро миграцияси ишчи кучини қабул қилувчи ва уни четга чиқарувчи мамлакатларнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт даражаларида ҳамда аҳолининг табиий ўсиш суръатларида анчагина фарқлар мавжуд бўлган чоғда рўй беради.

Меҳнат миграциясининг турлари: бир давлатнинг ўз минтақалари ўртасида рўй берадиган *ички миграция* ва бир неча мамлакатни қамраб оладиган *ташқи миграция*. “Халқаро иқтисодий муносабатлар” фани ташқи миграция ва унинг сабаблари билан шуғулланади. Жаҳон иқтисодиётида ривожланган давлатларга мигрантларнинг оқими ошиш хусусиятига эга (5.1-расм).



5.1-расм. Мамлакат гуруҳлари бўйича халқаро мигрантлар улуши

Жаҳон банки маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилди.
<https://data.worldbank.org/indicator>

Халқаро миграция муаммоларини ўрганишда дуч келинадиган асосий тушунчалар қуйидагилар:

- *Ишчи кучи миграцияси* (Labor force migration) – меҳнатга лаёқатли аҳолининг бир давлатдан иккинчи бир давлатга бир йилдан кўпроқ муддат билан кўчиб ўтиши. Унинг иқтисодий ва бошқа сабаблари бўлиши мумкин.

- *Эмиграция* (Emmigration) – меҳнатга лаёқатли аҳолининг бир давлатдан иккинчи бир давлатга чиқиб кетиши.

- *Иммиграция* (Immigration) – меҳнатга лаёқатли аҳолининг бирор-бир мамлакатга четдан кириб келиши.

- *Миграция сальдоси* (Net migration) – мамлакатда бўладиган иммиграция ва эмиграция ўртасидаги фарқ.

- *Ақлий талафот* (Brain drain) – юқори малакали кадрларнинг мамлакатдан чиқиб кетиши (халқаро миграцияси).

- *Реэмиграция* (Re-emmigration) – эмигрантларнинг турғун яшаш учун ўз ватанига қайтиб келиши.

Халқаро ишчи кучи миграцияси бундан бир неча юз йил аввал пайдо бўлган ва шундан буён бу борада жиддий ўзгаришлар рўй берди. Халқаро миграция муаммоларининг иқтисодий ривожланишга таъсири 1960 йилларнинг охиридан фаол ўрганила бошлади. Натижада, шундай ҳулосага келиндикки, ишчи кучининг халқаро ҳаракати ишлаб чиқариш омилларидан бири сифатида иқтисодий ривожланиш суръатларига таъсир қилади, бу ҳаракатнинг сабаби эса турли мамлакатда меҳнатга ҳақ тўлаш даражаси турлича эканлигидан иборат. Ҳар бир киши ўз меҳнатининг энг сўнгги самарасини олади ва истеъмол қилади, деган ақидага асосланувчи неоклассик назария тарафдорлари эмиграция қабул қилувчи мамлакат фаровонлигини оширишга хизмат қилади, айти бир пайтда, эмиграциянинг асл ватани бўлган давлатда эса иқтисодий ривожланиш ўзгармай сақланиб қолади ёки ҳеч бўлмаса, пасаймайди, деб ҳисоблайдилар.

Шу билан бирга, некейнсиан тарафдорлари ишчи кучини, айтиқса, юқори малакали ходимларини экспорт қилувчи мамлакатда иқтисодий ҳолат заифлашиши мумкинлигини ҳам эътироф этадилар. Шу муносабат билан «ақлий талафот»га солиқ солиш ва ундан келадиган даромадни БМТ ихтиёрига ўтказиб, улардан ривожланиш мақсадларида фойдаланиш ғояси кенг муҳокама этилди. Кейинги йилларда инсон капитали жамланишига мамлакат иқтисодий ривожланишининг муҳим омили сифатида қараш устун кела бошлади. Жамланган инсон потенциали иқтисодий тараққиётнинг муҳим омили эканлигидан келиб чиқилса, халқаро миграцияни мамлакатлар ўртасида иқтисодий ривожланиш борасидаги суръатлар нега турли хил эканлигини англатувчи сабаблардан бири деб ҳисобласа ҳам бўлади.

Халқаро мигрантлар, асосан, 5 та тоифага бўлинади:

- * мамлакатга ошқора киритилган иммигрантлар. Кўпдан бери иммигрантларни қабул қилиб келаётган мамлакатлар учун ўтган асрнинг 80-90-йиллари иммиграция юқори поғонага кўтарилган давр бўлди;

- * *шартнома бўйича ишлайдиган ишчи-мигрантлар.* Кўпгина

мамлакатлар чет эл ишчи кучига муҳтожлик сезади. Бундай ҳолларда ишчи кучи сероб бўлган мамлакатлар, масалан, Осиёнинг баъзи минтақаларидагилар Яқин Шарқдаги қатор мамлакатлар билан шундай шартномалар ҳақида келишиб олишади;

* *яширинча келган иммигрантлар*. Деярли барча саноати ривожланган мамлакатларда яширин иммигрантлар мавжуд. Уларнинг бир қисми чегара орқали ўтган бўлса, бошқалари виза муддати тугагандан кейин ҳам бегона мамлакатдан чиқиб кетмайди; бундайлар, одатда, энг кам нуфузли меҳнат поғоналарида ёки нисбатан кам иш ҳақи тўланадиган ишга жойлашадилар;

* *бошпана сўраган шахслар*. Бундай тоифадаги мигрантлар сони 80 йилларгача жуда оз бўлиб, кейинчалик анча кўпайди ва 2015 йиллар охирига келиб 1 млн. дан кўп кишини ташкил этди. Улар сиёсий сабабларга кўра, шунингдек, ўз мамлакатидagi оғир иқтисодий аҳвол туфайли бошпана сўрайдилар;

* *қочоқлар*. БМТ маълумотларига кўра, 1990 йилларда дунёдаги қочоқлар сони 22 млн. атрофида бўлса, 2016 йил охирига келиб, уларнинг сони 35 млн. дан кўпроқни ташкил этди. Қочоқларнинг кўпчилиги бугунги кунда дунёнинг қатор мамлакатларида тузилган махсус лагерларда истиқомат қилади. Бу лагерлар БМТ, қабул қилувчи мамлакат ҳукумати ёки хусусий агентликлар ҳомийлигидадир. Маълумотларга қараганда, уларнинг атиги беш фоизидан камроғи ривожланган Ғарб мамлакатларидан бошпана топади.

5.2. Миқдор кўрсаткичлари

Мамлакатлараро меҳнат ресурсларининг ҳаракатини аниқ белгиловчи кўрсаткич тўлов балансида қайд этиладиган кўрсаткичлардир. Бошқа ҳолларда бўлгани каби, мамлакатда камида бир йил истиқомат қилмаган шахс *норезидент* ҳисобланади. Агар бирор шахс мамлакатда бир йилдан кўпроқ истиқомат қилса, у статистик ҳисоб-китоб мақсадларида *резидент* деб ҳисобланади. Тўлов баланси статистикасида ишчи кучи миграцияси билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар жорий операциялар балансининг бир қисми ҳисобланиб, улар уч модда бўйича тасниф қилинади:

меҳнатдан келадиган даромад (Labor income), банд бўлганларга тўловлар (Compensation of employees) – бажарилган иш учун нақд пул ёки маҳсулот тарзида бериладиган иш ҳақи ва бошқа тўловлар. Резидентларнинг нафақа, суғурта ва бошқа жамғармаларга берадиган тўловлари ҳам шу жумладан бўлиб, бу норезидентни ишга ёллаш билан боғлиқдир. Хусусий шахслар-норезидентлар доирасига ушбу мамлакатда бир йилдан кам истиқомат қилган барча чет эллик хизматчилар, шу жумладан, мавсумий ишчилар, чегарадош мамлакатлардан пул ишлаш илинжида келган ишчилар, шунингдек, хорижий элчихоналарнинг маҳаллий ходимлари киритилади;

мигрантлар ўтказмалари (migrants' transfers) мигрантлар бошқа мамлакатларга кўчиб кетаётган пайтда ўзи билан олиб ўтаётган мол-мулкнинг пулга чақилган тахминий қиймати (ХВФ, Тўлов баланси қўлланмаси, 5-нашр). Шу билан бирга, эмигрантларнинг ушбу мол-мулклари

мамлакатдан экспорт қилинаётган маҳсулот сифатида кўрсатилиб, уларнинг пулга чақилган тахминий қиймати ушбу модда ҳисобига киради (ХВФнинг Тўлов баланси қўлланмаси 6-нашрига кўра мигрантлар трансферти тўлов баланси ўтказмаси сифатида қаралмайди);

Ишчиларнинг жўнатмалари (workers' remittances) – мигрантларнинг ўз ватанида қолган қариндош-уруғларига пул ва маҳсулот (товар) жўнатмалари. Товарлар жўнатилаётганда, уларнинг тахминий қиймати ҳисобга олинади.

Меҳнатдан келадиган даромад (айрим мамлакатларнинг тўлов балансида улар «банд бўлган шахсларга тўловлар» деб аталади) моддаси билан «мигрантларнинг кўчиб ўтиши» ва «ишчиларнинг жўнатмалари» моддалари ўртасидаги асосий фарқ шундан иборатки, «меҳнат даромадлари» моддасида ушбу мамлакатда вақтинча (1 йилдан кам) истиқомат қилаётган норезидентларнинг даромади ҳам ҳисобга олинади. «Мигрантларнинг кўчиб ўтиши» ва «ишчиларнинг жўнатмалари» моддаларида эса резидентларнинг, яъни ватанидан чиқиб кетиб, чет элда камида бир йилдан кўпроқ истиқомат қилганлар даромади ва сарф-харажатлари кўрсатилади. Ана шу икки модда жорий операциялар доирасида тўланмаган хусусий жўнатмалар жумласига киради.

Тўланмаган хусусий ўтказмалар (private unrequited transferts) – мигрантлар чет элга жўнаб кетаётганида, ўзи билан олиб ўтаётган мол-мулкнинг пулга чақилган ва кейинчалик ўз ватанида қолганларга жўнатиладиган товарларнинг тахминий қиймати. «Мигрантларнинг кўчиб ўтиши» ва «ишчиларнинг жўнатмалари» моддаларини ўз ичига олади.

У ёки бу турдаги халқаро жўнатмаларни қайси моддага киритиш лозимлиги амалда анча мураккаб иш. Бирор кимса шунчаки пул ишлаш мақсадида вақтинча чет элга кетиши ва баъзи бир сабабларга кўра у ерда бир йилдан кўпроқ қолиб кетиши, яъни мигрантга айланиши мумкин. Ёки аксинча, чет элда бутунлай қолиб кетмоқчи бўлган ва мол-мулки “мигрантларнинг кўчиб ўтиши” жўнатмалари тарзида ҳисобга олинган одамлар хорижда бир йил ҳам истиқомат қилмай, ватанига қайтишга қарор қилиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда ушбу бир умумий қоидага амал қилинади: чегарани кесиб ўтиш пайтидаги ҳолат ҳисобга олинади; кейинроқ рўйхатдаги ёзувда бирор хато борлиги ошкор бўлиб қолган тақдирда ҳам, одатда, у қайта тузатилмайди.

5.3. Миграция кўлами

Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, дунёнинг йиллик миграция сальдоси 2015 йилнинг ўрталарида қарийб 1 млн. кишини ташкил этган, яъни қабул қилувчи мамлакатларга кўчиб келганлар сони бу ердан чиқиб кетганларга нисбатан 1 млн. кўп бўлган. Тахминларга қараганда, жаҳон иқтисодиётининг барқарорлашуви ва мигрантларга бўлган муносабат билан миграция сальдоси яқин йиллар ичида камайиб боради.

Халқаро миграция билан боғлиқ бўлган пул оқими ҳажми 100 миллиард долларни ташкил этади ва уни кўлами жиҳатидан бемалол йиллик

бевосита хорижий инвестицияларга тенглаштириш мумкин.

Чет эллик ишчилар резидент-норезидентларнинг меҳнат даромадларига барча тўловларнинг 9/10 қисми ривожланган мамлакатларга тўғри келса, барча ривожланаётган мамлакатлар улуши атиги 1/10 дан иборат. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, ривожланган мамлакатларда вақтинча мигрант ишчиларнинг асосий қисми тўпланган, айтиб бериш пайтда, ривожланаётган мамлакатлардан, шу жумладан, иқтисодиёти ўтиш даврига хос мамлакатлардан худди шу томонларга меҳнатга лаёқатли ишчилар экспорт қилинмоқда ва улар резидент бўлиб қолмоқда. Меҳнат миграцияси билан алоқадор бўлган пул оқимлари сарҳисобида меҳнат даромадлари қарийб 62 %ни, ишчиларнинг жўнатмалари 31 %ни ва мигрантларнинг кўчиб ўтиши қарийб 7 %ни ташкил этади.

Швейцария, ГФР, Италия, Япония, Бельгия, АҚШда хусусий шахслар – норезидентларнинг меҳнат даромади юзасидан энг йирик тўловлар амалга оширилади.

Хусусий шахсларга оид энг йирик пул жўнатмалари саноати ривожланган асосий мамлакатлар (АҚШ, Германия, Франция, Япония, Буюк Британия) ҳамда янги индустриал давлатлар ва нефть ҳисобига ривожланаётган мамлакатлар (Қувайт, Саудия Арабистони ва Венесуэла) улушига тўғри келмоқда. Шуни ҳам айтиш лозимки, чет элдан келадиган жўнатмаларни қабул қилиб олувчилар, асосан, ривожланган мамлакатлар бўлиб, бу жўнатмалар уларнинг трансмиллий корпорацияларининг чет эл бўлинмалари ходимлари, хорижий мамлакатларда хизмат қилаётган ҳарбийлари, чет эл аппарати ходимлари иш ҳақининг муайян қисмидан иборат.

Кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда хусусий шахслар жўнатмалари товар экспортдан олинмаган даромадларнинг 25-50 %ини ташкил этади (Бангладеш, Буркина-Фасо, Ямайка, Малави, Марокаш, Покистон, Шри-Ланка, Судан, Иордания, Лесото, Яман). Назарий жиҳатдан қараганда, *ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатларнинг даромади* фақат чет элдаги эмигрантларнинг жўнатмаларидан иборат эмас, гарчи уларнинг ўрни катта бўлса ҳам, ЯИМ ҳажмини кўпайтириб, тўлов балансига ижобий таъсир қилувчи яна қатор *даромад манбаи* борки, у ҳам бўлса, чет элдаги ишга жойлаштириш билан шуғулланувчи фирмалардан олинмаган солиқлардан, эмигрантларнинг она юрти иқтисодиётига жойлаштирадиган бевосита ва портфель инвестицияларидан, эмигрантлар учун таълим, соғлиқни сақлаш ҳамда бошқа харажатларнинг камайишидан (бу харажатлар қабул қилувчи мамлакатлар ҳисобидан бўлади) иборат. Ҳисоб-китобларга кўра, мигрантлар ўз ватанига қайтар экан, банклар орқали илгари ўзлари жўнатган маблағга тенг миқдорда жамғарма олиб ўтадилар. Яна шуниси ҳам борки, мигрантлар чет элда тажриба орттириб, малака оширган ҳолда ватанига қайтиб келади, бунинг натижасида эса мамлакат кўшимча малакали кадрлар билан бойийди.

Эмиграция меҳнат ресурслари сероб бўлган мамлакатлар иқтисодиётига

яна бир томони билан *ижобий* таъсир кўрсатади, у ҳам бўлса, ишчи кучининг чет элга чиқиб кетиши ишсизликни камайтиришида. Чунончи, 1970 йилларда Миср ҳукумати ишсизликка қарши кураш дастурини қабул қилар экан, унга Форс кўрфази мамлакатларига бўладиган эмиграцияни рағбатлантириш чоратабирларини махсус киритган. Пуэрто-Рикода эса энг кам иш ҳақи тўғрисида қонун қабул қилинаётганида ишчи кучининг лоақал учдан бир қисми АҚШга кетиши лозимлиги мўлжалланган.

Эмиграциянинг *салбий* томонлари ҳақида сўз юритганда тан олиш керакки, ҳақиқатан «ақлий талафот» кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар, айниқса, Осиё ва Африкадагилар учун жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. Бироқ кўп ҳолларда мамлакатда иқтисодий аҳвол яхшилангач, «ақлий талафот» ҳам барҳам топади. Масалан, ҳинд олимлари Силикон водийсида юксак технологияга асосланган Америка корпорацияларида бир қанча йил ишлаб, кейин ўз юртларига қайтгач, ҳинд саноатида янги компьютер дастурларини яратиш соҳасига асос солдилар ва бугунги кунда жаҳон амалиётида бу борада пешқадамлик қилмоқдалар.

Шубҳасиз, иммиграция билан боғлиқ бўлган *салбий* оқибатларни ҳам инкор этиб бўлмайди. Ривожланган мамлакатларда бу нарса, аввало, иммигрантлар оқиб келиши натижасида кам малакали ишчи кучининг реал иш ҳақи камайишига олиб келади. *Иммиграциянинг* иқтисодий самаралари кўп ҳолларда юзаки тарзда салбий, деб баҳоланади, бунинг сабаби чет элдан келган ишчилар иш жойларини эгаллаб, туб аҳоли ўртасида ишсизликни кўпайтиради. Айрим ҳолларда бундай муаммо ҳам борлигини инкор этмаган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, иммигрантлар, ўзлари билан бирга, янги тажриба, билим, маҳорат кабиларни олиб келадилар. АҚШ, Канада ва Австралия иммиграция натижасида пайдо бўлган мамлакатлардир. Баъзи мамлакатларда иммигрантлар бутун бир тармоқни жадал ривожлантириб юборишади. Бунга мисол қилиб Индонезия ва Малайзияда ишлаган хитойлик саноат ишчиларини, Африкада фаолият кўрсатган Ҳинд ва Ливан бизнесменларини, Форс кўрфазида хизмат қилган иорданиялик ва фаластинликларни кўрсатиш мумкин. Қолаверса, иммигрантлар кўпчилик мамлакатларда маҳаллий аҳоли инкор этадиган бўш иш жойларини тўлдирадилар. 1960 йилларда Туркия ва Шимолий Африкадан келган иммигрантлар Германия ва Францияда иммиграциянинг 60-80 %ини ташкил этганлар. Фаластинликлар Исроилда, индонезияликлар Малайзияда, боливияликлар Аргентинада энг оғир ишларга ҳам кўнишган. Қолаверса, мамлакат учун даромад келтирувчи, шу жумладан, экспортдан даромад келтирувчи баъзи саноат тармоқлари иммигрантлар бўлмаса, танг аҳволга тушиб қолар эди. ЖАР кон-руда саноатини, Доминика Республикаси, Малайзия ва Испаниядаги қишлоқ хўжалик плантацияларини, Малайзия каучук ва резина саноатини, яна қатор мамлакатларни бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

5.4. Иммиграция йўналишлари


Иқтисодий сабабларга кўра, мигрантларнинг асосий оқими киши бошига тўғри келадиган даромад кам бўлган мамлакатдан шу даромад кўпроқ бўлган мамлакатга қараб ҳаракат қилиб келган. Урушдан кейинги бутун давр мобайнида иқтисодий шарт-шароитларга қараб халқаро миграция йўналишлари доимо ўзгариб турган. Халқаро миқёсда у жойдан бу жойга кўчишга оид ишончли статистиканинг йўқлиги ҳамда яширин миграция кенг ривожланганлиги сабабли миграциянинг асосий йўналишларидаги босқичларни аниқлаш анча мураккаб нарса. Лекин мамлакат аҳолисининг қанчаси чет элда туғилганлиги тўғрисидаги маълумотлар халқаро миграциянинг миқёси ҳақида озми-кўпми тасаввур беради.

Бошқа мамлакатлардан келувчи мигрантларни жалб этувчи мамлакат ва минтақалар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

• *АҚШ ва Канада.* АҚШ ҳозирги кунда иқтисодий жиҳатдан энг тараққий этган мамлакат бўлганлиги учун ҳам паст малакали, ҳам юқори малакали ишчи кучи миграциясида асосий йўналиш ҳисобланади. Ҳар йили у ерга дунёдаги барча мамлакатларни кўшиб ҳисоблаганда, унинг учдан биридан кўпроғига иммигрантлар оқими тўғри келади. Паст малакали ишчи кучи АҚШга, асосан, Лотин Америкасидаги қўшни давлатлар – Мексика, Кариб ҳавзаси мамлакатларидан келади.

Юқори малакали хизматчилар дунёдаги деярли барча мамлакатлардан, шу жумладан, Ғарбий Европа, Лотин Америкаси, Россия, Ҳиндистон ва ҳоказолардан келадилар. АҚШ ва Канадага келадиган иммигрантлар сони 1990 йилларнинг ўрталаридан йилига деярли 1 млн. кишини ташкил этди. АҚШга расмий равишда ҳар йили 740 минг киши кўчиб келса, 160 минг киши четга чиқиб кетади. Соф иммиграция (миграция сальдоси) 580 минг кишини ташкил этади. Лекин АҚШ раҳбариятининг халқаро миграция соҳасидаги сиёсати бу борада кескин ўзгаришларга олиб келиши мумкин.

• *Ғарбий Европа.* Ғарбий Европа юксак ривожланган мамлакатлар, аввало, ЕИга кирувчи шу минтақадаги нисбатан камроқ ривожланган мамлакатлар (Португалия, Мальта, Греция)дан, Шимолий Африкадаги ва Яқин Шарқдаги араб мамлакатларидан, Африканинг Сахарадан жанубдаги мамлакатларидан, Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатларидан ишчи кучини ўзига жалб этиб келмоқда. Ғарбий Европанинг собиқ мустамлакалари бўлмиш Африка мамлакатларидан келаётган миграцияга ёрдам берадиган омиллар бор – булар бир тилда гаплашиш мумкинлиги ҳамда тарихан юзага келган анъанавий савдо ва бошқа алоқалардир. Ғарбий Европага келадиган иммигрантлар сони 90 йиллар ўрталаридан йилига 150-160 минг кишидан иборат бўлган. Қолаверса, Ғарбий Европа интеграцияси доирасида умумий бозор, шунингдек, ишчи кучи бозори ташкил этилган ва у ҳозиргача амалда. Бу бозор ЕИ мамлакатлари ўртасида ишчиларнинг эркин ҳаракатланишини ҳамда меҳнат қонунчилигини ягоналаштиришни иазарда тутган.




5.2-расм. Халқаро мигрантларни энг кўп қабул қилувчи давлатлар 20 талиги (2000, 2017 йй., млн.)

Жаҳон банки маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилди.
<https://data.worldbank.org/indicator>

- *Бошқа ривожланаётган мамлакатлар.* 1990 йиллардан бошланган янгилик ривожланаётган мамлакатларнинг ўзида ҳам меҳнат миграциясининг жадаллашувидир. Одатда, ишчилар оқими иқтисодий ислохотлар йўлида фаоллик кўрсатаётган мамлакатларга қараб йўл олади. Чунончи, Лотин Америкасида мавсумий ишчилар ва йиғув корхоналарида ишламоқчи бўлганлар Аргентина ва Мексикага боришади. Африкада Сахаранинг жануброқ қисми, Фил суяги соҳили, Нигерия ва ЖАРга барча иммигрантларнинг ярмидан кўпроғи тўғри келади.

- *Янги индустриал давлатлар.* Жанубий-Шарқий Осиёдаги бу мамлакатлар гуркираб ривожланганлиги сабабли вақтинча ишга ёлланувчи иммигрантлар оқими кўпайди. Жанубий Корея ва Малайзия мисолида бу ҳол яққол кўзга ташланади. Бир йилда 25 мингдан ортиқ киши кириб келадиган мамлакатларнинг деярли ҳаммаси аҳоли жон бошига 8500 доллардан кўпроқ ЯИМ тўғри келувчи юқори даражада ривожланган мамлакатлардир. Эмиграция манбаи ривожланаётган мамлакатлар бўлиб, уларнинг ичида Африка ва Осиё мамлакатлари етакчилик қилади.



5.3-расм. Келиб чиқиш ҳудудига кўра халқаро мигрантлар сони (млн.)

Манба: Жаҳон банки маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилди.
<https://data.worldbank.org/indicator>

Демак, ишчи кучи миграцияси билан боғлиқ бўлган сон кўрсаткичлари жорий операциялар баланснинг бир қисми бўлиб, меҳнат даромадлари (норезидентларга тўловлар) ҳамда тўланмаган хусусий жўнатмалар (мигрантлар чет элга кетаётганида ўзи билан олиб ўтадиган мол-мулкнинг пулга чақилган тахминий қиймати ва кейинчалик ўз ватанига маҳсулот ва пул тарзида юборадиган жўнатмалари) каби моддаларга ажратилади. Миграция натижасида эришилган иқтисодий самара мигрантлар даромадининг ошиши, ўз юртига юборадиган пул жўнатмаларининг кўпайиши шаклларида намоён бўлади. Ривожланган мамлакатлар – иммиграциянинг асосий йўналиши, ривожланаётган мамлакатлар эса эмиграциянинг асосий манбаидир.

5.5. Миграцияни назорат қилиш воситалари

Дунёдаги кўпчилик мамлакатлар иқтисодиётни ва ташқи савдони эркинлаштириш йўлидан бораётган бўлса ҳам, буларнинг ҳаммаси халқаро миграцияни чеклаш бўйича чора-тадбирлар кўрмоқда. Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, миграция ишлаб чиқаришда ялпи ҳажмнинг ўсишига олиб келади (гарчи миграциянинг самараси бир текисда тақсимланмаса ҳам). Бироқ миграция берадиган ижобий иқтисодий самаралар салбий натижалар туфайли йўққа чиқиши ҳам мумкин. Булардан бири молиявий ташвиш бўлиб, кўпроқ ривожланган мамлакатлар бюджети иммигрантлар сабабли унга дучор бўлади. Ривожланган мамлакатлар камроқ ривожланган мамлакатларга яқин жойлашган ёки ҳатто чегарадош бўлса, бундай ҳолат яққол намоён бўлади. Буни, бир томондан, АҚШ, Мексика ва Кариб ҳавзаси мамлакатлари, иккинчи томондан эса Франция ва Мағриб мамлакатлари мисолида кўриш мумкин.

Яқин қўшни бўлиш натижасида нафақат ошкор, балки яширин иммигрантлар ҳам оқиб келаверади, бу эса уларга моддий ёрдам бериш ёки мамлакатдан чиқариб юбориш учун молиявий харажатларни талаб этади. Ҳисоб-китобларга қараганда, АҚШда 10 млн. га яқин, Ғарбий Европада эса қарийб 6 млн. га яқин яширин иммигрантлар доимий истиқомат қилади.

Халқаро ишчи кучи миграцияси билан боғлиқ бўлган муаммолар бу соҳани кенг қўламда тартибга солиб турувчи давлат ва давлатлараро тизимни юзага келтирди. Ишчи кучининг халқаро ҳаракатига давлат халқаро савдони тартибга солишни бошлаганидан анча олдин аралаша бошлади. XVIII асрнинг охиридаёқ Англияда саноат ишчиларининг чет элга чиқиб кетишини тақиқловчи қонунлар қабул қилинган эди. XIX аср давомида кўпгина Европа мамлакатларида номақбул шахсларнинг кириб келишини тақиқловчи қонунлар қабул қилинган. Ўша пайтлардаёқ мамлакатлар ўртасида миграцияни тартибга солувчи икки томонлама конвенциялар имзоланган. Буларнинг бир қисми ҳозир ҳам амал қилмоқда.

Кўпчилик мамлакатларда чет элликларнинг кириб келишини тартибга солувчи қонунчилик, аввало, иммигрантлар – доимий истиқомат қилиш учун келадиган шахслар билан ноиммигрантлар – мамлакатга вақтинча келадиган ёки бу ерда муқим истиқоматни даъво қилмайдиган шахслар ўртасида аниқ чизиқ тортади. Ноиммигрантлар ўзларини қабул қиладиган мамлакатда кўп ҳолларда узоқ муддат истиқомат қилишлари ва ишлашлари мумкин бўлса ҳам, меҳнат иммиграциясини иқтисодий нуқтаи назардан тартибга солиб туриш фоят муҳимдир.

Одатда, давлат бюджетдан молиялаштирилган дастурни қабул қилиш орқали иммиграцияни тартибга солиб туради. Ушбу дастурлар мамлакатга келадиган чет эллик ишчи кучини чеклашга ёхуд мигрантларнинг ўз ватанига қайтиши (реэмиграция)ни рағбатлантиришга қаратилган бўлади.

Бу борада ҳозирги вақтда Европа Иттифоқи мамлакатлари томонидан олиб борилаётган квота (келаятганларни мамлакатларга тақсимлаш ва чеклаш) сиёсати ёрқин мисол бўла олади.

5.6. Иммиграцияни тартибга солиш

Иммигрантларни қабул қилувчи кўпчилик мамлакатларда иммиграцияни тартибга солишда танлов усули қўлланилади. Бунинг маъноси шундаки, давлат ушбу мамлакат учун керак ва уларга эҳтиёж сезилган ишчи-хизматчиларнинг маълум тоифалари келишига халақит бермайди, бошқа тоифадагиларга эса буни чеклаб қўяди. Мақбул иммигрантлар рўйхати ҳар бир мамлакатда турли хил бўлиб, одатда, қуйидаги тоифаларни ўз ичига олади:

- янги ва истиқболли соҳа мутахассислари – дастурчилар, тор мутахассислик инженерлари, банк хизматчилари;
- энг кам иш ҳақи эвазига энг оғир, зарарли, ифлос ва малакасиз ишларни бажаришга тайёр бўлган ишчилар, қурилиш, мавсумий, қоровуллик ва ёрдамчи хизмат ходимлари;

- ноёб касб эгалари – олмосга сайқал берувчилар, расм таъмирловчилар, даволашда ноанъанавий усулни қўлловчи шифокорлар;

- дунёга машхур мутахассислар – мусиқачилар, артистлар, олимлар, спортчилар, шифокорлар, ёзувчилар;

- ўз фаолиятини қабул қилувчи мамлакатда давом эттириб, капиталини шу ерга инвестиция қилишга ва бу билан янги иш ўринлари яратишга тайёр бўлган йирик ишбилармонлар.

Қабул қилувчи мамлакатнинг давлат институтлари миллий қонунчиликка, шунингдек, ўзаро имзоланган иккитомонлама ва кўп томонлама битимларга асосланган ҳолда меҳнат иммиграцияси муаммолари билан шуғулланади. Одатда, иммиграция масалалари билан давлатнинг камида учта идораси шуғулланади. Булар: ўзининг консуллик бошқармалари орқали кириш визаларини берувчи Ташқи ишлар вазирлиги, Адлия вазирлигининг иммиграция хизмати ёки мамлакатга қонунда белгиланган кириш тартиби устидан бевосита назорат қилувчи чегара органлари ҳамда чет эл ишчи кучидан фойдаланишни назорат қилувчи Меҳнат вазирлигидан иборат.

Кўпчилик мамлакатларда ишга қабул қилувчи билан иммигрант ўртасида тузилган шартнома ҳамда мазкур меҳнат тури махсус кўникмаларни талаб этиши ва бошқа сабабларга кўра маҳаллий ишчилар томонидан бажара олмаслиги хусусида Меҳнат вазирлиги томонидан берилган хулоса асосида мамлакатга кириш учун рухсат берилади. Баъзи мамлакатларда эса бўлажак иммигрантни ишга қабул қилувчи шахс олдиндан Ички ишлар вазирлиги ва шу соҳа касаба уюшмасидан розилик олган тақдирдагина иммигрантга кириш учун рухсат берилади.

Қабул қилувчи мамлакатларнинг кўпчилигида иммиграцияга оид меъёрий-ҳуқуқий асослар кўпдан-кўп қонунлар ва фармойишлардан иборат бўлиб, уларнинг асосий талаблари қуйидагилардан иборат:

- *Касб малакаси.* Қабул қилувчи мамлакатларнинг барчасида қонунчилик томонидан шахснинг маълумот даражаси ва унинг ихтисослик бўйича иш стажига нисбатан қаттиқ талаб қўйилади. Маълумот бўйича энг камида ўрта мактабни битирганлик (буни диплом билан тасдиқлаш керак) талаб этилади. Кўп ҳолларда диплом ушбу мамлакатда мазкур мутахассислик бу ишга лойиқми ёки йўқми – шуни аниқлаш учун керак бўлади. Қабул қилувчи мамлакатларда ишга олиш пайтида ўз ихтисоси бўйича камида 3-5 йиллик иш стажига эга бўлган мутахассислар афзал кўрилади. Шунингдек, илгари ишлаган жойидан тавсияномалар ҳам керак бўлиб қолиши мумкин.

- *Шахсга тааллуқли чекловлар.* Табиийки, қабул қилувчи мамлакатлар қонунчилигида иммигрантларнинг саломатлиги борасида қатъий талаблар мавжуд. Гиёҳвандлар, руҳий касалликка чалинганлар, СПИД вируси билан оғриган шахслар мамлакатга киритилмайди. Иммигрант соғлиги ҳақида далолатнома кўрсатади ва у қабул қилаётган мамлакатнинг консуллик хизмати муассасаси томонидан тасдиқланган бўлиши шарт ёки махсус тиббий кўриқдан ўтади. Иммигрантларнинг ёш даражаси улар ишламоқчи бўлган

саноат тармоғининг талабларига кўра, қонунчилик асосида белгиланади. Одатда, бу даража 20-40 ёшлар атрофида бўлади. Ва ниҳоят, иммигрантларнинг сиёсий ва ижтимоий қиёфаларига қонунчиликда жуда катта эътибор берилади. Кўп ҳолларда жиноий ишлари учун илгари судланган шахсларга ҳамда террористик ва профашистик ташкилот аъзоларига мамлакатга кириш тақиқланади.

• *Миқдор квотаси.* Иммигрантларни қабул қилувчи мамлакатларнинг кўпчилиги уларнинг энг кўп миқдорини белгилаб қўяди. Миқдор квоталари барча меҳнат ресурслари таркибида чет эл ишчи кучи энг кўпи билан қанча бўлишини белгилаган ҳолда умуман бутун иқтисодиёт бўйича; баъзи тармоқларда чет эл ишчи кучи энг кўпи билан қанча бўлишини белгилаган ҳолда шу тармоқлар бўйича; бир корхонада қанча чет эл ишчи кучи бўлишини белгилаган ҳолда корхоналар бўйича жорий этилиши ёки бир йилда мамлакатга келадиган иммигрантлар сонини чеклаш орқали амалга оширилиши мумкин. Миқдор квотаси ишчи кучи импортини тартибга солиш учун давлат томонидан ўрнатилган қатъий услуб бўлиб, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари унга оид қонунлар ижросини назорат қилиб борадилар.

• *Иқтисодий йўл билан тартибга солиш.* Бунда иммигрантлар сонини қисқартиришга мўлжалланган молиявий чекловлар жорий этилади. Юридик шахслар ҳақида шуни айтиш мумкинки, айрим мамлакатларда фирмалар маҳсулот ишлаб чиқаришда ва сотишда маълум кўрсаткичларга эришгандан кейин ёки давлат бюджетига қонунда кўрсатилган тўловларни тўлаганидан кейингина чет эл ишчи кучини ёллаш ҳуқуқига эга бўлади. Хусусий шахслар қабул қилувчи мамлакат иқтисодиётига қонунда белгиланган маблағни инвестиция қилиш, бу маблағ ҳалол эканлигини исботлаб, маълум миқдорда ишчи кучини ташкил этишга тайёр эканликларини билдирган тақдирдагина мамлакатга киритилади. Баъзи мамлакатларнинг қонунларига кўра иммиграцияни ҳамда маҳаллий корхонага ишга жойлаштиришни расмийлаштиришга кетган харажатларни қоплаш учун иммигрантлар пул тўлаши лозим бўлади. Корпорация номидан шартномалар тузиш ҳуқуқига эга бўлган раҳбарлар ҳамда маҳаллий аҳоли вакилларини уйда ишлатиш имконияти бор ва шунга рози бўлган бадавлат чет элликларга баъзи имтиёзлар берилади.

• *Вақтинчалик чекловлар.* Кўпчилик мамлакатлар қонунчилигида чет эллик ишчиларнинг мамлакат ҳудудида энг кўп бўлиш муддати белгиланади, шу муддат тугагандан кейин улар ё мамлакатдан чиқиб кетиши ёхуд муддатни янада узайтириш учун ваколатли органлардан рухсат олиши лозим. Мамлакатга стажёр ёки студент бўлиб келган шахсларга нисбатан бундай ҳолларда қатъий тартиб-интизом жорий этилган. Унга кўра, бундай шахс ушбу мамлакатда белгиланган муддатдан ортиқ туролмайди, у, албатта, ўз ватанига жўнаб кетиши лозим бўлади. Ватанида эса камида бир неча йил истиқомат қилгандан кейингина яна қайтиб келиши мумкин бўлади.

• *Жўғрофий омиллар.* Иммигрантларни қабул қилувчи ҳар бир мамлакат амалда иммиграциянинг жўғрофий ва миллий таркибини қонун йўли билан

белгилаб олади. Бу ҳол, одатда, муайян мамлакатлардан келадиган иммигрантлар сонини квоталаш йўли билан тартибга солиб турилади. Баъзан ҳукуматлар ноҳолисликда ва инсон ҳуқуқларини поймол қилишда айбланмаслик мақсадида жўғрофий квоталар доирасида бир жўғрофий минтақадаги турли мамлакатлар аҳолиси учун иммиграция бўйича лотереялар ўтказиб туради.

Масалан, АҚШда иммиграциянинг жўғрофий таркиби қонун билан белгиланади. Чунончи, ҳеч қандай камситишсиз ва турли миллатлар иммиграциясини таъминлаш мақсадида DV-1 иммиграция визаларини диверсификация қилиш дастури бўйича ҳар йили лотерея ўтказилади. Бунинг учун олдинги беш йилдаги иммиграция маълумотларига асосланган ҳолда АҚШга энг кўп ишчи кучи экспорт қилган мамлакатлар аниқлаб олинади. Шундан кейин махсус ишлаб чиқилган формулалар ёрдамида ҳар бир мамлакат учун квота белгиланади ва шунга кўра ушбу мамлакат фуқаролари лотереяда қатнашади. Мазкур мамлакатдан олдинги беш йил ичида иммиграция қанчалик кўп бўлган бўлса, унинг лотереядаги квотаси шунчалик оз бўлади. 2015 молия йилида лотереяда 55 минг донга иммиграция визалари ўйналди. Бунда барча Африка мамлакатларига 20200 та виза, Осиё мамлакатларига (Хитой, Тайвань, Ҳиндистон, Филиппин, Вьетнам ва Жанубий Кореядан ташқари) 6837 та виза, Европа мамлакатларига (Буюк Британия ва унинг қарам ўлкаларидан ташқари) 24549 та виза, Шимолий Америкага (фақат Багамага) 8 та виза, Океания мамлакатларига 817 та виза, Жанубий Америка, Марказий Америка ва Кариб ҳавзаси мамлакатларига (Мексика, Сальвадор, Ямайка ва Доминикан Республикасидан ташқари) 2589 та виза тўғри келди.

Лотерея ҳақидаги хабар дунёдаги кўпгина мамлакат газеталарида эълон қилинади. Унда қатнашиш учун ўз муддатида кўрсатилган адрес бўйича Миллий виза марказига хат жўнатиш лозим. Хатда исм-шарифи, туғилган йили ва жойи, хотини ёки эри, фарзандлари ҳақида маълумотлар, қайси мамлакат фуқароси эканлиги ва уй манзили кўрсатилади. Ушбу маълумотлар компьютерга солинади ва у ўзича бўлғуси виза эгаларини тасодифан саралаб беради. Лотереядан ютилса, виза дарҳол қўлга кирди, деган гап эмас. Бундай ҳолда ҳам барибир ариза бериш, иммиграция расм-русумларини бажариш учун лозим бўлган бир қатор ҳужжатларни топшириш ва давлат божини тўлаш талаб этилади.

• *Тақиқлар.* Чет элликларни ишга олиш ва улар шуғулланиши ман этилган касблар ҳақидаги қонунларда, одатда, ошкора ва яширин тақиқлар жой олган бўлади. Ошкора тақиқларда чет элликлар ишлаши мумкин бўлмаган соҳа ва ихтисосликлар очик кўрсатиб ўтилади. Яширин тақиқларда эса аксинча, фақат мазкур мамлакат фуқаролари ишлаши мумкин бўлган соҳа ва ихтисосликлар санаб ўтилади ва бу билан чет элликлар учун йўллар бекитилади. Одатда, иммигрантлар турар жойини, ихтисоси ва иш жойини ўзгартирмоқчи бўлса, иммиграция маъмурларидан рухсат олиши лозим бўлади. Бунга рад жавобини олишлари ҳам мумкин. Яширин иммиграция,

шубҳасиз, ман қилинган, лекин кўпчилик мамлакатларда полиция усули билан бунга йўл қўйилмаса-да, унчалик кутилган самарани бермайди.

Қонунчиликда иммиграция тартиб-қоидаларини бузганлик учун муайян жазолар белгиланади. Уларга кўра, мигрантларнинг ўзи ҳам, шунингдек, уларнинг ноқонуний равишда мамлакатга киришига ёрдам берган ёки ишга ёллаган шахслар ҳам жазоланади. Мамлакатга ноқонуний кириш жиноят ҳисобланади. Бундай жиноятларни содир этганлар мамлакатдан чиқариб юборилади, уларга пул жаримаси солинади ёхуд қамоққа олинади. Агар шу жиноят иккинчи марта содир этилса, у шахс қайтадан мамлакатдан чиқариб юборилади, катта ҳажмда жарима тўлайди ёки узоқроқ муддатга қамоққа олинади. Яширин иммигрантларга воситачилик қилиш ёки уларни ишга олиш ҳам жиноят ҳисобланиб, шу даражада катта жарима солинадики, бунинг оқибатида кичик фирмалар ва корхоналар хонавайрон бўлиши мумкин.

5.7. Реэмиграцияни рағбатлантириш

Иммигрантлар оқими натижасида ишсизлик кўпаймоқда, деб ҳисоблаётган касаба уюшмаларининг тазйиқи остида кўпчилик Ғарб мамлакатлари ҳукуматлари 1970 йиллар бошидан эътиборан иммигрантларнинг ўз ватанига қайтиб кетишини рағбатлантириш йўлида фаол чора-тадбирлар кўра бошлади. Реэмиграция борасида давлат томонидан кўриляётган чора-тадбирлар жумласига қуйидагилар киради:

- *Реэмиграцияни рағбатлантириш дастурлари.* Улар кенг кўламдаги чора-тадбирлардан иборат бўлиб, ноқонуний равишда кириб келган ёки виза муддати тугаган иммигрантларни зўрлаб чиқариб юборишдан бошлаб, ватанига қайтмоқчи бўлган иммигрантларга моддий ёрдам кўрсатишгача бориб етади. Ғарбий Европа мамлакатларида (ГФР, Франция, Нидерландия) реэмиграцияни моддий рағбатлантириш бўйича дастурлар қабул қилинган бўлиб, уларда иммигрантлар ўз хоҳиши билан ишдан бўшаб, ватанига қайтмоқчи бўлса, қўшимча нафақалар тўлаш кўзда тутилган. Баъзи ҳолларда, бундай нафақалар иммигрант мамлакатдан чиқиб кетмоқчи бўлганини билдирган захоти, бошқа ҳолларда эса ўз ватанига қайтиб борганидан кейин тўланади. Шуниси ҳам борки, бундай нафақани олган иммигрант бу мамлакатга қайтиб келолмайди. Нафақалар иммигрантни ишга олган корхонанинг ижтимоий суғурта жамғармасига ёки пенсия жамғармасига ўтказган маблағлари ҳисобидан тўланади. Гарчи бундай молиялаш усули бюджетнинг чиқим қисмига оғир тушмаса ҳам, иммиграцияни ҳисоб-китоб қилишга давлат электрон тизимини яратиш зарурлиги ва нафақалар тўлаш учун анча сарф-харажатга сабаб бўлади. Айтиш лозимки, реэмиграцияни рағбатлантириш дастурлари жуда кам самара бермоқда.

- *Иммигрантларни касб-ҳунарга ўргатиш дастурлари.* Баъзи мамлакатлар (Франция, ГФР, Швейцария) ҳукуматлари иммигрантларга касб-ҳунар ўргатиш ўз ватанларига қайтишнинг муҳим омилларидан бири деб ҳисоблайди. Шундай дастурларга кўра, иммигрантлар ривожланган мамлакатда таълим олганларидан кейин ўз ватанларида сердаромад ва обрўли

иш топишлари мумкин. Аммо бундай дастурларга қизиқиш паст бўлиб, иммигрантларга доим ҳам хуш келмайди, сабаби – бирор касб-ҳунарни эгаллаш ватанида шу соҳа бўйича иш топиш мумкин дегани эмас. Шунга кўра, кўпчилик иммигрантлар ўз ватанига реэмиграция қилиб, у ерда дурустроқ иш топишдан кўра, ривожланган мамлакатда қолиб, кам иш ҳақи билан тирикчилик қилишни афзал кўрмоқдалар.

• *Ялпи эмиграция мамлакатларига иқтисодий ёрдам дастурлари.*

Ривожланган мамлакатлар ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатлар билан иммигрантлар жўнатмалари ва давлат маблағининг бир қисми ҳисобига янги корхоналар барпо этиб, реэмигрантларни иш билан таъминлаш хусусида келишиб олишади. Бундай корхоналар кооперативлар, қўшма корхоналар, акциядорлик жамиятлари шаклида бўлиши мумкин. Бу нарса ГФР ва Туркия ўртасидаги иккитомонлама муносабатларда кенг ривожланди. Асосан, Германиядан келтирилган маблағлар ҳисобига юзага келган турк компаниялари қатор ҳолатларда реэмигрантларни жалб этибгина қолмай, Туркиядан бўлаётган эмиграция суръатини ҳам пасайтирди.

Қабул қилувчи мамлакатлар ҳукуматларининг фаол ҳаракатларига қарамай, реэмиграцияни рағбатлантириш бўйича қабул қилинган кўпчилик дастурлар яхши натижа бермади: бу дастурлар энди амалга оширилаётган пайтда реэмиграция анча кўпайган бўлса ҳам, дастурларни молиялаш қисқарган сари у ҳам камая борди. Лекин асосий сабаб шундаки, ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакат бу реэмиграциядан манфаатдор эмас ва эмиграцияни камайтиришга интилмади ҳам.

Шундай қилиб, халқаро меҳнат бозорининг давлат томонидан тартибга солиниши ишчи кучини экспорт қилувчи ва уни қабул қилувчи мамлакатларнинг миллий қонунлари, шунингдек, икки ўртада имзоланган ҳукуматлараро ва мутасадди идоралараро битимлар асосида амалга оширилади. Бу нарса чет эл ишчи кучи келиш оқимини (иммиграцияни) камайтиришга ёхуд иммигрантларни ўз ватанига қайтиши (реэмиграция)ни рағбатлантиришга қаратилган дастурларни бюджетдан молиялаш орқали амалга оширилади.

Қабул қилувчи мамлакатларнинг кўпчилиги иммиграцияни тартибга солишда саралаш усулини қўллайди. Малакаси, маълумоти, ёши, саломатлиги бўйича талаблар, миқдор ва жўғрофий квоталар йўли билан, бевосита ва билвосита тақиқлар, вақтинчалик ва бошқа чекловлар орқали номақбул иммигрантлар мамлакатга киритилмайди. Реэмиграция эса жўнаб кетаётган иммигрантларга моддий ёрдам кўрсатиш, ўз юртида уларга ишчи ўринларини юзага келтириш, касб-ҳунар ўргатиш, ялпи эмиграция қилувчи мамлакатларга иқтисодий ёрдам кўрсатиш орқали рағбатлантирилади.

Хулоса

Ишчи кучининг халқаро миграцияси деганда, меҳнатга лаёқатли аҳолининг бир йилдан кўпроқ муддатга бир давлатдан иккинчи бир давлатга кўчиб ўтишини тушуниш керак. Бунга иқтисодий ва бошқа қатор жиҳатлар сабаб бўлиб, у эмиграция (четга чиқиб кетиш) ва иммиграция (четдан келиш) шаклларида намоён бўлади. Ишчи кучи миграцияси турли мамлакатлардаги бир хил меҳнатга ҳар хил иш ҳақи тўланиши билан изоҳланса, бу жараён, ўз навбатида, иш ҳақи даражасининг тенглашувига олиб келади. Миграция натижасида жаҳон ишлаб чиқаришининг ялпи ҳажми кўпаяди. Бунга сабаб – меҳнат ресурслари мамлакатлараро тақсимланиши натижасида улардан фойдаланиш даражаси самарали бўлади.

Ишчи кучи миграцияси билан боғлиқ бўлган миқдор кўрсаткичлари жорий операцияларнинг бир қисми ҳисобланиб, улар меҳнат даромадлари (норезидентларга тўловлар) ҳамда тўланмаган хусусий жўнатмалар каби моддаларга бўлинади. Тўланмаган хусусий жўнатмалар мигрантлар чет элга жўнаб кетаётган чоғида, ўзи билан олиб ўтаётган мол-мулкнинг пулга чақилган тахминий қийматини ҳамда кейинчалик ўз ватанига юборадиган товар ва пулдан иборатдир. Миграция натижасида эришиладиган ижобий иқтисодий самара мигрантлар даромадининг ўсиши ва ўз ватанига юборадиган пул жўнатмалари миқдорининг кўпайиши, пул жўнатмаларини олаётган мамлакатларда ишлаб чиқариш харажатларининг камайишида намоён бўлади. Ривожланган мамлакатлар иммиграция йўналиши бўлса, ривожланаётган мамлакатлар эмиграция манбаидир.

Халқаро меҳнат бозорининг давлат томонидан тартибга солиниши ишчи кучини экспорт қилувчи ва уни қабул қилувчи мамлакатларнинг миллий қонунлари, шунингдек, икки ўртада имзоланган давлатлараро ва муассасалараро битимлар асосида амалга оширилади. Бу нарса чет эл ишчи кучи (иммиграция)ни камайтиришга ёхуд иммигрантларнинг ўз ватанига қайтиб кетиши (реэмиграция)ни рағбатлантиришга қаратилган дастурларни бюджетдан молиялаш орқали рўёбга чиқарилади. Қабул қилувчи мамлакатларнинг кўпчилиги эмиграцияни тартибга солишда саралаш услубини қўллайди.

Малакаси, маълумоти ёки саломатлиги бўйича талаблар, миқдор ва жўғрофий квоталар йўли билан, бевосита ва билвосита тақиқлар, вақтинчалик ва бошқа чекловлар орқали номақбул иммигрантлар мамлакатга киритилмаслиги чора-тадбирлари кўрилади. Реэмиграция эса ватанига жўнаб кетаётган иммигрантларга моддий ёрдам кўрсатиш, уларга касб-ҳунар ўргатиш, ялпи эмиграция қилувчи мамлакатларга иқтисодий ёрдам кўрсатиш орқали рағбатлантирилади.

Таянч иборалар: миграция, иммиграция, реэмиграция, халқаро миграция, миграциянинг миқдор кўрсаткичлари, миграция миқёслари, миграция йўналишлари, миграцияни назорат қилиш воситалари, иммиграцияни тартибга солиш.

Назорат учун саволлар

1. Халқаро миграциянинг қандай турлари мавжуд?
2. Миграциянинг миқдор кўрсаткичларини келтиринг.
3. Миграция кўлами деганда нимани тушунасиз?
4. Миграциянинг йўналишлари деганда нимани тушунасиз?
5. Миграцияни назорат қилишнинг қандай воситалари мавжуд?
6. Иммиграцияни тартибга солишнинг қандай механизмлари мавжуд?
7. Реэмиграцияни рағбатлантиришнинг қандай турлари мавжуд?

VI боб. ХАЛҚАРО КАПИТАЛ МИГРАЦИЯСИ

Ҳозирги замон жаҳон хўжалиги нафақат ишлаб чиқариш натижалари бўлган товар ва хизматларнинг, балки ишлаб чиқариш омиллари – капитал, ишчи кучи, фан-техника ютуқларининг мамлакатлараро кўчиб юриши билан ҳам ажралиб туради.

Тайёр маҳсулотларни (товарларни) етказиб беришда ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланилар экан, мазкур омилларнинг халқаро ҳаракати тайёр маҳсулотлар (товарлар) ҳаракатининг ўрнини босиши мумкин. Чунончи, бирор-бир мамлакатда капитал бўлса, у ё кўп капитал талаб этадиган маҳсулот етказиб, уни жаҳон бозорида сотиши ёки капиталнинг ўзини четга чиқариши мумкин.

Ҳозирги замон жаҳон хўжалиги тараққиётининг ўзига хос хусусияти ишлаб чиқариш омиллари, хусусан, капитал савдоси кўламининг кенгайиб боришида ўз ифодасини топмоқда. Айни бир пайтда, мамлакат миқёсидаги капитал операциялари халқаро ва минтақалараро операцияларга нисбатан камайиб бораётганлиги яққол кўзга ташланмоқда. Чет элдаги у ёки бу бозорда жавлон урмоқчи бўлган компаниялар кўп ҳолатларда муайян маҳсулотларни олиб чиқишга эмас, балки хорижда ўз ишлаб чиқаришини ташкил этиш ёки маҳаллий корхона акциялари назорат пакетини (дастасини) сотиб олишга ҳаракат қилмоқда.

Гарчи капиталнинг бир мамлакатдан иккинчи бир мамлакатга ҳаракати товарни четга чиқариш ва четдан киритиш бўйича умумий қонун-қоидаларга асосланган бўлса ҳам, бу борада ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд.

Хўжалик ҳаётининг интернационаллашуви мамлакатлар ўртасида нафақат товар ва ишчи кучини, балки капитални ҳам олиб чиқишни кучайтирмоқда. Кейинги 30 йил ичида ўзининг халқаро капитал марказларига, компьютерлар орқали ҳар куни халқаро миқёсда улкан пул муомалаларини амалга оширувчи янги ҳисоб-китоб тизимига эга бўлган янги жаҳон кредит-молия тизими юзага келди.

6.1. Капитал чиқаришнинг ўзига хос белгилари


Ташқи савдо билан бир қаторда капитал чиқариш ташқи иқтисодий алоқаларда муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги пайтда унга хос бўлган белгилар қуйидагилардан иборат:

1. Капитал чиқаришда давлат мавқеининг ошиб бориши. Постиндустриал мамлакатларда давлат капитал чиқаришга ёрдам берибгина қолмай, балки молиявий имкониятларни экспорт қилишга ҳам бошчилик қилади. Масалан: АҚШда Иккинчи жаҳон уришидан олдин капитал экспортининг умумий ҳажмида давлат 1 %дан камроқ катнашган бўлса, бу рақам 1980 йилларнинг ўрталарида 25 %, 2016 йилга келиб эса 31 %ни ташкил этди. Давлат капитали, асосан, ривожланаётган мамлакатларга чиқарилади ва кўп ҳолларда имтиёзли кредитлар ҳамда “тараққиётга расмий ёрдам” деб аталувчи эҳсонлар тарзида татбиқ этилади. Ундан асосий мақсад постиндустриал давлатларнинг

ривожланаётган мамлакатларда ўзининг узок муддатли иқтисодий ва сиёсий манфаатларини таъминлашдир.

2. *Бевосита чет эл инвестициялари улушининг ошиб бориши.* АҚШда Биринчи жаҳон уруши арафасида капитал жойлаштиришнинг 1/10 қисми бевосита инвестициялардан иборат бўлган бўлса, 1990 йилларда бу рақам 1/5, 2016 йилда эса 2/5ни ташкил этди. Бундай тарзда капитал жойлаштиришнинг афзал томонлари шундаки, энг янги технологияларга йўл очилади, ишлаб чиқариш харид бозорига яқин бўлади, солиқ тўловларидаги харажат камаяди ва ҳоказо.

3. *Капиталнинг халқаро миграцияси.* Капитал чиқариш деганда, маълум бир мамлакат ҳудудида ҳаракат қилаётган капитал бир қисмининг муомаладан чиқариб олиниб, даромад олиш мақсадида товар ёки маблағ шаклида иккинчи бир мамлакатга чиқарилиши назарда тутилади. Зотан, дунёдаги ҳар қандай мамлакат капитал чиқарибгина қолмай, уни киритаётган, яъни иккитомонлама инвестициялар рўй бераётган экан, капиталнинг халқаро ҳаракати (капитал миграцияси) яққол кўзга ташланмоқда.



6.1-расм. Дунё бевосита хорижий инвестицияларининг тўпланиши (тўлов баланси, жорий АҚШ долл.)

Манба: Жаҳон банки маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилди.
<https://data.worldbank.org/indicator/BX.KLT.DINV.CD.WD>

Шундай экан, халқаро капитал миграцияси мамлакатлар ўртасида капиталларнинг ўзаро ҳаракатидан иборат бўлиб, эгалари учун даромад манбаидир. Капитал миграциясининг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

- мазкур мамлакатда капиталнинг нисбатан кўплиги ёки ортиқча жамғарилганлиги;
- фоиз олиш ҳисобига капиталдан келадиган даромад қанчалик юқори эканлиги: капитал бу миқдор кам бўлган жойдан у юқорироқ бўлган жойга қараб интилади;

- божхона тўсиқларининг мавжудлиги: ушбу тўсиқлар товар киритишга халақит беради, оқибатда, чет эллик тадбиркорларни бозорга киришлари учун капитал киритишга ундайди;
- фирмаларнинг ишлаб чиқаришни жўғрофий диверсификациялашга интилиши;
- товар экспорт қилиш кўпаяётганлиги капиталга бўлган талабнинг ошишига сабаб бўлаётганлиги;
- иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларида миллий капиталга бўлган талаб ҳамда таклиф ўртасидаги номувофиқлик;
- маҳаллий бозорни монополлаштириш имконияти;
- капитал чиқарилаётган мамлакатларда арзон хомашё ёки ишчи кучининг мавжудлиги.

Капитал ҳаракати турлича кўринишларга эга бўлиши мумкин:

Ҳаракатланувчи капитал *келиб чиқиш манбаи*га кўра, *расмий* ва *хусусий* турларга бўлинади:

Расмий капитал давлат капитали (заёмлар, қарзлар, грантлар, ёрдам)дан иборат бўлиб, уни ҳукуматлараро битимлар асосида бир мамлакат иккинчи бир мамлакатга нисбатан амалга оширади. Бундай капиталнинг манбаи – давлат бюджети. Халқаро иқтисодий ташкилотлар (Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ва ҳоказо)нинг капитали ҳам расмий капитал ҳисобланади.

Хусусий капитал давлатга қарашли бўлмаган хусусий фирмалар, банклар ва ҳоказоларнинг маблағларидан иборат бўлиб, уларнинг ўз хоҳиш-иродаларига кўра ҳаракатланади. Мазкур хусусий корхоналарнинг ўз маблағлари ёки олган қарзлари бундай капитал учун манба бўлиб хизмат қилади.


Капитал ўзининг *фойдаланиш хусусиятларига кўра тадбиркорлик ва қарз (суда) турларига* бўлинади.

Тадбиркорлик капитали даромад олиш мақсадида бирор чет эл ишлаб чиқаришига бевосита ёки билвосита жойлаштирилган маблағдир. Тадбиркорлик капитали, ўз навбатида, бевосита ва портфель инвестицияларга бўлинади.

Суда (қарз) капитали. Суда (қарз) шаклида чиқариладиган капитал фоиз олиш мақсадида маълум муддатга маблағ бериб туришни назарда тутаяди; четга чиқариладиган қарз капитали қисқа, ўрта ва узоқ муддатли заёмлар, кредитлар ва банк депозитлари ҳамда бошқа молиявий институтлар ҳисобидаги маблағлар шаклида намоён бўлиши мумкин.

6.2. Бевосита чет эл инвестициялари

Капитал чиқаришнинг асосий шакллари қуйидаги чизмада (6.1-чизма) келтирилган бўлиб, уларни батафсил кўриб чиқамиз.



6.1-чизма. Капитални киритиш ва чиқаришнинг шакллари

Бевосита чет эл инвестициялари узоқ муддатли иқтисодий манфаатни кўзлаб капитал жойлаштиришдир. Халқаро валюта жамғармасининг таърифига кўра, бевосита чет эл инвестициялари инвестицияларнинг шундай шаклики, унда инвестор капитал жойлаштирадиган объект устидан *бошқарув* назоратини ўрнатади. Акциядорлик капиталининг 10 %дан кўпроғини ташкил этиб, корхона устидан назорат қилиш ҳуқуқини берадиган инвестициялар бевосита инвестиция ҳисобланади.

Бевосита инвестициялар капитални экспорт қилувчи томонидан бошқа бир мамлакат ҳудудида саноат, савдо ва бошқа корхоналарни юзага келтириш соҳасига ўз капиталини жойлаштириш шаклида намоён бўлади. Шунингдек, чет элда олинган даромадни ўша мамлакат ишлаб чиқаришига қайта инвестиция қилиш ҳам бевосита чет эл инвестицияси жумласига киради.


Бевосита чет эл инвестицияларидан манфаатдорлик сабаблари:

- технология соҳасидаги етакчи ўринни сақлаб қолишга интилиш: юксак технологиялар ўз қўлида бўлган корпорациялар чет элга бевосита инвестиция қилиш орқали ўзининг рақобатбардошлик афзалликларини сақлаб қолади;
- иш ҳақининг ўртача даражасидаги фарқлар;
- ички бозорида маҳсулот сотиш имкониятлари чекланганлиги;
- корпорацияларнинг катта-кичиклиги (корпорация қанчалик катта бўлса, бевосита инвестициялар учун имкониятлар ҳам шунча кўп);
- табиий бойликларга бўлган эҳтиёж.

Чет элда *ташкил этиладиган корхоналар қуйидаги шаклларда* бўлиши мумкин:

- филиал – бевосита инвесторнинг тўла назоратидаги корхона;

- фарзанд компания – бевосита чет эл инвестициялари 50 %дан кўп бўлган корхоналар;
- Ширкат компания – бевосита чет эл инвестициялари 50 %дан кам бўлган корхоналар.




6.2-расм. 2014-2015 йилларда энг кўп бевосита инвестицияларни қабул қилган давлатлар 20 талиги $(x) = 2014$ даги ўрни

Манба: Жаҳон банки маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилди.
<https://data.worldbank.org/indicator/BX.KLT.DINV.CD.WD>

XX асрнинг 70 йилларида бошланган миллатлараро ишлаб чиқариш комплексларини барпо этиш жараёни (трансмиллийлаштириш) шунга олиб келдики, ҳозирга кунда бевосита чет эл инвестицияларининг асосий қисми халқаро компаниялар улушига тўғри келмоқда. Халқаро корпорациялар, хусусан, трансмиллий корпорацияларнинг муҳим хусусиятларидан бири ҳам бевосита чет эл инвестицияларининг мавжудлигидадир. 1990 йилларнинг ўрталарида 100 нафар энг йирик трансмиллий корпорациялар ҳиссасига бевосита чет эл инвестицияларининг қарийб учдан бир қисми тўғри келган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг ҳиссаси 40 %дан ортиғини ташкил этади.

Бевосита чет эл инвестицияларини чиқариш сабаблари. Бевосита чет эл инвестицияларини экспорт ва импорт қилиш сабаблари турлича.

Бу ерда энг муҳими – капитални шундай бир мамлакатда ва шундай соҳада жойлаштириш керакки, токи у юқори даражада фойда келтирсин, солиқлар мумкин қадар кам бўлсин ва кўзланган мақсад йўлида хатар бўлмасин. БМТ иқтисодий хизматлари хомийлигида ўтказилган кенг кўламли эконометрик тадқиқотларнинг кўрсатишича, бевосита чет эл инвестицияларини чиқариш ва киритиш билан боғлиқ бўлган ўзига хос сабаблар кўп ҳолларда бир-бирига туташиб кетади, лекин уларнинг тутган ўрни ўзига хос.



6.3-расм. Мамлакат гуруҳлари бўйича БХИнинг глобал оқими (2005-2018 йй., млрд. АҚШ долл. ва фоизларда)

Манба: ЮНКТАД маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган. www.unctad.org/fdistatistics

Капитал экспорти сабаблари:

Технологияда ҳукмронлик. Корпорацияларнинг савдо ҳажмида НИОКР харажатлари қанчалик кўп бўлса, унинг бевосита чет эл инвестициялари ҳам ошиб бораверади. Бинобарин, корпорация маҳсулотларини сотиш ҳажмида НИОКР харажатлари қанчалик кам бўлса, унинг бевосита чет эл инвестициялари ҳам шунчалик оз бўлади. Корпорациялар бевосита чет эл инвестицияларига кўл урар экан, рақобатда афзалликларни таъминловчи кучли технология устидан назоратни сақлаб қолишга ҳаракат қилади. НИОКРнинг тараққиёт даражаси капитални экспорт қилиш ҳажми билан бевосита боғлиқ эканлиги деярли барча ривожланган мамлакатлар мисолида исбот қилинади.

Ишчи кучи малакасидаги афзалликлар. Улар, асосан, хизматчилар меҳнатига ҳақ тўлашнинг ўртача даражаси билан белгиланади. Корпорацияда

иш ҳақи қанчалик юқори бўлса, корпорациянинг бевосита инвестициялар чиқариш ҳажми ҳам шунчалик кўп бўлади. Корпорацияда иш ҳақи қанчалик паст бўлса, унинг бевосита инвестициялар чиқариш ҳажми ҳам шунчалик оз бўлади.

Халқаро маркетинг соҳасида тўпланган тажрибаларни ўзида мужассам этувчи реклама афзалликлари. Корпорация савдосида рекламага қанчалик кўп харажат қилинса, унинг бевосита инвестициялар чиқариш ҳажми шунчалик кўп бўлади. Корпорация савдосида рекламага қанчалик оз харажат қилинса, унинг бевосита инвестициялар чиқариш ҳажми шунчалик кам бўлади.

Кенг қўламли иқтисодиёт. Корпорация ички бозорга қанчалик кўп маҳсулот чиқарса, унинг бевосита инвестициялар экспорт қилиш кўлами ҳам шунчалик ортиб бораверади. Корпорация ички бозорга қанчалик кам маҳсулот етказиб берса, унинг бевосита инвестициялар экспорт қилиш кўлами ҳам шунчалик оз бўлади. Кўпчилик корпорациялар чет элга инвестиция жойлаштиришдан олдин ички бозор имкониятларини тўла ҳисобга олиб, ундан фойдаланадилар.

Корпорациянинг катта-кичиклиги. Корпорация қанчалик катта бўлса, унинг бевосита инвестиция чиқариш ҳажми ҳам шунчалик юқори бўлади. Корпорация қанчалик кичик бўлса, унинг бевосита инвестиция чиқариш ҳажми ҳам шунчалик оз бўлади.

Капитал импортининг сабаблари:

Капиталга эҳтиёж. Корпорация капиталга қанчалик кўп муҳтожлик сезса, унинг бевосита инвестициялар импортига бўлган эҳтиёжи шунчалик кўп ошиб бораверади. Корпорация капиталга қанчалик оз муҳтожлик сезса, унинг бевосита инвестициялар импортига бўлган эҳтиёжи шунчалик кам бўлади.

Миллий филиаллар сони. Корпорация мамлакат ҳудудида қанчалик кўп ўз бўлимларига эга бўлса, киритадиган бевосита инвестициялар миқдори шунчалик юқори бўлади. Корпорация мамлакат ҳудудида қанчалик кам бўлинмаларга эга бўлса, у импорт қиладиган бевосита инвестициялар миқдори ҳам шунчалик оз бўлади.

Ишлаб чиқариш харажатлари. Четдан бўладиган бевосита инвестицияларни қабул қилувчи мамлакатда ишлаб чиқариш харажатлари қанчалик кам бўлса, бевосита инвестицияларни киритиш кўлами шунчалик юқори бўлади. Қабул қилувчи мамлакатда ишлаб чиқариш харажатлари қанчалик юқори бўлса, бевосита инвестициялар импорти шунчалик кам бўлади.

Ички маҳсулот бозорини ҳимоялаш даражаси. Модомики, капитални импорт қилиш товар импорт қилишнинг альтернатив йўли экан, мамлакат ички маҳсулот бозорини божхона ва бўлак усуллар билан ҳимоялаш даражаси қанчалик юқори бўлса, бевосита инвестициялар ҳам шунчалик кўп оқиб келаверади. Мамлакатнинг ички маҳсулот бозорини ҳимоялаш даражаси қанчалик паст бўлса, бевосита инвестициялар импорти шунчалик кам бўлади.

Бозорнинг кўлами. Мамлакатдаги ички бозор ўз кўлами жиҳатидан қанчалик катта бўлса, оқиб келадиган инвестициялар миқдори ҳам шунчалик

кўп бўлади. Мамлакатда ички бозорнинг кўлами қанчалик тор бўлса, бевосита инвестициялар импорти шунчалик оз бўлади.

Кўриниб турибдики, бевосита инвестициялар экспорти ва импорти билан боғлиқ бўлган омиллар кўп жиҳатдан бир-бирига яқин туради, бу нарса оқибат натижада иккитомонлама инвестицияларга олиб келади. НИОКР тараққиётидаги афзалликлар, ишчи кучи малакасининг даражаси, халқаро маркетинг соҳасида тўпланган тажрибани акс эттирувчи реклама афзалликлари ҳамда корпорациянинг катта-кичиклиги бевосита инвестициялар экспортига таъсир этиши билан бирга, маълум даражада, уларнинг импортига ҳам таъсир қилувчи омиллардир. Миқёс иқтисодиёти, ишлаб чиқаришни юқори даражада концентрациялаш ҳамда табиий бойликларга бўлган эҳтиёж эса аксинча, бевосита инвестициялар импортига эмас, балки экспортига сабаб бўлади. Капиталга бўлган эҳтиёж, миллий филиаллар сони кўплиги, ишлаб чиқаришда харажатлар нисбатан камлиги, ички бозор нисбатан яхши ҳимояланганлиги ва кўлами кенг эканлиги, ўз навбатида, бевосита чет эл инвестициялари импортига туртки бўлиб хизмат қилади.

Бевосита инвестицияларга давлат рағбати. Бевосита инвестициялар тобора кўпроқ сиёсий аҳамият касб этиб бораётганлиги сабабли ҳам капитал чиқарувчи, ҳам уни жойлаштирувчи мамлакатларда бевосита инвестициялар ҳукуматнинг ошиб бораётган эътиборини жалб этмоқда.

Давлат кафолатларини бериш. Кафолатлар капитал чиққан мамлакат томонидан ҳам, капитал жойлаштирилган мамлакат томонидан ҳам берилиши мумкин. Кўпгина мамлакатлардаги мавжуд қонунчиликка кўра ўз капиталини чет элда жойлаштиришни хоҳловчи инвесторлар ўзининг давлатидан ёки бирор хорижий давлатдан ўз инвестицияларига кафолат олишлари мумкин. Капитал экспортдан манфаатдор бўлган ҳукуматлар миллий корпорацияларга инвестиция қилинган капиталнинг ҳаммасини ёки маълум бир қисмини қайтариб бериш кафолатини ўз зиммасига олиши мумкин.

Национализация қилиш, табиий офатлар, даромадни олиб чиқиш имконияти бўлмаслиги, маҳаллий валюта конвертация қилинмаганлиги каби кутилмаган ҳолатлар рўй берганида бу маблағ давлат манбалари ҳисобидан тўланади. Инвестицияларнинг кафолатланиши дунёдаги кўпчилик мамлакатлар ўртасида имзоланган инвестицияларни ҳимоялаш тўғрисидаги иккитомонлама ва минтақавий битимларда ҳам кўзда тутилган. Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентлик (Multilateral Investment Guarantee Agency (MIGA)) Жаҳон банки ҳомийлигида ташкил этилган бўлиб, у инвестицияларнинг кафолатланиши юзасидан кўп томонлама фаолият олиб бормоқда. Европа Иттифоқи мамлакатлари ҳамда бир қатор ривожланаётган мамлакатлар ўртасида имзоланган Ломей конвенциясида, шунингдек, халқаро ташкилотлар томонидан маъқулланган бир қанча кўп томонлама ҳужжатларда инвестицияларни кафолатлаш шартлари кўзда тутилган.

Чет эл инвестицияларини суғурта қилиш. Бу суғуртанинг хусусий ёки давлат агентликлари томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган ўзига хос шакли. Бундай суғуртадан мақсад шуки, инвестор суғуртада кўрсатилган

эҳтивоарлар рўй берса, бевосита маълум маблағни олиш ҳуқуқига эга. Келишилган маблағ, одатда, инвестициянинг 1 %ини ташкил этади. Агар суғурта шартномасида тилга олинган суғурта ҳодисаси рўй берса, суғурта компанияси бевосита инвесторга у кўрган зарарни қоплашга мажбур. Миллий агентликлар ва суғурта компаниялари фақат ўзларининг бевосита инвесторларини суғурта қилади. АҚШда Инвестицияларни суғурта қилиш ва кафолатлаш давлат корпорацияси (ОПИК) бевосита инвестицияларни суғурта қилиш билан шуғулланади.

Инвестицияга оид даъволар ажрими. Инвестицияга оид даъволар аслида қабул қилувчи мамлакатнинг миллий қонунчилиги, бевосита инвесторнинг ўз юрти қонунлари асосида ёки халқаро арбитраж йўли билан ажрим топиши мумкин. Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлган мамлакатлар доирасида бу борада халқаро арбитраж, яъни ўзига хос ҳакамлар суди таомили қабул қилинган, чунки кўп ҳолларда қабул қилувчи мамлакат қонунлари бевосита инвесторлар манфаатига тўғри келмаса, капитал чиққан мамлакатнинг қонунлари қабул қилувчи мамлакат манфаатларига жавоб бермайди.


Иккитомонлама солиқ тўлашни бартараф этиш. Ўзаро бевосита инвестициялар билан фаол шуғулланувчи корпорацияларга эга бўлган давлатлар чет эл инвестициялари билан ишлайдиган корхоналар даромадига боғлиқ бўлган иккитомонлама солиқ тўлашни бартараф этиш юзасидан муайян битимлар имзолайдилар. Агар корхона бир неча мамлакатда фаолият юритаётган бўлса, шундай хавф-хатар бор: ҳар бир мамлакатнинг ҳукумати унинг даромадига миллий солиқ солиши ҳам мумкин. Умуман олганда, корпорация қабул қилувчи мамлакатда ўз юртида тўламаган солиқ қисминигина тўлаши мумкин.

Маъмурий ва дипломатик қўллаш. Бевосита инвестициялар, одатда, капитал чиққан мамлакатнинг давлат органлари ҳомийлигида бўлади: ҳукумат ўз миллий инвесторлари учун чет элда қулай шарт-шароит яратиш мақсадида хорижий мамлакатлар билан музокаралар олиб боради. Халқаро бизнес вакиллари иқтисодий масалаларни муҳокама этиш учун хорижга жўнаётган халқаро делегациялар таркибига киритилади. Бундан мақсад миллий инвесторларни у ёки бу мамлакатда бевосита инвестициялар учун мавжуд бўлган имкониятлар билан таништиришдир.

Шулардан келиб чиқадики, бевосита чет эл инвестициялари деганда, бирор мамлакат резиденти (бевосита инвестор)нинг бошқа бир мамлакат корхонаси (бевосита инвестиция жойлаштирилган корхона) – резидентидан узоқ муддатли манфаатдорлиги тушунилади. Бундай инвестицияларнинг асосий сабаби капитални мумкин қадар кўпроқ фойда келтирадиган ва таваккалчилик эҳтивоарларини йўққа чиқарадиган мамлакатда ва тармоқда жойлаштиришга уринишдир. Капиталнинг халқаро ҳаракати ишлаб чиқариш омилларини янада самарали тақсимлаш ва фойдаланиш эвазига ялпи жаҳон маҳсулотининг кўпайишига олиб келади. Бевосита чет эл инвестицияларининг кўпчилиги қисми ривожланган мамлакатлар ўртасида иккитомонлама инвестиция тарзида амалга оширилади. Давлат инвесторларга давлат

кафолатларини бериш, суғурта килиш, иккитомонлама солиқ тўлашни бартараф қилиш, инвестицияга оид даъволарни дипломатик ва маъмурий йўл билан ҳал этиш орқали бевосита чет эл инвестицияларини кўллаб-қувватлайди.

Сўнгги йилларда миллий хавфсизлик масалалари инвестиция сиёсатида муҳим роль ўйнамоқда. Кўплаб мамлакатларда ушбу соҳада қонунлар қабул қилиш ёки миллий хавфсизлик билан боғлиқ сабабларга кўра хорижий инвесторлар иштирокида лойиҳаларни қайта кўриб чиқиш ҳолатлари учрамоқда. 2015 йилда 46 та мамлакат хорижий инвестицияларга таъсир кўрсатадиган камида 96 та сиёсатни қабул қилди (6.4-расм). Ушбу чоралардан 71 таси эркинлаштириш ва инвестицияларни жалб қилиш билан боғлиқ бўлса, 13 таси янги чеклашлар ёки инвестицияларни тартибга солиш нормаларини ташкил этди (қолган 12 таси нейтрал).



6.4-расм. Давлатларнинг инвестиция сиёсатидаги ўзгаришлар (2001-2015 йиллар, %)

Манба: ЮНКТАДнинг инвестицион сиёсатни кузатиш маълумотлар базаси.

6.3. Чет эл портфель инвестициялари

Чет эл портфель инвестициялари капитални қимматли чет эл қоғозларига жойлаштиришдан иборат бўлиб, у инвесторга инвестиция объектлари устидан амалда назорат қилиш ҳуқуқини бермайди. Портфель инвестицияларидан кўзланган мақсад курс қийматининг ўсиши ҳамда фойдадан тўланадиган дивидендларнинг ортиши ҳисобига даромад олишдан иборат. Турли мамлакатларда қимматли қоғозларга тўланадиган фоизлар ўртасидаги тафовут, таваккалчилик оқибатида қандай натижага эришиш мумкинлиги ва қимматли қоғозлар портфелини чет эл қоғозлари ҳисобига диверсификациялаш истаги портфель инвестициялари ҳаракатига жиддий таъсир кўрсатади.

Бевосита инвестицияларга нисбатан портфель инвестицияларининг афзаллиги шундан иборатки, улар тез барҳам топиши, яъни қисқа муддатда валютага айланиш имкониятига эга.

Халқаро портфель инвестициялари тўлов балансидагидек турли кўринишларда намоён бўлади. Бу инвестициялар қуйидаги тоифаларга бўлинади:

- *акциядорлик қимматли қоғозлари (акциялар) (equity securities)* – улар бозорда муомаладаги пул ҳужжатидан иборат бўлиб, ҳужжат эгасининг шу ҳужжатни чиқарган шахсга нисбатан мулкӣ ҳуқуқини тасдиқлайди (shares, stock, participation);

- *қарз қимматли қоғозлари (debt securities)* – бозорда муомалада бўлган пул ҳужжати, у ҳужжат эгасининг шу ҳужжатни чиқарган шахс қанчалик қарздор эканлигини тасдиқлайди.

Қарз қимматли қоғозлари қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

- *Облигация (bond), вексель (debenture), қарздорлик тилхати (note)* – булар пул ишлаш воситалари бўлиб, уларнинг эгаларига ҳар доим маълум миқдорда ёки шартномага биноан ўзгариб турадиган миқдорда пул даромади олиш ҳуқуқини беради.

- *Пул бозори воситаси (money market instrument)* – бу шундай пул воситаларики, уларнинг эгаси маълум муддат мобайнида кафолатланган ва миқдори кўрсатилган пул даромади олиш ҳуқуқига эга бўлади. Улар бозорда арзон нархда сотилади ва ушбу воситалар нархи фоизнинг миқдорига ҳамда тўлов муддатига боғлиқ. Хазина векселлари (treasury bills), депозит сертификатлари (certificates of deposit), банк акцептлари (bankers acceptances) ва бошқалар шу жумласидан.

- *Молиявий дериватлар (financial derivatives)* – булар иккиламчи пул воситалари сифатида бозорда сотилади, уларнинг эгалари бирламчи қоғозлар (опционлар, фьючерслар, варрантлар, своплар)ни сотиш ёки сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Тўлов балансида портфель инвестицияларининг халқаро ҳаракатини ҳисобга олиш мақсадида қуйидаги тавсифлар қабул қилинган:

- *Нота қарздорлик тилхати (note)* – қисқа муддатли (3-6 ойлик) пул воситасидан иборат бўлиб, у қарз олувчи томонидан банк билан келишилган ҳолда ўз номидан муомалага чиқарилади. Бундай ҳолатда банк ушбу ҳужжатни бозорга жойлаштириш ва сотилмаган ноталарни харид қилиш, кредит муддатини узайтириш ёки қўшимча кредитлар бериш кафолатини ўз зиммасига олади. Энг кенг тарқалган ноталар – Евроноталардир.

- *Опцион (option)* – шартнома (қимматли қоғоз)дан иборат бўлиб, унинг эгаси белгиланган вақтда ёки кўрсатилган муддат келганидан кейин муайян қимматли қоғозни ёхуд маҳсулотни қайд қилинган нархи бўйича сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқига эга. Опционни сотиб олган шахс ўзининг ана шу ҳуқуқини рўёбга чиқаришга ваъда бериш шарти билан уни сотган шахсга мукофот тўлайди.

- **Варрант (warrant)** опционнинг бир тури бўлиб, унинг эгаси эмитентдан маълум муддат давомида имтиёзли шартлар асосида маълум миқдордаги акцияларни харид қилиш имкониятига эга бўлади.

- **Фьючерс (futures)** – ижроси мажбурий бўлган қисқа муддатли шартномалар, улар маълум муддат ичида маълум нархда муайян қимматли қоғозларни, валюта ёки товарларни харид қилиш ёхуд сотишга мўлжалланган.


- **Форвард нархи (forward rates)** – фоиз миқдори ҳақидаги шартнома бўлиб, унга кўра бу миқдор асосий қарзнинг келишилган ҳажмида белгиланган кунда тўланиши, мазкур ҳажм эса белгиланган кунда бозордаги жорий фоиз нархидан кўпроқ ёки камроқ бўлиши мумкин.

- **Своп (swap)** – маълум вақтдан кейин ҳамда муайян қарзлар бўйича тўловларни амалга ошириш бўйича ўзаро келишилган тартиб-қоидалар асосида ўзаро алмашувни назарда тутувчи битим. Своп фоиз нархларида тўлов алмашувини бир турдаги фоиз нархларини иккинчи турдаги фоиз нархлари (ўзгариб турадиган фоиз даражаси) билан мувофиқлаштирган ҳолда амалга оширилади. Своп валюта алмашув чоғида икки хил валютада бўлган бир миқдордаги пулни назарда тутуди.

Чет эл қимматли қоғозларининг мазкур кўринишларидан ҳар бирига жойлаштирилган портфель инвестициялари пул муассасалари (марказий ёки давлат банклари), марказий ҳукумат (одатда, Молия вазирлиги), тижорат банклари ва бошқалар томонидан амалга оширилган инвестицияларни ҳисоблаш чоғида эътиборга олинади.

Чет эл портфель инвестицияларини чиқариш сабаблари. Умуман, улар бевосита чет эл инвестициялари чиқариш сабабларига яқин туради. Лекин битта фарқи шундаки, портфель инвестицияларини амалга оширган инвестор капитал жойлаштирилган корхонани назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Бироқ, айти пайтда, портфель инвестицияларининг тугатилиш даражаси, яъни қимматли қоғозларни нақд валютага айлантириш имконияти бевосита инвестицияларга нисбатан юқоридир. Портфель инвестицияларини амалга оширишдан асосий мақсад – капитални шундай мамлакатга ва шундай қимматли қоғозларга жойлаштириш керакки, токи у ортиқча хавф-хатар бўлмаган ҳолда юқори даражада даромад келтирсин. Портфель инвестицияларини маълум маънода пулни инфляциядан ҳимоя қилиш ва чайқов даромади олиш воситаси деб билиш мумкин. Айти бир пайтда инвестициялар тармоқлар ва қимматли қоғозларнинг қайси турига жойлаштирилишининг заррача аҳамияти йўқ, қоғозлар қиймати ва тўланадиган дивидендлар ошиб, мўлжалланган даромад олинса, бас.

Портфель инвестициялари халқаро миқёсда қарама-қарши оқимларнинг хавф-хатарни камайтириш имконияти билан боғлиқ (6.4-расм). Одатда, у ёки бу қимматли қоғоздан олинандиган даромад қанчалик юқори бўлса, уларни харид қилиш билан боғлиқ хавф-хатар ҳам шунчалик юқори бўлади. Портфель инвестициялари билан боғлиқ хавф-хатар даражасини камайтириш мақсадида халқаро инвестициялаш тажрибасидан фойдаланиш мумкин.



6.4-расм. Портфель капитали соф оқими (Тўлов баланси, жорий АҚШ долл.) Portfolio equity, net inflows (BoP, current US\$)

Манба: Жаҳон банки маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилди.
<https://data.worldbank.org/indicator/BX.KLT.DINV.CD.WD>

Айтайлик, А компаниясининг акциялари I мамлакатда ва В компаниясининг акциялари II мамлакатда ўртача 30 % даромад келтиради. Бироқ А акциялари 20 %дан 40 %гача, В акциялари эса 10 %дан 50 %гача даромад бериши эҳтимоли бор. Кўришиб турибдики, В акцияларидан олинadиган даромад фоизлари ўртасида катта фарқ бор (10-50) экан, уларга инвестиция жойлаштириш А акцияларига нисбатан хатарлидир.

6.4. Ссуда (қарз) капиталини чиқариш

Ссуда капиталининг ҳаракати халқаро иқтисодий муносабатлар доирасида халқаро кредит сифатида намоён бўлади. Халқаро кредит пул ёки товар шаклидаги қарз бўлиб, бир мамлакат қарз берувчиси томонидан иккинчи мамлакат қарз олувчисига қайтариш, муддатли, тўловли, кафолатли шартлар билан берилади.

Халқаро кредитлар турли шаклларда намоён бўлади:

- *қандай мақсадда олинганлигига қараб қуйидаги тоифаларга бўлинади:* товарлар харид қилиш учун олинган тижорат кредитлари, маълум бир объектлар қурилишини молиялаштиришга мўлжалланган инвестиция кредитлари;

- *шакллари:* экспортчи импортчига берадиган товар кредитлари ҳамда банклар томонидан пул шаклида берилadиган валюта кредитлари;

- *қарз валютаси:* қарздор мамлакат валютасида, кредит берувчи мамлакат валютасида, учинчи бир мамлакат валютаси, халқаро ҳисоб-китоб бирликларида берилади;

- *кафолатли:* кафолатланган (маҳсулот ҳужжатлари, кўчмас мол-мулк, векселлар, қимматли қоғозлар воситасида) ва оғзаки келишилган (кафотланмаган) кредитлар;

- *муддатли*: ўта шошилич (бир кундан уч ойгача муддатгача), қисқа муддатли (бир йилгача), ўрта ва узок муддатли кредитлар.

Қисқа муддатли кредитларнинг аксарият қисми ташқи савдо оборотига хизмат кўрсатиш учун ишлатилади. Ташқи савдони кредитлаш экспорт ва импортни кредитлашни ўз ичига олади.

Экспортни кредитлаш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

- у ёки бу мамлакатнинг импортчиси томонидан чет эллик ишлаб чиқарувчилар ёхуд экспортчиларга харид аванслари тўлаш;
- экспортчи мамлакатда товарлар устидан кредитлар бериш (бу кредит экспортчига экспортга мўлжалланган маҳсулотларни тайёрлаш ва ғамлашни давом эттириш имкониятини беради, бинобарин, у илгари тайёрлаб қўйилган товарларнинг сотилишини кутиб ўтирмайди).

Импортчини кредитлаш тижорат ёки банк кредити тарзида амалга оширилиши мумкин. Тижорат кредити қуйидагича рўёбга чиқарилади:

- экспортчи сотилган ва жўнатилган товарлар қийматини қарз сифатида импортчининг ҳисоб рақамига ёзиб қўяди, импортчи эса бу кредитни белгиланган муддатда тўлаш мажбуриятини олади;
- экспортчи маҳсулотини кредитга сотиш ҳақида келиша туриб, импортчига пул ўтказиш векселини беради, импортчи эса шу векселни белгиланган муддатда тўлаш мажбуриятини олади.

Банк кредити экспортчи мамлакат маҳсулотларини харид қилувчиларга қарз бериш йўли билан амалга оширилади. Дастлабки пайтларда импортчиларни кредитлаш кредитни бир марталик ташқи савдо келишуви билан «боғлаш» тарзида рўёбга чиқарилади. Кейинги пайтларда ташқи савдо келишувларини тўлаш мақсадида банкларда очилган кредит йўллари кенг тарқалган.

Ўртача муддатли ва узок муддатли қарзлар, одатда, халқаро консорциумларга бирлашган йирик банклар томонидан чиқарилган облигацияларни сотиб олиш йўли билан амалга оширилади.

Халқаро заёмлар, энг аввало, кредит муносабатларига кирган субъектларга қараб фарқланади. Ташқи заёмлар бўйича кредит берувчи ва кредит олувчилар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: хусусий корхоналар ва банклар, ҳукуматлар ва муниципалитетлар, халқаро валюта-кредит ташкилотлари. Кредит муносабатларига қандай субъект киритилганлигига қараб узок муддатли халқаро кредит – хусусий ва давлат кредитларига бўлинади.

Капитал чиқаришнинг яна бир ўзига хос шакли «иктисодий ёрдам»дан иборат бўлиб, бунда саноати ривожланган мамлакатлар бошқаларга текинга ёки имтиёзли кредитлар шаклида мадад кўрсатади. Бундай ёрдам бериш соҳасида дунё бўйича Япония биринчи ўринни, иккинчи ўринни эса АҚШ эгаллаб турибди. Бундай ёрдамни эълон қилишдан мақсад – донор мамлакатларнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш, очик бозор иқтисодиётини шакллантиришга кўмаклашиш, ёрдам кўрсатилаётган мамлакатларда демократияни ривожлантириш ва ҳоказолардан иборат.

Инвестиция муҳити. Ҳар қандай шаклдаги халқаро капитал ҳаракати кўп жиҳатдан мамлакатдаги инвестиция муҳитига ҳамда инвестицияларни жойлаштиришдаги мумкин хавф-хатарларга боғлиқ.

Инвестиция муҳити деганда, бирор мамлакат иқтисодиётига ўз капиталини жойлаштираётган чет эллик тадбиркор нуктаи назаридан шу ўлкадаги вазият тушунилади. Инвестиция муҳитини белгилашда мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий, ички иқтисодий, ташқи иқтисодий вазият ҳамда уларнинг ривожланиш истикболлари эътиборга олинади.

Чет эллик инвестор капитал чиқариш қанчалик мақсадга мувофиқ эканлиги, инвестицияларни қайси мамлакатга жойлаштириш маъқуллиги, капитални қай шаклда чиқариш афзал эканлиги ва ҳ.к. масалалар устида бош қотирар экан, ўз маблағидан ажраб қолиш эҳтимолини, яъни «хавф-хатар» даражасини эътиборга олади. “Хавф-хатар” уч гуруҳга бўлинади: сиёсий хавф-хатарлар, молиявий хавф-хатарлар (мамлакат ва ундаги юридик шахсларнинг тўлов қобилияти), операциялар билан боғлиқ бўлган хавф-хатарлар (ташқи савдо ва ишлаб чиқаришдаги хавф-хатарлар).

Тадбиркорлик борасида хавф-хатарларни аниқлашда ўзига хос услубият ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра хавф-хатарнинг 11 та муҳим омили эътиборга олинади. Қарздорлик, жорий ҳисобларда маблағнинг бор-йўқлиги, сиёсий барқарорлик ва шу кабилар шу омиллар жумласидандир. Ана шу кўрсаткичлар асосида 100 баллик шкала ясалади, унда хавф-хатарларнинг энг юқори даражаси 100 балл бўлади. Хавф-хатар даражаси қанчалик кам бўлса, инвестиция муҳити шунчалик яхши бўлади. Сингапур энг қулай инвестиция муҳитига эга.

Инвестиция хавф-хатарларини камайтиришнинг турли усуллари мавжуд:

- лойиҳа қийматига «хавф-хатар учун мукофот» кўшиш;
- чет элдаги инвестиция фаолиятдан кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш мақсадида фирманинг эҳтиёт жамғармасини ташкил этиш;
- турли хилдаги давлат ва хусусий суғурта компаниялари орқали сиёсий хавф-хатарни суғурталаш;
- қабул қилувчи томонни кўпроқ қизиқтирадиган лойиҳани танлаш;
- фирмаларнинг чет эллардаги активларини жўғрофий жиҳатдан тақсимлаб юбориш орқали хавф-хатарни диверсификациялаш.

Жаҳон ссуда (қарз) капиталлари бозори. Ссуда капиталининг халқаро миграцияси жаҳон ссуда капиталлари бозорини жаҳон миқёсида жамлаш ва қайта тақсимлашнинг иқтисодий омилини юзага келтирди. Жаҳон ссуда капиталлари бозорида амалга ошириладиган асосий операциялар, асосан, облигациялар шаклидаги қимматли қоғозлар эмиссияси ва савдосидан, банк кредитлари бериш ва олишдан иборат. Жаҳон ссуда капиталлари бозори ташкилий кўриниши жиҳатидан ссуда капиталининг миллий бозорлари йиғиндисидан иборат.

Жаҳон ссуда капиталлари бозорида амалга ошириладиган операцияларнинг иқтисодий моҳиятига қараб, бу бозорни икки қисмга ажратиш мумкин: жаҳон пул бозори ва жаҳон капитал бозоридир.

Биринчи қисм халқаро миқёсда харид ва тўлов воситаси сифатида ҳаракат қилувчи ссуда капитали билан боғлиқ бўлган талаб ва таклифни ўзида мужассамлаштиради. Унда жамланадиган пул воситалари, бериладиган қарзлар қисқа муддатли бўлади. Улар муомала соҳаси ва халқаро савдо учун мўлжалланади.

Иккинчи қисм капитал бозоридан иборат бўлиб, унда ссуда капитали пул тарзида эмас, балки ўз-ўзидан ошиб борувчи қиймат сифатида намоён бўлади. Бундай ҳолда қарзлар узоқ муддатли бўлади ҳамда кўпроқ капитал жойлаштиришларни молиялашга ишлатилади. Жаҳон капитал бозори дунё миқёсида кенгайтирилган қайта ишлаб чиқариш жараёнига хизмат қилади. Жаҳон капитал бозори, ўз навбатида, кредит бозорига ва қимматли қоғозлар бозорига бўлинади. Жаҳон ссуда капиталлари бозори ўзининг алоҳида тузилишига эга. Охириги нуқтадаги қарз олувчилар билан қарз берувчилар ўртасидаги бозор даллоллари унинг асосини ташкил этади. Улар қуйидагилар: трансмиллий банклар, молиявий компаниялар, фонд биржалари ва ҳоказолар. Халқаро капитал бозорида қарз олувчи сифатида ҳаракат қиладиган асосий мижозлар трансмиллий корпорациялар, давлат органлари, халқаро ва минтақавий ташкилотлардан иборат. Халқаро капиталлар бозори жўғрофий заминга ҳам эга. Бу бозор бир қатор халқаро молиявий марказлардан иборат бўлиб, улар жуда катта миқдордаги капиталларни жамлайди ва дунё бўйлаб тарқатади.

Халқаро молиявий марказ қониқарли даражада фаолият олиб бориши учун маълум шарт-шароитлар лозим бўлади. Улар қуйидагилар: мамлакат иқтисодиёти юқори даражада ривожланган бўлиши; фаол ҳаракат қила оладиган миллий капитал бозори ва ривожланган банк тизимининг мавжудлиги; эркин валюта ва солиқ қонунчилиги; қулай жўғрофий ўрни; нисбатан сиёсий барқарорлик ва ҳ.к.

АҚШ капитал бозорига суянган Нью-Йорк ҳақли равишда дунёнинг етакчи молиявий маркази ҳисобланади. Акция ва облигациялар эмиссиясида (чиқаришда) унинг ўрни жуда баланд. Дунёда Нью-Йорк фонд биржасига тенг келадигани йўқ.

Европанинг асосий молиявий маркази Лондон ҳисобланади. У Халқаро валюта депозитлари ва кредит операциялари ҳажми бўйича биринчи ўринда туради.

Япониянинг чет элда қудратли банк тармоғини юзага келтириши, иенани халқаро иқтисодий капитал айланмасига киритиши, валюта чекловларини бекор қилиши натижасида унинг жаҳон хўжалигидаги мавқеи мустаҳкамланиб, Токио янги жаҳон молия марказига айланди. 1985 йилдан эътиборан нетто-қарздор мамлакатга айланган АҚШдан фарқли ўлароқ, Япония етакчи нетто-қарз берувчи мамлакат бўлиб қолди.

Жаҳон хўжалигининг чекка жойларида Богама ороллари, Сингапур, Гонконг, Бахрейнга ўхшаш молия марказларининг пайдо бўлиши у ерда солиқлар ва ташкилий харажатлар нисбатан паст кўламда мавжудлиги, давлатнинг аралашуви юқори эмаслиги, либерал валюта қонунчилиги жорий

этилганлиги билан изоҳланади. Кредитлаш муассасалари, асосан, шу давлат учун бегона бўлган валютада норезидентлар билан операция олиб борувчи жаҳон молия марказлари «офшор» марказлари номини олган.

Хулоса

Мамлакатлар ўртасида давлат ва хусусий, тадбиркорлик ва ссуда, узоқ муддатли, ўрта муддатли ва қисқа муддатли капитал бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юради. Амалий нуқтаи назардан қараганда капиталнинг бевосита инвестициялар, портфель инвестициялари ва бошқа инвестицияларга мақсадли (функционал) бўлиниши муҳим аҳамият касб этиб, уларнинг орасида халқаро заёмлар ва банк депозитлари асосий ўринни эгаллайди.

Бевосита чет эл инвестициялари бирор мамлакат резиденти (бевосита инвестор)нинг бошқа бир мамлакат резиденти – корхонаси (бевосита инвестициялар жойлаштириладиган корхона)дан узоқ муддатли манфаати демакдир. Чет эл инвестицияларидан кўзланган асосий мақсад – ўз капиталини шундай бир мамлакатда ва шундай тармоқда жойлаштириш керакки, токи у юксак даражада даромад келтирсин, хавф-хатарни йўққа чиқарсин. Капиталнинг халқаро миграцияси ишлаб чиқариш омилларини янада самарали қайта тақсимлаш ва улардан унумли фойдаланиш эвазига ялпи жаҳон ишлаб чиқаришининг кўпайишига олиб келади. Бевосита чет эл инвестицияларининг аксарият қисми ривожланган мамлакатлар ўртасида қарама-қарши инвестициялар шаклида амалга оширилади. Давлат ўз кафолатларини бериш, суғурталаш, иккитомонлама солиқлардан озод қилиш, инвестиция баҳсларини дипломатик ва маъмурий йўллар билан ҳал этиш орқали бевосита чет эл инвестицияларини рағбатлантиради.

Чет эл портфель инвестициялари хорижий қимматли қоғозларга капитал жойлаштиришдан иборат бўлиб, улар инвесторга инвестиция жойлаштирилган объектни назорат қилиш ҳуқуқини бермайди. Бу қоғозлар ё эгасининг мулкый ҳуқуқини тасдиқловчи акциядорлик қимматли қоғозлари ёхуд заём (қарз) муносабатларини тасдиқловчи қимматли қарз қоғозлари бўлиши мумкин. Портфель инвестицияларидан асосий мақсад – унинг эгаси ўз капиталини шундай бир мамлакатда ва шундай қимматли қоғозларга жойлаштиради, у ўрта даражадаги хавф-хатар эътиборга олинган ҳолда юқори даражада даромад келтирсин. Чет эл портфель инвестицияларининг 90 %идан кўпроғи ривожланган мамлакатлар ўртасида амалга оширилмоқда ва улар бевосита инвестицияларга нисбатан юқори суръатлар билан ривожланмоқда.

Таянч иборалар: капитал чиқариш, капиталнинг халқаро миграцияси, тадбиркорлик капитали, бевосита чет эл инвестициялари, портфель инвестициялари, ссуда капитали, инвестиция муҳити.

Назорат учун саволлар

1. Капитал чиқаришнинг ўзига хос белгилари нимада?
2. Капиталнинг халқаро миграцияси деганда нимани тушунасиш?
3. Бевосита чет эл инвестициялари нима ва уларни чиқариш сабаблари нимада?
4. Бевосита инвестицияларни давлат томонидан рағбатлантириш механизмлари.
5. Чет эл портфель инвестициялари ва уларнинг чиқарилиш сабаблари?
6. Ссуда капитали нима ?
7. Инвестиция муҳити деганда нимани тушунасиш?

VII боб. ХАЛҚАРО ТРАНСМИЛЛИЙ КОРПОРАЦИЯЛАРНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Трансмиллий компаниялар замонавий жаҳон иқтисодиётининг белгиловчи жараёнлари учун асосий кучдир. Улар жаҳон бозорида товарлар ва хизматлар рақобатбардошлиги динамикаси ва тузилишини белгилайди, капиталнинг халқаро ҳаракатини ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни назорат қилади.

Уларнинг ишлаб чиқариш ва молиявий имкониятларини ҳисобга олсак, улар ишлаб чиқаришнинг технологик ривожланишига ҳисса қўшадиган энг билимдон тармоқларни ўзларида жамлайди.

Замонавий кўпмиллатли компаниялар миллий, минтақавий ва жаҳон бозорларини бирлаштирадиган глобал стратегияларни амалга ошириш орқали жаҳон иқтисодий алоқаларини ривожлантиришда етакчи ролни ўйнашда давом этмоқда.

7.1. Халқаро трансмиллий корпорацияларнинг ташкил топиши ва ривожланиши

Трансмиллий корпорация – ўз фаолиятида халқаро ёндашувдан фойдаланувчи ҳамда жойлашган мамлакатдаги қарорлар қабул қилиш ягона маркази ва бошқа мамлакатларда филиаллари мавжуд бўлган ишлаб чиқариш, савдо ва молиявий мажмуа. БМТ экспертлари фикрига кўра, ТМКлар “жаҳон иқтисодиётининг ҳаракатлантирувчи кучидир”.

Ҳозиргача “ТМК” тушунчасини аниқлаш бўйича, уларни бошқа фирмалардан ажратиш имконини берувчи мезонлар юзасидан тортишувлар кетмоқда. Халқаро савдога жалб этилган ҳар қандай компания ҳам трансмиллий корпорациялар тоифасига киритилиши мумкин эмас.

БМТнинг трансмиллий корпорациялар бўйича Комиссиясининг халқаро лойиҳасида ТМК:

– фаолиятнинг юридик шакли ва доирасидан қатъи назар икки ва ундан ортиқ мамлакатларда бирликлари мавжуд бўлган;

– қарорлар қабул қилиш тизимида амалиёт олиб борувчи;

– келишилган сиёсат олиб бориш ва бир ёки ундан ортиқ бошқарув марказига умумий стратегияни амалга ошириш имконини берувчи;

– унда алоҳида бирликлар мулкчилик воситаси ёки бирор-бир бошқача тарзда боғланган, уларнинг бири ёки ундан ортиғи бошқаларнинг фаолиятига етарли даражада таъсир этувчи ва хусусан, билимлар, ресурслар ҳамда жавобгарликни бошқалар билан бўлишиши мумкин бўлган компания сифатида аниқланади.

ЮНКТАД 1990 йиллардан бошлаб, ўз ҳужжатлари ва нашрларида компанияларнинг “трансмиллийлик индекси” тушунчасини қўллай бошлаган. Трансмиллийлик индекси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$I_{тр} = (A_x/A_y + P_x/P_y + Ш_x/Ш_y)/3$$

Бу ерда:

A_x – хорижий активлар;

A_y – умумий активлар;

P_x – хорижий филиалларнинг сотиш ҳажми;

P_y – сотишларнинг умумий ҳажми;

$Ш_x$ – компаниянинг хорижий штати;

$Ш_y$ – компаниянинг умумий штати.

Трансмиллийлаштириш билан юқори даражада боғлиқ бўлган тармоқларга: фармацевтика, нефть қазиб олиш ва қайта ишлаш, электроника, озиқ-овқатлар, телекоммуникациялар, автомобилсозлик ва шу кабилар киради.

Трансмиллий корпорациялар пайдо бўлишининг умумий сабабларидан бири миллий – давлат чегараларидан чиқиб кетган ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши асосида ишлаб чиқариш ва капиталнинг байналмилаллашуви – йирик корпорациялар томонидан хорижий мамлакатларда ўз бўлимларини ташкил этиш ва миллий корпорацияларнинг трансмиллий корпорацияларга айланиши орқали экспансия характериға эға бўлишдир.

Трансмиллий корпорацияларнинг (ТМК) вужудға келиш сабаблари турлича бўлиши мумкин. Уларнинг аксарият қисми объектив характериға эға бўлиб, баъзилари бозор механизмларининг мукамал эмаслиги билан боғлиқ.

Асосий омиллар орасида қуйидагиларни ажратиш мумкин:

- ишлаб чиқариш ва капитални халқаролаштириш (интернационализация);
- капитал ва ишлаб чиқариш фаолиятини умумжаҳон миқёсида концентрациялашға етакловчи кучли рақобат;
- капитал, товарлар, хизматлар, одамларнинг ҳаракатланиши учун давлат чегаралари аҳамиятининг пасайтирилиши;
- халқаро савдо йўлидаги тўсиқлар, валюта назоратини ҳисобға олган ҳолда;
- транспорт харажатлари;
- солиқ қонунчилигидаги фарқлар.

ТМК ривожланиши жараёнида янги, ноёб бўлган – корпорацияларға, бош компаниянинг жойлашган мамлакати ва қабул қилувчи мамлакатлардаги, яъни филиаллар ва назорат остидаги фирмалар жойлашган мамлакатларнинг иқтисодий шароитлари ўртасидаги фарқдан келиб чиқувчи афзалликларни берувчи – халқаро ишлаб чиқариш пайдо бўлди. ТМКларнинг қўшимча даромади қуйидаги фарқлар ҳисобига олиниши мумкин:

- табиий ресурсларнинг таъминланганлиги ва қиймати ўртасидаги;
- ишчи кучининг малакаси ва иш хақи даражаси ўртасидаги;
- олиб бориладиган амортизация сиёсати, хусусан, амортизация ажратмаларнинг нормалари ўртасидаги;
- монополияға қарши ва меҳнат қонунчилигидаги;
- солиққа тортиш даражасидаги;
- экологик стандартлар;
- валюталарнинг барқарорлиги ва шу кабилар ўртасидаги.

ТМКларга ишлаб чиқаришларнинг юкланишини манипуляция килиш ва ўзининг ишлаб чиқариш дастурларини жорий конъюнктуранинг ўзгарувчан шароитлари, ҳар бир аниқ бозорда у ёки бу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларга мослаштириш имконини берувчи алоҳида мамлакатларнинг иқтисодий ҳолатидаги фарқлар ҳам ҳисобга олинади.

ТМК ривожланиш тарихини замонавий кўринишда бир нечта босқичга бўлиш мумкин. Дунё тузилмаси ҳолатининг XIX аср ўрталаридан бошлаб ҳозирги вақтгача бўлган кенг миқёсдаги ўзгаришларига (мустамлакага айлантириш, мустамлакадан чиқариш, жаҳон урушлари, совуқ уруш, ИТР, ИТТ ва жамиятни технологизациялаштирилиши, ресурслар учун рақобат кураши, ривожланаётган ва постсоциалистик мамлакатлар иқтисодиёти модернизацияси, глобаллаштириш, пост-саноатлаштириш, яқин коинотни ўзлаштириш ва ҳ.к.) бўлган реакцияси ТМК бир нечта авлодининг умумлаштирувчи мезони ҳисобланади.

Замонавий турдаги йирик халқаро корпорациялар шаклланишининг *биринчи босқичини*, биз шартли равишда, XIX асрнинг ўрталари – 1914-1918 йиллардаги Биринчи жаҳон урушининг бошланиш даврига таққослаймиз. Бу – йирик саноат ва молиявий монополиялар, қудратли кланларни яратиш, мустамлакаларни бўлиб олиш учун буюк давлатларнинг кураши, шунингдек, қазиб олиш, кимё саноати, машинасозликдаги ютуқлар билан боғлиқ бўлган фан-техника тараққиётининг янги поғонаси яратилиши, энг асосийси эса электр қуввати, телеграф ва телефоннинг жорий этилиш вақти. Шу даврда электротехник жиҳозлар, ички ёнув двигателлари, синтетик материаллар, сунъий ўғитларни ишлаб чиқариш бошланган. Йирик компаниялар конвейернинг жорий этилиши, ўзаро алмашувчан деталлар, бошқарув янги услубларининг қўлланилиши туфайли истеъмол товарларини ялпи ишлаб чиқаришни ривожлантира бошлайди. Шунингдек, улар ўзларининг Осиё ва Африка ҳамда Лотин Америкасидаги мустамлакалари ҳудудида минерал хомашё конларини кашф этиш ва қазиб олиш бўйича жадал фаолиятни кенгайтирадilar. Ишлаб чиқаришни кооперациялаштириш, асосан, вертикал принцип бўйича қурилар эди, яъни хомашёни қазиб олишдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача. Ушбу компаниялар шакли бўйича тармоқда деярли монополия ҳолатини эгаллаб турувчи йирик корпорациялар ва уларнинг бирлашмалари (трестлар, синдикатлар, картеллар)ни ифодалар эди. Бу борада америкалик иқтисодчи Б. Селигмен қуйидагича фикр билдирган: “XIX асрнинг охириги чорагида Америка бизнесида уч киши ҳукмронлик қилган ва уларнинг ҳар бири ўз фаолият соҳасига эга бўлган. Пўлат – Карнегига, нефть – Рокфеллерга, Уолл Стрит эса Дж.П. Морганга тегишли бўлган”.

Иккинчи босқич – корпорациялар фаолият соҳасини чет эл давлатларига чиқариш ҳисобига уни кенгайтирган, яъни Икки жаҳон уруши оралиғидаги давр (1918 – 1939 йй.). Нефть ва бошқа минерал хомашёнинг қазиб олиниши, пўлат, машина ва жиҳозлар, қурол-яроғ ва ҳарбий техникани ишлаб чиқариш манфаатларнинг асосий доираси бўлган. Қазиб олувчи корхоналарни мустамлакалар ва мандат билан идора қилинган ҳудудларда жойлаштиришни

давом эттирар, машина ва жиҳозлар ишлаб чиқаришни Европа ва АҚШнинг ривожланган капиталистик давлатларига кўчириш амалга оширилар эди. Ушбу босқич капиталистик давлатлар, авваламбор, АҚШни, давлатнинг тартиблаштирувчи ўрнини мустаҳкамлаш ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг кўпчилик соҳаларини ўз назорати остига олишга мажбур қилган Буюк депрессия деган ном билан аталган эди. АҚШ президенти Ф. Рузвельт даврида банк қўйилмаларини суғурталаш тизими жорий этилган, ижтимоий суғурта тизими такомиллаштирилган, фонд бозорининг тартиблаштирилиши кучайтирилиб, бир қатор маҳсулотларга кафолатланган минимал нархлар белгиланган. АҚШ ва Европада йирик ТМКларнинг фаолияти давлат билан яқин ўзаро мулоқот ва кўпинча давлат назорати остида ривожланиб борган.

Учинчи босқичнинг бошланишини биз, ҳозирги кунгача ўз моҳиятини йўқотмаган халқаро институтларнинг (БМТ, ХВФ, ВБ, ГАТТ – тарифлар ва савдо бўйича бош битим) шаклланиши, икки кутбли дунёни яратиш (ССРИ ва АҚШ), Буюк Британия, Франция, Нидерланд, Испания каби мустамлака империяларининг парчалана бошлаши ва уларнинг аввал ҳукмронлик қилган давлатларининг ўз мустақиллигига эришиши билан боғлиқ бўлган урушдан кейинги давр (1945 йилдан бошлаб) билан боғлаймиз. Ушбу босқич 1970 йилларда халқаро хўжалик тизимининг тўлиқ ислоҳ қилиниши билан яқунланди.

Кўпчилик ушбу босқични “тенги йўқ капиталистик фаровонликнинг олтин асри” деб атайди. Ҳақиқатан ҳам, ушбу йиллар ЯИМнинг аҳолининг бир кишисига нисбатан ўсишининг энг юқори суръати, умумий иқтисодий барқарорлик, инфляция ва ишсизликнинг паст даражаси билан тавсифланади. Мазкур даврда, юқорида қайд этилган халқаро институтлардан ташқари, кейинчалик Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ) – “бойлар клуби”га айланган Европа Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти ташкил этилган эди.

Европада, ҳозирги Европа Иттифоқининг тимсоли бўлган – Европа Иқтисодий Ҳамжамияти (ЕИҲ) шаклланди. Осий, Африка ва Лотин Америкасида интеграцион жараёнлар ривожлана бошлади. Мазкур даврда ХМКлар импортни ўзаро алмаштириш ва шахсий ишлаб чиқариш асосларини яратиш концепциясига амал қилишни қабул қилган учинчи дунё мамлакатлари (ривожланаётган) деб номланувчи давлатларнинг кўпчилигини саноатлантириш генераторларига айланиб қолди. Ривожланган мамлакатларнинг корпорациялари ёрдамида у ерларда металлургия, кимё, автомобилсозлик корхоналари қурилиб, фойдали қазилмаларнинг конлари фаол яратиб борилди. Чет эл корпорациялари фан ва саноатнинг энг янги тармоқлари (атом энергетикаси, электроника, космос, асбобсозлик ва ҳоказо) соҳасидаги илмий-техник ютуқларнинг тарқатувчиси эди. Ушбу босқич электрон-ҳисоблаш машиналари, кейин эса компьютерларни жорий этиш ва кейинчалик улардан фойдаланиш имкониятини берган буюк кашфиётларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. 1947 йилда АҚШда компьютерларни 1955 йилда 250 донадан, 1968 йилга келиб 70 минг донагача ишлаб чиқариш имконини берган

яримўтказгичли мослама яратилган эди. 1971 йилда компьютернинг тўлақонли марказий процессор блоки сифатида ишлай оладиган биринчи микропроцессор – чипдаги схемалар тўплами яратилди. “Intel” компанияси томонидан чиқарилган биринчи микропроцессор 2 200 донга транзистордан иборат бўлиб, у билан солиштирилиши мумкин бўлган яримўтказгичли чипнинг тўрт йил аввалги нархига қараганда икки баравар арзон эди. Ушбу босқичда ИТТКИ (НИОКР)га йўналтирилган халқаро корпорациялар пайдо бўла бошлайди. Мазкур давр, Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги ривожланаётган давлатда очликдан қутулиб қолиш имкониятини берган биринчи яшил инқилоб билан боғлиқ. Генетикада муҳим кашфиётлар қилинган.

ТМКлар ривожланишидаги *тўртинчи босқични* биз 1970 йилларнинг бошланиши – 1980 йилларнинг охири деб белгилаймиз. Унинг бошланишини урушдан кейинги йилларда амал қилган Бреттон-Вуд тизимининг касод бўлиши, халқаро валюта-кредит ва молиявий муносабатларнинг эркинлаштирилиши, энг йирик капиталистик ва ривожланаётган мамлакатлардаги иқтисодий инқирозлар кетма-кетлиги билан боғлаш мумкин. Неолиберализм кўпчилик капиталистик давлатлар иқтисодий сиёсатининг асосига айланади.

Ўша давр халқаро иқтисодий муносабатларининг ривожланиш характерига бир қатор ривожланаётган мамлакатлар томонидан амалга оширилган қазиб олиш ва қайта ишлаш тармоқларининг миллийлаштирилиши муҳим таъсир кўрсатди. Араб мамлакатлари томонидан араб-исроил урушида Исроилни қўллаб-қувватлаганлиги учун АҚШга нефтни етказиб беришга киритилган эмбарго жаҳон негизларига путур етказди. Доллар курсининг пасайиши фонида нефть ва бошқа хомашё маҳсулотлари нархининг тўрт бараварга ўсиб кетиши, нефтни экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти – ОПЕКнинг ташкил топишида намоён бўлган, нефть қазиб олувчи мамлакатлар позицияларининг мустаҳкамланишига олиб келган энергетик инқирознинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Воқеаларнинг бундай бурилиши ўзининг стратегиясини тўлиқ ўзгартиришига тўғри келган нефть қазиб олувчи ва бошқа монополияларнинг позицияларига зарба етказди. Шу даврнинг ўзида маҳсулотлар (товарлар), хизматлар, капиталлар халқаро оқимларинининг тезлашиши ва ХИМ умумий эркинлаштирилиши таъсири остида Жанубий-шарқий Осиё мамлакатларида экспортга йўналтирилган иқтисод моделларининг шаклланиши бошланади. Жаҳон аренасига янги индустриалашган мамлакатлар (ЯИМ) деб номланувчи давлатлар чиқиб келади. Хитой ўзини жаҳонга оча бошлайди. Ривожланган капиталистик мамлакатлар корпорациялари фаолият доирасининг сезиларли кенгайиши рўй беради. Бунда Шимолий Америка капитали ролининг пасайишида Европа ва Япониянинг саноат ҳамда молиявий компаниялари мавқеи кучайиб боради.

ТНКлар кўплаб юқори технологияли ишлаб чиқаришни Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларига ўтказишни бошлайдилар.

ИТТ таъсирида жаҳон хўжалигининг иқтисодий ва молиявий тузилмаларида чуқур ўзгаришлар юз беради. Бу даврда кремнийли электрон

схемалар нархининг ҳаддан зиёд тушиб кетиши, компьютерларнинг янада кенг қўлланишига олиб келди, бу эса дунёдаги барча технологик, ишлаб чиқариш ва трансакцион жараёнларга таъсир кўрсатган компьютер инқилобининг бошланиши бўлди.

Бу давр халқаро иқтисодий муносабатлардаги жиддий силжишлар, халқаро зиддиятларнинг кўзда тутилган пасайиши, совуқ урушдан социалистик ва капиталистик мамлакатлар ҳамкорлигини ривожлантириш томонга бурилиш билан тавсифланади. Жамият тузилиши турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотувликда яшаш принципи мустаҳкамланди.

СССРда ғарбий компаниялар таъсирида “АвтоВАЗ” ва “КамАЗ” автомобиль заводлари, азотли ўғитлар, “Пепси-кола” ичимлигини ишлаб чиқариш бўйича заводлар, бир қатор бошқа корхоналар қурилди.

Бешинчи босқичнинг бошланишини, бизнинг фикримизча, 1990 йилларнинг биринчи ярми билан боғлаш мумкин. Ушбу йиллар, ягона жаҳон иқтисоди тизимини яратган ва жаҳон майдонидаги кучлар жойлашувини тўлиқ ўзгартириб юборган глобал миқёсдаги воқеалар – СССРнинг парчаланиши, Берлин деворининг қулаши ва социалистик лагернинг тугатилиши билан муҳрланиб қолган.

Глобаллаштириш ХИМларни ривожлантиришнинг белгиловчи кучига айланади. Бу даврда халқаро институтларнинг фаолиятида тубдан ўзгаришлар рўй берди. Халқаро савдо ва инвестицияларни ривожлантириш ҳамда тартиблаштиришнинг универсал мосламаси – Умумжаҳон савдо ташкилоти (УСТ) ташкил этилди. Интеграция жараёнларида бурилишлар юз бериб, маҳсулотлар (товарлар), хизматлар, капитал, одамларнинг жойдан жойга кўчиши эркин бўлган бирлашган Европа шаклланди. Муомалага, деярли йигирмага яқин давлат фойдаланадиган янги валюта – евро киритилди. Жаҳон молия бозорининг охир-оқибатда замонавий жаҳон инқирозлари учун асос яратган фаолият кўрсатиш қодалари ўзгарди. Илмий-техник инқилобнинг янги босқичи “иқтисодий масофалар”ни қисқартирди, коммуникацияларни енгилаштирди, халқаро корпорациялар таъсирини кучайтирди.

Ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий ўсиши Жанубий-шарқий Осиё, Лотин Америкаси, Жанубий Африка, Марказий ва Шарқий Европа, МДХ мамлакатлари ТМКларини жаҳон аренасига олиб чиқди. Хитой иқтисод ва молиянинг деярли барча соҳаларида етакчи ўринларни эгаллади. МНК фаолияти доираларини кенгайтириш хўжалик ҳаётини глобаллаштириш жараёнининг тезлашишини белгилаб берди.

Олтинчи босқичнинг бошланишини, бизнинг фикримизча, сабаб ва оқибатлари ханузгача тўлиқ англаб етилмаган 2008-2009 йиллардаги жаҳон инқирозидан бошлаб ҳисоблаш мумкин.

БМТнинг савдо ва ривожлантириш бўйича конференцияси (ЮНКТАД) инқирознинг сабаблари тўғрисида. Асосида эркин бозор устуворликлари ғоясига ишонч ётган молиявий назоратнинг бартараф этилиши иқтисодиётнинг реал секторидан тўлиқ узилган инновацион молиявий асбобларнинг жорий этилишига олиб келди. Бундай асбоблар аслида мавжуд бўлган трендларни

келажакка экстраполяция килишдан бошқа нарса бўлмаган ижобий таассурот ва матбуотда ижобий баҳолаш учун асос берувчи тадбиркорликнинг фаоллашуви ошиб боришига кўмак берди. Бозорнинг кўпчилик қатнашчилари воқеаларнинг “ҳаққоний” ривожига (масалан, кўчмас мулк, акцияларнинг ўсиб бораётган нархлари ёки валюта курслари) умид боғлаб, кўп миқдордаги пулларни (кўпинча қарзга олинган) жойлаштирар эдилар. Мазкур кутишлар ОАВларида молиявий таҳлилчи деб аталувчи ва қарор қабул қилувчи инсонлар томонидан тасдиқланганлиги сабабли пулларни нархларнинг ошишига жойлаштириш хатардан холи бўлиб туюлар эди. Лекин мейнстримга (иқтисод бўйича назарий адабиётдаги неоклассик назариялар билан боғлиқ бўлган ҳукмронлик қилувчи йўналиш) зид равишда бундай турдаги савдогарчиликлар нархларнинг барқарорлашувига эмас, аксинча уларнинг барқарорликни йўқотишига олиб келади. Нархларнинг узок муддат ошиб боришини кутиш, эртами-кечми ҳаққонийликка бориб тақалади, чунки маблағлар ҳақиқий даромад яратилиши мумкин бўлган моддий секторга инвестиция қилинмаган. Молиявий бозорнинг иштиёқи ҳаққонийликка – моддий сектор ўсишининг нисбатан пастлигига тўқнаш келиши билан умидсизликка тушиш муқаррар бўлиб қолади.

Дунёнинг деярли барча мамлакатларида иқтисодий кўрсаткичларнинг пасайиб кетиши, халқаро ташкилотлар, айниқса, таъсир кўрсатувчи давлатлар ҳукуматларини иқтисодиётнинг, айниқса, молиявий соҳасини ислоҳ қилишга киришишга мажбур қилди. Илмий муомалага иқтисодиёт, ташқи савдонинг ривожланиши, капиталлар ҳаракатининг умумий секинлашувини тавсифловчи “янги меъёрийлик” тушунчаси кириб келди. Ушбу давр дурагай (гибрид) урушлар ва локал можаролар, геосиёсий қарама-қаршиликнинг кучайиши билан тавсифланади.

Бир вақтнинг ўзида ҳудудий-иқтисодий интеграцияни халқаролаштириш (интернационализация), чуқурлаштириш ва кенгайтириш юз беради.

Эркин савдо тўғрисидаги ҳудудий битимлар сони ошиб боради, Евроосиё Иқтисодий Иттифоқи (ЕАЭС) шаклланади, БРИКС ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг (ШОС) моҳияти кучаяди, халқаро кун тартибда амалга оширилиши бизнесни ривожлантириш, шунингдек, халқаро корпорацияларни ривожланган ва ривожланаётган давлатлардан барча қитъаларга экспансия қилиш учун янги имкониятлар очиши мумкин бўлган мегалойиҳалар – Транстинчокеани (ТТП) ва Трансатлантик инвестицион ҳамкорлиги, янги Ипак йўли Иқтисодий минтақаси пайдо бўлади.

Бизнинг фикримизча, БМТ Бош Ассамблеясининг 2015 йилдаги “Глобал муаммоларни ҳал этиш бўйича ҳамкорлик ҳаракатларини кўзда тутувчи турғун ривожланиш мақсадларини амалга оширишга ўтиш тўғрисида”ги қарори халқаро ҳамжамиятни ривожлантириш йўлидаги муҳим босқич ҳисобланади. БМТ томонидан биринчи навбатда илгари сурилган этик масалалар қаторида халқаро корпорацияларнинг фаолияти билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган – масъулиятли истеъмол ва масъулиятли инвестициялаш алоҳида ўрин эгаллайди.

Сўнги йилларда, нано-, био-, информацион, фан технологиялари соҳасида дунёга янги кашфиётларни тавсия этаётган илмнинг роли ўсиб

бормоқда ва робототехника ривожланмоқда. Замонавий ТМКлар ўртасидаги тўхтовсиз ўсиб боровчи ва доимий чуқурлашувчи савдо-иқтисодий, молия-валюта, илмий-техник ва ишлаб чиқариш алоқалари уларнинг глобал характерга эга бўлаётганлари ҳақида гапиришга имкон бермоқда.

7.2. Трансмиллий корпорацияларнинг таснифланиши

Корпорацияларнинг турли классификациялари мавжуд. Лекин қуйидаги классификация мақсадга мувофиқ ҳисобланади: корпорациялар миллий ва трансмиллийга бўлинади, трансмиллийлар эса ўз навбатида, халқаро (интернационал), кўпмиллий (мультимиллий) ва глобал корпорацияларга бўлинади. Корпорацияларнинг ушбу тўрт тури амалда уларнинг ривожланиш босқичларини акс эттиради: миллийдан халқаро (интернационал) компанияга, халқаро (интернационал) компаниядан кўпмиллийга ва энг охиригисидан глобал корпорацияга.

Трансмиллий корпорацияларнинг турларини янада батафсилроқ ўрганиб чиқамиз.

Халқаро (интернационал) корпорациялар – хорижий активлари мавжуд бўлган миллий монополиялар. Уларнинг ишлаб чиқариш ва савдо-сотик фаолияти бир мамлакатнинг чегарасидан четга чиқади. ТМК ҳуқуқий режими, юридик мустақилликка эга бўлмаган ташкилий тузилмалар ва шубҳа корхоналар кўринишидаги хорижий филиалларни ташкил этиш орқали турли мамлакатларда амалга ошириладиган ишчи фаолликни назарда тутаяди. Бу компанияларда нисбатан мустақил бўлган ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотни, илмий-текшириш ишланмаларини сотиш хизматлари мавжуд бўлади.

Умуман олганда, улар фақатгина таъсисчи мамлакат вакилларининг акциядорлик капитали устидан мулкчилик ҳуқуқига эга бўлган йирик ишлаб чиқариш-сотиш комплексини ташкил этади.

Халқаро компаниялар учун муносабатларнинг этноцентриқ (ethnocentric) тури мансуб. Унда олий раҳбарият базавий (бош) фирманинг абсолют устуворлигига йўналган бўлади. Этноцентриқ турда хорижий бозорлар корпорациялар учун, авваламбор, бош компания жойлашган мамлакат ички бозорининг давоми бўлиб қолади. ТМКлар ўзларининг хориждаги филиалларини, асосан, ўзига арзон хомашёнинг ёки чет элнинг сотиш бозорларига ишончли етказиб берилиши учун ташкил этади. ТМКларнинг бу тури учун бошқарув қарорларини, асосан, бош компанияда қабул қилиш, хорижий филиалларда ватандошларга ён босишлик ҳосдир. Шундай қилиб, қарорлар қабул қилишнинг юқори даражада марказийлаштирилгани ва бош компания томонидан хорижий филиаллар фаолияти устидан кучли назорат ўрнатилгани халқаро (интернационал) корпорациянинг ўзига хос томони ҳисобланади.

Кўпмиллий (мультимиллий) корпорациялар (КМК) ишлаб чиқариш ва илмий тадқиқотчилик асосида бир нечта давлат миллий компанияларини бирлаштирувчи халқаро корпорациядир. Кўпмиллий корпорация мамлакатларнинг ҳар бирида операцияларни амалга оширишда юқори

даражадаги мустақилликка йўл қўяди. Бунга 1907 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган Англия-Голландия “Royal Dutch Shell” концернини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу корпорациянинг ҳозирги кундаги капитали 60/40 нисбатда тақсимланган. Кўпмиллий корпорацияларга машинасозлик, электрон инженерликка ихтисослашган, Европада машҳур бўлган Швейцария – Швеция АВВ (Asean Brown Boveri) корпорацияларини мисол тариқасида кўрсатиш мумкин. МДХ давлатларида ҳам АВВнинг қўшма корхоналар кўринишидаги бир нечта филиали мавжуд.

Мультимиллий корпорациялар учун бош ва шуъба компаниялар орасидаги муносабатларнинг полицентрик (polycentric) ёки региоцентрик турлари мансуб. Полицентрик тур шу билан тавсифланадики, ташқи бозор – ТМК фаолиятининг ички бозорга қараганда энг кичик эмас, балки яна ҳам муҳим секторидир. Ушбу трансмиллий корпорацияларнинг хорижий филиаллари йирик ва турли хил бўлиб, улар бош компаниянинг маҳсулотини сотибгина колмай, балки ўзларидаги бозорларнинг эҳтиёжларига мос равишда уни жойларда ишлаб чиқарадилар. Хорижий филиалларда, асосан, маҳаллий менежерлар фаолият юритадилар, филиалларнинг ўзлари эса автоном ҳисобланади. ТМКларнинг ушбу тури бошқарув вазифаларининг етарли даражада юқори бўлган демарказлашуви (децентрализация), шуъба корхоналарга ваколатларини бериш билан тавсифланади.

Региоцентрик ёндашувда ТМКлар энди алоҳида мамлакатларнинг бозорларига эмас, балки ҳудудларга, масалан, Франция ёки Буюк Британияга эмас, балки бутун Ғарбий Европага қараб мўлжал олади. Хорижий филиаллар бундай ҳолларда ҳам алоҳида мамлакатларда жойлаштирилганлигига қарамасдан, улар бутун ҳудудни ҳисобга оладилар. ТМКларнинг бу тури интеграцион гуруҳларда машҳур ва шунинг учун МДХ бозорларига умид боғловчи Россия ТМКлари учун алоҳида қизиқиш уйғотиши мумкин.

Халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан ТМКларнинг ажралиб турувчи хусусияти қуйидагилар ҳисобланади:

- биринчи навбатда, чет эл бозорларига ориентацияланиш;
- кўпмиллий акциядорлик капиталининг борлиги;
- кўпмиллий бошқарув марказининг мавжудлиги;
- хорижий филиаллар маъмуриятини маҳаллий шароит билан таниш

ходимлар билан бутлаш.

Глобал корпорация турли мамлакатларда амалга ошириладиган хўжалик фаолиятини интеграциялайди. Ўхшаш компания, жаҳон бозорининг маълум бир сегментига нисбатан қўлланиладиган маҳсулот ёки хизмат кўрсатиш схемасини лойиҳалаштиради ёки битта маҳсулотнинг таркибий қисмларини ҳар хил мамлакатларда ишлаб чиқаради.

Глобал корпорациялар 80 йилларда вужудга келган ва кучайиб боришда давом этмоқда. Улар замонавий жаҳон молия капиталининг барча қудратини намойиш этади. Глобаллашувга энг юқори даражада кимё, электротехника, электроника, нефть, автомобилсозлик, ахборот, банк ва бошқа тармоқлар интилади.

ТМКнинг яна ҳам етук тури – глобал корпорацияларга бош компания ва унинг филиаллари ўртасидаги муносабатларнинг геоцентрик (geocentric) ёндашуви мансубдир. Бу ТМКлар худудий филиалларнинг демарказлаштирилган федерацияси бўлади. Бош компания ўзини ТМК маркази деб эмас, балки бор-йўғи унинг бир қисми деб ҳисоблайди. Геоцентрик ТМКнинг фаолият аренаси бутун дунё ҳисобланади. Фақатгина юқори бошқарув ходимлари геоцентрик ҳолатини ушлаб туришга ҳаракат қилувчи компания кўпмиллий ёки глобал деб аталиши мумкин. Глобал компаниялар ички бозор билан устувор алоқани йўқотади, ишлаб чиқариш ва сотишнинг глобаллашувини халқаро, глобал бизнес ривожланишининг маркетинг дастурлари ва технологиялари базасида амалга оширади, бу эса биринчи навбатда, харажатларни камайтириш ҳисобига жаҳон бозорларидаги рақобатчилик курашида шубҳасиз устуворлик имкониятини беради. Мисол сифатида “Coca-Cola”, “McDonalds”, “Nestle”, “Colgate”, “Marlboro”, “IBM”, “Procter & Gamble”, “Du Pont”, “Mobil”, “Shell”, “Exxon”, “Toyota”, “Daimler Chrysler” ва бошқа компанияларни келтириш мумкин.

Халқаро компанияларнинг ушбу турлари ўртасидаги чегаралар анча ҳаракатчан, битта шаклдан иккинчисига ўтиши мумкин.

Шунингдек, ҳозирги вақтда трансмиллий корпорациялар турларини ташкилий тузилмаси бўйича ажратиш қабул қилинган:

– маҳсулотнинг бир қисмини ишлаб чиқарувчи корхоналари бор бўлган горизонтал интеграциялашган корпорациялар. Масалан, АҚШдаги автомобиллар ишлаб чиқарувчи ёки “Fast Food” корхоналари тармоғи;

– бир мулкдор ва унинг ягона назорати остида якуний маҳсулотни ишлаб чиқаришдаги муҳим тармоқларни бирлаштирувчи вертикал интеграциялашган корпорациялар. Хусусан, нефть саноатида, кўпинча хом нефтни қазиб олиш бир мамлакатда, рафинациялаш бошқа мамлакатда, якуний нефть маҳсулотларини сотиш эса учинчи мамлакатда амалга оширилади;

– ўз ичига вертикал ва горизонтал интеграцияли миллий корхоналарни олувчи диверсификацион трансмиллий корпорациялар. Бундай турдаги корпорацияга мисол қилиб, ўз ишлаб чиқаришининг 90 %и хорижда бўлган ва ўзи ресторан бизнеси, озик-овқат ишлаб чиқариш, косметика, вино ва ҳ.к. ларни сотиш билан шуғулланувчи Швейцариянинг “Nestle” корпорациясини келтириш мумкин.

Энг йирик ТМКларни шакллантириш жараёни, капитални етарли даражада марказлаштиришга эришиш имконини берувчи реал устуворликларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

– ўз тадбиркорлик фаолиятини битта мамлакатда олиб бориб, ўзининг хорижий ресурсларга эҳтиёжини фақатгина экспорт-импорт битимлари орқали қониқтирувчи фирмалар олдида табиий ресурслар, капитал ва билимлар, айниқса, ИТТКИ (НИОКР) натижаларидан фойдаланиш (ёки уларга рухсат олиш) устуворлиги;

– ўз корхоналарини бошқа мамлакатларда уларнинг ички бозори ҳажми, иқтисодий ўсиш суръатлари, ишчи кучининг нархи ва малакаси, қолган

иқтисодий ресурсларнинг нархи ва рухсат берилганлиги, инфратузилмасининг ривожланганлиги, шунингдек, энг асосийси, сиёсий барқарорлик ҳисобланган сиёсий-ҳуқуқий омилларни ҳисобга олган ҳолда оптимал жойлаштириш имконияти;

– ТМК бутун тизими доирасида капитални аккумуляциялаш имконияти, хорижий филиаллар жойлашган мамлакатлардаги қарзга олинган маблағларни ҳисобга олган ҳолда ва уни компания учун энг фойдали бўлган ҳолатлар ва жойларга қўйиш;

– ўз мақсадларида бутунжаҳон молия ресурсларидан фойдаланиш;

– турли мамлакатлардаги товар, валюта ва молия бозорлари конъюнктураси ҳақида доимий хабардор бўлиш, бу эса максимал фойда олиш учун шароитлар яратилаётган мамлакатларга капиталлар оқимини тезкор ўтказиш ва бир вақтнинг ўзида молия ресурсларини минимал хатарлар (миллий валюталар курсининг беқарорлигини ҳисобга олган ҳолда) билан тақсимлашга имкон беради;

– ТМК раҳбариятининг қатъий назорати остидаги доимий равишда такомиллаштириб бориладиган рационал ташкилий тузилма;

– янги иш ўринларини яратиш ва мамлакатдаги ўртача статистик ойлик иш ҳақига нисбатан анча юқори даражасини таъминлаш;

– ИТТКИ (НИОКР)га йирик капитал қўйилмаларини амалга ошириш имконияти;

– фирма обрўсини қўллаб-қувватлашни ҳисобга олган ҳолда, халқаро бошқарув (менежмент) тажрибаси, ишлаб чиқариш ва сотишни оптимал ташкил этиш. Бундай фирмалар самарали фаолиятининг манбалари, одатда, улар компаниянинг активлари ўсиши ва унинг фаолияти диверсификациясига кўра ошиб боради.

Бунда бош компаниянинг хорижий филиаллар билан ишончли ва муҳим бўлмаган алоқаси, хорижий филиалнинг қабул қилувчи мамлакатнинг маҳаллий фирмалари билан ишчи мулоқотлар кенг тармоғи, у томонидан мазкур давлат қонунчилиги томонидан тақдим этиладиган имкониятлардан тўғри фойдалана олиши ушбу манбаларни амалга оширишнинг зарур шартлари ҳисобланади.

ТМКлар фаолият юритишининг ижобий томонлари ҳақида гапирилганда, уларни қабул қилувчи мамлакатнинг иқтисоди ва глобал жаҳон хўжалигига катта ҳисса қўшишини таъкидлаб ўтиш лозим, бу нарса қуйидагиларда намоён бўлади:

– ресурсларнинг барча турларини оптимал тақсимлаш;

– ишлаб чиқаришни оптимал жойлаштириш;

– янги товар ва технологияларни янада фаол тарқатиш;

– рақобатни кучайтириш;

– халқаро ҳамкорликни кенгайтириш.

ТМК ўзининг иқтисодий, молиявий, бошқарув, илмий-техник ходимлари каби қуввати билан, мукамал халқаро маркетинг технологияларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қодир, мазкур технологиялар эса ушбу компаниялар кўламини ҳисобга олган ҳолда яхши даромад келтиради. Ҳам

уларнинг ўзлари, ҳам улар томонидан яратилadиган маҳсулотларнинг жаҳондаги юқори рақобатбардошлигини таъминлайди.

Халқаро маркетинг фаолиятида ТМКлар, янги маркетинг технологияларини яратувчилар маҳсулотлар глобаллашуви, истеъмолчилик афзалликлари ва турмуш тарзини стандартлаштириш двигателлари сифатида ижобий бошланишни олиб бордилар.

ТМКларнинг жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида фаолият кўрсатишининг ижобий томонларини таъкидлаб ўтиб, уларнинг фаолият кўрсатаётган мамлакатларининг иқтисодига бўлган салбий таъсирини ҳам айтиб ўтиш лозим. Кези келганида, трансмиллий корпорациялар фаолияти қабул қилувчи мамлакат учун йирик йўқотишлар юз беришига олиб келиши мумкин. Салбий таъсирнинг асосий омилларига қуйидагилар киради:

– ТМКлар, одатда, давлат манфаатлари ҳисобланган соҳаларга кириб боради. Уларнинг фаолият кўрсатиш доираси ва ТМК жойлашган мамлакат манфаатларини қабул қилувчи мамлакатнинг манфаатлари билан мос келмаслигини ҳисобга олиб, улар ўзлари фаолият олиб бораётган мамлакатнинг иқтисодий сиёсатига қаршилик кўрсатиш, ҳамкор мамлакатнинг ташқи иқтисодий соҳасини бузиб юбориш (дезорганизация)га қодир;

– ТМКлар солиққа тортиш соҳасида миллий қонунчиликни айланиб ўтишга қодир, бунинг натижасида эса қабул қилувчи мамлакатнинг давлат ва маҳаллий бюджетларига маблағлар тўлиқ келиб тушмайди. Трансферт нархларни қўллаб, турли мамлакатларда фаолият олиб бораётган ТМКлар ўз даромадларини усталик билан бир давлатдан бошқа давлатга кўчириб, ҳақиқий даромадни солиққа тортиш тизимидан яширади;

– ТМКлар монополия нархларини ўрнатиб, қабул қилувчи мамлакатларнинг манфаатларини пастга урадиган шартларни қўйишга қодир;

– кўпинча ТМК фаолияти қабул қилувчи мамлакатнинг табиий ва меҳнат ресурсларидан шафқатсиз фойдаланиши билан тавсифланади;

– қоида бўйича, ТМКлар, жойлашиш мамлакатида илмий тадқиқотлар ва техник ишланмаларни концентрациялайди, бунинг натижасида эса қабул қилувчи мамлакатлар ўз фан, техника ва технологияларини ривожлантиришда ортда қолиб кетади.

Шу сабабли ТМК фаолиятини, ўйин нормалари ва қоидаларини тартибга солувчи тизим яратишга зарурат туғилмоқда. Ушбу режага кўра, ТМК марказлари дислокация қилинган ва уларнинг хорижий фаолияти кенгайиб бораётган давлатларнинг монополияга қарши қонунчилиги ҳам ТМКларга ижобий таъсир кўрсатади.

7.3. Ҳозирги кунда ТМКларнинг жаҳон хўжалиги муносабатларида тутган ўрни

Халқаро бизнес учун трансмиллий компанияларнинг аҳамият жуда ҳам катта, чунки улар бир вақтнинг ўзида халқаро бозордаги асосий субъект, асосий ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади.

Халқаро корпорацияларнинг роли ҳақида қуйидаги кўрсаткичлар бўйича фикр юритиш мумкин: 2015 йилда уларнинг хорижий филиалларида ишлаб чиқарилган қўшимча қиймат 7,9 трлн. долларни ташкил этди, ТМКнинг халқаро савдодаги улуши товар ва хизматларнинг бутун жаҳон экспортининг бор-йўғи 25 %ини ташкил қилди, алоҳида ривожланган давлатларнинг экспорти ва импортида эса у 80 %га етган. ТМКлар хорижий тузилмаларининг сотув ҳажмлари 1990 йилдан 2015 йилгача бўлган давр мобайнида 7 баравардан ортиқроққа ошган: 5,1 дан 36,6 трлн. долларгача.

Сотув ёки ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажмлари 50 млрд. доллардан ортиқ бўлган дунёдаги 166 та хўжалик субъектларидан 106 таси ТМК томонидан, қолган 60 таси давлат томонидан ифодаланган.

Бунда нисбатан йирик бўлган ТМКларда капиталнинг концентрациялашуви кузатилади. БМТСРК (ЮНКТАД)нинг маълумотларига кўра, 1995 йилдан 2015 йилга қадар, жаҳон ЯИМи 152 %га ошганда, 100 та энг йирик ТМКнинг хорижий активлари эса 214 %га ошган. Умуман олганда, уларга хорижий активлар умумий сонининг 10 %и, банд бўлганлар сонининг 11 %и ва барча ТМК сотуви умумлаштирилган ҳажмининг 16 %и тўғри келади. Мазкур компанияларнинг хорижий тармоғига жаҳон ЯИМининг тахминан 4 %и тўғри келади.

Бугунги кунда ТМКлар жаҳон иқтисодидаги эркин капиталнинг 80 %ини назорат қилади ва миллий иқтисодиётларга асосий инвестор ҳисобланади. Шунингдек, улар халқаро капиталнинг истеъмочилари сифатида ҳам намоён бўлади.

ТМКларнинг жаҳон иқтисодидаги кучи ва ролининг ўсиб боришини корпорациялар хорижий филиалларининг шаклланиш тезлиги билан ифодалаш мумкин. 1991 йилда дунёда 25 мингта ТМК ва 150 мингта филиаллари бўлган, 2003 йилда эса 61 мингта ТМК ва 900 мингта филиаллари. Яъни 10 йилдан ортиқ вақт мобайнида бош компанияларнинг сони 74 %га ошган, филиаллар сони эса шу вақтнинг ўзида 6 бараварга кўпайган. Агарда 1991 йилда битта корпорацияга хориждаги филиаллар сони ўрта ҳисобда 4,3 тўғри келган бўлса, 2003 йилда бу кўрсаткич 14,7 ни ташкил этган.

Ундан кейинги йилларда турли сабаблар таъсири остида ушбу жараён секинлашди ва корпорациялар ҳамда уларнинг филиаллари сони, корпорацияларни йириклаштириш, бирлаштириш ва ўзига олиш ҳисобига барқарорлашди: 2010 йилда 104 мингта ТМК ва 892 мингта филиал бўлса, 2015 йилда уларнинг сони 80 мингта корпорация ва 800 мингта филиални ташкил этган.

Халқаро корпорацияларнинг *бошқарув тузилмаси* бош компания ва бир неча турга бўлинувчи ҳамда мақоми бўйича фарқланувчи катор хорижий филиалларнинг ўзаро ҳаракатланиш асосида қурилади:

- бўлинмалар – уларнинг 100 % капитали бош компанияга тегишли ва улар қабул қилувчи давлатнинг қонунлари бўйича, юридик шахс ҳисобланмайди;

- шуъба компаниялар қабул қилувчи давлатнинг қонунлари бўйича шахсий балансга эга бўлган юридик шахс ҳисобланади, лекин бош компанияга, унинг фаолияти назоратини олиб борувчи улуш тегишли бўлади;

- уюшма (ассоциациялашган) компаниялар – худди шундай, фаолият юритаётган давлатининг қонунчилиги бўйича юридик шахс бўлиб, бош компания билан битим асосида боғлиқ ва бундай компаниянинг фаолияти, умуман олганда, мустақил характерга эга.

Етакчи корпорацияларнинг хорижий инвестицион фаолияти, ҳозирги вақтда қуйидаги бир қатор муҳим йўналишлар бўйича тақсимланади:

- “триада” ичидаги етакчи мамлакатларнинг ўзаро инвестициялари: АҚШ – Япония – Ғарбий Европа;

- ривожланган мамлакатлардан ривожланаётган ва ўтувчи давр мамлакатларига инвестициялар;

- ривожланаётган мамлакатлардан ривожланаётган мамлакатларга инвестициялар;

- ривожланаётган мамлакатлардан ривожланган мамлакатларга инвестициялар.

Охирги икки йўналиш, айниқса, бизнинг давримизда фаоллашди ва ривожланаётган мамлакатлардаги ТМКларнинг жаҳон аренасига чиқиши билан боғлиқдир.

Тармоқ тузилмасининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, хорижий инвестицияларнинг энг катта оқими: электроника ва электротехника саноати; автомобилсозлик; нефтни қайта ишлаш; кимё; фармацевтика; озиқ-овқат; хизматлар каби соҳаларга йўналтирилган.

Умуман олганда, ТМК жаҳон саноат ишлаб чиқаришининг 50 %ини таъминлайди. Жаҳон савдосининг 70 %и ТМКларга тўғри келади ва шу савдонинг 40 %и ТМКлар ичида амалга ошади, яъни бозор нархлари ва бозорнинг босими остида эмас, аксинча, бош корпорациянинг узок муддатли сиёсати билан аниқланадиган трансферт деб номланувчи нархларда амалга оширилади. ТМК асосий капиталнинг тўғри чет эл инвестициялари шаклида олиб чиқиб кетилишини амалга оширади. Жаҳоннинг ИТТКИ (НИОКР)га кетадиган харажатларнинг асосий қисми ТМК орқали ўтади. ТМК жаҳонда мавжуд бўлган патентлар, лицензиялар ва ноу-хауларнинг тахминан 4/5 қисмини назорат қилади.

ТМК сони юқори суръатлар билан ўсиб бормоқда. ТМКларнинг кўпчилиги саноат компанияларидир (“Toyota Motor Corporation”, “Ford Motor Company”, “General Electric”). Жуда катта ТМК баъзи бир мамлакатларнинг бюджетидан ортиқ бюджетга эга. Алоҳида мамлакатларнинг ялпи миллий маҳсулотининг ТМК орқали ҳар йилги сотувлари ҳажми солиштирилганда, “General Motors” Швейцария, Покистон ва ЖАРдан, Royal Dutch Shell эса Эрон, Венесуэла ва Туркиядан кўра бойлиги аниқланди. Американинг “Wal-Mart” ТМКси ишлаб чиқариш ҳажми Польша, Исроил ва Греция ишлаб чиқаришларининг умумлаштирилган ҳажмидан ошиб кетади. Япониянинг “Mitsubishi” компанияси худди шу параметр – ўзининг ишлаб чиқариш ҳажми

бўйича – аҳоли сони бўйича жаҳонда тўртинчи ўринни эгаллаб турувчи Индонезиядан ўзиб кетади.

Экспертлар 500 та энг йирик глобал компанияларни ажратадилар. Етакчи ўринлар Америка ТМКларига тегишли (140 та компания), ундан кейин – Япония (67), Франция (40), Германия (39), Хитой (37), Британия (26). БРИК мамлакатларининг ТМКлари динамик равишда ривожланиб бормоқда (Бразилия (6), Россия (8), Ҳиндистон (7) ва Хитой).

7.1-жадвалда “Forbes” журнали бўйича 2017 йилги сотувлар ҳажми ва соф фойда бўйича дунёнинг 10 та энг йирик компаниясидан ташкил топган рўйхат келтирилган. Катта миқдордаги молиявий маблағларининг кучи, жамоатчилик билан алоқа, сиёсий лобби сабабли ҳудудларда ТМК катта таъсирга эга.

7.1-жадвал

Дунёдаги Глобал Трансмиллий корпорациялар

Т/р	Компания	Мамлакат	Сотув ҳажми (миллиард доллар)
1.	<u>Antofagasta</u>	Буюк Британия	Кўп тармоқли металллар ва кон
2.	<u>Global Logistic Properties</u>	Сингапур	Кўчмас мулк
3.	<u>Philip Morris International</u>	АҚШ	Тамаки
4.	<u>ASML Holding</u>	Нидерландия	Полупроводниклар
5.	<u>Novo Nordisk</u>	Дания	Фармацевтика
6.	<u>Pandora</u>	Дания	Шахсий парвариш
7.	<u>Syngenta</u>	Швейцария	Махсус кимёвий моддалар
8.	<u>Hon Hai Precision</u>	Тайвань	Электроника
9.	<u>UCB</u>	Бельгия	Фармацевтика
10.	<u>Givaudan</u>	Швейцария	Шахсий парвариш

Инновацион иқтисодиётнинг шаклланишида ТМКнинг билимларни умумлаштириш, трансформациялаш ва тижоратлаштириш каби юқори даражадаги қобилиятида намоён бўлувчи роли ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу аксарият ривожланган ва бир қатор ривожланаётган давлатлардаги ИТТКИ (НИОКР)нинг хорижий молиялаштирилишининг ўсган улуши, шунингдек, бундай фаолият учун қулай бўлган ҳудудларда глобал корпорациялар бўлинмаларининг янада кўпроқ ташкил этилишида намоён бўлади.

Таъкидлаганимиздек, ТМК иқтисодий ва илмий салоҳиятининг ўсиши, уларни бутун жаҳон хўжалик алоқаларининг мажмуига таъсир этиш даражаси кучайиши кузатилмоқда. Шу билан бирга, ТМК таъсири етарли даражала қарама-қарши ва бир хил эмас. Шундай қилиб, улар томонидан қабул қилдириладиган меҳнатнинг халқаро бўлинишида, кўпинча, ҳамкорларнинг тенг эмаслиги ва уларнинг жаҳон бозоридаги имкониятлари асимметриклигини мустаҳкамлайди. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, ўзининг жойлашган мамлакатларида ТМК филиаллари қатъий рекламаси орқали ҳаддан зиёд истеъмол қилиш, консюмеризм (истеъмолчилар ҳуқуқларини кенгайтириш ва

ҳимоя қилишни ўзига мақсад қилган ташкилий жамоатчилик ҳаракати) жорий қилиб, шу орқали маданиятнинг шаклланишига сабабчи бўлади. Атроф-муҳитни ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчилик кучсиз бўлган мамлакатларда ТМК ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга интилиб, тозаловчи қурилмалар, ерларни қайта культивациялаш ва ҳ.к.лар билан шуғулланмайдилар. Масалан, ТМК тарқоқ олтинни қазиб олиш билан машғул бўлган Мўғулистонда деярли 97 % ҳудудда ерларнинг қайта культивацияси ўтказилмайди, Туул дарёсининг водийсида эса 4 500 га ерлар¹ бузилган. Ижтимоий, экологик, маданий ва бошқа соҳаларда ТМК фаолияти натижаси сифатида бошқа кўплаб муаммолар ҳам вужудга келади, аммо улар кўпинча қабул қилувчи давлатда назоратнинг йўқлиги ёки кучсизлиги билан боғлиқ.

Хулоса

Трансмиллий корпорация – ўз фаолиятида халқаро ёндашувдан фойдаланувчи ҳамда жойлашган мамлакатдаги қарорлар қабул қилиш ягона маркази ва бошқа мамлакатларда филиаллари мавжуд бўлган ишлаб чиқариш, савдо ва молиявий мажмуа. БМТ экспертлари фикрига кўра, ТМКлар “жаҳон иқтисодиётининг ҳаракатлантирувчи кучидир”.

ТМК ривожланиш тарихини замонавий кўринишига кўра бир нечта босқичга бўлиш мумкин. *Биринчи босқич*, XIX асрнинг ўрталари – 1914-1918 йиллардаги Биринчи жаҳон урушининг бошланиш даврига таққосланади. *Иккинчи босқич* – корпорациялар фаолият соҳасини чет эл давлатларига чиқариш ҳисобига уни кенгайтирган, яъни Икки жаҳон уруши оралиғидаги давр (1918 – 1939 йй.). Учинчи босқич – ҳозирги кунгача ўз моҳиятини йўқотмаган халқаро институтларнинг шаклланиши, икки қутбли дунёни яратиш (ССРИ ва АҚШ), Буюк Британия, Франция, Нидерланд, Испания каби мустамлака империяларининг парчалана бошлаши ва уларнинг аввал ҳукмронлик қилган давлатларининг ўз мустақиллигига эришиши билан боғлиқ бўлган урушдан кейинги давр (1945 йилдан бошлаб) билан боғлаймиз. ТМКлар ривожланишидаги *тўртинчи босқични* биз 1970 йилларнинг бошланиши – 1980 йилларнинг охири деб белгилаймиз. Унинг бошланишини урушдан кейинги йилларда амал қилган Бреттон-Вуд тизимининг касод бўлиши, халқаро валюта-кредит ва молиявий муносабатларнинг эркинлаштирилиши, энг йирик капиталистик ва ривожланаётган мамлакатлардаги иқтисодий инқирозлар кетма-кетлиги билан боғлаш мумкин. *Бешинчи босқичнинг* бошланишини, бизнинг фикримизча, 1990 йилларнинг биринчи ярми билан боғлаш мумкин. Ушбу йиллар, ягона жаҳон иқтисоди тизимини яратган ва жаҳон майдонидаги кучлар жойлашувини тўлиқ ўзгартириб юборган глобал миқёсдаги воқеалар – СССРнинг парчаланиши, Берлин деворининг қулаши ва социалистик лагернинг тугатилиши билан муҳрланиб қолган.

Корпорациялар миллий ва трансмиллийга бўлинади, трансмиллийлар эса ўз навбатида, халқаро (интернационал), кўпмиллий (мультимиллий) ва глобал корпорацияларга бўлинади. Корпорацияларнинг ушбу тўрт тури амалда уларнинг ривожланиш босқичларини акс эттиради: миллийдан халқаро

(интернационал) компанияга, халқаро (интернационал) компаниядан кўпмиллийга ва энг охиргисидан глобал корпорацияга.

ТМКларнинг жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида фаолият кўрсатишининг ижобий томонлари қаторида уларнинг фаолият кўрсатаётган мамлакатларининг иқтисодига бўлган салбий таъсири ҳам мавжуд.

Бугунги кунда халқаро корпорацияларнинг роли катта, улар жаҳон иқтисодидаги эркин капиталнинг 80 %ини назорат қилади ва миллий иқтисодиётларга асосий инвестор ҳисобланади. ТМК иқтисодий ва илмий салоҳиятининг ўсиши уларнинг бутунжаҳон хўжалик алоқаларининг мажмуига таъсир этиш даражасини кучайтирмоқда.

Таянч иборалар: халқаро трансмиллий корпорациялар, халқаро трансмиллий корпорацияларнинг ривожланиши, халқаро иқтисодий ташкилотлар, глобаллашув, халқаро трансмиллий корпорацияларни турлари.

Назорат саволлари

1. Жаҳондаги халқаро корпорацияларнинг ривожланиш ва ўсишининг таклиф этилган даврийлиги ҳақида сиз қандай фикрдасиз?

2. Трансмиллий компаниялар классификациясини мисоллар келтириб тушунтириб беринг.

3. ТМКларнинг жаҳон хўжалиги муносабатларида тутган ўрнини тушунтириб беринг.

4. <http://www.forbes.com/> ва <http://beta.fortune.com/global500/> сайтларини очинг, жаҳоннинг энг йирик корпорациялари қайси мезонлар бўйича ранжировка қилинишини кўриб чиқинг, рейтингнинг биринчи ўнталигига қайси мамлакатлар ва қайси соҳалардаги ТМК кирган?

5. ТМКнинг қабул қилувчи мамлакатлар иқтисодиётига ўтказган ижобий/салбий таъсирига мисоллар топинг.

VIII бoб. ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ, КЛАССИФИКАЦИЯСИ ВА РИВОЖЛАНИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Эркин иқтисодий зоналар дунёнинг кўплаб мамлакатларида иқтисодий фаолликни рағбатлантириш учун қўлланиладиган воситадир. Бу халқаро меҳнат тақсимооти янги (глобал) моделининг энг кенг тарқалган шаклларида биридир. Эркин иқтисодий зоналар дунёнинг қолоқ ҳудудлари ва мамлакатларни савдосотиқ, иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликнинг чексиз дунёсига киритиш учун зарур даражага кўтарилишига ёрдам беради.

Эркин иқтисодий зоналар улар фаолият юритаётган мамлакатлар иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатади. Мисол сифатида Хитой, Бразилия, Мексикани келтириш мумкин. Эркин иқтисодий зоналар ички ва ташқи капитални жалб қилиш, сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам беради.

Эркин иқтисодий зоналар механизмлари доимо яхшиланиб, жаҳон иқтисодиётидаги ўзгаришларга жавоб беради. Сўнгги ўн йилликда глобаллашув ва минтақавийлаштириш жараёни эркин иқтисодий зоналарга сезиларли таъсир кўрсатди. Ривожланган мамлакатларда юқори технологиялар, технополуслар, технопарklar ва инновацион марказлар кенг тарқалмоқда. Ривожланаётган мамлакатлар ишлаб чиқаришни ва ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантиришга йўналтирилган ҳудудларни яратиш билан тавсифланади.

8.1. “Эркин иқтисодий зоналар” тушунчаси ва ривожланиш босқичлари

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичи ва хусусан, халқаро савдонинг ривожланиши миллий иқтисодиётнинг интеграциялашуви, эркинлашуви ва очиклик даражасининг ортиши билан тавсифланади. Ҳозирги даврда дунёнинг кўпчилик мамлакатлари ўзининг халқаро меҳнат тақсимооти иштирокини кенгайтириш учун унинг ноанъанавий шакллари жорий этишдан фойдаланмоқда. Экспортга йўналтирилган ихтисослашув ҳозирда фақат саноат жиҳатидан ривожланган мамлакатларгагина хос бўлмай, деярли барча янги саноатлашган мамлакатлар, айрим ўтиш иқтисодиётли ва ривожланаётган мамлакатлар ҳам худди шу йўлни танламоқда. Экспортга йўналганлик стратегиясининг асосий ташкил этувчи унсурларидан бири эркин (махсус) иқтисодий ҳудудларни ташкил этишдир. Эркин иқтисодий ҳудудлар маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб этиш, тўлов балансини яхшилаш, ва ниҳоят, миллий иқтисодиётни ривожлантириш, жаҳон иқтисодиётига самарали интеграциялашув мақсадида ташкил этилади.

Эркин иқтисодий зоналар (ЭИЗ) деганда, чет эл капитал қўйилмаларини жалб қилиш ва бозорни шакллантиришга йўналтирилган имтиёзли режимлар (божхона, солиқ-кредит, виза ва шу кабилар) яратилган миллий ҳудуднинг бир қисми тушунилади.

К.А. Семеновнинг фикрига кўра, ЭИХ деб, “бу шундай географик ҳудудки, давлат унга бошқа қисмларига қараганда кўпроқ имтиёз яратиб беради. Бошқача қилиб айтганда давлат, бу ҳудудга бошқа қисмларга қараганда камроқ аралашади ва бу ҳудудда аниқ бир имтиёз тартиблари ҳукмрон бўлади.

ЭИХнинг бу изоҳидан шу кўриниб турибдики, эркин иқтисодий ҳудудда минимал даражада иқтисодиётга давлат таъсири бўлади. К.А. Семеновнинг бу ҳудудга аниқ таърифи шундай эди: “бу ҳудудда миллий иқтисодиёт устунлик қилиб, давлатнинг айнан шу қисмида имтиёзлар тизими бўлиб, давлатнинг бошқа ҳудудлари бу имтиёздан фойдалана олмайди”.

“Эркин иқтисодий ҳудуд” китоби муаллифлари В. Игнатов ва В. Бутовлар эса бунга ўз изоҳини киритишди: “эркин иқтисодий ҳудудлар – чегараланган ҳудуд, сув ва ҳаво портларида бошқа ҳудудга қараганда бошқача имтиёз берилади, бу имтиёзлар миллий ва чет эл тадбиркорларига тааллуқли бўлади, бу имтиёзлар уларга ташқи савдони умумиқтисодий фан ва техника ҳамда фан ва технологияларга оид масалаларни ҳал этишда кўмаклашади”².

ЭИХга оид кенг фикрни иқтисодчи олимлардан Т.П. Данко ва З.М. Округлар берган. Уларнинг таъкидлашича: “ЭИХ деганда, давлатнинг асосий қисми бўлган ҳамда иқтисодий товар ва хизматлар ишлаб чиқариладиган давлатнинг суверен қисми тушунилади, у ерда ишлаб чиқариш ва жамоат истеъмолини тарқатишни таъминлаш тушунилади”³.

Мутахассисларнинг баҳосига кўра, эркин иқтисодий зоналар ривожланиши уч босқични ўз ичига олади:

Биринчи босқич, XV асрнинг охиридан бошланиб, XX асрнинг ўрталаригача давом этган. XVII-XVIII асрларда Европанинг кўпгина шаҳарларида (Италиянинг Неаполь ва Венеция, Франциянинг Дюнкерк, Даниянинг Копенгаген, Португалиянинг Бордо шаҳри ва ҳ.к.) тарқалган эркин портлар ва эркин савдо зоналари кўринишида намоён бўлган. Денгиз кемачилиги ва халқаро савдонинг ривожланиши билан, янги ерларни забт этиш ва мустамлакалаштириш вақтидан бошлаб, Англия ўзинининг мустамлакасини (Гибралтар) эркин порт деб эълон қилди; кейинчалик эса мустамлакачилар томонидан босиб олинган Танжир, Аден, Джи бути, Гоа, Сингапур, Гонконг, Макао ва бошқа муҳим портлар эркин портлар ва эркин савдо зоналарига айланиб борди. XX асрнинг бошида Уругвай, Мексика, АҚШнинг ўзида эркин савдо зоналари пайдо бўлди (70 га яқин ЭИЗ).

Иккинчи босқич XX асрнинг 50 йилларидан бошлаб, 70 йилларигача бўлган даврни қамраб олади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин давлатлар эркин бандаргоҳлар ёки ихтисослаштирилган иқтисодий зоналарни яратишга киришдилар. Ушбу даврдаги ЭИЗнинг асосий шакли экспорт ишлаб чиқариш зонаси ҳисобланган.

Мазкур зоналар доирасида қўшма тадбиркорлик зоналари (Болгария, Венгрия, Югославия), тадбиркорлик зоналари (Англия), эркин тадбиркорлик зоналари (АҚШ), ихтисослаштирилган иқтисодий зоналарни (ХХР) ажратиш

² Игнатов В. Свободные экономические зоны. – М.: Ось-89, 1997.

³ Данько Т.П., Округ З.М. Свободные экономические зоны. – М.: Инфра-М, 1998.

мумкин. Экспорт-ишлаб чиқариш зоналарининг тез авж олиб ривожланиши, меҳнатнинг халқаро бўлинишида фаол иштирок этиш билан боғлиқ эди: ривожланаётган мамлакатларга ривожланган мамлакатларнинг капитали, техникаси зарур эди. Шундай қилиб, ушбу босқичдаги ихтисослаштирилган иқтисодий зоналарнинг асосий хоссаси – эски ЭИЗларни тиклаш ва янгиларини яратиш, айнан, уларни анъанавий тарзда импортни кучайтиришга йўналганлардан – экспортни кучайтиришга (даврнинг охирига келиб, 240 тага яқин экспорт-ишлаб чиқариш зоналари яратилган) йўналган эркин иқтисодий зоналарга айлантириш бўлди.

Учинчи босқич XX асрнинг 80 йилларидан ҳозирги вақтгача давом этиб келмоқда. Мазкур босқичнинг ўзига хослиги – ЭИЗнинг фанга йўналганлиги (ишлов берувчи ишлаб чиқаришга эга бўлган экспортга йўналтирилган ЭИЗлар борган сари илмий-техник йўналишга эга бўла бошлади).

Техник янгиликларни яратишни тезлаштириш ва арзонлаштириш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, янги иш ўринлари – илмий-технологик зоналар: технополислар (Японияда), технопарклар (АҚШ), илмий парклар, технологик ва ишбилармонлик марказларини ташкил этишга йўналган ЭИЗ кенг тарқалмоқда. Кўп вазифалилик характериға эга бўлган, фаолиятнинг турли йўналишларини ўз ичига олган мажмуа (комплекс) ЭИЗлар одатий тусға кириб бормоқда. Улар фаолият миқёси, жалб этиладиган капиталнинг катта объектлари: Бразилиядаги “Манаус”, Аргентинадаги “Оловли ер” ва Хитойдаги махсус иқтисодий зоналар билан тавсифланади.

Ушбу босқич эволюцион босқич бўлиб, унда экспорт-ишлаб чиқариш зоналари, технопарк (комплекс) зоналарига трансформацияланади. Ҳудудларнинг мақсади, талаби ва фаолиятига кўра технопаркларнинг бир нечта ташкилий тузилмаларини ажратадилар: илмий парк, инновацион марказ, тижорат парки, технологик кутб (полюс), технологик округ, саноат парки, бизнес-инкубатор, илмий-техник парк⁴.

8.2. Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш мақсадлари

Жаҳон амалиётидан маълумки, ЭИЗ турли мақсадларга эришиш учун ташкил этилади.

Биринчидан, ЭИЗ ташкил этишдан мақсад миллий иқтисодиётнинг халқаро меҳнат тақсимооти жараёнига чуқур интеграциялашувини таъминлаш ҳисобланади. Рақобатбардош экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқариш орқали валюта тушумларини кўпайтиришга эришилади. Агар мамлакат қандайдир сабабларга кўра хорижий тадбиркорлик капитали учун иқтисодиётнинг эркинлашувини таъминлай олмаса, унда эркин иқтисодий зона ташкил этиш орқали хорижий инвесторларга қулай инвестиция муҳитини яратиши мумкин.

Иккинчидан, ЭИЗ биринчи навбатда импорт ўрнини қопловчи маҳсулот ишлаб чиқариш, ички бозорни юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш

⁴ Свободные экономические зоны: становление и развитие [монография]. / Т.Г. Мотовиц, Р.В. Мотовиц. – Хабаровск: Изд-во Тихоокеан. гос. ун-та, 2017. – 170 с.

учун ташкил этилади. Ушбу мақсадларга эришиш учун ҳудудда хорижий капитал ёрдамида импорт ўрнини қопловчи ишлаб чиқариш барпо этилади.

Учинчидан, ЭИЗни махсус ташкил этишда халқаро меҳнат тақсимотида товар ишлаб чиқариш тармоқлари билан биргаликда туризм, маданият ва санатория-курорт соҳаларининг интеграциялашуви ҳам кўзда тутилади.

Тўртинчидан, ЭИЗ ишлаб чиқаришга хорижий технологиялар ва миллий илмий-техник янгиликларини татбиқ этиш орқали бутун миллий иқтисодиётда ундан фойдаланишни назарда тутди.

Бешинчидан, ривожланаётган мамлакатлар учун малакали кадрлар тайёрлаш ва ўқитишни назарда тутди.

Олтинчидан, махсус иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш бирор ҳудуд ёки соҳанинг иқтисодий ривожланишини рағбатлантиришни кўзда тутди. Мисол учун, АҚШ ва Буюк Британияда махсус иқтисодий ҳудудлар XX асрнинг 80 йилларида иқтисодий турғунлик ҳолатидаги ҳудудларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун ташкил этилган. Ушбу ҳудудларда ишбилармонларга мамлакатнинг бошқа ҳудудларига нисбатан молиявий имтиёзлар ва хўжалик фаолияти эркинлиги берилди. Ушбу дастурлар хорижий капитални жалб этишни рағбатлантириш учун махсус йўналтирилган. Шу мақсадда қолоқ ҳудудларни ривожланган ҳудудларга айлантиришда асосий эътибор хорижий капитални жалб этишга қаратилади.

Еттинчидан, айрим мамлакатларда эркин иқтисодий ҳудуд иқтисодиётни модернизация қилишнинг минтақавий усули сифатида қаралади.

ЭИЗни яратувчи мамлакатларнинг мақсадлари турли хил бўлиши мумкин. Бир хил мамлакатлар зоналардан интеграцион иқтисодий механизм сифатида, бошқалари хорижий технологияни жалб қилиш мақсадида, учинчилари ижтимоий зўриқишни камайтириш учун фойдаланадилар. Аммо ЭИЗни ташкил этиш мақсад ҳамда вазифаларининг хилма-хиллигига қарамай, уларни иқтисодий, ижтимоий ва илмий-техникларга ажратиш мумкин.

Иқтисодий мақсад ва вазифаларга қуйидагилар киради:

- 1) миллий бозорни жаҳон хўжалик тизимига янада чуқур жалб этиш;
- 2) рентабеллиги юқори ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун хорижий ва миллий инвестицияларни жалб этиш;
- 3) экспорт маҳсулоти чиқаришни кенгайтириш учун меҳнатнинг халқаро бўлиниши имтиёзларидан фойдаланиш;
- 4) мамлакат бюджетига валюта тушумларини кўпайтириш.

Ижтимоий мақсадларга қуйидагилар киради:

- 1) қолоқ минтақаларнинг комплекс ривожланиши;
- 2) иш ўринлари сонини кўпайтириш ва аҳолининг бандлигини таъминлаш;
- 3) малакали миллий ишчи, муҳандис, хўжалик ва бошқарув кадрларини ўқитиш ва тайёрлаш;
- 4) миллий бозорни юқори сифатли товарлар билан тўлдириш.

Илмий-техник мақсадлар ўз ичига қуйидагиларни олади:

- 1) энг янги хорижий ва маҳаллий технологиялардан фойдаланиш;

2) бошқарув меҳнатининг янги шакллари, муҳандис-техник марказларининг тажрибаси ва илмий-тадқиқот ютуқларини жалб этиш;

3) ишлатилаётган ишлаб чиқариш қувватлари, инфратузилма ва конверсия комплексларининг унумдорлигини ошириш.

8.3. Эркин иқтисодий зоналарнинг асосий турлари

Махсус иқтисодий зоналар ўзининг умумий мақсадларига кўп ўхшаш, бироқ уларнинг функциялари хилма-хил ҳисобланади. Махсус иқтисодий зоналарнинг турли-туманлиги, уларнинг вужудга келиши ва ривожланиши қатор омилларга боғлиқ.

Жаҳон амалиётида эркин иқтисодий зоналар хўжалик фаолиятининг ихтисослашувиغا кўра қуйидаги турларга ажратилади: эркин савдо зоналари, саноат-ишлаб чиқариш зоналари, илмий-технологик (технопарклар, технополислар), офшор марказлар, иқтисодий-экологик ва тор соҳага ихтисослашган зоналар (туризм) ва комплекс зоналар (1-расм).

Эркин иқтисодий зоналарнинг биринчи шакли **эркин савдо зонаси (ЭСЗ)** ҳисобланади. Бу денгиз порти ёки аэропортда жойлашган ёки унга яқин чегараланган ҳудуд бўлиб, миллий божхона ҳудудидан ташқарида бўлади. Бу ерда саклаш, саралаш ва қадоклаш операциялари амалга оширилади. Эркин савдо зоналарида маҳсулотлар намоёйиши ва кейинчалик сотилиши ҳам кўзда тутилади. Бунда маҳсулот фақат улгуржи савдо шаклида сотилади. Чакана савдо фақат денгиз ва ҳаво кемалари экипажи ва йўловчиларига сотилади, бошқа ҳолларда эса тақиқланади. Бундай зоналар катта инвестициялар талаб қилмайди ва тезда харажатни қоплайди.

Эркин савдо зоналарини ташкил этишдан мақсад – савдони рағбатлантириш, савдо операцияларини тезлаштириш, савдо харажатларини қисқартириш, ташқи ва транзит савдони ривожлантириш.

Ушбу зоналардаги асосий сиёсат – божхона тўловларидан озод қилиш. Уларга: эркин портлар, эркин савдо зоналари, божсиз зоналар, эркин банк зоналари, эркин суғурта зоналари, эркин тадбиркорлик зоналари киради.

Экспорт-ишлаб чиқариш зоналари. Экспорт-ишлаб чиқариш зоналари миллий божхона ҳудуди доирасидаги анклавлар сифатида тавсифланади. Мазкур ҳудудлар, одатда, халқаро портларга яқин жойлаштирилади ва асбоб-ускуналар, йиғиш учун зарур эҳтиёт қисмлар ва материаллар ҳудудга иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмаган ҳолда олиб кирилади. Импорт қилинаётган маҳсулот экспорт-ишлаб чиқариш зонасида қайта ишланади ва қабул қилувчи томоннинг божхона аралашувисиз экспорт қилинади. Божхона божини тўлаш фақат маҳсулот қабул қилувчи мамлакатнинг миллий божхона ҳудудига кириб борсагина амалга оширилади. Бундай зона ҳукуматнинг алоҳида қарорлари асосида ташкил этилади. Ушбу қарорда ҳудудни бошқаришни шакллантириш масалалари, қўшимча имтиёзларни жорий этиш ҳамда бошқа ташкилий масалалар акс эттирилади. Экспорт-ишлаб чиқариш зонасини ташкил этиш логистика, коммунал ва ижтимоий инфратузилмани

яратиш, ҳудуд чегараларини ўраб олиш ва божхона назоратини таъминлаш билан боғлиқ бўлган катта миқдордаги молиявий харажатларни талаб этади.



8.1-расм. Эркин иқтисодий зоналарнинг асосий турлари⁵

Экспорт ишлаб чиқариш зоналари (махсус, экспортни рағбатлантириш зоналари), экспорт қилинадиган ёки импортнинг ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариладиган махсус божхона режимли ҳудудларда ташкил этилади. Мазкур зоналар сезиларли солиқ ва молия имтиёзларидан фойдаланадилар:

1. Божхона тўловларини камайтириш ёки бекор қилиш (бир неча йилга даромад солиғи ёки бошқа солиқлар тўлашдан озод этилади, бунда солиқ имтиёзларининг қиймати турли омилларга боғлиқ бўлади – келиб тушаётган хорижий валютанинг миқдори, татбиқ этилаётган жиҳознинг технологик даражаси, яратилган иш ўринларининг сони).

2. Солиққа тортилиши лозим бўлган даромадлар турли ажратмалар (илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари (ИТТКИ)га, ишчи кадрларни тайёрлашга харажатлар).

⁵ Вахабов А.В. и др. Хорижий инвестициялар. – Т.: Молия, 2010 йил. 184-бет.

Ушбу зоналарнинг ўзига хослиги шундаки, имтиёзли валюта-молия ва ҳуқуқий режимларни қўллаб, давлат, зона ҳудудида саноатнинг нисбатан устувор соҳаларининг ривожланишини ёки ҳам маҳаллий, ҳам федерал ҳукуматлардан инвестицияларни жалб этиб, депрессияли туманларнинг ҳудудларида экспорт саноат ишлаб чиқаришининг ривожланишини таъминлайди. Бу эса минтақалар каби мамлакатнинг ҳам тезкор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун шароит яратади.

Экспорт-ишлаб чиқариш зоналарининг эркин савдо зоналаридан асосий фарқи шундаки, эркин савдо зоналарида ривожланишнинг асосий йўналишлари – ташқи ва транзит савдо, экспорт-ишлаб чиқариш зоналарида эса экспортга йўналтирилган ишлов бериш саноатлари.

Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, ўртача катталиқдаги экспорт-ишлаб чиқариш зонасини ташкил этиш ва ривожлантириш учун 50 млн. АҚШ доллари миқдорида харажат талаб этилади. Бунда мамлакатнинг бошқа ҳудудларига товарларни ноқонуний йўл билан олиб кириш хавфи саноат типигаги эркин божхона зонасига нисбатан сезиларли даражада камаяди.

Саноат ишлаб чиқариш зоналари. Саноат парки (The industry park) деб, одатда, умумийлик билан тавсифланмайдиган корхоналарнинг ихтисослашмаган ҳудудий тўпланишига айтилади. Уларнинг жойлашуви учун қулай шароитни таклиф қилиб (транспорт, ижара ҳақи, солиқ имтиёзлари ва ҳ.к.), давлат кучсиз тузилмалар минтақаларда жойлашган ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлайди. Уларнинг саноат паркларида жойлашиш муддатлари, қоида бўйича, чекланмайди.

Бизнес-инкубатор (The business-incubator) саноат паркидан фарқли ўлароқ, янги тузилган корхоналарнинг ўсиши ва фаолиятини давом эттириши учун шароитларни яхшилашга қаратилган ва уларнинг тасарруфига қулай ижара ҳақи эвазига модул туридаги бинолар, шунингдек, умумий хизматларни (телефакс, компьютер, коммуникациялар ва ҳ.к.) тақдим этиб, менежментни қўллаб-қувватлайдилар. Бизнес-инкубаторга янги аъзоларнинг қабул қилиниши, кўпинча, маълум бир шароитлар (масалан, янги корхонанинг очилиши, унинг яшаб қолиш эҳтимоли)нинг мавжудлиги билан боғлиқ бўлади. Маълум бир вақт ўтганидан кейин янги талабгорларга жой бўшатиб бериш учун корхоналар бизнес-инкубаторни тарк этишлари лозим.

Тижорат парки (Commercial park) ишлаб чиқариш, турли хил тижорат фаолияти, шунингдек, маъмурий ишлар, кўرғазмаларни ташкил қилиш, тайёр маҳсулотни ўраш ва реализация қилиш билан шуғулланади. Бундай тузилмага илмий-тадқиқот институтларининг яқин жойлашиши талаб этилмайди.

Илмий-технологик зоналар. Илмий-технологик зоналарни (ИТЗ) эркин иқтисодий зоналарнинг алоҳида гуруҳига киритиш мумкин. Иқтисодий адабиётда улар технологик парклар, техно-полислар, илмий парклар, технологик марказлар, ишбилармонлик марказлари деб аталади. Бу ҳудудларнинг ажралиб турадиган томони шундаки, мазкур ҳудудда илмий ва технологик ишлаб чиқариш фаолияти йирик илмий-тадқиқот марказлари ва

университетлар атрофида жойлашган фан сиғимкорлиги юқори бўлган, илм кўп талаб қиладиган фирмалар шаклида бирлашади.

1. Илмий парк (Science park), қоида бўйича, университетлар, илмий-тадқиқот марказларига яқин жойларда таъсис этилади. Бундай шакллантиришнинг асосий вазифаси тадқиқот объектларининг ривожланиши ва қўлланилиши ҳисобланади. Улар бевосита ишлаб чиқариш билан шуғулланмайди.

2. Инновацион марказнинг (Innovation centre) асосий вазифаси – ҳудудий жойлашув бўйича марказдан ташқарида ишловчи, лекин бозорда бир қанча катта хатарни ифодаловчи янги технологияларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан шуғулланувчи тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш (тадқиқотлар, технологиялар, молия ва тижорат фаолияти бўйича маслаҳатлар).

3. Технологик полюс (Technology polus) инновацион жараёнларнинг стратегик муҳим омилар: юқори малакали ишчи кучи, фундаментал ва амалий тадқиқотлар бўйича фаолият, инкубаторлик хизматлари бўйича бир нечта объект ва банклар ёки инновацияларни субсидия қилувчи ўхшаш муассасалар, шундоққина кўриниб турган ҳудудни ифода этади.

4. Илмий-техник парк (Science-technology park) ўзи билан, давлат ва ландшафт безаш туфайли парк характериға эға корхоналарнинг технологияларига мўлжалланган ҳудудий тўпланиш (қоида бўйича, минтақаости)ни ифода этади. Технологик парк нафақат ишлаб чиқариш ва илмий-тадқиқотлар жойи, балки ишловчиларнинг яшаш жойи ҳам бўлиши лозим. Кўпчилик ҳолларда технологик паркда бўлиш вақти чекланмаган.

Хизмат кўрсатувчи зоналар. Бу зоналарда турли хил хизмат турлари кўрсатилади. Энг кенг тарқалган хизмат турлари банк, молия ва суғурта хизматларидир. Бу каби зоналар орасида офшор зоналар алоҳида гуруҳни ташкил этади. «Offshore» тушунчаси инглизчадан таржима қилинганида, “соҳилдан ташқарида” деган маънони англатади ва даставвал, инглиз ҳуқуқшунослари томонидан, чет эл давлатларининг қонунчилигига мувофиқ тузилган компанияларга нисбатан қўлланилган. Ҳозирги вақтда дунёда 300 дан ортиқ офшор зона мавжуд. Уларнинг ичида 70 га яқини солиқ бандаргоҳлари. Офшор компаниялар узок вақтдан бери фаолият юритиб келаётган мамлакатлар қаторига Лихтенштейн, Панама, Норман ороллари, Мэн ороли (Британия), Антил ороллари, Гонконг, Мадейра, Либерия, Ирландия, Швейцария ва шу кабиларни киритиш мумкин.

Уларнинг ЭИЗлардан фарқи шундаки, унда рўйхатдан ўтган корхона ҳеч қандай ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғуллана олмайди.


Комплекс зоналарда савдо, ишлаб чиқариш, тадқиқот вазифалари бирлашади. Комплекс зоналар ўзи билан молия-иқтисодий, суғурта ва бошқа хизматларни кўрсатувчи ташкилотлар учун тадбиркорликнинг имтиёзли режими мавжуд бўлган ҳудудларни ифода этади.

Комплекс ЭИЗларнинг бошқа шакллардан фарқи, макон масштабларининг катталиги, ишлаб чиқариш концентрациясининг анча юқорилигидадир. Уларнинг вазифаларига: халқаро савдо, импортнинг ўрнини

босувчи ишлаб чиқариш, валюта-молия муносабатлари, коммуникациялар, туризмнинг имтиёзли ривожланиши киради.

Комплекс зоналарга: молия марказлари, банк ва суғурта хизматлари зоналари ҳамда солиқ бандаргоҳлари (СБ) киради. Ушбу зоналар тадбиркорларни, имтиёзли валюта-молия, фискал режим, банк махфийлигининг юқори даражадалиги, давлат тартиблаштирувининг лояллиги билан ўзига жалб этади.

Буларнинг ҳар бири эркин иқтисодий зона тоифасига киргани билан ўз функциясига кўра бир-биридан фарқ қилади⁶.



8.2-расм. Жаҳон иқтисодий тизимида эркин иқтисодий зоналарнинг мезонлар бўйича таснифланиши

Анклав ҳудудлар, одатда, мамлакат ҳудудидан табиий равишда ажралган жойларда ташкил этилади (ороллар, яримороллар, денгиз кўрфазлари ва ҳоказо), лекин шаҳарлар ичида ёки ҳудудлар ичида ҳам тузилиши мумкин. Ҳар қайси ҳолда ҳам анклавнинг ташкил этилиши ҳудуднинг юридик мустақиллигини назарда тутмайди.

Интеграциялашган ЭИЗларнинг ўзига хос белгиси шундан иборатки, улар мамлакатнинг ички иқтисодиёти, унинг ички ҳудудлари билан яқин иқтисодий алоқаларга эга бўлади. Экспорт салоҳиятини ривожлантириш муаммоларини ҳал этишдан ташқари бу зоналар маҳаллий саноатнинг технологик даражасини,

⁶ Раимжонова М.А. Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларга инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш. Иқт. фан. ном. илм. дар. олиш учун ёз. дисс. автореф. – Т.: БМА, 2012. 9-б.

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати ва рақобатбардошлигини ошириш вазифаларини ҳам ҳал қилади.

Ташкил этиш усулига қараб, икки турдаги ҳудудлар фарқланади: ҳудудий ва функционал ЭИХлар. Биринчи ҳолда зона, резидент-корхоналар хўжалик фаолиятининг имтиёзли режимидан фойдаланувчи алоҳида ҳудуд сифатида кўриб чиқилади. Биринчи ёндашувнинг амалга оширилишига Хитойнинг эркин иқтисодий зоналари, “Манаус” (Бразилия) зонаси, Кариб ҳавзасидаги алоҳида корхоналардан иборат офшор марказлари, туризм ҳудудлари, Мексикадаги Макиладорас типигаги корхоналар, бошқа ривожланган мамлакатлардаги кўпчилик экспорт-ишлаб чиқариш зоналари мисол бўлади.

Функционал – имтиёзли тартиб ҳудуди бўлиб, маълум турдаги фаолиятга қўлланилади. Иккинчи ёндашувга мувофиқ, зона – фирманинг мамлакатда қаерда жойлашганлигидан қатъи назар тадбиркорлик фаолиятининг маълум бир турига нисбатан қўлланиладиган имтиёзли режим. Иккинчи ёндашувга алоҳида корхоналарга (офшор фирмалари, “дьюти фри” дўконлари) тақдим этилган “нуқтали” зоналар мисол бўлади.

Эгалик турига қараб ЭИЗларни давлат, хусусий ва аралаш турларига бўлиш мумкин. Жаҳон иқтисодий тизимида энг кўп қўлланиладиган эгалик шакли бу аралаш турдаги ЭИЗдир.

Функционал вазифасига қараб, ЭИЗларни қуйидаги турларини фарқлаш мумкин: савдо ҳудудлари; савдо-ишлаб чиқариш ҳудудлари; техник-татбиқ этиш ҳудуди; хизмат кўрсатувчи ҳудудлар; комплекс ҳудудлар.

Зоналарни қуйидагича поғоналаштириш зарур деб ҳисоблайдиган олимларнинг нуқтаи назари қизиқ:

- эркин иқтисодиёт зоналари (The zones of the free economic);
- инвестицияларга кўмак бериш зоналари (The zones of the assistance to the investitions);
- қўшма тадбиркорлик зоналари (The zones of the consistent employment);
- божсиз ишлаб чиқариш зоналари (The zones of the undutyal production);
- илмий-техник зоналар (The scientific-technical zones);
- божсиз экспорт-ишлаб чиқариш зоналари (The undutyal export-industrial zones);
- иқтисодий қулай зоналар (The zones of the economic prosperity);
- божсиз савдо зоналари (The zones of the undutyal trade);
- ташқи савдо зоналари (The foreign trade zones);
- божсиз саноат ишлаб чиқариш зоналари (The zones of the undutyal industrial production);
- божсиз экспорт зоналари (The export-undutyal zones);
- экспорт саноати зоналари (The export industrial zones);
- банк ва суғурта зоналари (The banking and insurance zones);
- эркин бандаргоҳлар (The free havens);
- очик шаҳарлар (The open towns);
- ўсишнинг трансчегара зоналари (The transborder zones of development);

- импортни ривожлантириш зоналари (The zones of the development of the import);

- ташқи савдо зоналари (The zones of the foreign trade).

Таҳлил қилинаётган ЭИЗ турларининг барчаси ҳам ушбу иқтисодий шаклланишларнинг барчаси хилма-хиллигидан тўлиқ фойдаланиб бўлган эмас. БМТ маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда жаҳонда миллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун турли имтиёзларнинг ҳар хил тўпламларига эга бўлган бир неча ўнта иқтисодий ташкилий тузилмалар мавжуд.

Шундай қилиб, эркин иқтисодий зоналар – халқаро иқтисодий интеграциянинг ўзига хос бир тури. Уларни яратишда хўжалик ўсишининг тезлашиш стратегияси амалга оширилади, қулай омиллардан фойдаланган ҳолда, минтақалар ва ресурсларнинг концентрациялаш асосида иқтисодий фаолликни мақсадли рағбатлантириш соҳалари аниқланади.

8.4. Эркин иқтисодий зоналарга бериладиган имтиёзлар

ЭИХ ривожланишининг муҳим шарты бу инвесторлар учун мавжуд имтиёзлардир. Чунки улар капитал қўйишдан аввал уларга берилаётган имтиёзларни обдон ўрганадилар. Солиқ имтиёзлари энг кенг тарқалган усул бўлиб, у капиталнинг жамланиши, ишлаб чиқаришнинг замонавий соҳалари ривожланиши, миллий иқтисодиётда прогрессив ўзгаришларга эришишга ёрдам беради. Давлат солиқ имтиёзлари бериш орқали ҳам маҳаллий, ҳам чет эл капитали инвестициясини рағбатлантиради. Бунда янги қайта ишлаш соҳалари, қоқоқ ва олис ҳудудлар, янги техника ва технологияларнинг қўлланилиши, сермашаққат ва илм-фанга асосланган ишлаб чиқаришларни ривожлантириш таъминланади. Лекин шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ЭИХлар учун бериладиган имтиёзлар тизими натижасида давлат зарар кўрмайди. Аксинча, бу илмий-техник потенциални ўстириш, янги бошқарув усуллари ва тадбиркорлик шакллари жорий этиш, хизмат кўрсатишнинг жаҳон стандартларига ўтиш учун тўланадиган нархдир.

Ҳар бир мамлакат ёки унинг у ёки бу ҳудуди ЭИХлар ташкил этиш жараёнида ўзининг имтиёз ва рағбатлантирувчи омилларини танлайди.

Эркин иқтисодий ҳудудларнинг қўйидаги асосий хусусиятларни кўрсатиш лозим.

1. Турли хил имтиёз ва рағбатларнинг қўлланиши, жумладан:

- ташқи савдо имтиёзлари, уларга экспорт-импорт тўловларини камайтириш ёки бекор қилиш, ташқи савдо операцияларини амалга оширишнинг соддалаштирилган тартибининг қўлланилиши;

- фискал имтиёзлар, жумладан, аниқ фаолият турлари учун солиқ имтиёзларнинг берилиши. Имтиёзлар солиқ базаси (фойда ёки даромад, мулк қиймати ва ҳ.к.), унинг алоҳида ташкил этувчилари (амортизация ажратмалари, иш ҳақи, тадқиқотлар, транспорт харажатлари)га қаратилган бўлиши, солиқдан вақтинча ёки доимий озод қилишдан иборат бўлиши мумкин;

- молиявий, турли хил субсидияларни қамраб олиб, улар бевосита – бюджет маблағлари ва имтиёзли давлат кредитлари ҳамда билвосита коммунал

ҳаражатлар учун имтиёзлар, ер участкаларидан фойдаланилганлиги учун ижара ҳақини камайтириш ва ҳ.к. лардан иборат бўлади;

- маъмурий, корхоналарни рўйхатга олишни осонлаштирувчи, хорижий фуқаролар келиш, кетишини соддалаштириш бўйича имтиёзлар.

2. Эркин минтақани бошқаришнинг бирмунча эркин, бутун иқтисодий масалалар бўйича мустақил равишда қарор қабул қила олиш.

3. Ҳукумат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши.

Тажриба кўрсатишича, ҳудудларда ўрнатиладиган имтиёзлар тизими турлича бўлиб, унинг ҳудудида амалга оширилаётган дастур ва лойиҳаларга боғлиқ. ЭИҲларда қўлланиладиган асосий имтиёз турлари куйидагича:

- солиқ имтиёзлари;
- божхона имтиёзлари;
- молиявий имтиёзлар;
- маъмурий имтиёзлар.

ЭИЗни ташкил этишнинг барча мақсадларига хорижий инвесторлар учун қабул қилувчи мамлакат томонидан яратиладиган шароитларнинг бутун бир тизимида эришилиши мумкин. Бу борада ЭИЗнинг нормал фаолият кўрсатиши учун энг муҳим шароитларни санаб ўтамиз:

1) умумий қулай инвестицион иқлимни яратувчи ва хорижий инвестицияларни жалб этишга катта таъсир кўрсатувчи мамлакатдаги сиёсий барқарорлик;

2) чет эл ва маҳаллий инвесторларнинг ҳуқуқларини кафолатловчи ва фаолиятини тезлаштирувчи мукамал ишлаб чиқилган қонунчилик базаси;

3) ривожланган инфратузилманинг мавжудлиги (ишлаб чиқариш ва тижорат);

4) ҳар қандай инвестор учун ўзига тортувчи куч бўлган – табиий-географик муҳит, шунингдек, қулай иқтисодий конъюнктура.

ЭИЗни ривожлантириш учун энг муҳим кучайтирувчи куч капитални киритишдан аввал қизиқиш билан уларга тақдим этилаётган имтиёзларнинг шартларини ўрганиб чиқувчи инвесторлар учун имтиёзлар тизими ҳисобланади.

Ҳар бир мамлакат ёки бирор минтақа ЭИЗларни яратишда ўз имтиёзлар тўпламини белгилайди. Бунда амалиётнинг кўрсатишича, ЭИЗда ўрнатиладиган имтиёзлар тизими етарли даражада индивидуал ҳамда унинг ҳудудида амалга ошириладиган дастурлар ҳамда лойиҳалар билан боғлиқ. Аммо иқтисодий адабиётларда имтиёзларнинг тўртта асосий гуруҳи ажратиб кўрсатилган:

1) тадбиркорликнинг маълум бир турлари ривожланишини кучайтирувчи фискал имтиёзлар. Бундай имтиёзлар даромал солиғи, даромад, мулк ва солиқ ставкаларининг даражасига нисбатан қўлланилади. Уларнинг соҳасида тадбиркорларни солиққа тортишдан доимий ёки вақтинча озод этиш масалалари туради;

2) ер, ишлаб чиқариш хоналари, инфратузилма объектлари, коммунал хизматлардан фойдаланганлик учун арзон нархларни белгилаш, шунингдек,

бюджет маблағлари ва преференциал давлат кредитлари ҳисобига субсидиялар турли шакллари тақдим этиш кўринишидаги молиявий имтиёзлар;

3) корхоналар, чет эл фуқароларининг кириш-чиқишлари ва турли хизматларни тақдим этишни рўйхатга олиш жараёнлари режимини соддалаштириш учун, одатда, ЭИЗ маъмурияти томонидан тақдим этиладиган маъмурий имтиёзлар. Маъмурий жараёнларнинг оддийлиги инвестор томонидан ҳар доим ижобий баҳоланади, баъзида эса зонага чет эл капитални жалб этишда ҳал қилувчи роль ўйнайди;

4) ташқи савдо имтиёзлари. Улар, асосан, ташқи савдо операцияларини амалга оширишнинг соддалаштирилган тартибини киритиш, шунингдек, экспорт-импорт божларини пасайтириш ёки бекор қилиш билан боғлиқ.

Барча кўрсатиб ўтилган имтиёзлар, жаҳон амалиётининг кўрсатишича, турли хил комбинацияларда қўлланилиши мумкин, аммо улар ҳар доим ҳам хорижий капитални жалб этишнинг ҳал қилувчи омили бўла олмайди.

Хулоса

Эркин иқтисодий зоналар (ЭИЗ) деганда, чет эл капитал қўйилмаларини жалб қилиш ва бозорни шакллантиришга йўналтирилган имтиёзли режимлар (божхона, солиқ-кредит, виза ва шу кабилар) яратилган миллий ҳудуднинг бир қисми тушунилади.

Эркин иқтисодий зоналар ривожланиши уч босқични ўз ичига олади:

Биринчи босқич XV асрнинг охиридан бошланиб, XX асрнинг ўрталаригача давом этган. XVII-XVIII асрларда Европанинг кўпгина шаҳарларида (Италиянинг Неаполь ва Венеция, Франциянинг Дюнкерк, Даниянинг Копенгаген, Португалиянинг Бордо шаҳри ва ҳ.к.) тарқалган эркин портлар ва эркин савдо зоналари кўринишида намоён бўлган.

Иккинчи босқич XX асрнинг 50 йилларидан бошлаб, 70 йилларигача бўлган даврни қамраб олади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин давлатлар эркин бандаргоҳлар ёки ихтисослаштирилган иқтисодий зоналарни яратишга киришдилар. Ушбу даврдаги ЭИЗнинг асосий шакли экспорт-ишлаб чиқариш зонаси ҳисобланган. Ушбу босқич эволюцион босқич бўлиб, унда экспорт-ишлаб чиқариш зоналари, технопарк (комплекс) зоналарига трансформацияланади.

ЭИЗ мақсадлари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, ЭИЗ ташкил этишдан мақсад миллий иқтисодиётнинг халқаро меҳнат тақсимоти жараёнига чуқур интеграциялашувини таъминлаш ҳисобланади.

Иккинчидан, ЭИЗ, биринчи навбатда, импорт ўрнини қопловчи маҳсулот ишлаб чиқариш, ички бозорни юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш учун ташкил этилади.

Учинчидан, ЭИЗни махсус ташкил этишда халқаро меҳнат тақсимотига товар ишлаб чиқариш тармоқлари билан биргаликда туризм, маданият ва санаторий-курорт соҳаларининг интеграциялашуви ҳам кўзда тутилади.

Тўртинчидан, ЭИЗ ишлаб чиқаришга хорижий технологиялар ва миллий илмий-техник янгиликларни татбиқ этиш орқали бутун миллий иқтисодиётда ундан фойдаланишни назарда тутди.

Бешинчидан, ривожланаётган мамлакатлар учун малакали кадрлар тайёрлаш ва ўқитишни назарда тутди.

Олтинчидан, махсус иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш бирор ҳудуд ёки соҳанинг иқтисодий ривожланишини рағбатлантиришни кўзда тутди.

Еттинчидан, айрим мамлакатларда эркин иқтисодий ҳудуд иқтисодиётни модернизация қилишнинг минтақавий усули сифатида қаралади.

Эркин иқтисодий зоналарнинг асосий турлари Эркин савдо зоналари, Саноат ишлаб чиқариш зоналари, Экспорт-ишлаб чиқариш зоналари, Илмий-технологик зоналари, Хизмат кўрсатувчи зоналари, Комплекс зоналари ҳисобланади

Эркин иқтисодий зоналарга турли хил имтиёзлар берилган, жумладан: Ташқи савдо имтиёзлари, Фискал имтиёзлар, Молиявий имтиёзлар, Маъмурий имтиёзлар. Бундан ташқари ЭИЗ ҳукумат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланади.

Таянч иборалар: эркин иқтисодий зоналар, эркин иқтисодий зоналарнинг мақсади, эркин иқтисодий зоналарнинг турлари, эркин иқтисодий зоналарнинг функционал жиҳатлари, ривожланиш босқичлари.

Назорат саволлари

1. Эркин иқтисодий зоналарнинг ривожланиш босқичларини ифодалаб беринг.
2. Эркин иқтисодий зоналарнинг мақсадлари нимадан иборат?
3. Эркин савдо зоналари (ЭСЗ), экспорт-ишлаб чиқариш зоналари (ЭИЧЗ) ва комплекс зоналарнинг (КЗ) фарқини тушунтириб беринг.
4. Технопаркларнинг ташкилий тузилмаларини ифодалаб беринг.
5. Ўзбекистонда қандай ЭИЗларни биласиз, тушунтириб беринг.

IX боб. ТЎЛОВ БАЛАНСИ

Тўлов баланси мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалари ҳолати тўғрисидаги якуний ҳужжат ҳисобланади. Унинг таҳлили иқтисодчига ушбу алоқаларнинг асосий тенденциялари ва муаммоларини аниқлаш имконини беради. Тўлов баланси ҳисоблар тизимини машҳур иқтисодчи олим П.Х. Линдерт қайсидир жиҳати билан кинокамерага ўхшатади. Унинг фикрига кўра, улар бизга бирор ҳодисага нима сабаб бўлишини ҳамда аслида нима бўлаётганини кўрсатади ва шу ёрдамида бизга ўз хулосаларимизни чиқариб олишимизга ёрдам беради.

9.1. Тўлов балансининг асослари

Тўлов баланси мамлакат резидентларининг маълум даврда (одатда, чорак, ярим йил ва йил) норезидентлар билан барча иқтисодий битимлари якуни ўзида акс эттирувчи тизимлаштирилган ифодаси ҳисобланади. Ўз навбатида, резидент фуқаролиги ва паспорт статусига эга бўлган давлатда бир йилдан ортиқ муддатда истиқомат қилган юридик ёки жисмоний шахс бўлиб, норезидентдан фарқли ўлароқ, мамлакатда доимий фаолият юритиш жойига эга иқтисодий агент ҳамдир. “Тўлов баланси” атамаси илк маротаба 1767 йилда маркентализм мактаби вакиллари билан бири шотландиялик олим Джеймс Стюартнинг китобида пайдо бўлди, аммо дастлабки расмий тўлов баланси АҚШнинг Савдо Вазирлиги томонидан 1923 йилда тузилган.

Ҳозирги кунда тўлов баланси Халқаро валюта фондининг Тўлов балансини ташкил этиш бўйича Услубий Йўриқномасининг 5-нашри талабларига мувофиқ статистик ҳисобот шаклида тузилади ва унинг ҳозирда икки шакли – стандарт ва таҳлилий вариантларини нашр қилади. Улар бири-бирдан моддалар жойлашуви билан фарқ қилиб, стандарт вариант таҳлиliga қараганда тўлиқроқдир.

Тўлов баланси жамғарилган хорижий активлар ва мажбуриятларнинг мутлақ катталигини эмас, балки мамлакатлар ўртасидаги маблағларнинг ҳаракати (уларнинг оқимлари)ни қамраб олади. Масалан, тўлов баланси норезидентларнинг мамлакатда ва резидентларнинг чет элда жамғарилган сармоялари тўғрисида эмас, балки сармояларининг кирими ва чиқими тўғрисида ахборот беради. Бироқ тўлов балансига “Мамлакатнинг халқаро инвестицион позицияси” деб номланган иловасида ушбу маълумотларни ҳам топиш мумкин.

Тўлов баланси тамойиллари. Тўлов балансини тузишдаги асосий қоида бу икки томонлама бухгалтерлик ёзуви, яъни “кредит” ва “дебет” деб аталувчи икки устун бўйича резидентларнинг норезидентлар билан операцияларини ёзиш тамойили бўлиб, ушбу устунлар орасидаги фарқ “сальдо (баланс)” деб аталади. ХВЖ томонидан 2009 йилда чоп этилган “Тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция бўйича Кўлланма (олтинчи нашр) (ТБК)”га мувофиқ, тўлов балансида операцияларни акс эттириш қоидалари 9.1-жадвалда келтирилган.

Тўлов балансида операцияларни акс эттириш қоидалари

Операция	Кредит, плюс (+)	Дебет, минус (-)
Товарлар ва хизматлар	Товарлар ва хизматлар экспорти	Товарлар ва хизматлар импорти
Бирламчи даромадлар	Хорижда резидентлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва маҳаллий инвесторларнинг хориждаги даромадлари	Мамлакатда норезидентлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва мамлакатда хориж инвесторларининг даромадлари
Иккиламчи даромадлар	Жорий трансфертларни олиш	Жорий трансфертларни тўлаш
Капитал ҳисоби	Капитал трансфертларни ва ишлаб чиқарилмаган номолиявий активларни олиш	Капитал трансфертларни ва ишлаб чиқарилмаган номолиявий активларни тўлаш
Молиявий ҳисоб	Норезидентларга талабларни камайтириш, олиб ташланган ҳолда соф кредитлаш, яъни норезидентларга талабларни кўпайтириш	Норезидентларга нисбатан мажбуриятлар олиб ташланган ҳолда соф қарз олиш, яъни норезидентларга нисбатан мажбуриятларнинг кўпайиши
Захира активлари	Норезидентларга талабларнинг кўпайиши	Норезидентларга талабларнинг камайиши
Соф хатолар ва бўш жойлар	Жорий операциялар ҳисоби ва капитал билан операциялар ҳисоби сальдосини олиб ташлаган ҳолда молиявий ҳисоб сальдоси	

Шундай қилиб, товарлар ва хизматлар экспорти, шунингдек, олиб чиқилган капитал ва ишчи кучидан даромадларнинг мамлакатга кириб келиши тўлов балансида кредит бўйича, яъни “ + ” белгиси билан ёзилади, олиб кирилган капитал ва ишчи кучидан даромадларнинг чет элга ўтказилиши дебет бўйича, яъни “ – ” белгиси билан ёзилади. Кредит бўйича мамлакатга кириб келган жорий трансфертлар, дебет бўйича эса чет элга ўтказилган жорий трансфертлар ўтади. Барча юқорида кўриб ўтилган операциялар жорий ҳисобланади, чунки одатда бир йил мобайнида тугайди ва шу сабабли улар тўлов балансининг “Жорий тўлов баланси” деб аталган қисмига ажратилади.

Мамлакатлар ўртасида молиявий ва номолиявий активлар ҳаракатланишининг нисбатан узоқ муддатли тавсифи тўлов балансининг иккита алоҳида “Капитал ҳисоби” ва “Молиявий ҳисоб” номли бўлимларига ажратиш заруратини туғдиради. Ушбу ҳисобларнинг биринчиси, асосан, ишлаб чиқарилмаган номолиявий активлар (бу, асосан, турли ҳуқуқлар), капитал трансфертлар, қарздан кечиш ҳаракатини, иккинчиси эса қолган капиталнинг ҳаракатланишини акс эттиради. Ушбу ҳисобларнинг статистикасида резидентлар томонидан хорижда активларни харид қилиш (масалан, хорижда сармояларни амалга ошириш) кредит бўйича кетади (чунки бу мамлакат резидентлари активларининг ортишидир), мамлакатга норезидентлар активларининг кириб келиши эса дебет бўйича амалга оширилади, чунки бу норезидентларга нисбатан мамлакат мажбуриятларининг ортиши (чунки мамлакат уларга уларнинг капиталларини қайтириши керак, агар улар капиталларни репатриация қилишса) ҳисобланади. Лекин иқтисодий таҳлилда

статистикадан фаркли ўлароқ, айниқса, тўлов балансининг умумий сальдосини ёки капиталнинг соф кирими/чиқимини ҳисоблашда капитал экспорти анъанавий равишда “ – ” белгиси билан кўриб чиқилади, чунки бу мамлакатдан активларни олиб чиқишдир. Мамлакатга капитал импорти эса “ + ” белгиси билан кўриб чиқилади, чунки бу мамлакат ичида активларнинг кўшимча ўсишидир.

Тўлов балансини қуришнинг бошқа тамойили битимларни амалга ошириш вақтида уларни қайд қилишдир. Масалан, товар экспорт қилинганда, унинг қиймати тўлов балансининг “Кредит” устунига ёзилади. Агар товарнинг ҳақи кейинроқ тўланганда, масалан, товар муддати кечиктирилган тўлов (кредит) шарти билан етказиб берилаётганда, чет элга етказиб берилган товарнинг қиймати бир вақтда “дебет” устунда экспорт кредити сифатида ёзилади.

Буни 9.2-жадвалда келтирилган мамлакатимиздан Россия экспорт қилинаётган автомобилларни етказиб бериш учун россиялик импортчилар томонидан банк тизими орқали қай тарзда ҳақ тўланиши ва юқоридаги қоидаларга мос равишда акс этишини кўриб чиқамиз.

9.2-жадвал

Ўзбекистон ва РФ ўртасида автомобиллар савдосининг тўлов балансида акс этиши

Ўзбекистон ҳисоби		Россия ҳисоби	
Автомобиллар экспорти	Кредит	Автомобиллар импорти	Дебет
Банк депозитларининг ошиши	Дебет	Банк депозитларининг қисқариши	Кредит

Ноқонуний операциялар ҳам тўлов балансига киритилади. Масалан, Россия банки ноқонуний капитал экспортини молявий ҳисобнинг “Шубҳали операциялар” бандига ёзиб кўяди, тегишли маълумотлар мавжуд бўлмаганда капитал экспортини эса “Соф хатолар ва бўш катаклар” бўлими асосида баҳолайди. Товарлар ва хизматлар контрабандасини баҳолаш савдо балансига киритилади.

Тўлов балансининг яна бир тамойили шундаки, у анъанавий равишда асосий халқаро валюта – долларларда тузилади. Тўлов балансини тузишда, шунингдек, миллий валютадаги маълумотлардан фойдаланиш мумкин, бироқ пировардида улар тўлов балансини тузиш вақтидаги амал қилувчи курс бўйича қайта ҳисобланади.

9.2. Тўлов баланси схемаси

Тўлов баланси тўрт бўлимдан иборат – жорий операциялар ҳисоби, капитал билан операциялар ҳисоби, молявий ҳисоб, хатолар ва бўш катаклар.

Ўзбекистон Республикаси тўлов баланси
(таҳлилий шаклда)⁷

млн. долл

Бўлимлар	2018 йил		
	I чорак	II чорак	I пг.
I. Жорий операциялар ҳисоби сальдоси	111,7	-1 211,1	-1 099,4
Товарлар, кредит (экспорт)	3 009,3	2 374,1	5 383,5
Товарлар, дебет (импорт)	3 630,2	4 438,5	8 068,7
Товарлар сальдоси	-620,9	-2 064,4	-2 685,2
Хизматлар, кредит (экспорт)	601,6	734,3	1 335,8
Хизматлар, дебет (импорт)	1 238,1	1 633,2	2 871,4
Товар ва хизматлар сальдоси	-1 257,5	-2 963,3	-4 220,8
Асосий даромад, кредит	1 573,7	2 316,2	3 889,9
Асосий даромад, дебет	429,2	892,0	1 321,2
Асосий даромад, товар ва хизматлар сальдоси	-113,0	-1 539,2	-1 652,1
Иккиламчи даромад, кредит	515,9	712,2	1 228,1
Иккиламчи даромад, дебет	291,3	384,1	675,3
II. Капитал билан операциялари ҳисоби (захира киритилмаган ҳолда)	28,8	6,0	34,8
Капитал билан операциялари ҳисоби, кредит	28,8	6,0	34,8
Капитал билан операциялари ҳисоби, дебет	0,0	0,0	0,0
Жорий операциялар ҳисоби ва капитал билан операциялар ҳисоби сальдоси	140,5	-1 205,1	-1 064,6
III. Молиявий ҳисоб	-86,7	-538,0	-624,7
Тўғридан-тўғри сармоялар, активлар	0,1	0,5	0,7
Инвестицион (сармоя) жамғармалари акциялари ва капиталидаги иштироки воситалари	0,1	0,0	0,2
Қарз воситалари	0,0	0,5	0,5
Тўғридан-тўғри сармоялар, мажбуриятлар	279,2	159,7	438,9
Инвестицион (сармоя) жамғармалари акциялари ва капиталидаги иштироки воситалари	254,8	229,6	484,4
Қарз воситалари	24,4	-69,9	-45,5
Портфель инвестициялар, активлар	0,0	0,0	0,0
Инвестицион (сармоя) жамғармалари акциялари ва капиталидаги иштироки воситалари	0,0	0,0	0,0
Қарз воситалари	0,0	0,0	0,0
Портфель инвестициялар, мажбуриятлар	1,2	3,1	4,3
Инвестицион (сармоя) жамғармалари акциялари ва капиталидаги иштироки воситалари	1,2	3,1	4,3
Қарз воситалари	0,0	0,0	0,0
Ҳосилавий молиявий воситалар (захирадан ташқари)	0,0	0,0	0,0
Ҳосилавий молиявий воситалар, активлар	0,0	0,0	0,0
Ҳосилавий молиявий воситалар, мажбуриятлар	0,0	0,0	0,0
Бошқа сармоялар (инвестициялар), активлар	163,6	356,3	519,9
Кариталда иштирок этувчи бошқа воситалар	0,0	0,0	0,0
Қарз воситалари	163,6	356,3	519,9

⁷ <http://www.cbu.uz/> – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти.

Бошқа сармоялар, мажбуриятлар	-30,0	732,1	702,2
Кариталда иштирок этувчи бошқа воситалар	0,0	0,0	0,0
Қарз воситалари	-30,0	732,1	702,2
Захира активлари	384,5	-604,1	-219,5
Захира активлари	384,5	-604,1	-219,5
ХВЖдан соф ўзлаштирмалар (захира позициясини ҳисобга олмаган ҳолда)	0,0	0,0	0,0
Махсус молиялаштириш	77,6	-546,0	0,0
Капитал ва молиявий ҳисоб операциялари, жорий операциялар ҳисоби сальдоси	227,2	-667,1	-440,0
IV. Хатолар ва бўш жойлар	157,3	63,1	220,4

Жорий операциялар ҳисоби (жорий ҳисоб, жорий тўлов баланси, жорий операциялар) қуйидагиларни қамраб олади:

– товарлар ва хизматларнинг ҳаракатланиши, бунда божхона статистикасидан фарқли ўларок, товарлар импорти ФОВ нархларда, яъни ташиш, сақлаш ва тўлов баланснинг “Транспорт хизматлари” моддасида ҳисобга олинмаган хизматлар ҳисобга олинмаган ҳолда амалга оширилади. Бундан ташқари товарлар импорти ва экспорти сайёҳлар, “олиб сотарлар” ва бошқа томондан товарларни олиб кириш ёки олиб чиқишни ўз ичига олади;

– бирламчи даромадларнинг ҳаракатланиши, улар мамлакатда норезидентлар меҳнатига ҳақ тўлашдан иборат (масалан, Россияда вақтинча мигрантлар) ва хорижда мамлакат резидентларига, хорижий инвесторларнинг мамлакатдаги ва маҳаллий инвесторларнинг хориждаги даромадлари. Бунда даромадлар активлар рентасидан алоҳида ажратилади;

– иккиламчи даромадлар, уларга жорий трансфертлар киритилади. Бу асосан хориждан ва хорижга шахсий пул ўтказмалари, халқаро инсонпарварлик ва техник ёрдам, халқаро ташкилотларга ва хорижда элчихоналар, ҳарбий базалар ва ҳоказоларда давлат хизматчиларига бадаллар.

Капитал билан операциялар ҳисоби, у катта эмас ва атиги ишлаб чиқарилмаган номолиявий активлар ва капитал трансфертларни ўтказишни, хусусан, қуйидагиларни акс эттиради:

– табиий ресурсларга (масалан, балиқ овлаш ҳуқуқи), шартномаларга, савдо маркалари ва брендларга ҳуқуқларни ўтказиш;

– инвестицион грантлар кўринишида халқаро ёрдам (масалан, асбоб-ускуналарни, ҳарбий техникани бепул ўтказиш);

– мунтазам тавсифга эга бўлмаган, қоплама (компенсация) ҳисобига (масалан, нефть қуйишга) йирик тўловлар;

– резидентликни ўзгартиришда маблағларни жисмоний шахслар томонидан хорижга ўтказиш, туҳфалар ва мерослар;

– ташқи қарздан кечиш.

Молиявий ҳисоб молиявий активларнинг, энг аввало, хориждан ва хорижга инвестицияларнинг (такрорлаймиз, уларнинг ҳаракатидан олинган даромадлар жорий ҳисобга киритилади), шунингдек, захира (олтин валюта) активлари ҳаракатини қамраб олади. Бу тўлов баланснинг жорий тўлов баланси каби анча йирик бўлидир.

Соф хатолар ва бўш катаклар жорий операциялар ҳисоби билан капитал ва молиявий ҳисоб операциялари ҳисоби орасидаги фарқни ифодалайди. Соф хатолар ва бўш катакларнинг одатда манфий белгили катталиги, айниқса, капитал чиқими юқори бўлган мамлакатларда каттадир. Капитал чиқими кўпинча ноқонуний бўлганлиги сабабли капитал билан операциялар ҳисобида ва молиявий ҳисобда тўлиқ акс этмайди.

Тўлов баланси нафақат баён этилган стандарт (нейтрал) тақдим бўйича, балки таҳлилий тақдим бўйича ҳам тузилиши мумкин. Таҳлилий тақдимда молиявий ҳисобга мамлакат олтин-валюта захиралари (захира активлари) катталигининг ўзгаришлари киритилмайди. Улар тўлов балансининг алоҳида бўлимига ажратилади. Бу тўлов баланси пировардида қандай реал сальдога эгаллиги: яъни агар захиралар ортган бўлса, мусбат, агар қисқарган бўлса, манфий эканлиги яққол кўриниши учун бажарилади.

9.4-жадвал

2018 йилнинг 1 ярим йиллигида нейтрал ва таҳлилий тақдимлар бўйича мамлакатимиз тўлов баланси бўлимлари, млн долл.⁸

Стандарт (нейтрал) тақдим		Таҳлилий тақдим	
Жорий операциялар ҳисоби	1009,4	Жорий операциялар ҳисоби	1009,4
Капитал билан операциялар ҳисоби	-34,8	Капитал билан операциялар ҳисоби	-34,8
Молиявий ҳисоб (захиралар ўзгариши киритилган)	624,7	Молиявий ҳисоб (захиралар ўзгариши киритилган)	624,7
Соф хатолар ва бўш жойлар	220,4	Соф хатолар ва бўш жойлар	220,4
Умумий сальдо (иктисодий таҳлил позициясидан)	0,0	Захираларнинг ўзгариши	-219,5
		Умумий сальдо (иктисодий таҳлил позициясидан)	0,0

Ўзбекистон Республикасининг 2015-2019 йиллардаги ХВЖ томонидан чоп этилган стандарт шаклдаги тўлов баланси қуйида келтирилган. 2018 ва 2019 йиллар учун келтирилган маълумотлар бу тахминий ҳисоблангандир, яъни олдинги йиллар маълумотларига асосан предикт (башорат) қилинган.

9.5-жадвал

Ўзбекистон: Тўлов баланси 2015-2019 йиллар (миллиард АҚШ доллари)

	2015	2016	2017	2018	2019
Жорий операциялар ҳисоби	470	498	1 774	86	-494
Товар ва хизматлар баланси	-1 224	-1 182	-499	- 2 331	- 2 923
Ташқи савдо баланси	-797	-1 011	-444	-1 807	-2 324
Товарлар экспорти	9 997	9 491	10 388	11 701	12 080
Пахта толаси	736	637	477	244	110
Ёқилғи	2 685	1 714	1 920	2 346	2 305

⁸ Ўзбекистон Республикасининг ташқи қарзи, халқаро инвестицион позицияси ва тўлов баланси. 2018 й. 1 ярим йиллик учун. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. – Т., 2018 й. <http://www.cbu.uz/>

Олтин	1 708	2 609	3 335	3 556	3 647
Озиқ-овқат маҳсулотлари	1 316	695	876	1 034	1 140
Бошқа товарлар экспорти	3 552	3 836	3 780	4 522	4 879
Товарлар импорти	10 794	10 501	10 832	13 508	14 404
Озиқ-овқат маҳсулотлари	1 585	1 440	1 147	1 302	1 378
Ўқилғи маҳсулотлари	725	589	668	1 036	1 029
Машина ва эҳтиёт қисмлари	5 027	5 018	4 552	5 628	5 956
Бошқа товарлар импорти	3 457	3 455	4 465	5 542	6 041
Хизматлар баланси	-427	-171	-55	-524	-599
Кредит	3 061	3 205	3 506	3 943	4 272
Дебет	3 488	3 376	3 561	4 468	4 870
Соф даромад	1,460	1,289	1,867	1,996	1,993
ундан: соф фоиз	-1,538	-1,397	-1,491	-1,709	-1,573
Трансферлар (соф)	237	391	406	421	436
Капитал ва молиявий ҳисоблар баланси	257	134	-1,952	-530	-242
Капитал ўтказмалари (трансферлар)	-97	-84	-60	-51	-60
Хорижий тўғридан-тўғри ва портфель инвестициялар (соф)	854	1,027	974	1,023	1,074
Бошқа инвестициялар	966	-767	-2,830	-1,502	-1,256
Қарзлар, соф	-	-	827	100	541
Давлат ва давлат кафолатланган қарзлари (соф)	-	-	914	888	1 061
Кафолатланмаган тижорат қарзлари (соф)	-	-	-87	-788	-520
Тижорат кредитлари	-940	130	136	143	149
Бошқа капиталлар	-732	-2 062	-3,793	-1,745	-1,946
Статистик фарқ	-48	-42	-36	0	0
Умумий сальдо	213	632	-178	-444	-736
Олтин хариди ва нарх ўзгариши	-48	1 565	1,810	1,230	733
Захирадаги ўзгариш	165	2,197	1,632	786	-3
Асосий элементлар:					
Жорий операциялар ҳисоби (ЯИМ, %)	0.7	0.7	3.7	0.2	-1.0
Товар ва хизматлар экспорти (ЯИМ, %)	9.6	19.0	29.0	38.9	34.3
Товар ва хизматлар импорти (ЯИМ, %)	1.5	20.8	30.1	44.7	40.4
Экспорт ўсиш даражаси (Т&Х)	0.3	-2.8	9.4	12.6	4.5
Импорт ўсиш даражаси (Т&Х)	6.4	-2.8	3.7	24.9	7.2
Экспорт нархлари (%)	0.3	9.3	8.8	3.6	0.3
Импорт нархлари (%)	0.3	-6.0	8.0	3.2	1.2
Хорижий тўғридан-тўғри сармоялар (ЯИМ, %)	1.3	1.5	2.0	2.5	2.3
Ялпи расмий захиралар (млрд. АҚШ доллар)	24.3	26.5	28.1	28.9	28.9
Реал валюта курси (даража)	100.0	93.0	63.4	50.8	57.3
Ялпи ташқи қарз (млрд. АҚШ долл.)	11.8	13.0	15.6	15.7	16.2

ДДК ташқи қарзлари (млрд. АҚШ долл.)	5.6	6.5	7.5	8.4	9.6
Хизмат тўловлари бўйича жами қарз (млрд. АҚШ долл.)	0.6	0.7	1.9	2.4	2.3
Т&Х экспорти, %да	4.7	5.2	13.6	15.6	13.9
Ялпи халқаро захиралар, %да	2.5	2.5	6.7	8.4	6.7

Манба: imf: 2018 article iv consultation—press release; staff report; and statement by the executive director for the republic of uzbekistan.

Тўлов баланси сальдоси ва унинг таҳлили. Исталган бухгалтерлик балансида бўлганидек, агар капитал олиб чиқиш “ – ” белгиси, унинг кириб келиши “ + ” белгиси билан ҳисобланса, тўлов балансида ҳам пировардида унинг сальдоси (умумий сальдо) нолга келтирилади. Бироқ тўлов балансининг оралиқ сальдолари, одатда, профицитли ёки дефицитли бўлади ва макроиктисодий таҳлил учун предмет ҳисобланади.

Энг аввало, бу жорий операциялар ҳисоби сальдосига (балансига) тегишлидир. У шунчалик муҳимки, уни кўпинча “тўлов баланси сальдоси” деб аталади. Шу сабабли иктисодий нашрларда ушбу атама ишлатилганда, жорий операциялар бўйича сальдо назарда тутилади. Бу каби ўхшатиш маълум маънога эга, чунки жорий операциялар бир томондан мамлакат иктисодиётига тез (жорий) таъсир кўрсатади, бошқа томондан эса кўп жиҳатдан капитал билан операциялар ҳисоби ва молиявий ҳисоб ҳолатини аниқлайди. 1997 йилнинг иккинчи ярми – 1998 йилнинг биринчи ярмида жорий операциялар бўйича манфий сальдо ва келгуси даврда янада кўпроқ дефицит истиқболлари Россия рублини девальвация қилишга, Россия ҳукуматини эса олтин-валюта захираларини тўлдириш учун ХВЖдан катта қарз олишга туртки берди. Бироқ Россия учун жорий операциялар бўйича мусбат сальдо характерлидир.

Одатда, жорий операциялар ҳисобининг кичик сальдосини жорий операциялар сальдосига қўшиш охиригининг катталигини кам ўзгартиргани сабабли жорий операциялар ҳисобининг ва капитал билан операциялар ҳисобининг қўшма сальдоси камроқ таҳлил қилинади.

Молиявий ҳисоб сальдосини таҳлил қилишда кўпинча муаммолар вужудга келади, чунки унга нафақат хусусий, балки давлат капиталининг ҳаракати таъсир кўрсатади. Россияда хусусий капиталнинг ҳаракати давлат капитали ҳаракатидан бир неча баробар ортиқ ва шу сабабли у анъанавий равишда молиявий ҳисобнинг манфий сальдосини (агар у иктисодий таҳлил нуқтаи назаридан кўриб чиқилса) аниқлайди. Халқаро хусусий капитал ҳаракати таҳлилида унинг марказий банк томонидан хусусий капиталнинг соф кирими (чиқими) сифатида ҳисобланишидан фойдаланилади.

Расмий захиралар ҳаракати балансини таҳлилий мақсадларда мамлакат тўлов баланси пировардида қандай ҳақиқий сальдони акс эттирувчи сальдо каби кўриб чиқиш мумкин? Жорий операциялар бўйича катта манфий сальдо мунтазам равишда олтин-валюта захиралари ҳисобига ва (ёки) хорижий ссуда капиталини жалб қилиш ҳисобига қопланганда, тўлов баланси инқирози мавжуд бўлади. Ушбу ҳолда мамлакатнинг мустақил кредит рейтинги унинг

кредитга лаёқатлигининг пасайиши ва ташқи қарзнинг ўсиши туфайли жиддий ёмонлашади. Бироқ жорий операциялар бўйича мунтазам манфий сальдо ҳар доим ҳам тўлов баланси инқирозини билдирмайди, чунки уни шундай мунтазам равишда ташқи қарзнинг ўсишига олиб келмайдиган соф капитал кирими ҳисобига қоплаш мумкин. Бунга қарама-қарши вазият, яъни жорий операциялар бўйича хусусий капиталнинг соф чиқими ва халқаро захираларнинг ўсиши билан мувозанатга келтириш ҳам тўлов баланси инқирозидан далолат бермайди. Ушбу иккала ҳолатда ҳам тўлов балансининг мувозанати ҳақида гапириш мумкин.

9.3. Тўлов балансини тартибга солиш

Тўлов баланси ҳолати бутун миллий иқтисодиётга жиддий таъсир кўрсатади. Чунки тўлов баланси мамлакатнинг макроиқтисодий сиёсати (бюджет-солиқ, пул-кредит, ташқи савдо, валюта ва ҳ.к.)ни ишлаб чиқишда муҳим омил ҳисобланади. Ва шу сабабли иқтисодий назария ва амалиёт тўлов балансини тартибга солиш масалаларига катта эътибор беради.

Тўлов баланси назарияси ва уни тартибга солиш. Адам Смитнинг дўсти шотландиялик фалсафашунос Давид Юм (1711-1776) томонидан илгари сурилган тўлов балансининг автоматик мувозанати классик назарияси кейинчалик олтин стандарти билан бирга ўтмишга айланди. Маълумки, ушбу стандартда айирбошлаш курси қайд этилган бўлади. Бироқ сўнгги ўн йилликларда ушбу назарияга қизиқиш яна ортди. Агар олдинги шароитларда автоматик тартибга солувчи ролини “Захира активлари” моддаси бажарган бўлса, эндиликда сузувчи валюта курслари шароитларида бундай автоматик тартибга солувчи ролини миллий валютанинг айирбошлаш курси бажаради – у тўлов баланси ҳолати ёмонлашганда пасаяди ва у яхшиланганда ошади, бу эса автоматик равишда жорий операцияларда ва қисман капитал операцияларда ўзгаришларга олиб келади.

Альфред Маршалл томонидан ишлаб чиқилган ва унинг ватандоши Джоан Робинсон (1903-1983) ва америкаликлар Аббой Лернер (1903-1982) ва Фриц Мехлуп (1902-1983) томонидан ривожлантирилган тўлов балансига неоклассик мослашувчан ёндашув девальвациянинг жорий операциялар ҳисобига таъсирини ёритади. У тўлов балансининг маркази бўлиб ташқи савдо ҳисобланиши, унинг сальдоси, энг аввало, экспорт ва импорт нархлари даражалари нисбати (савдо шароитлари индекси)нинг валюта курсларига кўпайтмаси билан аниқланишидан келиб чиқади. Ташқи савдо нархлари даражалари мамлакат томонидан эмас, балки жаҳон бозори томонидан тартибга солинади, лекин мамлакат ташқи савдо балансини ўз валюта курсини ўзгартириш орқали тартибга солиши мумкин.

Мослашувчан ёндашувда айирбошлаш курсининг экспорт ва импортга таъсирини ҳисоблаш учун мамлакат экспортига хорижий талабнинг нарх эластиклиги (бу айирбошлаш курсининг фоизлик ўзгаришига жавобан экспорт жисмоний ҳажмининг фоизлик ўзгаришидир, масалан, рублнинг 40 % девальвация қилинишига жавобан экспортнинг 16 фоизлик ўсиши, яъни

0,16:0,40 = 0,4) ва импортга маҳаллий талабнинг нарх эластиклиги (айирбошлаш курсининг фоизлик ўзгариши натижасида импортнинг фоизлик ўзгариши, масалан, девальвация сабабли импортнинг 20 % камайиши, яъни 0,20:0,40 = 0,5). Нарх эластиклиги кўрсаткичлари экспорт ва импорт тузилмасига боғлиқлиги тушунарли, масалан, истеъмолчилар импорт ҳажмини жиддий камайтира олмайдилар, чунки у масалан, костюмлар эмас, балки доридармонларни олиб кириш билан аниқланади. Маршалл-Лернер шартига мувофиқ миллий валюта курсининг ўзгариши жорий тўлов баланси ҳолатини фақат экспортга хорижий талабнинг эластиклиги ва импортга маҳаллий талабнинг эластиклиги кўшилганда, бирдан ортиқ бўлганда (одатда, бу экспорт импорт қисқаришидан тезроқ ўсганда рўй беради) яхшилаши мумкин. Бизнинг мисолимизда бу шарт бажарилмайди, чунки $0,4 + 0,5 = 0,9$ ва шу сабабли девальвацияни амалга ошириш мақсадга мувофиқ эмас. Бошқа кўламдаги девальвация бошқа натижаларга олиб келиши мумкин. Бундан ташқари ушбу натижалар ҳар хил вақт оралиқларида турлича – қисқа муддатли даврда (айниқса, ярим йилгача) экспорт ва импорт эластиклиги ўрта муддатли даврга (икки-уч йилгача) нисбатан анча кичик бўлади, яъни девальвация самараси қисқа муддатли эмас, ўрта муддатлидир. Қисқа муддатли даврда ишлаб чиқарувчилар экспорт ҳажмини оширишга, истеъмолчилар эса янги нархларга мослашишга улгурмайдилар.

Тўлов балансига неокейнсиан абсорбцион ёндашув асосини Нобель мукофоти лауреатлари Джеймс Мид (1907-1996) ва Ян Тимберген (1907-1988) ғоялари асосида америкалик иқтисодчилар Сидни Александер (1916-2005) ишлари ташкил қилади. Ушбу ёндашув тўлов балансини (энг аввало, савдо балансини) ялпи маҳсулот Y нинг ички истеъмолчилик (C) ва инвестицион талаб (I) каби элементлари билан боғлайдики, уларнинг йиғиндиси «абсорбция» атамаси билан аталади. Тўлов баланси САВ фақат $Y - A$ дан ортиқ, яъни $САВ = Y - A$ бўлганда мусбат бўлиши мумкин, САВ ни яхшилаш учун эса девальвация Y ни A га нисбатан кўпайтирганда мақсадга мувофиқдир, бу эса тўлиқ фойдаланилмайдиган ресурсларга эга иқтисодиётда мумкин (ишлаб чиқариш имкониятлари чегарасидан паст). Бироқ иқтисодий ресурслар тўлиқ фойдаланиладиган иқтисодиётда (масалан, тўлиқ бандлик ва юкланган ишлаб чиқариш қувватларида) девальвация ўрта муддатда Y ни эмас, балки кўпроқ A ни оширади (масалан, маҳаллий ишлаб чиқариш товарлари билан алмашиш имкони бўлмаган импорт товарларнинг қимматлашуви ҳисобига), бу эса САВ нинг ёмонлашишига олиб келади. Абсорбцион ёндашув мослашувчан ёндашув билан ўзаро солиштирилади, масалан, девальвация учун Маршалл-Лернер шarti бажарилади ва экспорт импортга нисбатан фақат $Y - САВ$ га қараганда тезроқ ўса олгандагина тезроқ ўсади.

Тўлов балансига монетаристик ёндашувга даниялик Жак Полак (1914-2010), канадалик Гарри Джонсон (1923-1977) ва Роберт Манделл (1932 йилда туғилган) ишларида асос солинган. Монетаристик ёндашувда асосий эътибор, табиийки, пул омилларига, энг аввало, тўлов баланси сальдосининг мамлакатда пул муомаласига таъсирига ажратилади. Монетаристлар айнан мамлакат пул

бозоридаги мувозанатсизлик унинг тўлов балансининг мувозанатсизлигини аниқлайди, деб ҳисоблайдилар. Бу ердан уларнинг энг асосий тавсияномаси келиб чиқади: нафақат пул муомаласига, балки мамлакатнинг халқаро ҳисоб-китобларига ҳам чуқур аралашмаслик зарур. Агар муомалага зарур миқдордан кўпроқ пуллар чиқарилган бўлса, улардан, шу жумладан, хорижий капитални, хорижий товарлар ва хизматларни кўпроқ харид қилиш орқали қутулишга интиладилар. Тўлов баланси камомadini йўқотиш учун пул массаси ўсишини қаттиқроқ назорат қилиш талаб этилади.

Тўлов баланси сальдосининг бошқа макроиқтисодий кўрсаткичлар билан алоқаси. Иқтисодий назарияда асосий макроиқтисодий айният тушунчасидан фойдаланилади:

$$Y = C + G + I + NX \quad (1)$$

бу ерда:

Y – ялпи ички маҳсулот;

C – хусусий истеъмол;

G – давлат истеъмоли;

I – инвестициялар;

NX – ташқи савдо баланси.

Ушбу айниятни тўлов баланси ва миллий иқтисодиётнинг бошқа кўрсаткичлари билан алоқасини намоён этувчи бошқа қатор айниятларга айлантириш мумкин.

Иккита фаразни келтирамиз: хусусий ва давлат истеъмолини жами истеъмол (C)га бирлаштирамиз, савдо балансини эса жорий тўлов баланси (CAB) (ингл. current account balance)гача кенгайтирамиз, чунки кўпчилик дунё мамлакатларида у савдо баланси билан аниқланади. Бунда асосий макроиқтисодий айният қуйидагича ифодаланади:

$$Y = C + I + CAB \quad (2)$$

Сўнгра (2) айният қуйидагича қайта ўзгариши мумкин:

$$CAB = Y - (C + I) \quad (3)$$

(3) айниятдан мамлакат жорий тўлов балансининг мусбат сальдосида истеъмол қилинган ва инвестицияланган маҳсулотдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилади, манфий сальдода эса камроқ ишлаб чиқарилади. Ва шу сабабли барқарор катта мусбат сальдо (масалан, Хитой, Япония, Россия каби мамлакатларда) мамлакатнинг иқтисодий муваффақиятларидан далолат бермайди, модомики у манфий сальдога қараганда маъқулроқ бўлса ҳам. У мамлакатда етарли бўлмаган истеъмол талаби (Хитой ва Япониядаги каби) ёки инвестицион талаб (Россиядаги каби)дан далолат беради.

Сўнгра ЯИМ истеъмол ва жамғармалар йиғиндисига тенглигини эслаймиз:

$$Y = C + S \quad (4)$$

бу ерда: S – жамғармалар, (2) ва (4) айниятларни солиштириб, янги айният чиқариш мумкин:

$$S = I + CAB \quad (5)$$

Бундан куйидаги келиб чиқади:

$$CAB = S - I \quad (6)$$

Шундай қилиб, мамлакат жорий операциялар ҳисоби сальдоси унинг жамғармалари ва инвестициялари ўртасидаги фарқ билан аниқланади. Агар мамлакатда жамғармалар инвестициялардан ортиқ ($S > I$) бўлса, жорий ҳисоб сальдоси мусбат бўлади ва аксинча агар ($S < I$) бўлса, сальдо манфий бўлади.

Шунингдек, жорий тўлов баланси сальдоси давлат бюджети ҳолати билан боғлиқ. Давлат бюджети камомади (D), одатда, жамғармалар S ҳисобига молиялаштирилади ва шу сабабли (6) айниятни куйидаги тарзда янгилаш мумкин:

$$CAB = S - I - D \quad (7)$$

Бундан жорий операциялар сальдоси катталиги нафақат мамлакат жамғармалари унинг инвестициялари билан қандай ўзаро таққосланишига эмас, балки унинг давлат бюджети камомадига (агар шундай камомад мавжуд бўлса) боғлиқлиги келиб чиқади.

Ниҳоят, жорий тўлов баланси сальдоси мамлакатда пул массаси миқдорига таъсир этади. Тўлов баланснинг катта мусбат сальдосида мамлакатга экспортчилар олиб келадиган хорижий валюта ҳажмлари импортчиларнинг ушбу валютага эҳтиёжларидан юқори бўлади. Шунга боғлиқ равишда жиддий ҳажмдаги хорижий валюта импортчиларга сотилгандан сўнг ҳам экспортчилар кўлида қолади ва улар уни марказий банкда миллий валютага айирбошлайдиларки, ушбу валютани марказий банк экспортчиларидан хорижий валюта қолдиқларини харид қилиш учун махсус эмиссия қилишга мажбурдир. Натижада бир томондан мамлакатнинг валюта захиралари тез ўсади, иккинчи томондан эса пул массаси тез ўсиб инфляция муаммосини келтириб чиқариши мумкин. Давлат томонидан тўлов балансига таъсир этиш учун олиб борилган инвестицияни рағбатлантиришга қаратилган сиёсат натижасида капитал оқимлари сальдосида мусбат, жорий операциялар ҳисобида эса дефицит пайдо бўлади. Агар мамлакат жамғармаларни рағбатлантирувчи сиёсат олиб борса, у ҳолда капиталлар ҳаракати сальдосида дефицит, жорий операциялар ҳисоби сальдосида эса мусбат сальдога эришилади.

Тўлов балансини тартибга солиш амалиёти. Тўлов балансини давлат томонидан тартибга солиш муддатига кўра икки хил – қисқа ва узоқ муддатли бўлиши мумкин. Қисқа муддатли тартибга солувчи дастакларга куйидагилар киради:

- ички талабни қисқартиришга қаратилган дефляция сиёсати;
- миллий валюта курсини пасайтириш, экспортни рағбатлантириш ва импортни чеклашга кўмаклашувчи девальвация;
- экспортёрларнинг хорижий валютадаги тушумларини регламентлаш кўринишидаги валюта чекловлари ҳамда импортёрларга хорижий валютани сотишни лицензиялаш;

- махсус молиялаштириш, яъни экспортёрларга нисбатан бюджет субсидияларини назарда тутати.

Тўлов балансини давлат томонидан тартибга солишнинг узок муддатли дастаклари эса қуйидагилар ҳисобланади:

- экспортёрларнинг товарларини олиб чиқиш ва мақсадли кредитлар ёрдамида ташқи бозорларни ўзлаштириш билан боғлиқ узок муддатли манфаатлари, иқтисодий ва сиёсий рисклардан суғурталаш, асосий капитал амортизацияси учун имтиёзли режим жорий қилиш;

- инвестицияларни узок муддат рағбатлантириш;

- миллий жамғармалар даражаси;

Тўлов балансини тартибга солишнинг қисқа муддатли шаклида мамлакатлар ташқи савдонинг тариф ва нотариф дастакларидан фойдаланишлари мумкин. Масалан, импорт божини ошириб ва ташқи савдо операцияларини амалга оширишда қўшимча талаблар қўйиш билан импортни чеклашлари мумкин. Аммо Жаҳон савдо ташкилотига аъзо давлатларга бундай дастаклардан фойдаланиш тақиқланади. Ушбу ташкилот қоидаларига кўра аъзо мамлакатлар субсидия ва демпингдан фойдаланиши мумкин эмас.

Шунингдек, жорий операцияларнинг мунтазам сальбий баланси потенциал хавfli ҳисобланади, чунки капитал операцияларнинг мунтазам ижобий баланси кўринишида мувозанатлаштиришни талаб қилади. Бу эса халқаро савдога қараганда халқаро капитал ҳаракатининг юқори ўзгарувчанлиги сабабли амалга ошириш қийинроқ ва шу сабабли тўлов баланси тартибга солинар экан, энг аввало, жорий тўлов баланси ва айниқса, унинг асоси – савдо баланси тартибга солинади. Бунда ҳам ташқи савдо чоралари (энг аввало, импортни чеклаш ва экспортни рағбатлантириш бўйича чоралар)дан, ҳам валюта чораларидан (энг аввало, девальвация) фойдаланилади. Лекин ташқи иқтисодий либераллаштириш шароитларида ташқи савдо чораларидан фаол фойдаланиш мураккаблашган ва шу сабабли валюта чоралари асосий бўлади.

Бироқ жорий операциялар бўйича мунтазам катта мусбат сальдо иқтисодиётда нохуш вазиятлардан далолат беради. Чунки бундай сальдода мамлакат истеъмол ва инвестицияларга қараганда кўпроқ товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаради. Албатта, унда ташқи активлар тез ўсади, улар даромад келтиради (ҳатто, олтин-валюта захираларини депозитлар ва хорижий қимматли қоғозларда сақлайди), лекин амалиёт кўрсатишича, узок муддатли истиқболда бу усул активларни ўз иқтисодиётига инвестициялашга қараганда камроқ самаралидир.

Узок муддатли даврда тўлов баланси мувозанатда бўлган вазият энг яхши (идеал) ҳисобланади. Бироқ ушбу вазиятга эришиш қийин, чунки у иқтисодий сиёсат мақсадларига зид бўлиши мумкин. Масалан, Шарқий ва Жануби-шарқий Осиё мамлакатларида япон моделидан, унинг товарлар ва хизматлар экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришнинг устунлиги билан фойдаланиш иқтисодий модернизацияга йўналтирилган, бунда ҳосил бўладиган жорий операциялар бўйича барқарор сальдо эса ушбу модернизация моделининг салбий самараси

ҳисобланади. Россияда ЯИМ ўсиши учун хомашёни экспорт қилишга асосланган модель ҳам ушбу хомашёга юқори нархлар туфайли жорий операциялар бўйича юқори мусбат сальдони ҳосил қилади.

Жорий операциялар профицитада у олтин-валюта захиралари ва капитал экспортининг ўсишига сарфланади. Бу жаҳон капитал экспортида ва жамланган халқаро захираларда Россия, Хитой ва бошқа Шарқий Осиё мамлакатларининг тобора кўпроқ салмоғи сабабларидан биридир.

Жорий операциялар бўйича сальдо камомадли бўлса, қандай молиялаштирилади, деган савол туғилади. Албатта, энг аввало, капитал операциялар билан молиялаштирилади. Бунда тўғри хорижий инвестициялар (ТХИ) оқими энг мақсадга мувофиқ ҳисобланади, чунки улар портфель ва айниқса, бошқа инвестициялардан фарқли ўлароқ, кейинги чиқиб кетиш билан тавсифланмайди, бундан ташқари ўзи билан тадбиркорлик ва билимлар каби иқтисодий ресурсларни олиб келади. Бироқ мамлакатга ТХИнинг оқимини кўпайтириш, айниқса, қисқа ва ўрта муддатли даврларда мураккабдир. Хориждан миллий компаниялар акцияларига қўйилмаларнинг кириб келиши уларнинг истиқболларига боғлиқ, хорижий инвестицияларнинг маҳаллий облигациялар ва банк депозитларига кириб келиши кўп жиҳатдан миллий фоиз ставкаси билан аниқланади. Унинг ошиши бундай хорижий капитал ва маҳаллий жамғармалар учун жозибадор ҳисобланади, лекин мамлакатда инвестицион фаолликни чеклайди. Ниҳоят, хорижий қисқа муддатли капиталнинг катта кирими мамлакатда пул массасининг ошиши ва инфляциянинг ўсишига олиб келиши мумкин, энг асосийси, капитал киримининг тўсатдан тўхтаб қолиши билан тавсифланадики, бунда хорижий ссуда капиталидан фойдаланишга ўрганиб қолган миллий иқтисодиёт тўсатдан ундан маҳрум бўлади. Масалан, сўнгги иқтисодий инқироз ва ундан кейинги даврда ушбу вазият рўй берган эди. Агар 2007 йилда кам ривожланган мамлакатларга портфель ва бошқа инвестицияларнинг соф кирими 194 млрд. долларни ташкил этган бўлса, кейинги йилда у 349 млрд. долларга тенг соф чиқим билан алмашди. ТХИнинг соф кирими шу йилда, ҳатто, ўсди ҳам.

Шунга боғлиқ равишда тўлов балансини тартибга солиш учун энг кўп миллий валюта девальвацияси, у билан боғлиқ барча юқорида баён қилинган вазиятларни эътиборга олган ҳолда амалга оширилди. Бундан ташқари камроқ даражада камомадни олтин-валюта захиралари ҳисобига қисқа муддатли молиялаштиришдан фойдаланилди. Ниҳоят, тўлов баланси инқирозидида фавқулодда молиялаштириш деб номланган усул қўлланилди.

Хулоса

1. Тўлов баланси мамлакат резидентларининг маълум даврда (одатда, чорак, ярим йил ва йил) норезидентлар билан барча битимлари ҳақидаги ҳисоботдир. Ўз навбатида, резидент мамлакатда доимий фаолият юритиш жойига эга иқтисодий агентдир. Тўлов баланси жамғарилган хорижий активлар ва мажбуриятларнинг мутлақ катталигини эмас, балки мамлакатлар ўртасидаги маблағларнинг ҳаракати (уларнинг оқимлари)ни қамраб олади.

2. Тўлов баланси тўрт бўлимдан иборат – жорий операциялар ҳисоби, капитал билан операциялар ҳисоби, молявий ҳисоб, хатолар ва бўш жойлар. Тўлов баланси нафақат юқорида баён этилган стандарт (нейтрал) тақдим бўйича, балки таҳлилий тақдим бўйича ҳам тузилиши мумкин. Таҳлилий тақдимда молявий ҳисобга мамлакат олтин-валюта захиралари (захира активлари) катталигининг ўзгаришлари киритилмайди. Улар тўлов балансининг алоҳида – бешинчи бўлимига ажратилади.

3. Тўлов баланси автоматик мувозанат классик назарияси замонавий шарт-шароитлар учун яроқлидир. Агар олдинги шароитларда автоматик тартибга солувчи ролини “Захира активлари” моддаси бажарган бўлса, эндиликда сузувчи валюта курслари шароитларида бундай автоматик тартибга солувчи ролини миллий валютанинг айирбошлаш курси бажаради – у тўлов баланси ҳолати ёмонлашганда пасаяди ва у яхшиланганда ошади, бу эса автоматик равишда жорий операцияларда ва қисман капитал операцияларда ўзгаришларга олиб келади. Тўлов балансига неоклассик мослашувчан ёндашув девальвациянинг жорий операциялар ҳисобига таъсирини ёритади. Тўлов балансига неокейнсиан абсорбцион ёндашув асосида мамлакатда унинг иқтисодий ресурслари тўлиқ ишлатилганда, девальвация, асосан, ЯИМни эмас, балки истеъмолни ошириши мумкин ва тўлов балансининг жорий ҳисобини ёмонлаштириши мумкин деган ғоя ётади. Тўлов балансига монетаристик ёндашув тўлов баланси камомадини йўқотиш учун фақат пул массасининг ўсишини қатъий назорат қилиш зарур деган ғояни илгари суради.

4. Кўпчилик мамлакатлар тўлов баланси инқирозидан кўрқиб, жорий операциялар бўйича мусбат сальдога интилади. Бунинг учун улар, энг аввало, жорий тўлов баланси ва айниқса, унинг асоси – савдо балансини тартибга солади. Бунда ҳам ташқи савдо чоралари (энг аввало, импортни чеклаш ва экспортни рағбатлантириш бўйича чоралар)дан, ҳам валюта чораларидан (энг аввало, девальвация) фойдаланилади. Лекин ташқи иқтисодий либераллаштириш шароитларида ташқи савдо чораларидан фаол фойдаланиш мураккаблашган ва шу сабабли валюта чоралари асосий бўлади.

5. Бироқ жорий операциялар бўйича мунтазам катта мусбат сальдо иқтисодиётда нохуш вазиятлардан далолат беради. Чунки бундай сальдода мамлакат истеъмол ва инвестицияларга қараганда кўпроқ товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаради. Албатта, бунда унда ташқи активлар тез ўсади, улар даромад келтиради (хатто, олтин-валюта захираларни депозитларда ва хорижий қимматли қоғозларда сақлайди), лекин амалиёт кўрсатишича, узоқ муддатли истиқболда бу усул активларни ўз иқтисодиётига инвестициялашга қараганда камроқ самаралидир.

Таянч иборалар: тўлов баланси, резидент, жорий операциялар ҳисоби (жорий ҳисоб, жорий тўлов баланси, жорий операциялар), капитал ҳаракати билан боғлиқ операциялар ҳисоби, молиявий ҳисоб, тоза хато ва камчиликлар, тўлов балансининг автоматик тенглик назарияси, тўлов балансига мослашувчан (эластиклик) ёндашув, Маршалл-Лернер шартлари, тўлов балансига абсорбцион ёндашув, тўлов балансига монетар ёндашув, капитал оқимининг кескин тўхташи.

Назорат учун саволлар

1. Нима учун тўлов баланси керак?
2. Тўлов баланси қайси қисмлардар ташкил топган? Уларни айтиб (тушунтириб) беринг.
3. Тўлов балансининг стандарт ва таҳлилий (аналитик) кўринишларининг бир-биридан фарқи нимада?
4. Тўлов балансининг автоматик тенглик назарияси мазмуни нимадан иборат?
5. Нима учун девальвация ҳар доим ҳам жорий операциялар ҳисоби яхшиланишига олиб келмайди?
6. Ўзбекистон тўлов балансининг ўзига хос хусусиятлари.

Х боб. ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ҲИСОБ-КИТОБ МУНОСАБАТЛАРИ

Халқаро валюта ҳисоб-китоб муносабатлари ташқи иқтисодий алоқалар бўйича халқаро ҳисоб-китобларга хизмат кўрсатишдан келиб чиққан бўлиб, тобора халқаро иқтисодий муносабатларнинг мустақил шаклига айланиб бормоқда ва унинг бошқа шаклларига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Халқаро валюта муносабатлари биргина такрор ишлаб чиқариш жараёнининг ҳар бир босқичига – ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмолга бевосита фаол таъсир қилади.

10.1. Халқаро ҳисоб-китоблар шакллари

Халқаро ҳисоб китоблар турли мамлакатларнинг иқтисодий субъектлари ўртасида ташқи иқтисодий алоқалар амалга оширилганда юзага келадиган мажбуриятлар ва пулга бўлган талаб бўйича тўловларни назорат қилиш ва ташкил этиш тизимидир. Валюта айирбошлаш операцияларининг катта қисми халқаро ҳисоб-китобларга, энг аввало, халқаро савдо ҳисоб-китобларга тўғри келади. Улар ташқи савдо операциялари, халқаро юк ташувлари, халқаро савдо кредити бўйича тўловлар ва киримлардан иборат. Бошқа барча халқаро ҳисоб-китоблар халқаро носавдо ҳисоб-китобларига тегишли бўлиб, катта ҳажмларни ташкил этади.

Халқаро савдода тижорат банклари жуда муҳим роль ўйнайди. Бунинг учун улар пул тўплаш (депозит), пул тақсимлаш (кредит), ҳисоб-китобларни амалга ошириш, шунингдек, воситачилик вазифаларини бажаради. Барча халқаро ҳисоб-китоблар банклар томонидан ўз миқдорларининг – ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг топшириқларига кўра амалга оширилади. Унга кўра улар валюта операциялари, савдони молиялаштириш, банк кафолати ва ҳисоб-китобга оид операцияларни бажаради. Бунинг учун тижорат банклари хорижий банклар билан корреспондентлик муносабатларини ўрнатади. Корреспондентлик муносабатлари деб, турли мамлакатларнинг банклари ўртасида ҳисобларни очиш, молиявий операцияларни амалга ошириш, ахборот алмашиш тўғрисидаги келишувларига айтилади. Бундай муносабатларга киришиш натижасида қулайлик, тезкорлик, рискларнинг камайиши ва бунинг натижасида кўшимча даромадга эга бўлиш мумкин. Корреспондентлик ҳисоблари орқали аккредитив, ҳужжатлар йиғиш, траттани акцепт қилиш ҳамда кафолат бериш ва чиқариш каби халқаро ҳисоб-китоб операциялари амалга оширилади. Чет эл банкида маҳаллий банк номига очилган корреспондентлик ҳисоби НОСТРО (лотинча *nostro* – бизники) ҳисоби деб аталади. Ўз навбатида, маҳаллий банкда чет эл банки очган корреспондентлик ҳисоби ЛОРО (лотинча *loro* – уларники) ёки ВОСТРО ҳисоби деб аталади. Бу ҳисоблар ўз тавсифларига кўра талаб қилиб олингунга қадар депозитлар (жорий операцион ҳисоблар) ҳисобланади.

Ташқи савдо шартномалари бўйича тўлов шартлари 1980 йилдаги Вена конвенциясидан ташқари Халқаро хусусий ҳуқуқни унификациялаштириш институти (УНИДРУА) томонидан 1994 йилда қабул қилинган Халқаро

тижорат шартномалари принциплари (Principles of International Commercial Contracts) деб номланувчи ҳужжат билан тартибга солинади. Халқаро қоидалар ва одатлар ҳам халқаро ҳисоб-китоблар учун катта аҳамият касб этади.

Халқаро ҳисоб-китобларни амалга оширишда пайдо бўлувчи муаммоларни ўрганиш ва умумлаштириш асосида келгусида уларнинг олдини олиш мақсадида Парижда Халқаро савдо палатаси (International Chamber of Commerce – Paris, ХСП) томонидан Хужжатли аккредитив учун унификацияланган қоидалар ва одатлар (Uniform Customs and Practice for Documentary Credits, UCP) ва Инкассо бўйича унификацияланган қоидалар (Uniformed Rules for Collection, URC) ишлаб чиқилган. UCP факультатив (ихтиёрий) тавсифга эга қоидалар бўлиб, уларга давлатлар эмас, балки банклар ёки уларнинг уюшмалари кўшилади ва ҳисоб-китобларни аккредитив шаклида амалга оширишда ушбу Қоидаларни қўллаш мақсади ҳақида ХСПни хабардор қилади. Бунда ҳар бир аккредитив ва инкассога унинг UCPнинг амал қилишига бўйсунуши тўғрисидаги шарт киритилади.

Шундай қилиб, ташкиллаштириш жиҳатларига кўра халқаро ҳисоб-китоблар қуйидаги хусусиятларга эга:

- улар, одатда, хужжатлаштириш тавсифига эга, яъни молиявий хужжатлар (векселлар, чеклар, тўлов тилхатлари) ва тижорат хужжатлари (ҳисоб-фактуралар, транспорт хужжатлари (коносаментлар), накладнойлар, суғурта полислари, турли сертификатлар) тақдим этилганда амалга оширилади;

- ҳисоб-китобларнинг асосий шакллари унификация қилинган ва Халқаро савдо палатаси томонидан шакллантирилган одатлар ва қоидалар асосида амалга оширилади.

Халқаро ҳисоб-китоблар бўйича тўловлар 2 хил шаклда – хужжатли ва соф (хужжатсиз) шаклда амалга оширилади. Халқаро амалиётда халқаро ҳисоб-китобларнинг аккредитив, инкассо, аванс ҳамда савдо кредити пайтида очиқ ҳисоб шакллари энг кўп қўлланилади. Халқаро ҳисоб-китоб воситаларига эса чек, вексель, ўтказмалар (банк, почта, телеграф ва СВИФТ) киради.

Аккредитив – томонлар ўртасида тузилган шартномага асосан амалга ошириладиган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар олиб бориладиган банк ҳисоб варағи. *Хужжатли аккредитив* банкка мижоз (импорт қилувчи)нинг экспорт қилувчига ўз ҳисобидан пул тўлашни амалга ошириш (нақд ҳисоб-китобларда) ёки экспорт қилувчи томонидан тақдим этилган тратта (кредит тақдим этиш ёки тўловни кечиктиришда векселнинг тури)ни акцепт қилиш (яъни розилик билдириш) тўғрисидаги топшириғидир. Хужжатли аккредитив шаклида ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби 2007 йил ўртасида кучга кирган Халқаро Савдо Палатасининг 600-сонли нашридаги Хужжатли аккредитив учун унификацияланган қоидалар ва одатларнинг (UCP № 600) бандлари асосида тартибга солинади. Аккредитив операциясини амалга оширувчи иштирокчиларга импортёр (ариза берувчи аккредитив очишга), банк эмитент (аккредитив очган импортёр банки), бажарувчи банк (экспортёрга тегишли), бенефициар (аккредитив ҳисобидан фойдаланувчи – экспортёр) киради.

Ташқи савдо амалиётида хужжатли аккредитивларнинг мазкур ташқи

савдо битими хусусиятларига энг кўп даражада жавоб берувчи турли шаклларидан фойдаланилади. Хужжатли аккредитивнинг энг кўп қўлланиладиган шакллари орасида қуйидагилар алоҳида ажралиб туради (10.1-жадвал).

10.1-жадвал

Хужжатли аккредитивнинг энг кўп қўлланиладиган шакллари

<p><i>Чақириб олинмайдиган аккредитив</i> – банк-эмитент томонидан исталган вақтда, бенефициарни олдиндан огоҳлантирмаган ҳолда чақириб олиниши мумкин</p>	<p><i>Чақириб олинмайдиган аккредитив</i> – олдиндан кўрсатилган муддатдан аввал чақириб олиниши (ўзгартирилиши) мумкин эмас. Аккредитивни очиш тўғрисидаги аризада унинг чақириб олинмайдиган ёки чақириб олинмайдиган аккредитив тури эканлиги кўрсатилмаганда, у чақириб олинмайдиган аккредитив ҳисобланади</p>
<p><i>Тасдиқланмаган аккредитив</i> – ушбу операцияда иштирок этувчи банк уни бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олмайди, лекин ташқи белгиларга кўра аккредитивнинг ҳақиқийлигини батафсил текширади</p>	<p><i>Тасдиқланган аккредитив</i> – эмитент-банк илтимосига кўра мазкур операция бўйича мажбуриятни ушбу операцияда иштирок этувчи бошқа банк ўз зиммасига олади ва у эмитент-банк билан бирга аккредитив шартларини бажариш бўйича жавобгарликка эга</p>
<p><i>Қопланмаган аккредитив</i> – у очилганда, ижрочи банкка қоплама миқдорини ўтказиш назарда тутилмайди</p>	<p><i>Қопланган аккредитив</i> – у очилганда, эмитент-банк ижрочи банк ихтиёрига олдиндан валюта маблағларини (қопламани) аккредитив миқдорида унинг амал қилиш муддатига тақдим этади</p>
<p><i>Компенсацион аккредитив</i> – ягона иқтисодий маънога эга, ҳуқуқий жиҳатдан эса ўзаро мустақил бўлган бошқа аккредитивга асосланган, банк ҳар бир аккредитив бўйича мустақил, яъни иккинчи аккредитивнинг бажарилишига боғлиқ бўлмаган мажбуриятларни олади. Бу ҳолатда кўшимча рисклар вужудга келади: у биринчи аккредитивнинг бажарилишидан қатъи назар иккинчи аккредитив бўйича тўлаши лозим</p>	<p><i>Револьверли (қайта тикланадиган) аккредитив</i> – аккредитивнинг дастлабки пул миқдори тўлиқ ишлатилгандан сўнг ёки ҳар бир хужжатлар мажмуасини тақдим этгандан сўнг уни қайта тиклаш шарти билан шартнома қийматининг бир қисмига очилади. Мазкур аккредитив тури муомала харажатларини қисқартиришга кўмаклашиши туфайли узоқ муддат мобайнида товарлар партиясини мунтазам юклаб жўнатиш амалга ошириладиган йирик пул миқдорида тузилган шартномалар бўйича ҳисоб-китобларда амалга оширилади</p>

Ҳисоб-китобларнинг аккредитив шакли экспорт қилувчи учун максимал фойдалидир, чунки шартнома бўйича контрагентнинг тўлов мажбуриятдан ташқари банкнинг аккредитив бўйича тўловни амалга ошириш каби мустақил мажбурияти юзага келади. Импорт шартнома бўйича олдиндан тўлов ёки аккредитив каби ҳисоб-китоб шакллари таққослашда импорт қилувчи-мижоз учун ҳам ҳисоб-китобларнинг аккредитив шаклидан фойдаланишнинг қуйидаги афзалликлари кўзга ташланади: фақат маҳсулотни юклаб жўнатиш ёки хизмат кўрсатиш амалга оширилганлигини тасдиқловчи хужжатлар бўйича тўловни амалга ошириш, бундай хужжатларни мустақил ва малакали банк мутахассислари томонидан синчиклаб текшириш.

Кенг қўлланиладиган ҳисоб-китоб шаклларидан бири *инкассо* бўлиб, унга кўра банк мижоз топшириғига биноан импорт қилувчидан унга юклаб

жўнатилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўловни ёки ушбу тўлов белгиланган муддатларда амалга оширилишининг тасдиғини олади. Ҳисоб-китобларнинг инкассо шакли қўлланилиши 1996 йилда кучга кирган ХСП томонидан ишлаб чиқилган Инкассо бўйича унификацияланган қоидалар (1995 йил таҳрири, 522-сонли нашр). Инкассо операциясида қандай ҳужжатлардан фойдаланилишига қараб *соф инкассо*, яъни фақат молиявий ҳужжатларнинг инкассоси ва *ҳужжатли инкассо* – тижорат ҳужжатлари ҳамроҳлигидаги молиявий ҳужжатларнинг инкассоси ёки фақат тижорат ҳужжатларининг инкассоси. Соф инкассода экспортёр ҳеч қандай тижорат ҳужжатларисиз молиялаштиришни амалга ошира олади ва бунда молиялаштириш учун векселнинг акцепти ҳисобга олиниши мумкин.

Халқаро ҳисоб-китоблар шаклларига *банк ўтказмаси* ҳам киради. У ўзида тижорат банкининг ўз корреспондент-банкига ўтказма берувчининг илтимосига кўра ва унинг ҳисобидан хорижий олувчига (бенефициарга) маълум пул миқдорини тўлаш бўйича оддий топшириғини ифодалайди. Бунда тўловчи-банкка тўланган пул миқдорини қоплаш усули кўрсатилади. Банк ўтказмаси шаклида инкассо бўйича пул тўлаш, сўнгги ҳисоб-китоблар бўйича тўловлар ёки бўнак тўловлари амалга оширилади. Ўтказма ёрдамида олдин тузилган битимлар бўйича қайта ҳисоб-китоблар амалга оширилади ёки бир марталик битимлар бўйича пул тўланади.

Бўнак шаклидаги ҳисоб-китоблар экспорт қилувчи учун энг қулай, чунки у тўловни товарни етказиб бергунга қадар олади. Халқаро амалиётда бўнак миқдори шартнома ҳажмининг 10-30 %ини ташкил қилади. Бу ҳолатда импорт қилувчи экспорт қилувчига кредит беради. Шартнома шартлари бажарилмаганда бўнак импорт қилувчига қайтарилади. Бўнак тўловларидан кемалар, автомобиллар ва бошқа қимматбаҳо асбоб-ускуналарни экспорт қилиш шартномаларини бажаришда импорт қилувчининг розилиги билан ёки унинг манфаатдорлиги билан ёхуд экспорт қилувчининг тазйиқи остида фойдаланилади.

Очиқ ҳисоб бўйича тўловлар импорт қилувчининг товарни қабул қилиб олгандан сўнг экспорт қилувчига даврий тўловлари шаклида қўлланилади ва импорт қилувчининг манфаатларига жавоб беради. Бундай ҳисоб-китоб шакли давомли савдо муносабатлари билан боғланган юқори ўзаро ишончга эга ёки товарларни консигнацияга қабул қилувчи фирмалар томонидан қўлланади. Экспорт қилувчи учун ушбу ҳисоб-китоб шакли энг ноқулай, чунки ўз вақтида тўловни амалга ошириш бўйича ишончли кафолатга эга эмас, унинг капитал айланмасини секинлаштиради ва баъзан банк кредитига мурожаат қилиш заруратини туғдиради.

Векселлардан фойдаланиш ҳисоб-китоби тўловни кечиктириш зарур бўлганда қўлланилади. Вексель бўйича пул тўлаш мажбуриятини уни муомалага чиқарган ва уни тўлашга розилик билдирган акцептант (импортчи ёки банк) олади. Векселларни муомалага чиқариш ва улар бўйича пул тўлаш шартлари 1930 йилдаги Женева вексель конвенциясига асосланган вексель қонунчилигини унификациялаштириш натижаси бўлган Бир қолипни вексель

қонуни (БҚВҚ) билан тартибга солинади. Женева вексель конвенциясининг иштирокчиларига Австрия, Бельгия, Бразилия, Венгрия, ГФР, Греция, Дания, Италия, Люксембург, Монако, Голландия, Норвегия, Польша, Португалия, СССР, Финляндия, Франция, Швейцария, Швеция ва Япония киради. Мазкур Конвенцияга қўшилмаслик, масалан, Аргентина, Афғонистон, Болгария, Жазоир ва бошқа қатор мамлакатларда векселлар муомаласини тартибга солувчи ўз қонунчилигини яратишда БҚВҚдан асос сифатида фойдаланишни тақиқламайди.

Носавдо операциялари бўйича ҳисоб-китобларда чеклардан (йўл чеклари) ва банк (тўлов) карталаридан фойдаланилади.

Чек – банкка чекни тақдим этувчига унда кўрсатилган пул миқдорини чек берувчининг ҳисоб рақамидан тўлаш тўғрисидаги буйруқни ўз ичига олган пул ҳужжатиدير. Чекнинг шакли ва унинг реквизитлари 1931 йилда Женева конференциясида қабул қилинган Бир қолипчи чек қонуни билан тартибга солинади.

Халқаро ҳисоб-китобларда VISA, MasterCard, AmericanExpress ва бошқа тўлов карталари кенг қўлланилмоқда. Ушбу карталардан товарлар бўйича ҳисоб-китобларда пул ечишга розилик билдирган савдо фирмалари туфайли тобора кенг фойдаланилмоқда. Бундан ташқари Россияда STBCard каби пластик карталар билан ҳисоб-китоб қилиш имконини берувчи миллий тўлов тизимлари қўлланилади.

Электрон алоқа воситаларининг ривожланиши натижасида халқаро савдода Интернетдан фойдаланиш ва ҳатто у орқали тўловларни амалга ошириш имкони пайдо бўлди.

10.2. Курс ҳосил қилувчи омиллар ва валюта курсининг хўжалик ҳаётига таъсири

Халқаро муносабатлар иштирокчилари ўртасидаги иқтисодий операцияларни бир миллий валютани бошқа валютага айирбошлашсиз амалга ошириш мумкин эмас. Бир мамлакат валютасини бошқа мамлакат валютасига айирбошлаш нисбати валюта (айирбошлаш) курси деб аталади. Бошқача айтганда, валюта курси бир мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирлигида ифодаланган қиймати (нархи)дир.

Муайян вақт учун қайд этилган валюта курси валюта котировкаси деб аталади. Тарихан хорижий валютани миллий валютага котировкаланишнинг икки хил усули – тўғри ва тесқари усули мавжуд. Тўғри котировка энг кўп қўлланилади, бунда бирлик сифатида хорижий валюта (базавий) қабул қилинади ва у маълум бирликка эга миллий валютада (котировкаланиш валютасида) ифодаланади. Масалан:

Японияда Токио Нью-Йоркка $1 \text{ USD} = 111,83 \text{ JPY}$;

Россияда Москва Нью-Йоркка $1 \text{ USD} = 65,56 \text{ RUR}$;

Ўзбекистонда Тошкент Нью-Йоркка $1 \text{ USD} = 8195 \text{ UZS}$;

Тесқари котировкада эса бирлик сифатида миллий пул бирлиги қабул қилинади ва у хорижий валюта бирликларида ифодаланади, яъни бу тўғри

котировкага тескари схемага эга. Масалан:

Японияда Токио Нью-Йоркка 1 JPY = 0,0089 USD;

Россияда Москва Нью-Йоркка 1 RUR = 0,015 USD;

Ўзбекистонда Тошкент Нью-Йоркка 1 UZS = 0,00012 USD.

Ҳеч бири битим иштирокчисининг миллий валютаси саналмаган ёки учинчи, базавий валютага (доллар, евро) нисбатан курсидан келиб чиқадиган икки хорижий валюталарнинг котировкаси кросс-курс деб номланади. Масалан, 1 USD = 0,9311 CHF (швейцария франки) ва 1 USD = 8,3410 SEK (швеция кронаси) котировкалари бўйича базавий валюта сифатида доллар асосида CHF/SEK тўғри кросс-курсни ҳисоблаш учун ушбу валюталарнинг долларли курсини тақсимлаш зарур, яъни:

$$\text{CHF} = \text{USD/SEK} : \text{USD/CHF} = 8,3410 : 0,9311 = 8,9582$$

Шундай қилиб, 1 CHF = 8,9582 SEK.

Валюта бозорлари иштирокчилари (энг аввало, ўз мижозларининг топшириғига биноан валюта сотиш ва харид қилиш билан шуғулланадиган банклар) учун айирбошлаш курси харидор курси ва сотувчи курсига (одатда, тўғри котировкалар асосида шаклланади) бўлинади. Харидор курси (харид курси, bid курси) банклар томонидан ўз мижозларининг топшириғига биноан миллий валютага хорижий валютани харид қилиш ва миллий валютани сотиш вақтида қўлланиладиган курсдир. Сотувчи курси (харид курси, offer курси) банклар томонидан хорижий валютани сотиш ва миллий валютани харид қилиш курсидир.

Банклар томонидан хорижий валютани миллий валютага сотиш курси уни харид қилиш курсига нисбатан юқоридир. Масалан, япон корпорацияси 1 млн. долларни япон иенасига сотиш (харид қилиш)ни истайди, котировка эса USD/JPY = 118,76/109,81. Бу банкларга 1 млн. долларни сотишда корпорация 118 760 000 иена олишини, харид қилишда эса 118 810 000 иена тўлашини билдиради. Бунда bid курси ва offer курси ўртасидаги фарқ спред деб аталади. Бундай валюта муносабатлари иштирокчилари Market Maker (ММ Банк ҳисобланиб, котировкани беради) ва Market Users (МУ Клиент ҳисобланиб, котирока олади) ҳисобланади. Bid va offer (ask) курсини аниқлашда иштирокчилардан ташқари доимо асос қилиб олинган валюта (БВ) ва котировка қилинаётган валютага (КВ) аҳамият бериш керак.

	БID курси	АSK курси
«Банк»	ММ	ММ
	\$ БВ ↑↓ КВ JYP	\$ БВ ↓↑ КВ JYP
«Харидор»	МУ	МУ

БID курсида Market Maker (ММ) асос валюта (БВ)ни сотиб олади ва котировка қилинаётган валютани сотади. Market Users (МУ) яни харидор эса аксинча БВ ни сотади ва КВ ни сотиб олади.

Ask курсида ММ БВни сотади ва КВни сотиб олади, MU эса БВни сотиб олади ҳамда КВни сотади.

Банклар валюта юқори ликвидликка эга бўлганда, кичик миқдордаги спред билан ишлашлари мумкин, ушбу валюта савдосининг бозор ҳажми кичик бўлганда эса юқори спред ўрнатади. Банк ўз миқдорларига валютани сотиш ёки уни харид қилиш вақтида миқдорлар учун валюта бозоридан фарқланувчи имтиёзли котировкани белгилаши мумкин.

Ҳар бир валюта бўйича талаб ва таклиф асосида банкларaro курсни қайд этиш фиксинг деб аталади. Ушбу курслар мунтазам равишда расмий ва махсус нашрларда чоп этилади.

Бозорда валюталар котировкасида барча банклар бирдек иштирок этмайди. Валюта бозорининг фаол иштирокчилари (market makers), яъни котировкаларга таъсир кўрсатувчи банклар мавжуд, бироқ улар етарли даражада валюта битимлари ҳажмига ҳамда ўз маблағларига эга бўлиши зарур. Валюта бозорининг бошқа иштирокчилари (market users) пассив ўринга эга бўлиб, улар фақат валюта курси ҳолати бўйича сўровларни амалга оширадilar ва валюта бозорининг фаол иштирокчилари шакллантирган курсга рози бўлишга мажбурдирлар.

Жуда кам банклар жаҳоннинг барча валюталарини котировка қилади, энг йирик банклар ўз миқдорларига котировкаларнинг кенг тўпламини тақдим этади. Одатда маълум валюталар бўйича маркет-мейкерлар ушбу валюталарнинг эмитент-мамлакатларида жойлашган. Бироқ бу захира валюталар, энг аввало, доллар бўйича маркет-мейкерларга ҳар доим ҳам тааллуқли бўлавермайди. Доллар бозори сегментлари ҳам Франкфуртда, ҳам Лондонда, ҳам Токиода, яъни миллий валютага нисбатан долларда жуда катта ҳажмлардаги операциялар амалга ошириладиган бозорларда жойлашган бўлиши мумкин.

Валюта курсининг шаклланиши кўп омилли мураккаб жараёндр. Асосий курс ҳосил қилувчи омилларни ва уларни баён қилувчи назарияларни кўриб чиқамиз.

Валюта курсини аниқлашнинг энг оммавий ва дастлабки назарияларидан бири XVI асрдаёқ Испания схоластика (черковнинг диний ақидаларини назарий асослашга қаратилган ўрта асрлар фалсафаси) саламанк мактаби вакиллари илгари сурган ва кейинчалик Д. Рикардо, Д. Юм, Дж.М. Кейнс тадқиқотлари предметига айланган, бироқ унинг тўлиқ ва ҳар томонлама таҳлили Густав Кассел (1866-1944) томонидан бажарилган харид қобилияти паритети назариясидир. У илгари сурган харид қобилияти паритети (purchasing power parity – PPP, ХҚП) назариясига кўра, “бизнинг хорижий пулларга маълум нарх тўлашга тайёрлигимиз охир-оқибатда ва ҳақиқатан ушбу пулларнинг хорижий мамлакатда товарлар ва хизматларга нисбатан харид кучига эгаллигига боғлиқдир”⁹.

Миллий валюталар харид қобилияти паритетларини таққослаш макроиқтисодий таҳлил учун қўлланади. Бунга БМТнинг Халқаро

⁹ Кассель Г. Инфляция и валютный курс. – М., 1995. С. 23.

такқосламалар дастури кўмаклашади, унинг доирасида жаҳоннинг кўпгина мамлакатларининг статистик органлари уч йилда бир марта ўз миллий валютасининг харид қобилияти паритетини ва ХҚП бўйича ўз ЯИМ ҳажмини ҳисоблайди. Ушбу ҳисобларнинг негизини ўз товар гуруҳларида етакчи бўлган тахминан 3 мингта истеъмол ва инвестицион товарлар ва хизматлардан иборат сават ташкил қилади. Сўнгра у ёки бу мамлакатдаги ушбу саватнинг қиймати АҚШдаги ушбу саватнинг (товарлар ва хизматларнинг сифати бўйича тузатишлар киритилган) нархи билан таққосланади ва шу асосда миллий валютанинг долларга нисбатан курси аниқланади. 2017 йилдаги БМТ халқаро таққосламалар дастурининг сўнги раунди натижаларига кўра, Россияда юқорида таъкидланган саватнинг рублдаги нархи АҚШда ушбу саватнинг доллардаги нархидан 20,357 марта юқори туради, шу сабабли 2017 йилда Россия валютасининг ХҚП бўйича айирбошлаш курси 1 долл. учун 20,357 рублни ташкил қилади, яъни ХҚП бўйича курснинг валюта курсига нисбати 40 %га тенг (2-жадвал). Осиё мамлакатларида у 45 %га яқин, Африкада 55 %, Лотин Америкасида 80 % бўлган, юқори маҳаллий нархларга эга ИХТТ мамлакатларида эса у 108 %ни, шу жумладан, Германияда 115 %ни, Японияда 140 %ни, Швейцарияда 165 %ни ташкил қилади.

10.2-жадвал

Валюталарнинг АҚШ долларига нисбатан харид қобилияти паритети

Валюта	Кўрсаткич								
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	ХҚП (ўрғача микдор)
Британия фунт стерлинги	0,702	0,706	0,702	0,695	0,698	0,697	0,702	0,713	0,702
Евро (Бельгия)	0,836	0,832	0,822	0,806	0,800	0,801	0,804	0,804	0,813
Евро (Франция)	0,854	0,841	0,844	0,812	0,808	0,814	0,806	0,797	0,822
Евро (Германия)	0,804	0,789	0,787	0,775	0,769	0,779	0,780	0,779	0,783
Япония иенаси	111,624	107,454	104,274	101,303	103,052	102,763	100,279	99,594	103,793
Хитой юани	3,308	3,506	3,524	3,546	3,512	3,477	3,473	3,550	3,487
Ҳиндистон рупияси	14,208	15,109	16,013	16,733	16,986	17,152	17,523	17,729	16,432
Бразилия реали	1,386	1,471	1,559	1,649	1,747	1,859	1,985	2,024	1,710
Жанубий Африка рэнди	4,574	4,774	4,935	5,156	5,346	5,559	5,861	6,076	5,285
Россия рубли	15,815	17,346	18,461	19,421	21,015	23,024	23,665	24,111	20,357

Манба: <https://data.worldbank.org/indicator/PA.NUS.PPP?end=2017&start=2017&view=map> (API_PA.NUS.PPP_DS2_en_excel_v2_10134554).

Навбатдаги раундлар ўртасидаги ораликларда миллий статистик органлар жорий йил учун ХҚП баҳоларини амалга оширадilar. Масалан, 2017 йилда ХҚП бўйича рубль курси 1 долл. учун 20,357 рубль деб баҳоланган. Ушбу асосда ХҚП бўйича миллий ЯИМ ҳажми ҳисобланади. 2017 йилда Россия ЯИМ 92 трлн. 81,9 млрд. рубль, ХҚП бўйича эса 4 трлн. Долл. (жаҳонда 6-ўрин) деб баҳоланган. ЕИда евро базасида ХҚП бўйича ҳам ҳисоблар бажарилади.

Умуман олганда, валюта курсига таъсир этувчи омиллар ички ва ташқи каби турларга бўлинади. Валюта курсига таъсир кўрсатувчи ички омилларга мамлакатда амалга оширилаётган пул-кредит сиёсати, аҳоли ва тадбиркорларнинг валюта курси ўзгариши ва инфляция бўйича кутилмалари киради. Хорижий валютага бўлган талаб ва таклифга ҳамда валюта курси ўзгаришига таъсир этувчи ташқи омилларга мамлакатнинг асосий савдо ҳамкорлари бўлган хорижий мамлакатлардаги иқтисодий вазият ва уларда амалга оширилаётган пул-кредит, шу жумладан, курс сиёсати, ташқи бозорлардаги конъюнктура ҳамда республикага жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ва кредитлар, ташқи қарзнинг қайтарилиши борасида бўлаётган ўзгаришлар ва уларнинг динамикаси киради. Ушбу омилларнинг барчаси мамлакат тўлов баланси, яъни мамлакатга валюта маблағларининг кириб келиши ва ундан чиқиб кетиши ҳажмларига бевосита таъсир кўрсатади.

Ташқи савдодан ташқари валюта курсига таъсир кўрсатувчи омилларга ташқи иқтисодий алоқаларнинг бошқа шакллари, айниқса, халқаро капитал ҳаракати киради. *Активларнинг қимматдорлиги назариясига* биноан, миллий валюта курси норезидентлар ушбу мамлакат валютасини харид қилишга рози бўлган нархдир. Таъкидлаш жоизки, бу, асосан, даромад келтирувчи активлар, яъни капитал активлар бўлиб, ушбу активларни харид қилиш сармоялаш ҳисобланади. Иккала мамлакатда ҳам бир хил риск даражасида норезидентлар бошқа валютадаги активларни, энг аввало, фоиз ставкалари ўз мамлакатидagi ставкалардан анча юқори бўлганда харид қиладилар. Бироқ бошқа сабаблар – хорижда оммавий хусусийлаштириш, у ерда янги конларнинг очилиши, бошқа мамлакатларнинг юқори барқарор иқтисодий ўсиши ва одатда, бундан келиб чиқадиган сармояларнинг юқори даромадлиқ даражаси ҳам бўлиши мумкин.

Тўлов баланси каби курс ҳосил қилувчи омил *тўлов баланси ҳолатининг айирбошлаш курсига таъсир кўрсатиши концепциясида* таҳлил этилади. Агар мамлакатда жорий тўлов балансининг барқарор ижобий сальдоси кузатилса, бу мамлакатга миллий экспортчилардан шундай хорижий валюта киримига олиб келадик, ушбу кирим миллий импортчиларнинг унга бўлган талабидан юқори бўлади. Натижада миллий валюта курси ошиши мумкин. Бундай ҳолат Россияда жаҳон иқтисодий инқирозидан аввал содир бўлган (2008 йилда тўлов баланси профицити рекорд ҳажмга – 104 млрд. долларга етган ва 2018 йилнинг 1 ярим йиллигига келиб, 53,2 млрд. долларни ташкил қилди).

Ниҳоят, айирбошлаш курсига бошқа омиллар ҳам, масалан, мамлакатнинг валюта (аниқроғи, курс) сиёсати таъсир кўрсатади. Масалан, юаннинг паст валюта курсини (у бошқа БРИКС мамлакатлари сингари валюта биржасида эмас, балки Хитой Молия вазирлиги томонидан белгиланади) қўллаб-

қувватлаш ЕИ ва АҚШ томонидан ғарбий мамлакатларга арзон хитой экспорт ҳажмининг мунтазам ортиб боришининг муҳим сабаби деб қаралади. Сўнгги жаҳон иқтисодий инқирозидан сўнг ривожланган мамлакатлар ҳам ўз марказий банклари орқали ўз валюта курсларини пасайтиришга ҳаракат қила бошлади.

Жорий айирбошлаш курсини таҳлил қилишдан ташқари хўжалик ҳаётида келгуси валюта курсини башорат (прогноз) қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Масалан, миллий валюта қадрсизланиши тахмин қилинганда, сармоядорлар ўз активларини миллий валютада сотишга ва хорижий валютада активларни харид қилишга интиладилар. Валютани башорат қилишда ушбу мамлакат иқтисодиёти ҳолатини ақс эттирувчи макроиқтисодий омиллар билан бир қаторда вақтинчалик (конъюнктуравий) омиллар ҳам эътиборга олинади. Биринчисига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- келгуси иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари (ЯИМ, саноат ишлаб чиқариш ҳажми ва шу кабилар), чунки улар фойданинг келгуси ўсишидан далолат беради;

- жорий тўлов баланси ҳолати;

- миллий валютанинг турли даражада қадрсизланишига олиб келувчи инфляция даражаси ва инфляцион кутишлар;

- мамлакатда молиявий воситаларнинг даромадлилиги тўғрисида ахборот берувчи фоиз ставкаси даражаси;

- мамлакатнинг тўлов қобилияти ва ундан келиб чиқувчи жаҳон бозорида миллий валютага бўлган ишонч;

- ишсизлик даражаси.

Конъюнктуравий тавсифга эга омиллар, асосан, хорижий валютага талаб ва таклифнинг ўзаро нисбатига таъсир кўрсатади. Бу, энг аввало, қуйидаги омиллардир:

- валюта бозорларида чайқовчилик, кўпинча, миллий валюта курсини пасайтиришга қаратилган операциялар;

- мамлакатнинг асосий экспорт товарларига жаҳон нархларининг тебраниши;

- мамлакатга нисбатан, одатда, унинг валютаси курсини пасайтирувчи сиёсий ва иқтисодий санкциялар;

- мамлакатнинг валюта сиёсати.

Валюта бозорлари айирбошлаш курслари ўзгаришларини оператив ахборот ва энг аввало, фоиз ставкасининг ўзгариши, истеъмол нархлари индекси (consumer price index, CPI), ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси (producer price index, PPI), ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш (capacity utilization, CAPU), узоқ муддатли фойдаланишга мўлжалланган товарларга буюртмалар (durable goods orders), захиралар ва сотувлар ҳажми (business inventories and sales) каби кўрсаткичлар, шунингдек, валюта бозорига кучли таъсир кўрсатувчи бошқа омиллар (масалан, Японияда 31 мартда молиявий йилнинг тугаши, Молия вазирининг парламентга давлат бюджети лойиҳасини тақдим этиши ва шу кабилар) асосида башорат қилади.

Валюта бозорлари учун иқтисодий индикаторларнинг келгуси

ўзгаришларини иқтисодиётнинг даврий ҳолатини ҳисобга олмаган ҳолда тўғри баҳолаш мумкин эмас.

Муайян индикаторнинг аниқ бир ўзгаришини иқтисодий даврнинг қайси фазасида кузатилаётганлигига қараб турлича шарҳлаш мумкин, чунки валюта бозорларида унинг оқибатлари ҳам турлича бўлади.

У ёки бу индикаторнинг чиқиш вақти маълум бўлганлиги сабабли бозор, алоҳида мамлакатлар ҳаётида иқтисодий индикаторлар ҳамда энг муҳим воқеалар календарларидан фойдаланиб, эҳтимолий ўзгаришларга олдиндан тайёргарлик кўради. Валюта курсининг бир ёки бошқа томонга ўзгаришига таъсир этиши мумкин бўлган у ёки бу индикатор шарҳларининг башоратлари пайдо бўлади. Курснинг ушбу ўзгариши мавжуд тренднинг кучайишига ёки унинг коррекциясига (тузатилишига) ёхуд янги тренднинг бошланишига олиб келиши мумкин.

Шундай қилиб, башоратлар асосида индексларнинг чоп этилишига қадар курснинг маълум йўналишда (келгуси воқеаларнинг шарҳига мувофиқ) ҳаракатланиши рўй беради, яъни бозор кутишларни ҳисобга олган ҳолда “шаклланиб боради”. Шу сабабли индекслар ва иқтисодий муҳим ахборот чоп этилгандан сўнг валюта курси тузатилади, яъни қарама-қарши йўналишда ўзгаради. Бу ҳолат кутишларга асосланиб, позицияларнинг очилиши билан боғлиқ ва воқеа рўй бергандан сўнг ушбу позицияларнинг ёпилиши ва profit taking фойданинг қайд қилиниши ёки фойданинг ечилиши рўй беради. Шу каби воқеаларнинг рўй беришига асосланган вазиятлар priced in ибораси (яъни мазкур воқеанинг бошланиши бир валютанинг бошқа валютага нисбатан курсига олдиндан киритиб кўйилганлиги) билан тавсифланади. Валюта бозорининг улкан валюта ресурсларига эга алоҳида иштирокчилари (инвестицион, пенсия жамғармалари, суғурта компаниялари, хедж-жамғармалар) узоқ муддатли тенденцияларнинг шаклланишига ва валюта курсининг ўзгаришларига таъсир кўрсатишлари мумкин. Бирор-бир валютани харид қилиш ёки сотиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш учун валюта бозори ҳолатининг фундаментал ва техник таҳлили, психологик омилнинг баҳоси билан бирга ўзиб кетувчи қарорни қабул қилиш ва фойда олиш имконини берувчи ўзаро боғлиқ бозорларнинг таҳлилидан ҳам фойдаланилади.

Марказий банклар раҳбарларининг ва иқтисодий вазирликлар вакиллариининг турли маърузалар, саммитлар, учрашувлар, пресс-анжуманлар ва бошқалар (масалан, “Катта саккизлик” ёки “Катта йигирматалик” мамлакатлари етакчиларининг учрашувлари) вақтида билдирган фикрлари валюта курси ўзгаришларига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

АҚШ Федерал захира тизими (ФЗТ) раҳбарининг АҚШ Конгресси кўмитаси олдида америка иқтисодиётининг ҳолати тўғрисидаги оммавий чиқишлари валюта курси динамикасида узоқ муддатли трендларнинг шаклланишига энг катта таъсир кўрсатади, улардан валюта бозори иштирокчилари валюта хариди ва сотуви тўғрисидаги қарорни қабул қилиш учун ФЗТнинг фоиз ставкаларига қандай ўзгаришлар киритилишини аниқлашга ҳаракат қиладилар.

10.3. Валюта курслари режимлари

Жаҳон амалиётида валюта курсларининг асосий режимлари – қатъий белгиланган ва сузиб юрувчи валюта курси режимлар билан бирга уларнинг турли кўринишлари – валюта бошқаруви, валюта коридори ва уларнинг модификациялари қўлланади.

Қатъий белгиланган валюта курси деб келажакда ва бугунги кунда жорий курс буйича хорижий валютани алмаштириш кафолати даражасидаги хорижий валюта курсининг мамлакат марказий банки томонидан ўрнатган расмий валюта курси режимидир. Унинг мамлакат учун муҳим афзалликлари: у валюта курси тебранишлари келтириб чиқарган рисклар ва ноаниқликларни камайтиради ва шунинг ҳисобига мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларини кенгайтиради. Бироқ қайд қилинган валюта курсининг самарадорлиги иккита ўзаро боғланган шартларга – ушбу курсни қўллаб-қувватлаш учун етарли бўлган олтин-валюта захираларига ва тўлов баланси катта камомадининг мавжуд эмаслигига боғлиқ, чунки катта ва доимий камомадлар кўрсатилган захираларни йўққа чиқариши мумкин.

10.3-жадвал

Қатъий белгиланган валюта курси режими	
Афзалликлари	Камчиликлари
1. Прогнозларнинг ишончлилиги, киритиш мумкинлиги ва аниқлилиги	1. Пул-кредит сиёсатини юритиш эркинлиги йўқолиши мумкин
2. Инфляция учун умид – инфляцияга қарши сиёсатнинг элементи ҳисобланади	2. Спекулятив хуружлар бўлганда ҳам ўрнатилган валюта курсини қабул қилиш
3. Барқарорлик дастурларида бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларни ишлаб чиқиш йўналиши ҳисобланади	3. Мамлакатда иқтисодий вазият индикатори ҳисобланмайди. Нотўғри ўрнатилган валюта курси даражасига ишонч даражаси юкорилиги
	4. Валюта курсини қўллаб-қувватлаш натижасида валюта резервлари камайиши мумкин
Сузиб юрувчи валюта курси режими	
1. Пул-кредит сиёсатини мустақил олиб бориш имконияти	1. Нобарқарор валюта курси тадбиркорларнинг фойдаси ва ташқи савдо бўйича узок муддатли ҳисоботларни амалга ошириш имконини бермайди
2. Тўлов балансининг автоматик равишда барқарор ҳолатга келтирувчи дастаги ҳисобланади ҳамда валюта захираларини кўп миқдорда талаб қилмайди	2. Сузиб юрувчи валюта курсининг ноаниқлиги иқтисодиётга хорижий сармоялар учун рискнинг ошишига олиб келади
3. Иқтисодий ҳолат индикатори ҳисобланади. Валюта курсининг ўзгариб туриши иқтисодиётнинг реал ҳолатига ижобий таъсир қилади	3. Таққосланганда юкори даражадаги инфляция ҳолати кузатилиши мумкин

Қатъий белгиланган валюта курсининг тури сифатида валюта бошқаруви (ингл. currency board – валюта бошқармаси, валюта кенгаши) қўлланади, бунда миллий валюта курси долларга (масалан, гонконг доллари, бермуд доллари) ёки еврога (масалан, Дания кронаси, Болгария леви, Литва лити ва шу кабилар)

нисбатан қайд этилади. Жамоавий валютани долларга нисбатан қайд этиш ҳолатлари ҳам мавжуд (масалан, 13 та Кариб давлатларининг Шарқий Кариб доллари) ёки еврога нисбатан (14 та собиқ француз мустамлакаларининг африка франки, КФА франки – африка франки). Бундай курсни қайд этилган ва сузувчи курс ўртасидаги оралик, эгилувчан қайд этилган курс деб аташ мумкин.

Бошқа оралик курс валюта курси тебранишлари чегараси белгиланган, яъни давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган валюта коридори курсидир. Бундай валюта курси режими Россияда 1995-1998 йилларда қўлланган.

Сузувчи валюта курси режими курснинг автоматик тўғриланиши каби афзалликка эга бўлиб, натижада тўлов баланси тенг мувозанатга интилади. Бироқ сузувчи курсда ҳам жиддий муаммолар юзага келиши мумкин. Биринчидан, валюта курсларининг ноқулай ўзгариши ташқи савдонинг камайишига олиб келади (миллий валютанинг арзонлашуви импортни қисқартиради ва экспортни оширади, қимматлашуви эса акс таъсир кўрсатади). Иккинчидан, курснинг сузиши натижасида юзага келган миллий валюта бозоридаги барқарорсизлик хорижий инвестицияларнинг киримини камайтиради. Шу сабабли айрим мамлакатларнинг Марказий банклари (молия вазирликлари) мунтазам равишда ушбу мамлакатлардаги инфляция кўрсаткичларининг ўзгаришига қараб (Канада, Чехия, Чили ва ш.к.), бошқа мамлакатлар эса (Кения, Танзания, Монголия ва ш.к.) мамлакат ичида бир нечта пул агрегатларининг ўзгаришига қараб сузувчи курсларни тўғрилайдилар.

Шунга қарамай, мамлакатларнинг курс сиёсатини олиб боришдаги эркинлиги ХВЖ томонидан ўрнатилган чекловларга эга. Масалан, ХВЖ аъзо-мамлакатлари унинг уставига биноан қуйидаги мажбуриятларга эга: 1) капиталнинг узок-муддатли ҳаракатига тўсқинлик қилувчи валюта курслари ўзгаришларидан воз кечиш; 2) валюта интервенциясини фақат миллий валюта бирлиги қийматининг қисқа муддатли бузғунчи тебранишларига қарши курашиш учун амалга ошириш; 3) интервенцияларни амалга оширишда ХВЖнинг бошқа аъзо-мамлакатларига нисбатан адолатсиз рақобат устунликларига эга бўлмаслик.

Россияда иқтисодий ислохотлар бошлангандан бери валюта курси режимининг ўзгариши ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштиришга қаратилган эди. 1990 йиллар бошида Россияда валюта коридорининг қўлланиши рубль билан чайқовчилик операцияларини чеклаш ва курсни ўрнатилган чегараларда қўллаб-қувватлаш учун олтин-валюта захираларидан оқилона фойдаланиш имконини берди. 1998 йил инқирози натижасида рублнинг беш карра девальвациясидан сўнг тартибга солинувчи сузувчи валюта курсига ўтиш импортни қоплаш сиёсатини амалга ошириш ва иқтисодиётни барқарорлаштиришга имконият яратди. Шунингдек 2014 йил декабрда ва 2015 йил мобайнида рублни девальвация қилиш Россия саноати ва қишлоқ хўжалигида импортни қоплаш жараёнини кенгайтириш учун шарт-шароитлар вужудга келтирди. 2014 йилнинг ноябридан Россия Федерацияси Марказий банки инфляцияга йуналтирилган сиёсат олиб бора бошлади, яъни унинг

асосий вазифаси барқарор нархга эришиш эди. Бунинг учун Марказий банк миллий иқтисодиёт хусусиятларини ўрганди ва йилига 4 %лик инфляция даражасига эришишни мақсад қилди. Бунга факатгина 2017 йил охирига келиб эришди. Бундай барқарорликка эришиш учун банк бошқариладиган валюта курсидан воз кечди ва сузиб юрувчи валюта курсига ўтди. Замонавий Россия иқтисодиёти учун мутхассислар фикрига кўра халқаро капиталга юкори мобиллик даражаси хос. Очиқ иқтисодиёт шароитида валюта курси устидан назоратни ушлаб туриш ва инфляциянинг юкори даражаси мумкин эмас. Шунинг учун Россия сузиб юрувчи валюта курси режимини олиб бормоқда ва ушбу валюта курси бозордаги талаб ва таклиф асосида аниқланмоқда.

Миллий валюталар режимини тартибга солишни либераллаштириш ХВЖ Уставига қатор тузатишларнинг бекор қилинишида намоён бўлади, натижада Жамғармага аъзо-мамлакатларда деярли исталган валюта режимини танлаш эркинлиги (2b-бўлим, VI модда) пайдо бўлди. Таснифнинг даврий қайта кўриб чиқилиши доирасида пайдо бўлган миллий валюта механизмларининг турли шакллари миллий ҳукуматлар эълон қилган режимларнинг натижадорлигини таққослашни мураккаблаштиради.

1998 йил мунозара яқунларига кўра, ХВЖ “валюта курси режимини танлаш ўзида мураккаб муаммони ифодалайди ва алоҳида мамлакатларнинг махсус ҳолатларига боғлиқ” деб таъкидлайди¹⁰. Ривожланган мамлакатларда кўпинча эркин бозор курс ҳосил қилиш механизми қўлланади. Ривожланаётган мамлакатларда эса айниқса, нисбатан кичик ва камбағал мамлакатларда ХВЖ у ёки бу кўринишда “валюта бошқаруви” тизимини қўллашни рағбатлантиради. Ушбу тизим миллий пул тизимларининг ривожланган мамлакатларнинг бирига кучли боғлиқлигини таъминлайди (Панама, Косово, Эквадор).

2017 йилда ХВЖнинг 189 та аъзо-мамлакатларидан 125 та мамлакатларда (учта ўз-ўзини бошқармайдиган ҳудудларни ўз ичига олган ҳолда), яъни жами мамлакатларнинг 66 %ида миллий валюталарнинг қайд этилган валюта курсларининг у ёки бу турларидан фойдаланиладигани, улар пул бирликларини бошқа “ўзак” вазифасини бажарувчи валюталарга ёки валюталар тўпламининг ўртача тортирилган катталигига боғлашга асосланади. ХВЖ методологиясига биноан қайд этилган валюта курслари “қатъий” ва “юмшоқ” валюта режимларига бўлинади¹¹. 2017 йил ХВЖнинг йиллик ҳисоботида кўра, энг қатъий боғлашдан (hard peg) қонуний тўлов воситаси сифатида хорижий валютани тўлиқ ёки қисман муомалага киритган 24 та мамлакат фойдаланади. 24 та мамлакатда, шу жумладан, 6 та Шарқий Кариб валюта иттифоқига аъзо-давлатларда “валюта бошқаруви” сиёсати қўлланади. ХВЖ таснифи бўйича юмшоқ боғлаш (soft peg) бир нечта турларни ўз ичига олади. Энг кўп қўлланадиган шаклларга меъёрий ҳужжатга ёки давлатлараро келишувга асосан боғлаш киради. Ушбу боғлаш қўлланадиган 81 та мамлакатлар орасида КФА франкини қўллаш энг яққол мисол ҳисобланади, унинг курси Марказий Африка иқтисодий ва валюта иттифоқининг олтига аъзо-мамлакатларида ва Ғарбий

¹⁰ International Monetary Fund. Annual Report 2017. Wash., 2017. P. 46.

¹¹ IMF. Annual Report on Exchange Arrangements and Exchange Restrictions. Wash., 2017. October. P. 3-14.

Африка иқтисодий ва валюта иттифоқининг саккизта аъзо-мамлакатларида еврога боғланган.

ХВЖ таснифига кўра “юмшоқ боғлашга”, шунингдек, қуйидагилар киради:

- “сузувчи боғлаш” (crawling peg) – 3 та мамлакат;
- “сузувчи боғлашга” ўхшаш механизм (crawl – like arrangement), масалан, “нишаб валюта коридори” (crawling band), 10 та мамлакат;
- “горизонтал коридор” доирасида боғлаш (pegged exchange rate within horizontal bands) – 1 та мамлакат;
- аниқ умумий таърифга эга бўлмаган ҳокимият томонидан бошқариладиган валюта режимлари (other managed arrangements) – 18 та мамлакат.

“Юмшоқ боғлаш” механизми ёрдамида тартибга солинадиган валюталарга эга мамлакатларнинг умумий сони 81 та бўлиб, жами мамлакатларнинг 42,2 %ини ташкил қилади (1999 йил охирида мос равишда 63 ва 34 %).

Алоҳида мамлакатлар гуруҳида – 69 та мамлакатда, яъни ХВЖ аъзоларининг 39,5 %ида валюта курсларининг *тартибга солинадиган сузувчи* (floating), лекин олдиндан белгиланган бирор-бир даражаларни қўллаб-қувватлаш мажбуриятига эга бўлмаган режими (38 та мамлакат) ёки *эркин (мустақил) сузувчи* (free floating) режими қўлланади – 31 та мамлакат, шу жумладан, умумий пул бирлиги – еврога эга 25 та мамлакат (2017 йил маълумотларига кўра мос равишда 25 та мамлакат ва 13 %).

Ривожланган мамлакатлар, одатда, сузувчи валюта курсини танлайди, у валюта бозорида ушбу валюталарга талаб ва таклифнинг ўзаро нисбати асосида аниқланади. Бунда Марказий банк фақат миллий валютанинг жуда кучли тебранишларини юмшатиш учун интервенция амалга оширади. Тартибга солинадиган (чекланган) сузиш режимини евро худудига кирмайдиган ЕИ мамлакатлари (улар евро атрофида сузиш сиёсати доирасида чекланган эгилувчан курсни қўллаб-қувватлайди), шунингдек, айрим кам ривожланган мамлакатлар (Афғонистон, Боливия, Гана, Эфиопия ва б.) қўллайди.

10.4. Миллий валюта сиёсати

Миллий валюта сиёсати мамлакатнинг стратегик иқтисодий вазифаларини ҳал этишга ва энг аввало, миллий валютанинг мақбул курсини, мустаҳкам тўлов балансини ва етарли олтин-валюта захираларини таъминлашга йўналтирилган. Миллий валюта сиёсати соҳасидаги энг муҳим қарорларни ҳукумат қабул қилади, лекин уни доимий амалга ошириш билан, одатда, мамлакатнинг Марказий банки шуғулланади.

Таъкидлаш керакки, айрим кичик мамлакатлар миллий валюта ўрнига хорижий валютадан фойдаланади. Масалан, Абхазия ва Жанубий Осетия Россия рублидан ёки Сальвадор ва Гватемала АҚШ долларидан, шунингдек, Либерия, Панама ва Эквадор ўз миллий валютаси билан бир қаторда доллардан фойдаланади. Бу ҳолатларнинг барчасида миллий валюта сиёсати тўғрисида

гапириш мушкул. Лекин жаҳон мамлакатларининг кўпчилигида миллий ёки жамоавий валюта ва шунга мос равишда миллий (жамоавий) валюта сиёсати мавжуд.

Юридик жиҳатдан мамлакатнинг валюта сиёсати миллий валюта қонунчилиги доирасида расмийлаштирилади, бироқ унга мамлакатнинг икки ва кўп томонлама келишувлари, шунингдек, жаҳон валюта тизими доирасидаги халқаро меъёрлар катта таъсир кўрсатади. Валюта сиёсати тузилмавий (узок муддатли) ва жорий сиёсатга бўлинади. Унинг асосий шакллари (усуллари) девиз сиёсати, дисконт (ҳисоб) сиёсати, валютани девальвация ва ревальвация қилиш асосида валютани айирбошлаш курсини тартибга солиш, қўш валюта бозори, олтин-валюта захираларини диверсификация қилиш, валюта конвертациясини тартибга солиш, валюта чекловлари ва валюта курси режими кабилар киради. Валюта операцияларини, валютани тартибга солиш, ушбу валюта қонунчилигига риоя қилишни назорат қилиш валюта назорати деб аталади.

Девиз валюта сиёсати валюта интервенциясини қўллаган ҳолда хорижий валютани сотиб олиш ва сотиш жараёнида валюта курсини назорат қилишдан иборат ва валюта чекловлари амалга оширилаётганда ҳам қўлланилади. Миллий валюта курсига таъсир этишнинг муҳим усули бўлиб, у марказий банклар томонидан хорижий валютани (девизни, яъни хорижий валютадаги пуллар ва молиявий воситаларни) харид қилиш ва сотишдан иборат ва валюта интервенциясини англатади. Уларни амалга оширишнинг мажбурий шarti расмий олтин-валюта захираларининг катта ҳажми ҳисобланади. Ушбу ҳажмни қўллаб-қувватлаш учун марказий банклар миллий валюта биржаларида иштирок этиш, шунингдек, бошқа мамлакатларнинг марказий банклари билан, кўпинча “своп” банклараро келишувлар (одатда, бир неча ойга, тескари айирбошлаш мажбурияти билан миллий валюталарни ўзаро айирбошлаш) асосида ўзаро қисқа муддатли кредитлардан фойдаланиш орқали ички валюта бозорида валюта ресурсларини харид қилади.

Агар валюта захиралари етарли бўлмаса, монетар ҳокимият валюта бозори иштирокчиларига нисбатан чекловчи характердаги чораларни кўришга мажбурдир. Бунда барча экспортчиларга тушумни ўз ватанига ўтказиш (репатриация қилиш), яъни репатриация қилинган валюта тушумининг бир қисмини Марказий банкка сотиш мажбурияти юкланади, қолган қисмини биржада сотишнинг маълум тартиби ва бошқа турдаги валюта чекловлари жорий қилинади. Масалан, Россияда (бошқа кўпгина кам ривожланган мамлакатларда сингари) экспортчилар барча валюта тушумини белгиланган қисқа муддатларда ўз ватанига олиб киришга мажбурдирлар, лекин уни РФ Марказий банкка сотиш мажбуриятига ва бошқа валюта чекловларига эга эмаслар.

Валюта интервенциялари қатор муҳим вазифаларни бажаради:

- миллий пул бирлигига чайқовчиларнинг ҳужумларини қайтариш;
- миллий валютанинг чўққили валюта тебранишларини нейтраллаш, агар улар йўл қўйилган маълум катталиқдан ошса;

– валюта бозорида вужудга келган тренднинг ўзгаришлари.

Ҳисоб (дисконт) сиёсати фоиз ставкасини ўзгартиришга асосланган бўлиб, ушбу фоиз ставкасида қимматли қарз қоғозлари, масалан, векселлар ҳисобга олинади (яъни банклар томонидан харид қилинади). Ўрнатилган жаҳон амалиётига кўра, тўлов муддати бошлангунга қадар векселни сотишда, яъни уни банкда ҳисобга олишда, вексель эгаси унинг қийматини маълум фоизни, яъни дисконтни ушлаб қолинган ҳолда олади. Агар тижорат банки векселни ўз маблағлари ҳисобидан тўлиқ тўлашга қодир бўлмаса, у марказий банкка биринчи тоифали векселларни тақдим этиш имкониятига эга, марказий банк эса ўз навбатида уларни ҳисобга олади ва тижорат банкка векселда кўрсатилган қийматни тўлиқ эмас, балки ҳисоб (фоиз) ставкасини ушлаб қолган ҳолда тўлайди. Фоиз ставкаси даражасини ўзгартириш капиталнинг реал сектордан валюта бозорига ёки қимматли қоғозлар бозорига оқиб ўтишига олиб келиши мумкин, унинг тартибга солиниши эса билвосита валюта курсига таъсир кўрсатади, шунингдек, инфляция жараёнини заифлаштиради.

Валюта сиёсати усули сифатида миллий валютани девальвация қилиш, яъни унинг расмий курсини пасайтиришдан фойдаланилади. Сузувчи валюта курслари шароитида валюта курсини ҳар кунлик ошириш ёки пасайтириш мазкур мамлакат сиёсатини эмас, балки жаҳон валюта бозорида энг йирик иштирокчиларнинг операциялари таъсирида юзага келган конъюнктурани акс эттирувчи мунтазам ҳодиса бўлиб қолди. Шу сабабли “девальвация” атамаси валютанинг бозор курсини мамлакатнинг асосий иқтисодий шерикларининг валюталарига нисбатан узоқ муддатли пасайтиришда қўлланади. Миллий валюта курсини пасайтиришнинг оқибати бўлиб экспортчилар томонидан экспорт валюта тушумини миллий валютанинг кўпроқ ҳажмига айирбошлаш натижасида қўшимча фойда олиши, импортчилар учун эса маълум зарарлар келтириши мумкин, чунки уларга тўловни амалга ошириш учун хорижий валютани харид қилиш қимматлашади. Девальвациянинг яна бир муҳим самараси мамлакатда ҳақиқий импортни қоплаш сиёсатидир, чунки импорт маҳсулотлар қимматлашади, шунингдек, хорижий инвесторлар учун мамлакат активларининг арзонлашувидир. Ревальвация, яъни миллий валюта курсининг ошиши натижасида экспортчилар ютқазади, импортчилар эса шу жумладан, инвестицион товарлар импортчилари ҳам, шунингдек, миллий капитал экспортчилари ҳам ютади.

Девальвация тўсатдан рўй берганда, экспортни ва импортни аввал тузилган шартномалар негизида миллий валютанинг аввалги курсида амалга ошириш давом этади. Ва шу сабабли миллий валютада тўсатдан қимматлашган ва ҳажми қисқаришга ҳали улгурмаган импорт харажатлари, хорижий валютада арзонлашган миллий экспортнинг миқдорий ўсишидан ошиб бораётган даромадлар билан дарҳол қопланмайди. Аввалига тўлов балансининг ёмонлашиши кузатилади. Янги нархлар даражасига мослашиш учун тахминан уч ойдан ўн икки ойгача талаб этилади, деб ҳисобланади. Йил тугагандан сўнг нархларнинг эластиклиги ортади ва натижада савдо баланси яхшиланади. Мисол тариқасида Россияда 2009 йил бошида Россия рублининг деярли 50

фоизга девальвация қилинишини келтириш мумкин, у маълум муддатдан кейин Россия импортининг ўсишини секинлаштирди.

Олтин-валюта захираларини диверсификация қилиш валюта йўқотишларидан ва халқаро мажбуриятларнинг кадрсизланишидан ҳимоя қилиш мақсадида паст барқарорликка эга валюталарни юқори барқарор валюталар билан алмаштириш орқали расмий олтин-валюта захираларнинг тузилмасини тартибга солиш учун қўлланади. Масалан, етакчи жаҳон валюталари сифатида долларга ва еврога ишончнинг пасайиши натижасида Россия олтин-валюта захираларида уларнинг улуши ўзгарди. 2000-2013 йиллар мобайнида долларнинг улуши 49 %дан 44,7 %гача пасайди, евронинг улуши эса 39,6 %дан 40,3 %гача ошди. Валюта захираларининг тузилмасини шакллантиришда мазкур валюталарда ифодаланган активларнинг даромадлилиги, уларнинг ликвидлик даражаси каби омиллар ҳисобга олиниши мумкин.

Айрим мамлакатлар валюта сиёсатининг шакли сифатида қўш валюта бозори сиёсатини олиб боради. Ушбу сиёсат жорий операциялар ва капитал ҳаракати билан боғлиқ операциялар бўйича ҳар хил валюта курсларини назарда тутади. Мисол сифатида 1980 йилларда Францияда ташқи савдо шартномаларини тўлаш учун долларнинг харид курси бирмунча юқорилиги ва инвестицион операциялар учун бирмунча паст курсини қўллаб-қувватлашни келтириш мумкин.

Асосий турдаги операциялар учун валюта курсларини бу тарзда тартибга солиш капиталнинг чет элга чиқиб кетишини тўхтатиб туриши лозим. 1990 йилларнинг бошида Россияда ҳам кўп сонли валюта курслари тизими қўлланилди.

Валютани тартибга солиш ва валюта назорати етарлича мустаҳкам валютага эга бўлмаган мамлакатлар учун хосдир. Уни қўллаб-қувватлаш учун ушбу мамлакатларда валюта операциялари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. ХВЖнинг 189 та мамлакатидан тахминан 51 таси жорий операциялар (энг аввало, ташқи савдо операциялари) бўйича, 138 таси капитал операциялар (олиб кириш ва олиб чиқиш) бўйича тўловлар устидан тартибга солиш ва назоратни амалга оширади. Шундай қилиб, уларнинг валютаси тўлиқ конвертирланмайди, яъни валюта тўсиқларидан эркин эмас.

10.5. Жаҳон валюта тизими

Жаҳон, минтақавий ва миллий валюта тизимлари фарқланади. Жаҳон валюта тизими дунёда ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиб бориши билан бирга жаҳон хўжалигининг тузилмасига ҳамда етакчи мамлакатларнинг кучи ва манфаатларининг ўзаро нисбатига боғлиқ равишда шаклланди. Жаҳон валюта тизими давлатлар ўртасидаги халқаро валюта муносабатларини ташкил қилишнинг давлат-ҳуқуқий шакли бўлиб, давлатлараро келишувлар асосида юзага келади. Жаҳон валюта тизимининг эволюцияси жараёнида унинг қуйидаги асосий элементларининг кўриниши ўзгариб ва такомиллашиб борди:

- жаҳон пулларининг (олтин, захира валюталар);

- валюта курслари режими;
- валютани тартибга солиш даражаси ва валюта чекловлари ҳажми;
- халқаро ҳисоб-китоблар қоидалари ва шакллари унификация қилиш;
- валютани тартибга солишни амалга оширувчи халқаро ташкилотлар.

Жаҳон валюта тизими жаҳон пулларига асосланади. Замонавий шароитларда уларнинг вазифасини захира валюталар бажаради. Улар миллий валюталар курсини аниқлаш учун негиз бўлиб хизмат қилади, халқаро тўлов ва захира воситаси функцияларини бажаради. Жаҳон валюта тизими ривожланишнинг 4 босқичини босиб ўтди ва улар қуйидагилар:

1. Париж валюта тизими.
2. Генуя валюта тизими.
3. Бреттон-Вудс валюта тизими.
4. Ямайка валюта тизими.

Дастлаб жаҳон пули шакли бўлиб иккита қимматбаҳо металл – кумуш ва олтин хизмат қилган. Лекин XIX аср охирида катта олтин захирасига эга мамлакатлар, масалан, ўша вақтдаги энг йирик иқтисодиёт – Буюк Британия олтин монометаллизмга ўтди. 1867 йилда Парижда бўлиб ўтган конференцияда давлатлараро келишув билан олтин танга стандартига асосланган биринчи жаҳон валюта тизими (Париж тизими) юридик жиҳатдан мустаҳкамланди. Ушбу валюта тизимига мамлакатда қоғоз пулларнинг олтин тангаларга эркин алмаштирилиши хос бўлиб, натижада мамлакатда пул массаси унинг олтин захиралари ҳажми билан аниқланар эди. Бундан ташқари миллий валюталарнинг мазмуни ва валюта курслари олтинда қайд қилинган эди. Ушбу курслар фақат олтин нуқталар атрофида, яъни олтинни жаҳон молиявий марказларидан ташиш қиймати миқдоридан тебраниши мумкин эди. Валюта курси олтин нуқталар чегарасида талаб ва таклиф асосида аниқланар эди. Валютанинг қадрсизланишида унинг курси олтин нуқталар чегарасидан чиқиб кетар эди ва бу мамлакатдан олтиннинг чиқиб кетишига олиб келар эди. Натижада тўлов баланснинг салбий сальдоси вужудга келиб, у мамлакатнинг олтин захиралари ҳисобига ёки чет элдан капиталнинг олтинга алмаштириладиган хорижий валюта шаклида кириб келиши билан қопланар эди. Масалан, XX асрда тўлов баланси камомадига дуч келган Буюк Британияда пул массасининг қисқариши рўй берди, лекин натижада мамлакатда фоиз ставкалари кўтарилди, бу эса чет элдан капитал оқимини кучайтирди ва у тўлов баланси камомадини молиялаштириш имконини берди.

Биринчи жаҳон урушигача олтин танга стандарти тизимининг амал қилиши нафақат валюта тизимининг барқарорлигини, балки жаҳон иқтисодиётининг барқарор ривожланишини ҳам таъминлади. 1897 йилда Россияда Молия вазири Сергей Юльевич Виттенинг (1849-1915) ташаббуси билан олтин танга стандартининг жорий этилиши рублни дунёнинг энг мустаҳкам валюталаридан бирига айланишига имкон берди.

Бироқ Биринчи жаҳон уруши даврида валюта инқирозининг вужудга келиши жаҳонда янги валюта тизимини яратишга олиб келди. 1922 йилда Италиянинг Генуя шаҳрида ўтказилган халқаро иқтисодий конференцияда

расмийлаштирилган иккинчи жаҳон валюта тизими (Генуя тизими) олтин девиз (олтин валюта) стандартига, яъни нафақат олтинга, балки олтинга алмаштириладиган хорижий валютага асосланди. Ҳеч бир валютага расман захира валюта мақоми берилмаган бўлса-да, Англия фунт стерлинги ва АҚШ доллари ҳақиқий захира валютаси сифатида етакчилик учун рақобатлашди. 1929-1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирозининг чуқурлашуви натижасида Генуя жаҳон валюта тизими барбод бўла бошлади. Дастлаб Германия, сўнгра Буюк Британия ва АҚШ қоғоз пулларни олтинга алмаштиришни бекор қилди ва уларнинг валютаси девальвация қилинди. Мураккаб вазиятдан чиқиш учун фунт стерлинг ва доллар атрофида валюта блоклари шакллантирилди, ушбу блокларга аъзо-мамлакатлар ўз захираларида ушбу валюталардан бирига таянар эди. Кейинчалик бошланган Иккинчи жаҳон уруши янги валюта чекловларга олиб келди, ҳарбий-стратегик товарларни сотиш эса фақат олтин эвазига амалга оширилди.

Халқаро валюта муносабатлари асосларини тиклаш учун 1944 йилнинг 22 июнида Бреттон-Вудсда (АҚШ, Нью-Хемпшир штати) ўтказилган халқаро конференцияда учинчи жаҳон валюта тизими – Бреттон-Вудс тизимининг принциплари шакллантирилди:

– валюталарнинг долларга нисбатан қайд этилган курслари расман ўрнатилди ва доллар, ўз навбатида, ушбу курсда олтинга алмаштирилади;

– 1944 йил 1 июлда олтиннинг расмий қиймати бир троя унцияга (31,105 г.) 35 доллар даражасида ўрнатилди ёки 1 доллар 0,88571 г олтинга тенглаштирилди;

– валюталарнинг қайд этилган курслари $\pm 1\%$ чегарасида, Ғарбий Европада эса $\pm 0,75\%$ чегарасида тебранишига йўл қўйилади;

– иккита захира валюталар – АҚШ доллари ва фунт стерлинг олтинга расмий курс бўйича алмаштирилиши таъминланади.

– ХВЖ давлатлараро валюта муносабатларини тартибга солувчи орган сифатида ташкил этилди.

Бреттон-Вудс тизими ўз тавсифига кўра қайд қилинган курсларга эга олтин девиз (олтин валюта) тизими эди. АҚШ хорижий мамлакатлар марказий банкларининг биринчи талаби бўйича долларларни олтинга ҳеч қандай чекловларсиз алмаштириш мажбуриятини ўз зиммасига олди, қолган мамлакатлар эса ўз валютасини долларга нисбатан курсини қайд этиш ва уни паритетга нисбатан $\pm 1\%$ чегарасида тебранишларини таъминлашга мажбур эдилар. Миллий валюталарни олтинга алмаштириш, турли мамлакатларнинг марказий банклари ўртасидаги муносабатлардан ташқари бутунлай бекор қилинди. Янги халқаро валюта тизимини тартибга солиш учун Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) тузилди.

Шунга қарамай, Бреттон-Вудс валюта тизимининг қарама-қаршиликлари, энг аввало, долларнинг миллий тавсифи ва уни халқаро тўлов воситаси сифатида қўлланиши ўртасидаги зиддиятлар аста-секин ушбу тизимнинг ҳам барбод бўлишига олиб келди. Шунингдек, АҚШнинг Вьетнамда олиб борган узоқ йиллик уруши натижасида давлат бюджети дефицити кескин ошган эди ва

бунинг натижасида доллар курси кескин тебраниши кузатилди. Ушбу сабабларга кўра, XX асрнинг 70 йилларига келиб, захира валюта сифатида доллардан қочиш тенденцияси юз берди. 1971 йилда АҚШ долларларни расмий курс бўйича олтинга алмаштиришни тўхтатди. Қайд этилган валюта курслари тўғрисидаги келишув бекор қилинди ва Бреттон-Вудс тизими ўз фаолиятини тугатди.

Ҳозирда амал қилаётган тўртинчи жаҳон валюта тизими (Ямайка тизими) 1976 йил январда Ямаиканинг Кингстон шаҳрида ХВЖга аъзо-мамлакатларнинг келишувлари билан расмийлаштирилди. Унда янги тизимнинг асосий принциплари шакллантирилди ва улар 1978 йил апрелда ХВЖ Уставига иккинчи тузатишлар билан мустаҳкамланди. Ушбу принциплар ҳозирги кунда ҳам амал қилмоқда:

– олтиннинг расмий нарҳини бекор қилиш билан унинг пул функциялари тугатилди, лекин олтиннинг ҳақиқий қиймати туфайли унинг захира пул (тўғрироғи – захира активи) вазифаси сақланиб қолди;

– олтин девиз стандарти махсус қарз олиш ҳуқуқи (SDR) стандарти билан алмаштирилди, у валюта курслари асоси сифатида расмий эълон қилинди, лекин амалиётда на миллий валюталар қийматининг эталони (ўлчови)га, на асосий тўлов ва захира воситасига айланмади;

– мамлакатлар 1973 йилдан бошлаб расман қайд қилинган валюта курсларидан ташқари сузувчи валюта курслари режимини ҳам танлашлари мумкин бўлди;

– ХВЖ валюта курсларини янада қатъий назорат қилиш ва валюта муносабатларини эркинлаштиришга кўмаклашиш ваколатларини олди.

Ямайка валюта тизимидаги бундай акс тартибга солиш жуда тез сузувчи валюта курсларининг кучли тебранишларида намоён бўлди, молиявий ва валюта инқирозлари эса айниқса, асрлар чегарасида (1995 йилда Мексикада валюта инқирози, 1997 йил ёзда Жануби-шарқий Осиё мамлакатларида, 1998 йил ёзда Россияда, 1999 йил январда Бразилияда, 2000 ва 2001 йилларда Туркияда валюта “бўронлари”) валюта курсларини қўллаб-қувватлаш, айрим молиявий активларни ҳақиқий ва ошириб баҳолаш, қониқарсиз банк назорати, молиявий ахборот етишмовчилиги бўйича чоралар кўриш масаласини олдинга сурди. 2007-2008 йилларда жаҳон валюта молия бозорида инқироз ҳолатларини енгиш учун мамлакатларнинг хатти-ҳаракатларини мувофиқлаштириш зарурати жаҳон иқтисодий ҳамжамиятини жаҳон валюта тизимида акс тартибга солиш ҳамда молиявий оқимларнинг глобаллашуви шароитларида ХВЖнинг ролини янгича баҳолашга ва мамлакатларнинг валюта муносабатлари соҳасидаги сиёсатларини келишишга мажбур қилди. 2007-2008 йиллардаги валюта-молиявий инқироз сабоқлари 2012 йил апрелда ХВЖда ўтказилган капитал оқимларини бошқаришни такомиллаштириш тўғрисидаги масаланинг навбатдаги муҳокамаси иштирокчиларига “тўлиқ либераллашув ҳар қандай вазиятда барча мамлакатлар учун тегишли мақсад бўлиб ҳисобланмайди ва либераллашувнинг зарурий даражаси мамлакатдаги аниқ вазиятлар, хусусан,

унинг институционал ва молиявий ривожланиш босқичига боғлиқ”¹² деган хулосага келиш имконини берди. Бунда капиталнинг ҳам мамлакатга кириб келишини, ҳам мамлакатдан чиқиб кетишини тартибга солишга, яъни у ёки бу тартибга солувчи чораларни қўллаш (management measures)га катта эътибор бериш зарур. Бироқ халқаро валюта тузилмасига тузатишлар киритиш ҳамда миллат устки органлар, биринчи навбатда, ХВФ фаолиятини такомиллаштиришга нисбатан “20 Гурух”, ХВФ ва бошқа ташкилотларнинг тавсияномалари ҳанузгача замонавий жаҳон валюта тизимини ислоҳ қилишга жиддий таъсир кўрсатгани йўқ.

Иқтисодий интеграция жараёнларида минтақавий валюта тизимлари вужудга келмоқда ва фаолият кўрсатмоқда. Бу, энг аввало, евро худудидир.

Миллий валюта тизимларига келсак, улар миллий пул тизимининг бир қисми ҳисобланади, лекин бунда нисбатан мустақилликка эга ва мамлакат иқтисодиётининг жаҳон хўжалиги билан алоқасини таъминлайди. Миллий валюта тизимининг муҳим элементи бўлиб валютанинг конвертирланиш (алмаштириш) даражаси, яъни миллий валютани хорижий валютага айирбошлаш эркинлиги ҳисобланади. Конвертирланмайдиган (берк), қисман конвертирланадиган ва тўлиқ конвертирланадиган валюталар ажратилади.

Агар эмитент-давлат тўлов балансининг жорий операциялари бўйича миллий валютани хорижий валюталарга алмаштиришни чеклаганда ёки тақиқлаганда валюта конвертирланмайдиган валюта ҳисобланади. Жорий операциялар (лекин капитал операциялар эмас) бўйича хорижий валюталарга эркин айирбошлаш валютани қисман конвертирланадиган валютага айлантиради. ХВЖ Уставининг VIII моддасидан келиб чиқадиган мажбуриятни олган мамлакатларнинг валюталарини ХВЖ конвертирланадиган валюталар сифатида тан олади. Ушбу мажбурият “ҳеч бир аъзо-мамлакат жорий халқаро битимлар бўйича тўловлар ва ўтказмаларга Жамғарманинг розилигисиз чекловларни ўрнатмаслиги керак”лигини назарда тутди. Бундай операцияларга товарлар ва хизматлар ташқи савдосига, қисқа муддатли банк ва кредит операцияларига, қарзларни ва улар бўйича фоизларни тўлаш бўйича тўловлар, инвестициялар бўйича фойда ўтказмалари, ноижорат тавсифли пул ўтказмалари ва ҳ.к. ларга хизмат кўрсатувчи тўловлар киритилади. Қисман конвертирланишнинг энг кенг тарқалган шакли халқаро капитал ҳаракати билан боғлиқ операцияларга чекловларнинг сақланиб қолиши ҳисобланади.

Тўлиқ айирбошлаш режимида валютанинг барча эгалари, яъни резидентлар ва норезидентлар уни олиш манбаидан қатъи назар ушбу маблағларни исталган мақсадларда мамлакатда ва хорижда исталган пул бирликларига тўсиқсиз айирбошлаш (олди-сотдини амалга ошириш) имкониятига эга бўладилар. Олтин демонитизация қилинган бўлса ҳам, ҳали ҳам олтиндан захира (ривожланган мамлакатларда мамлакат олтин-валюта захирасининг 70 %и) сифатида фойдаланилади. Бундан ташқари халқаро кредитлар учун олтин юқори ликвидли объект гарови ҳамдир.

¹² International Monetary Fund. IMF Executive Board Discusses Liberalizing Capital Flows and Managing Outflows. Public Information Notice. N12/42. May 4. 2012.

10.6. Жаҳон валюта бозори

Валюта бозори хорижий валютани харид қилиш ва сотиш билан боғлиқ муносабатлар йиғиндисидир. Валюта бозори масштабига кўра жаҳон, халқаро, минтақавий ва миллий валюта бозорларига ажратилади. Миллий валюта бозорлари валюта маблағларининг мамлакат ичида ҳаракатланишига, минтақавий валюта бозорлари – минтақавий бирлашмалар ичида ҳаракатланишига хизмат кўрсатади.

Жаҳон валюта бозорини валюта бозори иштирокчиларининг катта қисми жамланган ҳамда валюта харидлари ва сотувлари амалга ошириладиган халқаро молиявий марказлар ташкил этади. Бунда у кўпинча ташқи иқтисодий айланмага хизмат кўрсатиш билан боғлиқ эмас, балки чайқовчилик фойдасини олиш учун амалга оширилади.

Жаҳон валюта бозорини ҳосил қилувчи марказлар сони ортиб бормоқда. Улар орасида анъанавий равишда қуйидагилар ажратилади:

- Лондон, Цюрих, Франкфурт на Майн, Париж, Миланда ўз марказларига эга европа валюта бозори;
- Нью-Йорк, Чикаго, Лос-Анжелосда ўз марказларига эга шимолий америка валюта бозори;
- Токио, Гонконг, Сингапур, Бахрейнда ўз марказларига эга Осиё валюта бозори.

Жаҳон валюта бозори марказлари турли вақт минтақаларида (часовые пояса) жойлашганлиги сабабли уларнинг фаолият юритиши узлуксиз равишда амалга оширилади. Ахборот тизимларида гринвич меридиан вақти (GMT – Greenwich Mean Time)дан фойдаланилади.

Операциялар ҳажми бўйича жаҳон валюта бозори жаҳон молия бозорининг бошқа сегментларидан жиддий каттадир. Масалан, 1986 йилда жаҳон валюта бозорида битимларнинг ўртача суткалик ҳажми 205 млрд. долл. деб баҳоланган бўлса, 1995 йилда 1,2 трлн. долл., 2007 йилда 3,3 трлн. долл., 2010 йилда 4,0 трлн. долл., 2013 йилда 5,4 трлн. долл., 2016 йилда эса 5,1 трлн. долл. деб баҳоланган, яъни жаҳон валюта бозорининг ўртача суткалик айланмаси жаҳон товарлар ва хизматлар савдоси ҳажмидан, шунингдек, жаҳон ЯИМ ҳажмидан бир неча баробар ортиқ бўлиб, бу бир йил мобайнида битта валюта бир неча марта қўлдан-қўлга ўтиши билан тушунтирилади (10.4-жадвал).

10.4-жадвал

Жаҳон валюта бозорининг ўртача суткалик айланмасида валюталарнинг улуши, %

Валюта	Кўрсаткич						
	1998 йил	2001 йил	2004 йил	2007 йил	2010 йил	2013 йил	2016 йил
АҚШ доллари (USD)	86,8	89,9	88,0	85,6	84,9	87,0	87,6
Евро (Euro)		37,9	37,4	37,0	39,1	33,4	31,4
Япон иенаси (JPY)	21,7	23,5	20,8	17,2	19,0	23,0	21,6

Фунт стерлинг (GBP)	11,0	13,0	16,5	14,9	12,9	11,8	12.8
Австралия доллари (AUD)	3,0	4,3	6,0	6,6	7,6	8,6	6.9
Швейцария франки (CHF)	7,16	6,0	6,0	6,8	6,4	5,2	4.8
Канада доллари (CAD)	3,5	4,5	4,2	4,3	5,3	4,6	5.1
Мексика песоси (MXN)	0,5	0,8	1,1	1,3	1,3	2,5	1.9
Хитой юани (CNY)	0,0	0,0	0,1	0,5	0,8	2,2	4.0
Янги Зеландия доллари (NZD)	0,2	0,6	1,1	1,9	1,6	2,0	2.1
Швеция кронаси (SEK)	0,3	2,5	2,2	2,7	2,2	1,8	2.2
Россия рубли (RUR)	0,3	0,3	0,6	0,7	0,9	1,6	1.1
Гонконг доллари (HKD)	1,0	2,2	1,8	2,7	2,4	1,4	1.7
Норвегия кронаси (NOK)	0,2	1,5	1,4	2,1	1,3	1,4	1.7
Сингапур доллари (SGD)	1,1	1,1	0,9	1,2	1,4	1,4	1.8
Турк лираси (TRY)	0,1	0,2	0,7	1,3	1.4
Бразилия реали (BRL)	0,2	0,5	0,3	0,4	0,7	1,1	1.0
Бошқа валюталар	9,4	8,6	8,1	9,5	6,5	9,7	10.9
Барча валюталар	200	200	200	200	200	200	200

Манба: <https://www.bis.org/publ/rpfx16fx.pdf>

Валюта бозоридаги битимлар хорижий валютани зудлик билан, одатда, бир-икки кун ичида етказиб бериш (СПОТ битимлари), келгусида етказиб бериш (форвард, фьючерс битимлари) билан амалга оширилади. Ва шу сабабли нақд ва муддатли валюта бозорлари ажратилади. Нақд валюта бозорида ушбу кун валюта курси (СПОТ курс), муддатли валюта бозорида эса кўзда тутиладиган келгуси курс (форвард курс) амал қилади.

Агар бозор иштирокчиси хорижий валютани сотишга нисбатан кўпроқ харид қилса ва шу сабабли унинг валюта захиралари кўпайса (узунлашса), у узун позицияга эга деб айтилади. Агар аксинча бўлса, у қисқа позицияга эга бўлади.

Ҳар қандай тез ўзгарувчан нархларга эга бозордаги сингари валюта бозорида ҳам чайқовчилар фаолият юритади. Чайқовчилик операцияларининг энг кенг тарқалган шакллари бири сифатида валюта арбитражини келтириш мумкин. У бирор-бир миллий бозорда ушбу валютанинг мазкур бозорлардаги

турли котировкаларидаги фарқлардан келиб чиқувчи фойда олиш учун бошқа валюта бозорида сотиш мақсадида харид қилишни англатади. Агар котировкаларда фарқ бўлса, у жуда кичик бўлади, лекин катта кўламли арбитраж операцияларида фойда анча салмоқли бўлиши мумкин.

Чайқовчилик операцияларининг бошқа кенг тарқалган шакллари миллий банк ставкалари ўртасидаги фарқ ҳисобига фойда олиш ва валютанинг қимматлашуви ёки арзонлашуви арафасида унинг олди-сотдиси ҳисобланади. Ушбу чегаралараро валюта операциялари кўлами шунчалик каттаки, қатор мамлакатлар мамлакатда пул ҳажмининг ортиб кетиши ёки ушбу валютанинг тўсатдан чиқиб кетиши билан боғлиқ муаммоларнинг олдини олиш учун бундай “иссиқ пуллар”нинг кирими бўйича чекловларга эга.

Валюта билан электрон савдо дилинг тизимлари орқали амалга оширилади. Улар орасида энг машҳурлари – REUTERS dealing 2000, Telereuter, TENFORE. Замонавий ахборот-таҳлилий технологиялар нейротармоқли савдо тизимларини яратиш имкониятини бердики, улар орқали нафақат валютани сотиш ва харид қилиш мумкин, балки валюта курсларини прогноз қилиш, валюта рискин баҳолаш ва уни суғурта қилиш, валюталарнинг кросс-курсини аниқлаш ва прогноз қилиш, турли валюта-молия бозорларида операцияларни амалга оширишда максимал фойда олишни таъминлаш каби мураккаб масалаларни ҳал этиш мумкин бўлди.

Замонавий валюта бозорининг хусусияти унинг ташкил этилмаганлиги ва валюта битимларининг 90 %дан ортиғи валюта биржаларида эмакс, балки биржадан ташқари ёки банклараро валюта бозорида амалга оширилиши ҳисобланади. Валюта операцияларининг асосий иштирокчиларига банклар, энг аввало, банклараро валюта бозорида 95 % валюта битимларини амалга оширувчи трансмиллий банклар (ТМБ) киради.

Лекин валюта биржалари билан ифодаланувчи ташкиллаштирилган валюта бозори сақланиб қолади, бундан ташқари валюта операциялари бошқа новалюта биржаларида ҳам амалга оширила бошланди. Масалан, 1972 йилдаёқ Чикаго товар биржаси (Chicago Mercantile Exchange)да валюта фьючерс шартномалари савдоси бошланди. Бундай йирик валюта биржа савдоси марказларига, шунингдек, Лондон халқаро молиявий фьючерслар биржаси – LIFFE (London International Financial Futures Exchange) киради, валютага опцион шартномалар савдоси билан эса жаҳоннинг энг йирик Чикаго опционлар биржаси – (Chicago Board Options Exchange), Амстердамдаги Европа опционлар биржаси – EOE (European Options Exchange) шуғулланади. Валюта савдоси билан, шунингдек, муддатли воситалар савдосига ихтисослашган биржалар, масалан, 1986 йилдаёқ Франция фьючерс биржаси – Matif (Marche a Terme d'Instruments Financiers)да, Франкфурт-Майндаги Немис муддатли биржаси – DTB Deutsche Terminboers)да, Сидней муддатли савдо биржаси – SFE (Sidney Futures Exchange)да валюта фьючерслари билан савдо бошланган эди.

Асрлар тўқнашувида жаҳон иқтисодиётида жаҳон фонд ва валюта биржаларини бирлаштирувчи ягона биржа тизими вужудга келиши учун шарт-

шароитлар вужудга келди. 2000 йилда Париж биржасининг Амстердам ва Брюссель биржалари билан Euronext номини олган бирлашуви амалга ошди, 2002 йилда эса ушбу бирлашувга Лиссабон биржаси қўшилди, 2007 йилда эса у Нью-Йорк фонд биржаси билан бирлашди ва NYSE Euronext деб атала бошланди. У, шунингдек, юқорида тилга олинган LIFFEни ҳам харид қилди. Жаҳон иқтисодий инқирозидан сўнг энг йирик жаҳон биржаларининг бирлашуви янада тезлашди. Масалан, Шанхай фонд биржаси ва Бразилиядаги Bovespa биржаси стратегик альянс тўғрисида келишиб олдилар ва ушбу келишув компанияларга бир вақтнинг ўзида Хитойда ва Бразилияда листингни амалга ошириш имкониятини беради. Токио фонд биржаси ва NYSE Euronext ўртасидаги келишув фаолият доирасини кенгайтиришга қаратилган. 2010 йилда Сингапур фонд биржаси ва Австралия ASXнинг бирлашиши натижасида Осиё-Тинч океани минтақасида биринчи халқаро майдон вужудга келди, Лондон фонд биржаси (LSE) ва Торонто биржаси (TMX)нинг бирлашиши натижасида хомашё сектори компаниялари акцияларининг энг катта айланмасига эга янги трансатлантика майдони вужудга келиши мумкин. Халқаро биржа альянсларининг ва Форекс (Forex) каби, асосан, чайқовчилик операциялари амалга ошириладиган валюта бозорида халқаро электрон валюта савдоларининг шаклланиши молиявий глобаллашувнинг намоён бўлиши ҳисобланади.

Замонавий жаҳон валюта бозорининг муҳим тавсифи евровалюта бозори каби сегментнинг жадал ривожланиши ҳисобланади. 1950 йилларнинг охирида вужудга келган евровалюталар бозорида валюта айирбошлаш, кредит ва комисион операциялар амалга оширилади, яъни у универсал халқаро молиявий бозор ҳисобланади. Эмитент-мамлакатлар марказий банкларининг назоратидан четда қолган валюталарнинг (масалан, Федерал резерв тизимидан долларнинг) муомаласи миллий валюталар муомаласидан ташқарида жойлашган тижорат банклари орқали амалга оширилади. Бошқача айтганда, евробозорда операциялар шундай иштирокчилар томонидан амалга ошириладики, ушбу операциялар амалга оширилаётган мамлакатлар қонунчилиги бўйича норезидентлар ҳисобланади. Ва шу сабабли “евро” қўшимчаси атиги миллий валюталарнинг валютани тартибга солиш ва банк назорати бўйича миллий органларнинг назоратидан чиққанлигини билдиради.

Дастлаб асосий евровалюта сифатида евродоллар хизмат қилди, у ҳанузгача ўз етакчилигини сақлаб қолмоқда: доллар асосидаги операциялар евровалюта билан операцияларнинг 50 %га яқинини ташкил этади. Лекин ягона европа валютаси евро билан операциялар ортиб бормоқда ва евростерлинг, еврошвейцария франки, евроиена билан операциялар камаймоқда. Евровалюта ва еврокапитал билан операцияларнинг энг йирик маркази Лондон ҳисобланади.

Хулоса

1. Барча халқаро ҳисоб-китоблар банклар томонидан ўз миқозларининг – ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг топшириқларига кўра амалга оширилади. Бунинг учун тижорат банклари хорижий банклар билан корреспондентлик муносабатларини ўрнатади. Корреспондентлик муносабатлари деб турли мамлакатларнинг банклари ўртасида ҳисобларни очиш, молиявий операцияларни амалга ошириш, ахборот алмашиш тўғрисидаги келишувларига айтилади.

2. Халқаро амалиётда халқаро ҳисоб-китобларнинг ҳужжатли аккредитив, инкассо (соф ёки ҳужжатли), банк ўтказмаси, чек каби шакллари энг кўп қўлланилади. Россия банклари томонидан аккредитивдан кенг фойдаланиш уни очишнинг мураккаблиги ва қимматлиги, хорижий шерикларда Россия банклари томонидан очилган аккредитивларга ишончсизликнинг мавжудлиги; маҳаллий ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларида ҳужжатли аккредитивнинг афзалликлари ва камчиликлари тўғрисидаги билимларнинг етишмаслиги; валюта операциялари билан шуғулланувчи йирик банкларда жамланган ҳужжатлаштирилган операциялар соҳасида малакали банк мутахассисларининг етишмаслиги; аккредитивни расмийлаштириш бўйича операциялар катта улушининг меҳнат сиғимлиги (масалан, ҳужжатлар тўпламини текшириш каби муҳим босқични автоматлаштириш имконияти мавжуд эмас, шунингдек, аккредитивни тузиш ва ўзлаштиришда фойдаланиладиган параметрларнинг катта хилма-хиллигининг мавжудлиги); ҳужжатлаштирилган операциялар бўйича Россия ва халқаро стандартларнинг айрим фарқлари каби омиллар билан тўхтатиб турилмоқда.

3. Бир мамлакат валютасини бошқа мамлакат валютасига айирбошлаш нисбати валюта (айирбошлаш) курси деб аталади. Бошқача айтганда, валюта курси бир мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирлигида ифодаланган қиймати (нарни)дир. Муайян вақт учун қайд этилган валюта курси валюта котировкаси деб аталади. Ҳеч бири битим иштирокчисининг миллий валютаси саналмаган ёки учинчи, базавий валютага (доллар, евро) нисбатан курсидан келиб чиқадиган икки хорижий валюталарнинг котировкаси кросс-курс деб номланади. Валюта бозорлари иштирокчилари (энг аввало, ўз миқозларининг топшириғига биноан валюта сотиш ва харид қилиш билан шуғулланадиган банклар) учун айирбошлаш курси харидор курси ва сотувчи курсига (одатда, тўғри котировкалар асосида шаклланади) бўлинади.

4. Валюта курсини аниқлашнинг асосий назариялари харид қобилияти паритети назарияси, активлар қимматдорлиги назарияси, айирбошлаш курсига тўлов баланси ҳолатининг таъсири концепцияси ҳисобланади. Бўлғуси курсни прогноз қилиш учун узоқ муддатли омиллар билан бир қаторда конъюнктура омиллари ҳам эътиборга олинади. Биринчисининг бўлғуси иқтисодий ўсиш (ЯИМ, саноат ишлаб чиқариш ҳажми ва ҳоказо) кўрсаткичларини киритиш мумкин, чунки улар келгуси фойданинг ўсишидан далолат беради; жорий тўлов балансининг ҳолати; инфляция даражаси ва инфляцион кутишлар (улар миллий валюта кадрсизланишининг турли суръатларига олиб боради); мамлакатда

молиявий воситаларнинг даромадлиги ҳақида ахборот берувчи фоиз ставкаси даражаси; мамлакатнинг тўлов қобилияти ва ундан келиб чиқувчи жаҳон бозорида миллий валютага ишонч даражасини киритиш мумкин. Конъюнктура тавсифидаги омиллар, асосан, хорижий валютага талаб ва таклифнинг ўзаро нисбатига таъсир этади ва уларга, энг аввало, валюта бозоридаги чайқовчилик операциялари, кўпинча миллий валюта курсини пасайтиришга қаратилган операциялар; мамлакатнинг асосий экспорт товарига жаҳон нархларининг тебранишлари; мамлакатга қарши сиёсий ва иқтисодий, одатда, унинг валютаси курсини пасайтирувчи санкциялари; мамлакатнинг валюта сиёсати киради.

5. Жаҳон амалиётида валюта курсларининг асосий режимлари – қатъий белгиланган ва сузувчи валюта курси режимлари билан бирга уларнинг турли кўринишлари – валюта бошқаруви, валюта коридори ва уларнинг модификациялари қўлланади. Ҳозирги вақтда ХВЖнинг 189 аъзо-мамлакатларининг ярмидан ортиғига жаҳон ЯИМининг 75 %и тўғри келади ва улар сузувчи валюта курсларидан фойдаланилади. 81 та мамлакат эса ўз пул бирликларининг қатъий белгиланган валюта курси режимини ўрнатганлар.

6. Миллий валюта сиёсати мамлакатнинг стратегик иқтисодий вазифаларини ҳал этишга ва энг аввало, миллий валютанинг мақбул курсини, мустаҳкам тўлов балансини ва етарли олтин-валюта захираларини таъминлашга йўналтирилган. Миллий валюта сиёсати соҳасидаги энг муҳим қарорларни ҳукумат қабул қилади, лекин уни доимий амалга ошириш билан, одатда, мамлакатнинг марказий банки шуғулланади.

7. Валюта сиёсати тузилмавий (узоқ муддатли) ва жорий сиёсатга бўлинади. Унинг асосий шакллари (усуллари) девиз сиёсати, дисконт (ҳисоб) сиёсати, валютани девальвация ва ревальвация қилиш асосида валютани айирбошлаш курсини тартибга солиш, қўш валюта бозори, олтин-валюта захираларини диверсификация қилиш киради. Валюта операцияларини тартибга солиш валютани тартибга солиш, ушбу валюта қонунчилигига риоя қилишни назорат қилиш валюта назорати деб аталади.

8. Валютани тартибга солиш ва валюта назорати етарлича мустаҳкам валютага эга бўлмаган мамлакатлар учун хосдир. Уни қўллаб-қувватлаш учун ушбу мамлакатларда валюта операциялари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. ХВЖнинг 189 та мамлакатидан тахминан 51 таси жорий операциялар (энг аввало, ташқи савдо операциялари) бўйича, 138 таси капитал операциялар (олиб кириш ва олиб чиқиш) бўйича тўловлар устидан тартибга солиш ва назоратни амалга оширади. Шундай қилиб, уларнинг валютаси тўлиқ конвертирланмайди, яъни валюта тўсиқларидан эркин эмас.

9. Жаҳон валюта тизими дунёда ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиб бориши билан бирга жаҳон хўжалигининг тузилмасига ҳамда етакчи мамлакатларнинг кучи ва манфаатларининг ўзаро нисбатига боғлиқ равишда шаклланди. Жаҳон валюта тизимининг эволюцияси жараёнида унинг қуйидаги асосий элементларининг кўриниши ўзгариб ва такомиллашиб борди: жаҳон пулларининг (олтин, захира валюталар); валюта курслари режими; валютани тартибга солиш даражаси ва валюта чекловлари ҳажми; халқаро

ҳисоб-китоблар қоидалари ва шакллари унификация қилиш; валютани тартибга солишни амалга оширувчи халқаро ташкилотлар. 1976 йилдан бери жаҳонда Ямайка валюта тизими амал қилади.

10. Жаҳон валюта бозорини валюта бозори иштирокчиларининг катта қисми жамланган ҳамда валюта харидлари ва сотувлари амалга ошириладиган халқаро молиявий марказлар ташкил этади. Бунда у кўпинча ташқи иқтисодий айланмага хизмат кўрсатиш билан боғлиқ эмас, балки чайқовчилик фойдасини олиш учун амалга оширилади. Жаҳон валюта бозорини ҳосил қилувчи марказлар сони ортиб бормоқда. Улар орасида анъанавий равишда қуйидагилар ажратилади: Лондон, Цюрих, Франкфурт ва Майн, Париж, Миланда ўз марказларига эга европа валюта бозори; Нью-Йорк, Чикаго, Лос-Анжелосда ўз марказларига эга Шимолий Америка валюта бозори; Токио, Гонконг, Сингапур, Бахрейнда ўз марказларига эга Осиё валюта бозори.

Таянч иборалар: жаҳон валюта бозори, жаҳон валюта тизими, валюта захиралари, Миллий валюта сиёсати, валюта курси режимлари, халқаро ҳисоб-китоблар шакллари, валюта курси, валюта паритети, олтин стандарт тизими, олтин-девиз стандарти тизими, олтин-валюта стандарти тизими, Ямайка тизими, СДР, ссуда бозори, евробозорлар, евродоллар.

Назорат учун саволлар

1. Тижорат банкларининг ҳар хир давлатлар корреспондент муносабатлари ўрнатилишининг мақсад ва сабаблари?

2. Аккредитив шартлари тўлиқ бажариди, лекин аккредитив билан тўланадиган ташқи савдо шартнома шартлари бузилган ҳолатда тўлов амалга ошириладими?

3. Ташқи савдо шартномалари қайси ҳолатида инкассо ва қайси ҳолатда аккредитив ишлатилади?

4. Валюта курсининг моҳияти ва унинг динамикаси (ўсиш ва пасайиш)га таъсир этувчи омиллар?

5. Жаҳон валюта тизими эволюция жараёни моҳиятини тушунтиринг ва бошқа жаҳон валюта тизимларига мисолар келтиринг.

6. Ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатлар валюталарини эркин конвертация ўтиш муаммолари моҳиятини тушунтириб беринг.

7. Сўнгги жаҳон молиявий инқирози жаҳон валюта тизимига қандай таъсир этди?

XI боб. БЛОКЧЕЙН ВА КРИПТОВАЛЮТА ТЕХНОЛОГИЯСИ

Интернет даври бизга криптовалюта деб танилган янги ҳодисани олиб келди. Рақамли пуллардан фойдаланувчиларнинг кўпчилиги ҳеч ким танймайдиган Сатоши Накамото тахаллусига эга инсонни ушбу йўналишдаги хатти-ҳаракатларнинг асосчиси деб ҳисоблайдилар. Бироқ электрон пулларни ишлаб чиқиш бундан анча аввал, 20 асрдаёқ бошланганлиги ҳаммага ҳам маълум эмас. Ва фақат беш йилдан сўнг блокчейн (blockchain) технологияси негизда Биткоин (Bitcoin) каби янги бир даражали тармоқ пайдо бўлди. Бу инсониятнинг молиявий тарихида янги даврнинг ибтидосига айланди.

11.1. Блокчейн технологияси

Блокчи технология ўта хавфсиз, бироқ кўпгина инсонлар томонидан тушуниш учун етарлича мураккабдир. Лекин рухсат берилмаган киришлардан ҳимояланган маълумотлар базаларини яратиш ғояси турли фаолият соҳалари, шу жумладан, турли компаниялар вакиллари, тадбиркорлар, сармоядорлар ва дастурий таъминот ишлаб чиқувчи мутахассисларнинг эътиборини жалб қилди.

Айрим инсонлар блокчейнни кўкка кўтарсалар, бошқалар, ўз навбатида, танқид қиладилар. Уни интернет яратилгандан сўнг энг муҳим технологик янгилик ёки кўпгина бошқа муаммоларни туғдиришга қодир технология деб ҳисоблаган ҳолда унга турлича муносабат билдирмоқдалар. Ҳар қайси ҳолда ҳам блокчейнни энди инкор этиб бўлмайди.

Бошланғич блок-занжир (блокчейн) – номарказлашган тақсимланган маълумотлар базаси. У блоклар сифатида маълум бўлган ўзаро боғланган транзакциялар партияларидан ташкил топган (номланишига ҳам шу сабаб бўлган: ингл. Blockchain – «блокчи занжир»). У ягона серверга эга эмас. Унинг айнан бир хил нусхалари барча иштирокчиларининг тармоқ компьютерларида сақланади.

Барча блоклар ягона занжирга хронологик тартибда криптографик имзо билан боғланган. Ушбу жараёнга мураккаб математик алгоритмлар жавоб беради. Ҳар бир кейинги блок ўзидан аввалги блок билан унда мавжуд бўлган ёзувлар тўплами орқали боғлиқликка эга.

Регистрдаги ҳар бир ўзгариш, бирор-бир фойдаланувчининг ўтказилаётган тангаларга эгалигини исботлаш учун криптографик имзо билан бирга амалга оширилади. Ҳеч ким битта танганинг ўзини икки марта сарфлай олмайди, чунки транзакция амалга оширилганидан ва у блок-занжирга ёзилганидан сўнг барча тармоқ тугунлари ушбу ҳақдаги маълумотларни олади. Тармоқ ичидаги барча операциялар ташқи провайдернинг иштирокисиз қайд этилади ва қайта ишланади.

Блокчейннинг пайдо бўлиш сабаблари. Блокчи технология ва криптовалюталар пайдо бўлишининг асосий сабаби анъанавий банк тизимида жиддий камчиликлар мавжудлигининг натижасидир. Масалан, халқаро пул ўтказмасини амалга ошириш жараёни, банк томонидан барча керакли ахборотлар текширилиши сабабли бир неча кунни талаб қилиши мумкин. Бу

ҳар доим ҳам қулай эмас, кўпинча эса компаниялар ўртасида тезкор ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш имконини бермайди. Бундан ташқари банклар мазкур тўловлар учун жиддий комиссия ҳақ олади.

11.1-жадвал

Криптовалюта технологияларининг ривожланиш тарихи

Йил	Криптолойҳанинг номи	Муаллиф
1977	RSA	РонРивест
1989	DIGICASH рақамли валютаси	Дэвид Чаум
1993	Ecash интернет тизими аноним тўлов тизими	Дэвид Чаум
1996	E-gold рақамли тўлов тармоғи	Дуглас Джексон
1997	Hash Cash (PoW негизда)	Адам Блэк
1998	B-money ва Bit gold	Вей Дай и Ник Забо
1999	Napster файллар билан алмашишнинг бир даражали тармоғи	Шон Фаннинг
2002	TOR аноним тўлов тармоғи	Роджер Дингледайн
2003	Secondlife валюталари ва иқтисодиётлари	Филипп Роздейл
2004	RPoW (PoW негизда) биринчи рақамли танга	Хэл Финни

Блокчейннинг асосий устунликлари. Блокчейн технология анъанавий тўлов тизимларига қараганда қандай устунликларга эга? Аввал шуни таъкидлаш керакки, блокчейн номарказлашган. Бунда тармоқда барча маълумотларни сақлашга ва унинг ишини таъминлашга жавоб берувчи марказий сервернинг ёки тартибга солувчи органнинг мавжуд эмаслиги тушунилади.

Бундай ёндашув, фойдаланувчиларнинг ҳеч бири блокчейн занжир устидан назоратга эриша олмаслигини кафолатлайди. Бу каби тармоқ орқали маблағларни ўтказиш қиймати эса банкнинг комиссия ҳақларига нисбатан анча пастроқдир. Бу унинг кичик суммаларни ўтказишда оддий фойдаланувчилар учун, шунингдек, банк хизматлари учун харажатларни жиддий қисқартириш имкониятига эга бўлувчи йирик компаниялар учун энг юқори даражадаги қулайлигини тушунтиради.

Бундан ташқари блокчейн транзакцияларни анча тезроқ қайта ишлаш имкониятини беради. Айтиш керакки, блокчейн негиздаги тармоқ эса туну кун ишлайди.

Блокчейннинг камчиликлари. Шу билан бирга, Blockchain ҳам мукамал эмас. У айрим яққол, айниқса, технологияни оммавий жорий этиш жиҳатидан жиддий камчиликларга эга. Молиявий муассасалар ундан фойдаланишлари учун моҳиятан ўз жорий тармоқларидан воз кечишлари ва ҳаммасини бошидан бошлашлари керак бўлади. Мавжуд тўлов тизимларини блокчейнда бирлаштиришга уриниш шунчалик мураккаб бўлиши мумкинки, ҳеч ким бу йўлдан боришга интилмайди.

Шунингдек, ҳанузгача, блокчейн занжирнинг криптовалюталар экотизимдан ташқарида яшаб қолиши ва кўп сонли транзакцияларни қайта ишлаш учун ўса олиши маълум эмас.

Blockchainнинг яна бир камчилиги юқори энергия самарадорлиги ҳисобланиб, уни қимматбаҳо технологияга айлантиради. Блокчейннинг дифференциацияси ҳам ташвишлантиради. Ҳозирги вақтда 1400 дан ортиқ турдаги рақамли тангалар мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилиги блокчейннинг ўз версиясига эга. Улардан қай бирининг келгусида яшаб қолиши ва ривожланиши, мутахассислар ва йирик компаниялар қай бирдан фойдаланишни маъқул кўришлари, қай бири эса йўқолиб кетиши ҳозирча номаълум.

Блокчейнда транзакцияларни текшириш. Блокчи занжирда транзакцияларни текшириш ҳам айнан битта танганинг ўзидан такрорий фойдаланиш (икки марта сарфлаш)дан ҳимоя билан боғланган. Айнан шунинг учун ҳам текширув ўтказилади. Блокчи занжирда транзакцияларни текширишнинг иккита асосий усули мавжуд. Улар икки турдаги алгоритмлар: иш бажарилганлигининг исботи (PoW) ва ставка исботи (PoS) негизига асосланган.

Биринчиси янги тангаларни қўлга киритиш (қазиб олиш) жараёнида – майнинг (қазиб олишда) майнер (ингл. Miner – кончи)ларнинг иштирок этишини назарда тутди. Уларга криптографик шифрлашга асосланган мураккаб математик масалаларни ҳал этиш учун бир-бири билан рақобатлашувчи кучли қурилмаларга эга тармоқ фойдаланувчилари киради. Бошқотирманинг ечимини топган биринчи майнер янги тангалар кўринишида мукофот олади, яъни блок учун мукофотланади. Шу тарзда нафақат транзакциялар текшируви, балки криптовалюталар эмиссияси ҳам амалга оширилади.

Текширувнинг бошқа асосий усули PoS алгоритми ҳисобланади. Ушбу усул катта энергетик чиқимлардан воз кечиш ва виртуал тангалар эгаларига транзакциялар текширувини детерминация қилиш (сабабий боғлаш) имкониятини беради.

Оддий сўзлар билан айтганда, фойдаланувчи ўз ҳамёнида қанча кўп тангаларга эга бўлса, тизим томонидан транзакцияларни текшириш ва тармоққа янги блокни қўшиш учун уни танлаш эҳтимоли шунчалик юқори бўлади.

PoWдан фарқли равишда PoS тармоқ иштирокчиларини аниқ блокка киритилган транзакциялар учун комиссия йиғимлар билан мукофотлайдики, улар фойдаланувчилар томонидан маблағларни ўтказиш учун тўланади.

Блокчейн оммавий ёки хусусий ходиса сифатида. Blockchain технологиясининг хусусияти ишлаб чиқувчи мутахассиснинг уни ўзига мослаш қобилияти ҳисобланади. Бу блокчейннинг, аниқроғи, унинг бошланғич коднинг эркин фойдаланиш тартибида тақдим этилишини аниқлатади. Унинг асосида олинган блокчи занжир тўлиқ ёпиқ (маълум доирадаги инсонлар учун фойдаланишга мўлжалланган) ёки унинг иштирокчиси бўлишни истаган барча инсонлар фойдалана оладиган бўлиши мумкин.

Биткойн – очик бошланғич кодли оммавий блок-занжирга мисол бўлиб, у мазкур криптовалютадан фойдаланиш истагини билдирган инсонларга унга

қўшилиш имкониятини беради. Хусусий блок-занжир, ўз навбатида, корпоратив бизнес учун энг яхши ечим ҳисобланади.

Блокчейнда транзакциялар аноним ҳисобланадими? Оммавий тарқалган фикрларга қарамай, кўпчилик транзакциялар том маънода аноним ҳисобланмайди. Маблағларни ўтказиш учун фойдаланувчи ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши шарт эмас, бироқ блокчи занжирнинг таҳлили исталган танганинг у эмиссия қилинган дақиқадан бошлаб барча олувчилар ва жўнатувчилар ўртасидаги ҳаракатланишини кузатиш имконини беради. Лекин у ёки бу манзил кимга тегишли эканлигини билиш жуда мушкул. Бу кўпинча рақамли пулларда тўлов қабул қилувчи ва ҳамёнлар манзилини ўз сайтида эълон қилувчи ташкилотларга тегишли.

Блокчейн молиявий соҳадан ташқарида қўлланиши мумкинми? Шу ергача биз блокчи технологияни молиявий хизматлар соҳасини яхшилаш воситаси сифатида кўриб чиққан эдик. Лекин аслида у мазкур соҳадан ташқарида ҳам катта салоҳиятга эга. У улкан ҳажмдаги ахборотларни ишончли қайта ишлаш ва сақлаш талаб этиладиган турли соҳаларда, шу жумладан, ижтимоий тармоқлар учун негиз сифатида, йирик маълумотлар базасини яратиш ва бошқаришда, логистика, тиббиёт, суғурта ва бошқа кўпгина соҳаларда қўлланиши мумкин. Шу сабабли blockchain оддий пул ўтказмалар тизимига нисбатан анча кенг тушунчадир.

Блокчейн кенг кўламдаги ҳаётга қанчалик қодир? Ушбу саволга ҳозирча ҳеч ким аниқ ва бир тўхтамли жавоб бера олмайди. Очигини айтганда, мазкур технология Биткойн туфайли деярли ўн йилдан бери мавжуд бўлиб келмоқда, лекин фақат энди ўзига кўп эътибор жалб қилишни бошлади. Уни синовдан ўтказаетган кўпчилик компаниялар бу жараённи жуда чекланган равишда (дастлабки ёки тақдимот лойиҳалари доирасида) бажармоқда. Ҳеч кимса blockchain, уни ишлаб чиқувчи мутахассисларнинг кўпчилиги умид боғлагандек, кўламни кенгайтиришни уддалай олишига амин бўла олмайди.

Ҳаётий шароитларда блокчейнни қўллашнинг энг яхши ҳақиқий мисолларидан бири сифатида Ripple ва банк гигантлари: AmericanExpress ва BancoSantander ўртасидаги шерикчиликни кўрсатиш мумкин. 2017 йил ноябрь ўртасидан бошлаб American Express фойдаланувчилари AmEx халқаро тўлов тармоғи орқали BancoSantanderдаги ҳисобларга маблағларни ўтказиш ва Ripple тармоғи блокчейнни орқали транзакцияларни амалга ошириш имкониятига эга бўлишди. Мазкур шерикчиликнинг жозибадорлиги энг кам комиссия ҳақ эвазига халқаро тўловларни дарҳол амалга оширишдан иборат.

Blockchain ҳақиқатан ҳам, мейнстримга айлана оладими? Бу савол ҳозирча жавобсиз қолмоқда. Келинг, янада чуқурлашамиз ва криптовалюталар нималигини, улар қандай тузилганини ва қандай қўллана олишини тушунишга ҳаракат қиламиз.

11.2. Криптовалюта тушунчаси

Криптовалюта ниҳоятда мураккаб тушунча бўлиб, рақамли пулларни англатади. Уларни фиат валюталар каби харид қилиш, сотиш ва ўтказиш

мумкин. Улар анъанавий пулларга нисбатан юқори хавфсизлик даражаси билан фарқ қилади, чунки уларнинг негизида транзакцияларни идентификация қилиш ва кузатиш учун ишлатиладиган барча маълумотларни шифрлайдиган ва ҳимоя қиладиган криптографик технологиялар ётади.

Оддий валюта нафақат нақдсиз, балки жисмоний (банкноталар, тангалар) кўринишда мавжуд бўлади ва бошқа моддий бойликлар, масалан, олтин билан мустаҳкамланади. Криптовалюта, ўз навбатида, фақат интернетда фойдаланиш мумкин бўлган рақамли пуллардир. Бундан ташқари криптовалюта фиат валютадан бирор-бир ҳукумат ёки назорат қилувчи органлар томонидан қўллаб-қувватлаш ва назорат қилишнинг мавжуд эмаслиги, шунингдек, банклар каби воситачиларнинг иштирокисиз фойдаланиш билан ҳам фарқланади.

Бошқача айтганда, криптовалюта пулларнинг хавфсиз, нормарказлашган шакли бўлиб, унинг транзакциялари ягона марказга эга бўлмаган ва бирор-бир кимсага бўйсунмайдиган компьютерлар тармоғи билан текширилади ва амалга оширилади.

Криптовалютанинг хусусиятлари. Криптовалюта қандай тузилганини тушуниш учун унинг айрим хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Оммавий китоб. Криптовалюта яратилган вақтдан бошлаб барча тасдиқланган транзакциялар оммавий қайд этиш китобида сақланади, у, шунингдек, маълумотларнинг тақсимланган реестри деб ҳам номланади. Исталган иштирокчи исталган транзакцияни кўриб чиқиши ва ҳар бир танганинг яратилган вақтидан бошлаб ҳаракатланишини кузатиши мумкин. Бу тармоқда барча операцияларнинг очиқлигини таъминлайди, лекин рақамли пуллар ҳамёни эгаларининг айнан ўхшашлиги шифрланганча қолади.

Бу шуни англатадики, аниқ ҳамён ёки танга айнан кимга тегишли эканлигини билиш деярли мумкин эмас. Бундан криптовалютани тўлов сифатида қабул қилувчи ва шу мақсадда ўз блокларида ёки сайтларида ҳамёнлар манзилларини жойлаштирувчи ташкилотнинг фойдаланувчиларигина мустаснодир.

Криптографик алгоритмлардан фойдаланиш айнан битта тангани ўзини икки марта такрорий ишлатиб бўлмасликни (икки марта сарфлашдан ҳимоялаш)ни кафолатлайди. Бу, шунингдек, фойдаланувчи транзакцияни амалга ошириш вақтида ҳақиқатда эга бўлган тангалардан фойдаланишини таъминлайди.

Барча ахборот қатъий кетма-кет бириктирилувчи ва криптографик хеш билан боғланган блокларда жойлаштирилади. Бу тармоқнинг бутунлигини кафолатлайди, унга ёзилган исталган маълумотларни ўзгартиришга имкон бермайди. Бундай тизим блокчейн (blockchain) деб номланади, у сўзма-сўз олинганда, “блокчи занжир” (ингл. block – «блок» ва chain – «занжир») деб таржима қилинади.

Транзакциялар. Иккита рақамли ҳамён ўртасида маблағларни ўтказиш транзакция деб аталади. Ҳар бир бундай ўтказма оммавий китобга ёзилади ва тасдиқлашни кутади. Транзакция амалга оширилгандан сўнг битим ҳамён эгаси томонидан амалга ошириладиганлигининг математик исботини таъминлаш

учун криптографик шифрга эга электрон имзодан (криптографик имзодан) фойдаланилади.

Тасдиқлаш жараёни маълум вақтни ўз ичига олади ва аниқ криптовалютага боғлиқ. Транзакцияларни тасдиқлашва уларни оммавий китобга киритиш билан майнерлар (ингл. *miner* – «кончи») шуғулланади.

Майнинг. Майнинг (ингл. *mining* – «қазиб олиш, қўлга киритиш») – транзакцияларни тасдиқлаш ва уларни блокчейнга киритиш учун ишлатиладиган жараён. Бунинг учун майнер мураккаб ҳисоблаш масаласи (масалан, математик бошқотирма)ни ҳал этиши зарур.

Бу очиқ жараён бўлиб, унда исталган инсон иштирок этиши мумкин. Бошқотирманинг тўғри жавобини топган биринчи майнер блокчи занжирга янги блокни қўшади. Бундай ёндашув ҳеч бир кимсанинг ўз хоҳишига кўра тақсимланган китобдаги блокларни қўша олмаслиги ёки ўзгартира олмаслигининг кафолати ҳисобланади. Майнерлар ҳар бир янги блокни қўшиш учун маълум миқдордаги янги тангалар кўринишида мукофот олади. Яъни ушбу жараён, шунингдек, криптовалюталарнинг эмиссияси учун ҳам қўлланилади.

Майнинг жараёнининг ўзи мураккаб механизм бўлиб, турли криптовалюталарга қараб фарқланиши мумкин. Бу, биринчи навбатда, у ёки бу рақамли танга негизида қандай алгоритм ётганлигига боғлиқ.

Криптовалюта анатомияси. Қоидалардан айрим истиснолар мавжудлигига қарамай, рақамли пуллар экотизимини анъанавий молиявий тизимдан фарқлантирувчи айрим (юқорида таъкидланганлардан ташқари) жиҳатлар мавжуд.

Адаптив кўламлаштириш. Бу криптовалюталар кенг ва кичик кўламда уларнинг ишини таъминловчи чораларни ҳисобга олган ҳолда яратилганлигини англатади. Адаптив кўламлаштиришга мисол – Биткоин. У шундай дастурлаштирилганки, ҳар бир янги блок тахминан ҳар 10 дақиқада яратилади. Унинг алгоритми шундай созланганки, ҳар 2016 блокдан сўнг (назарий жиҳатдан бу тахминан ҳар икки ҳафтада содир бўлади) у енгиллашади ёки мураккаблашади. Бу мазкур 2016 блокларни яратишга қанча вақт талаб этилишига боғлиқ.

Масалан, агар барча 2016 блокларни якунлаш учун атиги 13 кун қолган бўлса, бу майнинг жараёнининг жуда ҳам енгиллигини англатади ва шу сабабли унинг мураккаблиги ортади. Ушбу мақсадга эришиш учун 15 кун талаб этилган ҳолда, бу жуда юқори даражадаги мураккабликдан далолат беради, шу сабабли у камаяди.

Адаптив кўламлаштиришни таъминлашнинг бошқа чоралари майнерлар ўз иши учун мукофот сифатида оладиган тангалар миқдорини чеклашдан иборат. Бу криптовалютанинг барқарор кадрини таъминлаш учун бозордаги талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатни қўллаб-қувватлаш ва камомадни яратиш учун бажарилади.

Криптография. Криптовалюталар тангаларни яратиш жараёнини бошқариш ва транзакцияларни текшириш учун криптография асосида такрорий шифрлаш тугунлари тизими (АКА шифрлаш)дан фойдаланади.

Номарказлаштириш. Анъанавий пуллар марказлашган ҳукумат ва турли тартиботчилар, масалан, ушбу жараёнда учинчи томон ҳисобланувчи Марказий банклар томонидан назорат қилинади. Криптовалюталарнинг яратилиши ва транзакциялари бир даражали ёки пиринг тармоғи (P2P-тармоқ) доирасида ишлайдиган очик бошланғич кодга асосланади. Рақамли пулларга ташқаридан таъсир кўрсата олувчи бирорта орган ёки идора мавжуд эмас.

Жисмоний шаклнинг мавжуд эмаслиги. Криптовалюталар жисмоний шакл билан мустаҳкамланмаган, шу сабабли ўз тармоғи чегарасида рақамли кўринишда мавжуд бўлади. Улар рақамли ҳамёнларда сақланиши ва фойдаланувчиларнинг ҳамёнлари ўртасида ўтказилиши мумкин.

Очик бошланғич код. Очик бошланғич коднинг мавжудлиги ишлаб чиқувчи мутахассисларга ундан буткул бепул фойдаланиш ва API-интерфейсларни ва турли иловаларни яратиш имкониятини беради.

Криптографик алгоритмлар. Иш бажарилганлигининг исботи (PoW) – кўпчилик криптовалюталарда қўлланиладиган энг кенг тарқалган алгоритм кўринишидир. Транзакцияларни текширишнинг ушбу схемаси мураккаб, лекин ҳисоблаш бошқотирмаси билан осон текшириладиган ҳисобланади. Оддий тилда айтганда, бу ечиш учун мураккаб бўлган ва тўғри жавобни топиш учун катта ҳисоблаш қувватини талаб қилувчи масалага ўхшайди.

Бундан ташқари криптовалюталарда бошқа алгоритмлар ҳам қўлланилиши мумкин, улар қуйида батафсил ёритилади.

Тахаллус (псевдоним)лик. Криптовалюта эгалари ўз рақамли тангаларини рақамли ҳамёнда шифрланган ҳолда сақлайдилар. Тангалар эгасини идентификация қилиш учун барча маълумотлар инсон шахсига боғланмаган махсус манзилда сақланади. Фойдаланувчи ва унинг тангалари ўртасидаги алоқа аноним эмас, балки тахаллусли ҳисобланади, чунки тақсимланган китобдаги барча ахборот жамоатчилик учун очикдир.

Қимматдорлик. Ҳар бир самарали валюта маълум қимматдорликка эга бўлиши керак. Бунинг учун фиат пуллар ўз вақтида олтинга боғланган эди. Криптовалюталар ушбу жиҳатдан ўхшаш тузилишга эга.

Рақамли тангалар майнерлар томонидан ишлаб чиқарилади. Ҳеч ким ўз ҳамёнига исталган миқдордаги рақамли пулларни қўшиб ёза олмайди, чунки блокчи занжирнинг барча ахбороти бир вақтнинг ўзида барча тармоқ фойдаланувчиларининг компьютерлари (тармоқ тугунлари)да сақланади. Натижада тизим бундай қаллоблик уринишларини оддий инкор қилади.

Майнинг жараёнининг мураккаблиги талаб ва таклиф мувозанатини таъминлаш имконини беради. Янги тангаларни яратиш учун маълум вақт ва катта энергия харажатлари кераклиги сабабли бу уларнинг қимматдорлигига таъсир кўрсатади.

Криптовалюталар ва рақамли тўлов тизимлари. Криптовалюталар, шунингдек, рақамли пуллар деб аталиши боис уларни PayPal ёки PayPal каби

рақамли пул тизимлари билан адаштирмаслик керак. Улар орасида улкан тафовут мавжуд.

PayPal каби тизимлар USD, EUR, GBP, RUR ва ҳ.к. каби фиат пулларнинг шунчаки марказлашган рақамли шаклидир, криптовалюталар эса блокчи технология негизида очик ва номарказлашган тизимларни ифодалайди.

Тўлов тизимлари интернетда анъанавий пуллар билан операциялар бўйича хизматларни тақдим этади ва ўз хизматлари учун маълум комиссия ҳақ олади.

Криптовалюталарнинг қонуний жиҳатлари. Криптовалюталар оммабоплигининг тўхтовсиз ўсиши шароитида кўпгина жаҳон мамлакатларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва солиқ органлари ҳамда турли тартиботчилар улардан фойдаланишни тақиқлашга ёки рақамли пуллар концепциясининг ўзини ва уларни мавжуд ҳуқуқий доираларга жорий этиш истиқболларини тушунишга интиладилар.

Биринчи криптовалюта – Биткоин пайдо бўлиши билан анъанавий молиявий тизим жиддий рақобатчига дуч келди. Бирор-бир жисмоний шаклга эга бўлмаган ва ягона марказ билан назорат қилинмайдиган номарказлашган, ўз-ўзини қўллаб-қувватловчи рақамли валюталар қатор мамлакатларнинг ҳукуматлари орасида норозилик келтириб чиқарди.

Криптовалюталарнинг номарказлашган тавсифи ва уларнинг деярли тўлиқ анонимлиги юзасидан кўпгина хавотирликлар билдирилди. Бу улардан ноқонуний молиявий операцияларда, қурол-яроғлар савдосида, наркотик воситаларнинг ноқонуний айланмасида, пулларни легаллаштириш ва солиқ тўлашлардан бош тортиш мақсадларида фойдаланиш мумкинлиги бўйича хавфсирашларга олиб келди.

2017 йил якуни маълумотларига кўра криптовалюталар Бангладеш, Боливия, Эквадор, Қирғизистон ва Вьетнам каби мамлакатларда ноқонуний деб эълон қилинди. Хитойда рақамли валюталардан фойдаланиладиган турли инвестицион лойиҳалар ва криптовалюта биржаларининг иши бўйича қатор чекловлар киритилди.

Россияда ҳам ҳукумат ҳозирча рақамли валюталарни қонунийлаштиришга қарши, лекин улардан фойдаланиш тўлиқ тақиқланган эмас. Россиядан фарқли равишда Японияда криптовалюталардан бутунлай қонуний фойдаланилади, уларнинг савдоси бўйича хизматларни тақдим этувчи биржалар эса лицензиялаш тартибидан ўтади.

Бироқ қонунлар ўзгармас ҳодиса эмас. Улар аниқ мамлакат ҳукуматининг қарорига ва унинг криптовалюталарга бўлган жорий муносабатига қараб у ёки бу томонга тубдан ўзгариши мумкин.

11.3. Криптовалютада даромад олиш турлари

Бугунги кунда криптовалюта шунчаки харидларни ва тўловларни амалга ошириш воситасига нисбатан анча катта тушунчадир. Смарт-шартномалар ва инновацион консенсусли усуллардан фойдаланиш туфайли турли криптовалюта

операциялари билан шуғулланиш ва нисбатан доимий барқарор даромад, шу жумладан, пассив даромад ҳам олиш мумкин.

Оммалашган даромад олиш усулларидан айримлари фақат рақамли активлар билан оддий савдо-сотик қилишдан ёки келгусида нисбатан юқори нархда сотиш истиқболига эга тангаларга сармоя киритишдан иборат эмас. Шу билан бирга, PoS алгоритми негизида криптовалюталар транзакциялари текширувида иштирок этишни, мастернодларни ишга туширишни ва ҳ.к. ларни ўз ичига олади.

Криптовалюталар савдоси. Рақамли пуллар савдосида даромад олиш валюта ва фонд биржаларида ишлаш каби ҳаммага ҳам тўғри келавермайди. Бу шунчаки даромад олиш турларидан бири эмас. Бу ўзига хос ҳақиқий касб бўлиб, у билан оддий хобби сифатида шуғулланиб бўлмайди. Трейдинг катта куч-ҳаракатлар, кўникмалар, тажриба ва вақтни талаб қилади.

Ушбу усулда даромад олишга уринаётган кўп инсонлардан атиги бир нечтасигина ҳақиқий муваффақиятга эришади. Фиат валюталар ва акциялардан фарқли ўлароқ, рақамли пуллар трейдингда бутунлай бошқа йўналиш бўлиб, у ҳар доим ҳам анъанавий бозорлар сингари ўхшаш қонунлар ва хулқ-атвор омилларига бўйсунавермайди.

Криптовалюталарнинг юқори ва кескин волатиллиги бир томондан катта ва тез даромад олишга кенг имкониятларни очиб беради. Уларнинг акс томони хатарларнинг мутаносиб ўсишидир. Криптовалюталар савдосида пулларни йўқотиш уларни ишлаб топиш сингари жуда тез рўй бериши мумкин.

Шу сабабли трейдингда даромад олишга, керакли тажрибасиз ва ушбу соҳани етарлича тушунмасдан туриб уриниш мақсадга мувофиқ эмас. Боз устига, бу криптовалюта саноатида даромад олишнинг ягона усули эмас. Пассив ва барқарор даромад учун камроқ хатарли вариантлар ҳам мавжуд.

Криптовалюталар майнинги. Ҳозирги кунда кўпгина истиқболли альткоинлар оммалашувининг ўсишига қарамай, Биткоин ва Эфириумни қўлга киритиш майнерлар орасида энг оммабоп тангалар рейтингига етакчилик қилади.

Бироқ ушбу вазият аста-секин ўзгаради, чунки Биткоинни қўлга киритиш рентабеллиги сўнгги йилларда жиддий қисқарди, майнинг билан боғлиқ харажатлар эса аксинча кўп баробар ортди.

Bitcoin ёки Ethereum майнингидан яхши ва барқарор даромад олиш учун янги кишидан асбоб-ускунани харид қилишга бир неча минг доллар сарфлаш талаб қилинади.

Лекин бу ҳам ҳаммаси эмас. Майнинг мураккаблигининг ортиши бозорга мунтазам янги, янада кучли асик моделларининг кириб келишига олиб келади. Улар мунтазам ўсиб бораётган тармоқ мураккаблигини енгишга қодир, лекин шу билан бирга, кучсизроқ ускуналарга нисбатан электр энергиясини анча кўп сарфлайди.

Шунингдек, ушбу бозор жуда тез ривожланаётганлигини ва харид қилинган асик 1-2 йилдан сўнг маънавий эскириб қолишини ҳам инобатга олиш керак.

Аппаратурага сарфланган пулларни қайтариш ва даромад олишни бошлаш учун бир неча ой талаб қилиниши мумкин. Бунда маблағларнинг қайтиб келишига ҳеч қандай кафолат йўқ, айниқса, 2017 йилнинг декабридан бери икки марта пасайган Биткоин курсининг жорий барқарорсизлиги ҳисобга олинганда. Чунки айнан танганинг нархи майнингнинг даромадлилигини аниқлашда энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Криптовалюта майнинги учун энг даромадли шарт-шароитлар арзон ёки ҳатто, бепул электр энергиясига эга мамлакатларда, масалан, Исландияда мавжуд. Барча қолганлар учун эса даромад олиш энг яхши ҳолатда паст рентабеллик ёки зарарсизлик билан, ёмон ҳолатда эса зарар кўриш билан яқунланади.

PoS алгоритми негизда криптовалюталарни қўлга киритиш. Рақамли пуллар асосида «ставка исботи» (PoS) алгоритми ётади ва улар бутунлай бошқача қўлга киритиш усулини назарда тутади. Тангаларни кўпайтириш энергетик ва ҳисоблаш-интенсив хэширлаш ўрнига фойдаланувчи ҳамёни орқали унда сақланаётган тангалар ҳисобига амалга оширилади.

Бунинг учун, одатда, аниқ криптовалюта учун расмий ҳамён талаб қилинади. Бу ҳолатда ҳам маблағларни сарфлаш керак, чунки маълум миқдорда тангаларни харид қилиш ва уларни ҳамёнга жойлаштириш зарур бўлади. Лекин майнинг учун асбоб-ускуналарни харид қилишдан фарқли равишда тангаларга сарфланган маблағларни ҳамён орқали ёки биржада сотиш билан доим қайтариб олиш мумкин.

Фойдаланувчидан ушбу усул билан тангаларни қўлга киритишда ягона талаб қилинадиган нарса тармоққа киришга ва фаоллаштирилган ҳамёнга эга доимий ёниқ компьютердир. Ушбу ҳолатда ҳамён тармоқ тугуни вазифасини бажаради ва транзакцияни тасдиқлашда ҳамда тармоқ ишини қўллаб-қувватлашда иштирок этади ва ўз эгасига барқарор пассив даромад келтиради. Унинг миқдори ҳамёнда мавжуд тангалар миқдори, умумий тармоқда иштирокчининг улуши ва криптовалютанинг курсига боғлиқдир.

Бугунги кунда кўплаб оммабоп ва даромад салоҳиятига эга PoS алгоритмидан фойдаланувчи рақамли валюталар мавжуд. Уларнинг рўйхати қуйидаги тангаларни ўз ичига олади, лекин улар билан чекланмайди:

- Diamond;
- Factom;
- GridCoin;
- Lisk;
- NAV Coin;
- NEO;
- Nxt;
- OKCash;
- PIVX;
- Stratis.

Ушбу даромад олиш вариантнинг камчилиги шундан иборатки, криптовалютадан фарқли равишда барқарор даромад олиш учун умумий

тармоқда етарли улушга эга бўлишга ва уни харид қилишга бир неча минг доллар талаб қилиниши мумкин.

Масалан, PIVX тармоғида даромад олишга оқилона имкониятларга эга бўлиш учун ҳамёнда камида 500 PIV (жорий курсга қараб тахминан 3500-6000 АҚШ долларига тенг) мавжуд бўлиши керак.

Мастернодларни ишга тушириш. Мастернодлар ўзида бундан олдин кўриб чиқилган даромад олишга ўхшаш усулдир. Бу усулда даромад олиш учун ҳам маълум миқдорда рақамли тангаларни харид қилиш ва ҳамёнда сақлаш талаб қилинади. Айрим ҳолларда, шунингдек, ўз шахсий серверини (масалан, VPS ёки уйда доимий ишлаб турувчи шахсий компьютерни) ишга тушириш талаб қилиниши мумкин. Бу ҳолда компьютер ўз эгасига тармоқ ишини қўллаб-қувватлашда иштирок этгани учун янги тангалар кўринишида мукофот олиш имкониятини яратади.

Ушбу усул криптовалюталарнинг анъанавий майнингга қараганда нисбатан юқори даромад олишга имкон беради. Лекин бошланғич босқичда янада кўпроқ маблағлар киритиш талаб қилинади. Масалан, Dash тармоғида мастернодни ишга тушириш учун 1 000 танга талаб қилинади. Жорий курс бўйича бу 619 минг АҚШ долларида кўпроқ.

PIVX каби бошқа валюталарга анча кам маблағ – бир неча ўн минг доллар керак бўлади. Бу DASHга қараганда анча кам, лекин шунда ҳам криптовалютада даромад олиш усуллари кидирувчи ўртача статистик фойдаланувчилар учун сезиларли харажат ҳисобланади. Бироқ ишга туширилгандан сўнг бундай тугун ўз эгасига анча катта – ойига бир неча минг доллар ёки ундан ҳам кўп даромад олиб келади.

Сўнгги вақтларда кўплаб янги криптовалюталар пассив даромадни маъқул кўрувчи сармоядорларни кенгрок жалб қилиш учун мастернодларни ишга тушириш йўли билан тармоқда даромад олишни таклиф қилмоқда. Бу каби янги тангаларнинг айримлари қуйидагилардан иборат:

- ChainCoin;
- CryptoImprovementFund;
- InsaneCoin;
- 8-bit Coin ва ҳоказо.

Криптовалюта дивидендларида даромад олиш. Қатор криптовалюта лойиҳалари ҳам акцияларга анъанавий сармоялар каби маълум шаклдаги дивидендларни тақдим этади. Одатда, бунинг учун ҳамёнда маълум миқдордаги тангаларнинг мавжудлиги талаб қилинади.

Дивидендлар тўлаш учун ўрнатилган ҳар бир муддат якунида ҳамёнга фойдаланувчига тегишли ўтказма келиб тушади. Бундай муддатлар суткалар, ойлар ёки чораклардан иборат бўлиши мумкин. Агар тангалар биржа akkaунтида сақланса, уларнинг эгаси учун мукофот, энг аввало, савдо платформасига келиб тушади.

Айрим биржалар ҳам ўз токенларини сақловчиларга дивидендлар таклиф этади. Одатда, улар ўрнатилган муддат учун олинган даромаднинг бир қисмини ифодалайди. Масалан, Shapeshiftни эслатадиган нисбатан янги тизим бўлган

Flur.Me ўз шахсий ERC20 стандартидаги токенга эга. Унинг яратувчилари ҳар йили EТНда дивидендлар тўлашни режалаштиради.

ERC-20 стандартига мос келувчи тангалар Ethereum блокчейнига мос келувчи исталган қуйидаги ҳамёнларда сақланиши мумкин:

- MyEtherWallet.com;

- MetaMask ва шу кабилар.

Хитойдаги Kucoin ва Binance каби қатор биржалар ҳам дивиденд тўлашнинг ўхшаш тизимларига эга. Танга сақловчилар улардан ташқари бошқа афзалликларга, масалан, савдо майдончасида пастроқ комиссия ҳақларга ҳам умид қилишлари мумкин.

Хитой лойиҳаларидан бири бўлган Neo ҳам шу каби дастурни таклиф қилади. Ўз маблағларини расмий ҳамёнда сақловчи Neo токенларининг эгалари даврий равишда GAS номли тармоқнинг иккиламчи токенида тўловлар оладилар. У Neo тармоғидаги транзакциялар учун комиссия ҳақни тўлашга қўлланилади.

Бу схема Ethereum тармоғидан фарқ қилади, чунки у ерда комиссия ҳақлар тармоқнинг асосий токенида – Etherда амалга оширилади. Бундай тизим GASнинг жозибадорлигини оширади ва демак, унинг курси ва унга талаб доим барқарор бўлишини кафолатлайди. Neo билан боғлиқ лойиҳалар сонининг ортиши билан транзакциялар ҳажми ҳам ортади, бу эса GASга бўлган талаб ва унинг нархи янада ўсишини таъминлайди.

ICOга сармоя киритиш. Даромад олишнинг ушбу усули юқори даромад олиб келиши мумкин, бироқ у юқорида даражадаги хатарли фаолият билан боғлиқдир. Пулларни дуч келган биринчи лойиҳага тикиш ярамайди. Ҳақиқий қимматли ва истиқболли лойиҳаларга нисбатан фирибгарлик ғояларининг сони жуда катта.

Лойиҳани танлашда тажрибали ишлаб чиқувчи мутахассислар командаси ва соҳа экспертлари иштирок этувчи лойиҳаларга эътибор ажратиш зарур. Шунингдек, криптовалюталар экотизимидаги жорий вазият нуқтаи назардан олганда, ҳақиқатан ҳам, бирор янги ва инқилобий ғояни тақдим этувчи ICOни топиш муҳим.

ICOга муваффақиятли сармоя киритишнинг муҳим омили таклиф этилаётган лойиҳа узоқ муддатли истиқболда сақланиб қола олишини ва у рақамли пуллардан фойдаланувчилар ҳамжамиятининг етарлича қўллаб-қувватланишини тушунишдир.

Кўпгина юқори тажрибали сармоядорлар ADA, EOS ёки VeChain каби муносиб баҳоланмаган криптовалюталарга сармоя киритишга интиладилар. У ёки бу криптовалюта қай даражада муносиб баҳоланмаганлигини аниқлаш учун унинг бозор капиталлашувини энг яқин рақобатчиларнинг кўрсаткичлари билан солиштириш зарур.

Сўнгра танловнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш учун бозорни янада чуқурроқ таҳлил қилиш зарур. Ва фақат шундан сўнг, тангаларнинг қиймати келгусида ўсишини кутган ҳолда уларни харид қилиш ва ҳамёнга жойлаштириш мумкин.

Контентда криптовалюта даромадини олиш. Интернетда блокчейннинг ривожланиши билан ижтимоий тармоқ лойиҳалари фаол пайдо бўлиб ривожлана бошлади, улар жойлаштирилган контент эвазига муаллифларга ҳамда бошқа иштирокчиларга кураторлик ва нашрларга изохлар учун мукофот беришни назарда тутди.

Энг оммабоп лойиҳалар орасида Steemit, Golos ва Solани таъкидлаш мумкин. Биринчиси кўпроқ чет эллик фойдаланувчиларга йўналтирилган. Уларнинг асосий қисмини инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларнинг фуқаролари ёки инглиз тилини камида ўртача даражада эгаллаган кишилар ташкил этади. Бироқ Европа ва Осиё мамлакатларидаги фойдаланувчилар улар томонидан эълон қилинган контентлар сингари етарлича кўп.

Унда рус тилида сўзлашувчи аудитория ҳам мавжуд, лекин бошқаларга нисбатан жуда камчиликни ташкил қилади. Шу сабабли рус тилидаги материалларни жойлаштириш орқали даромад олиш мақсадга мувофиқ эмас.

Платформа уч турдаги: Steem, SreemDollars ва SteemPower токенларга эга.

Биринчиси ва иккинчиси ликвид тангалар ҳисобланади, уларни сервисдан чиқариш, биржада фиат пулларга сотиш ёки бошқа рақамли тангаларга алмаштириш мумкин.

Учинчиси бегона ва ўз контентига овоз берганда, мукофот миқдорига таъсир кўрсатади. Уни вақт ўтиши давомида биржада фиат пулларга харид қилиш мумкин бўлган Steem ёки SteemDollars токенларини конвертация қилиш йўли билан жамғариш ёки кўпайтириш мумкин. SteemPowerни дастлабки икки токенлардан фарқли равишда тезда чиқариб олиш имконсиз. Жараён 13 ҳафтага яқин вақтда ва босқичма-босқич амалга оширилади.

Контент муаллифининг мукофоти ҳар бир аниқ нашр учун олинган мукофотнинг 75 %ини ташкил этади. Қолган 25 %ини унга овоз берган кураторлар ва фойдаланувчилар олади. Муаллиф ва кураторларнинг даромади иккига бўлинади: 50 % SteemPowerда ва 50 % SteemDollарда.

Golos ижтимоий тармоғи Steemitнинг рус тилидаги аналоғи ҳисобланади. Унинг иқтисодий модели айнан ўхшаш ва у каби уч турдаги токенларни: Golos, GolosGold ва GolosPowerни ўз ичига олади.

Sola ушбу учта лойиҳалар ичида энг ёш лойиҳа ҳисобланади. У 2017 йил охири – 2018 йил бошида ишга туширилди. Сервис фотосуратлар, катта бўлмаган матнлар, GIF-расмлар ҳоказоларни нашр қила олади.

Ҳар бир фойдаланувчи ҳар куни ҳаракат очколарини олади ва улардан ўз материалларини жойлаштириш ёки бегона эълонларга овоз бериш учун фойдаланиши мумкин. Мукофот Sol (Соль) токенларида берилади, сўнгра уларни расмий ҳамёнга кўшиш мумкин.

11.4. Тармоқ истиқболлари

Криптовалютадан фойдаланувчилар учун 2017 йил, энг аввало, Биткоин курсининг 20000 долларгача ўсиши, криптовалюта бозорининг 570 млрд. долларгача капиталлашуви ва йирик ICO лойиҳалари доирасида улкан

маблағлар йиғими билан ёдда қолади. CoinSchedule маълумотларига кўра, 2017 йилда 235 та ICO лойиҳалари умумий миқдорда 3,7 млрд. доллар тўплади. Ушбу муддат ичида ўнта энг йирик акциядорлик компаниялари томонидан жалб қилинган маблағлар миқдори 1 360 млрд. АҚШ долларини ташкил қилади.

Энг оммабоп криптовалюта – Биткоиннинг тақдири тўғрисида ҳанузгача бир тўхтамли фикр мавжуд эмас. Мутахассислар орасида кўпинча бир-бирига зид келувчи турли-туман фикрлар билдирилиши давом этмоқда.

Масалан, америкалик иқтисодчи Джефффри Сакс Биткоинни «пуфак» деб атайти, WirechainWirex тўлов тизими таъсисчиларидан бири Павел Матвеев эса танга ўзининг 20 000 долларлик рекорд нарҳини такрорлайди ва ҳатто 2018 йил якунига келиб, 50 000 000 долларга етади деб ҳисоблайди.

Хўш, яқин келажакда криптовалюта соҳасидаги вазиятдан нимани кутиш мумкин?

ICO ва криптовалюталарни қонунийлаштириш ва тартибга солиш. Японияга эргашишга қарор қилган қатор мамлакатларда криптовалюта ва у билан боғлиқ лойиҳаларни назорат остига олиш учун имконий чоралар кўриб чиқилмоқда.

Масалан, Россияда Давлат Думасига кўриб чиқиш учун яқин орада криптовалюталар тўғрисидаги қонун лойиҳаси келиб тушиши керак. Ҳужжат ушбу масалани РФ Марказий банки билан келишилган ҳолда РФ Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилмоқда.

РФ Марказий банки мамлакатда рақамли пулларни қонунийлаштиришга қарши чиқмоқда. Бунда у ушбу бозорнинг назорат қилиб бўлмайдиган ўсиш хавфини таъкидлаб, буни глобал иқтисодиётга таҳдид деб баҳоламоқда. Шу сабабли вазирлик ушбу соҳадаги молиявий фаолиятни назорат қилишда воситачилик функцияларини бажаришга розилик берувчи бошқа савдо платформасини қидирмоқда.

Россия ҳукумати, шунингдек, ICOни тартибга солиш чораларини жорий этиш имкониятини кўриб чиқмоқда. РФ Молия вазирлигининг қонун лойиҳаси концепцияси маблағларни тўплаш тадбирлари ўтказишни ўзига хос инвестицион фаолият сифатида назарда тутаети. Бу ҳолда барча рақамли активларни алоҳида мулкчилик тури деб қараш таклиф этилати.

МДҲ мамлакатлари орасида криптовалюталарга энг ижобий муносабат Беларусь Республикасида шаклланди.

Президент Александр Лукашенко тангаларни майнинг қилиш, сақлаш, сотиш ва харид қилишга расман руҳсат берди. Тегишли фармон имзолаб бўлинган ва унга кўра криптовалюталар билан боғлиқ ҳар қандай фаолият тадбиркорлик фаолияти деб ҳисобланмайди.

Рақамли тангалар билан майнинг, трейдинг ва бошқа операциялар даромад солиғи, ҚҚС ва бошқа амалдаги солиқ йиғимларидан озод этилган.

Европа Иттифоқига (ЕИҒа) аъзо-мамлакатлар ҳам аноним ўтказмаларни тақиқлаган равишда криптовалюта бозорини тартибга солишга қарор қилдилар. Бунинг учун савдо платформалари ўз мижозларидан верификация (шахсни

тасдиқлаш) жараёнидан ўтишни талаб қилади. Яқин 1-2 йил ичида ЕИ ҳукумати ушбу соҳани тартибга солувчи қонуний негизларни ишлаб чиқишни назарда тутади.

Европа молиявий ташкилотларининг айрим вакиллари ушбу чорага қаршилик билдирмоқдалар. Масалан, Бундесбанк Директорлар кенгаши аъзоси Карл-Людвиг Тиле ЕИда криптоконверсияларни қонунлаштириш имкониятига мутлақо йўл қўйилмаслигини билдирди.

Айрим мамлакатларда криптовалюталарни тўлиқ тақиқлаш илгари сурилмоқда, чунки улардан кўпинча қаллоблик ва жиноий мақсадларда фойдаланилади. Кўпгина мамлакатларда “қора бозор”даги нақд пуллар ҳам тақиқланган, бироқ ҳозирча ҳеч бир мамлакатда уларни енгиб бўлмади.

Криптовалюталардан фойдаланишни тақиқлаш қай тарзда амалга оширилиши ҳозирча тўлиқ тушунарли эмас. Шунга қарамай, эндиликда кўплаб мамлакатларнинг ҳукуматлари тобора кенгайиб бораётган криптовалюта бозорини инкор этишга қодир эмас. Ҳар қайси ҳолатда ҳам уларга криптовалютадан фойдаланувчиларни қўллаб-қувватлашга ва ушбу бозорни тартибга солишнинг барча иштирокчиларга маъқул келадиган усуллари излаб топишга тўғри келади.

Давлат криптовалюталари. Айрим мамлакатларда миллий рақамли пулларни яратиш ғоялари вужудга келди. Россияда крипторублни жорий этиш имконияти фаол муҳокама қилинмоқда, лекин бу ғоя ҳозирча концепция босқичида қолмоқда, чунки Россия ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланмади.

2017 йил 10 октябрда ҳукумат мажлисида Россия Президенти Владимир Путин крипторублни жорий этиш бўйича таклифни назорат қилиш зарурлигини таъкидлади. Шу билан бирга, у Марказий банкнинг қаттиқ қаршилигига дуч келган ушбу ғояни амалга ошириш йўлида кераксиз сунъий тўсиқларни яратиш тўғрисида огоҳлантирди.

Миллий рақамли танга тўғрисидаги муҳокамалар бошқа мамлакатларда ҳам олиб борилмоқда. 2018 йил январда Венесуэла Президенти Николай Мадуро 100 000 000 дона Эль-Петро (ElPetro) криптовалюта тангаларини муомалага чиқариш тўғрисида эълон қилди. Улар Венесуэла нефти билан таъминланади, унинг бошланғич нархи эса бир баррель нефть нархига тенг бўлади.

Ушбу тангани майнинг қилиш имконсиз, унинг устидан назорат эса мамлакат ҳукумати томонидан амалга оширилади. Бироқ ҳозирча Венесуэла парламенти ўз президентининг фикрини қўллаб-қувватламади ва миллий криптовалютага қарши чиқмоқда.

Англия банки ҳам ўз криптовалютасини яратиш режаси тўғрисида эълон қилди. Англия рақамли тангаси ҳаммадан кўра, аввало, фунт стерлингга боғланиб қўйилади. Унинг аниқ номи ҳозирча номаълум. Жорий босқичда уни RSCoin деб аташ таклиф этилмоқда.

2018 йилда бошқа мамлакатларда ҳам давлат криптовалюталарини жорий этиш тўғрисидаги шу каби эълонларни кутиш мумкин. Лекин уларни муомалага

чиқариш жуда мушкул. Ҳукуматлар амалда қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш ва ишлаб чиқиш билан чекланиб қолади.

Криптовалюталарни кундалик ҳаётга жорий этиш. Криптовалюталар ривожланишини чекловчи омиллардан бири ундан кундалик ҳаётда фойдаланишнинг мураккаблиги ҳисобланади. Марк Цукерберг сал аввалроқ Facebookда тангалардан фойдаланиш имконияти тўғрисида гапириб ўтган эди. Ижтимоий тармоқ яратувчиси шифрлаш технологиялари туфайли ушбу соҳанинг имкониятлари ва ҳимоя даражасидан таъсирланганлигини таъкидлади.

Японияда криптовалюта оммабоп маҳаллий бир лаҳзали хабарлар билан алмашув тизимига жорий қилиш имконияти кўриб чиқилмоқдаки, унда ҳозирги вақтда LinePay тўлов хизмати қўлланилади. Ундан фойдаланувчиларнинг сони 168 000 000 дан ортиқ кишини ташкил этади.

KFC тез овқатланиш тармоғи Канадада Биткоинни силжитиш учун гамбургерлар сотишни ташкиллаштирди. Иштирокчилар ўз буюртмасини уйга етказиш хизматидан фойдаланиб олишлари учун BitPay платформаси орқали 20 канада долларига тенг суммани криптовалютада ўтказишлари зарур.

Криптовалютани кундалик ҳаётга жорий қилишга уринишлар нафақат янги лойиҳалар ва имкониятлар билан, балки тақиқлар билан ҳам боғлиқ. Масалан, 2018 йил январда Visa рақамли пулларга харидларни амалга ошириш имконини берувчи WaveCrest лойиҳасининг дебет карталарини блокировка қилди. Тўлов тизимининг вакиллари WaveCrest шартнома шартларини бузган деб таъкидлайдилар.

Рақамли тангаларни кундалик ҳаётга жорий қилиш йўлидаги тўсиқларни баратараф қилишга қаратилган янги стартаплар сонининг ўсиши геометрик прогрессияда ўсиб боради. Яқин ойларда криптовалюта тўловларини амалга ошириш имкониятларига эга банк карталари ва иловалар каби янги маҳсулотларнинг пайдо бўлишини кутиш мумкин.

Биткоин ва бошқа тангалар эвазига товарлар ва хизматлар тақдим этувчи компаниялар рўйхати ҳам ўсади. Бироқ глобал молиявий тизимнинг тўлиқ криптовалютага ўтиши, ҳатто, ўрта муддатли истиқболда ҳам кутилмайди.

Криптовалюталар майнингининг ривожланиши. Бизнес соҳада криптовалюталар майнинг индустриясининг ривожлантиришда бозорнинг жорий эҳтиёжлари фаол муҳокама қилинмоқда. Кўпгина мамлакатларда, шу жумладан, Россияда ҳам майнинг учун асбоб-ускуналарни сотишга ихтисослашган компаниялар пайдо бўлди. Яқинда Татаристон Табиий ресурслар қўмитасининг собиқ бошлиғи Алексей Колесник «Т-Плюс» компаниясининг шундай қурилмасини харид қилганини маълум қилди. Новосибирскда уни ижарага берувчилар ўзини ва ўз қўшниларини юқори ҳарорат ва шовқин таъсиридан халос қилиш учун майнерларга биноларни таклиф қилишни бошладилар. XelentMining маълумотларни қайта ишлаш маркази лойиҳасининг бошлиғи Алексей Носков хусусий майнерларга ўз асбоб-ускуналарини жойлаштириш имкониятини берувчи майнинг отелларни ривожлантириш вақти келди, деб ҳисоблайди.

Шунингдек, тўлов инфратузилмасининг ривожланиши ҳам давом этмоқда. Масалан, «Монако» лойиҳаси криптовалютадаги тўловларни амалга ошира олувчи Visa карталарини беришни бошлаш истагида. Рақамли пулларни мобиль илова ёрдамида харид қилиш, сотиш ва алмаштириш мумкин бўлади. Бундан ташқари лойиҳа ўз токенига эга бўлиб, у мижозларга молиявий транзакциялар учун такдим этилади.

Яқин йилларда даромадли бизнес-дарчалар тадбиркорлар учун аввалгидек очик бўлади. Асосий талаб криптовалюта кўллаб-қувватловчи тўлов сервислари ва майнинг учун платформаларни ривожлантиришга тегишли бўлади.

ICO бозоридаги ўзгаришлар. Сармоядорларнинг ихлоси ICOдан тобора кўпроқ қайтмоқда. Яқинда АҚШда PlexCoin стартапи яратувчилари қаллобикда айбланган эдилар, улар томонидан жалб қилинган маблағлар эса блокировка қилинди. Confido лойиҳасининг асосчиси барча маълумотларни ўчириб, ғойиб бўлганидан сўнг лойиҳадаги сармоядорлар 375 000 АҚШ доллари йўқотдилар. FantasyMarket лойиҳасининг таъсисчиси ҳам 4,4 млн. АҚШ долларини тўплагач, дом-даракциз йўқолди.

Шунга қарамай, йирик иштирокчилар ICOга қизиқиш билдира бошладилар. Масалан, фотосуратга олиш асбоб-ускуналарини ва сарфланувчи материалларни ишлаб чиқарувчи Kodak компанияси KODAKOneBlockchain платформасини яратиш тўғрисида эълон қилди. Унинг мақсади фотоматериалларга муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилишдир.

Telegram ҳам маблағларни тўплашнинг ушбу усулига қизиқиш билдирмоқда. Унинг таъсисчилари янги авлод блокчи занжир лойиҳаси бўлган Telegram Open Network (TON) платформасини ишлаб чиқиш тўғрисида маълум қилди. TelegramOpenNetwork (TON) иловалар ва смарт-шартномаларни ишлаб чиқиш ва ишга тушириш майдони, шунингдек, блокчейн асосида тўлов тизими инфратузилмаси бўлиб хизмат қилиши режалаштирилади.

Cindicator лойиҳасининг таъсисчиларидан бири Михаил Брусов, доимий кўпайиб бораётган ўсишга қарамай, янги ICOлар сармоядорлар учун курашиши зарур бўлади, деб ҳисоблайди. Таклиф талабдан юқори бўлгани сабабли лойиҳалар шаффоф ўйин қоидаларига эга бўлишга мажбур бўлади.

Blockchain.ru Group асосчиси Дмитрий Мацук, ўз навбатида, ICO иштирокчилари ўз даромадлари ва харажатларининг шаффофлигини ошириш учун уларни компания тўғрисидаги батафсил маълумотлар, йўл хариталари ва лойиҳанинг илгари сурилиши тўғрисидаги босқичма-босқичли ҳисоботлар билан тўлдирилган ҳолда чоп этишга интиладилар, деб таъкидлайди.

Яқин йилларда ICO бозори янги лойиҳалар учун оммабоп жойга айланади ва сармоядорларни жалб қилиш имконини беради. Лекин рекордли ICOлар анча камаяди, сармоядорларнинг ўзи эса стартаплар танловида янада эҳтиёткор бўлади.

Бундан ташқари криптовалютадан кундалик мақсадларда фойдаланиш учун инфратузилманинг ривожланиб бориши билан ICOнинг оммабоплиги пасаяди. Ҳозирги кунда рақамли пуллардан кундалик фойдаланиш

имкониятлари ҳануз чекланганлиги сабабли сармоядорлар ICOга маблағ киритмоқдалар.

Хулоса

Жорий тенденциялар шуни кўрсатадики, молиячилар ва сиёсатчиларнинг турли фикрларига қарамай, криптовалюталар жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олиниб бўлган. Агар илгари ҳукуматлар ушбу бозорни шунчаки инкор этган бўлса, эндиликда улар ёки рақамли пулларни тақиқлайди ёки уларни қонунийлаштириш йўлини излашга уринади.

Кўпгина фойдаланувчилар етарли тажриба тўплаб, сармоя киритишда ўзини янада эҳтиёткорона ва оқилона тутмоқдалар. 2018 йилда туб ўзгаришлар кутилади.

2018 йил криптовалюталар учун ҳал қилувчи йил бўлиши шубҳасиз. Агар уларнинг хавфсизлиги ва фойдаланиш қулайлиги исботланса, уларни нафақат ишқибозлар ва венчур сармоядорлар, балки шу билан бирга айрим мамлакатларнинг ҳукуматлари, тижорат ташкилотлари ва оддий истеъмолчилар ҳам қўллаб-қувватлайдилар. Лекин улар фиат пулларга тенглашади ёки жорий шаклланиб бўлган молиявий тизимни сиқиб чиқаради, деб кутишга ҳали эрта. Рақамли валюталарни бундай қабул қилиш маълум қонунлар, меъёрий ҳужжатлар ва низомларнинг қоидалари билан чекланади.

Уларнинг асосини ташкил қилувчи технологияларга келсак, уларнинг келажаги анча порлоқ. Улар ўзига турли фаолият соҳалари: молия, банк иши, логистика, тиббиёт ва бошқа соҳалар мутахассисларининг эътибори ва қизиқишини кўпроқ тортмоқда.

Кўплаб мутахассислар Биткойнга салбий муносабат билдиришига қарамай, улар блокчейнга қойил қоладилар. Блокчейн технология имкониятлари аллақачон фақат криптовалютанинг асоси сифатида фойдаланиш чегарасидан чиқиб бўлган. Улар доимий равишда кенгаймоқда ва ушбу тенденция келгусида ҳам давом этади.

Таянч иборалар: Blockchain, блокчейн технологияси, криптовалюта, рақамли тўлов тизимлари, Bitcoin ва альткойн, майнинг ва майнерлар, криптовалюталар савдоси, криптовалюта дивидендлари, мастернодлар, ICO, ICO бозори.

Назорат учун саволлар

1. Блокчейннинг пайдо бўлишининг асосий сабаблари нима?
2. Блокчейннинг устунликлари вакамчиликлари нималардан иборат?
3. Блокчейнда транзакциялар аноним ҳисобланадими?
4. Блокчейн молиявий соҳадан ташқарида қўлланиши мумкинми?
5. Блокчейн кенг қўламдаги ҳаётга қанчалик қодир?
6. Криптовалютанинг хусусиятлари нималардан иборат?
7. Криптовалютада даромад олиш турлари ва йўллари.
8. ICO нима ва унга сармоя киритиш тартиби қандай?

XII боб. ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ

Ушбу боб халқаро интеграциянинг моҳияти, шакллари ва босқичлари, шунингдек, жаҳоннинг турли минтақаларида жойлашган етакчи интеграцион гуруҳлар – Европа Иттифоқи (ЕИ), Марказий Америка мамлакатларининг умумий бозори (МЕРКОСУР), Эркин савдо тўғрисидаги Шимолий Америка келишуви (НАФТА), Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ), Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) ва бошқа Европа, Лотин Америкаси, Осиё ва Африка (жами йигирмадан ортиқ) минтақасидаги бирлашмалар ривожланишидаги янги жараёнлар ва тенденцияларни кўриб чиқишга бағишланган.

Асосий интеграцион гуруҳлар халқаро иқтисодий муносабатларнинг муҳим шаклини ўзида ифодалаб, жаҳон ва минтақавий жараёнларда етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Шу билан бирга, замонавий шароитларда, айниқса, сўнгги вақтларда етакчи минтақавий ташкилотларнинг ривожланишида янги тенденциялар ва уларга аъзо мамлакатларнинг миллий-давлат манфаатларини янада пухта уйғунлаштириш заруратига урғу берувчи қийинчиликлар кўзга ташланади. Ушбу бобнинг асосий вазифаларидан бири янги шароитларда МДҲ доирасида Евроосиё маконидаги минтақавий иқтисодий интеграциянинг биринчи ва асос солувчи босқичи сифатида тўлақонли эркин савдо зонасини шакллантиришда ўз иштирокини кучайтирган Ўзбекистоннинг зарур сабоқларни олиши учун замонавий минтақавий интеграцион жараёнлар ривожланишининг долзарб жиҳатлари ва хусусиятларини ўрганишдан иборатдир.

12.1. Халқаро интеграциянинг моҳияти, шарт-шароитлари, мақсад ҳамда вазифалари

Халқаро интеграциянинг моҳияти. Исталган минтақавий ташкилот интеграцион гуруҳ ҳисобланавермайди. Аъзо мамлакатларнинг иқтисодиёти ва ишлаб чиқариш тузилмалари ўртасида меҳнат тақсимоти ва кооперацияси асосида барқарор ўзаро боғлиқликни ўрнатиш ва чуқурлаштириш орқали уларнинг савдо-иқтисодий, молия-инвестицион ва ҳатто, ижтимоий-сиёсий салоҳиятини макро ва микродаражада бирлаштиришга кўмаклашувчи минтақавий ташкилотларгина интеграцион гуруҳларга киради.

Бошқача айтганда, халқаро иқтисодий интеграция ўз-ўзини тартибга солиш ва ўз-ўзини ривожлантириш салоҳиятига эга миллий хўжалик тизимларини яқинлаштириш, ўзаро мослаштириш ва бириктиришга йўналтирилган объектив ва шу билан бирга, англаган жараёндир. Унинг асосида халқаро меҳнат тақсимоти (ХМТ)ни чуқурлаштириш ва ишлаб чиқаришни байналмилаллаштиришни кучайтиришнинг объектив эҳтиёжлари, шунингдек, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, тобора трансмиллий тавсифга эга бўлаётган мустақил хўжалик субъектларининг иқтисодий манфаатлари ётади.

Айни шу даврда жаҳоннинг турли қисмларида иқтисодий интеграцияга интилаётган турли хил минтақавий бирлашмалар шакллана бошлади. Сўнгги 60 йил ичида интеграцион жараёнларнинг жадаллашуви рўй берди.

Интеграциянинг моҳиятини назарий англаш ва уни ривожлантиришнинг амалий заруратини асослашга уринишлар XX асрнинг 50-60 йилларидаёқ қатор хорижий олимлар (Ж. Руэфф, Р. Шуман, В. Хальштейн, М. Панич, Е. Бенуа, Ж. Монне, П. Робсон ва бошқалар) томонидан амалга оширилган эди.

Анъанавий назария – амалда фақат Божхона иттифоқи доирасида иқтисодий шарт-шароитлардан (савдо тўсиқларини бартараф этиш, маълум мувофиқлаштирувчи регламентни жорий қилиш ва ҳ.к.) келиб чиқар эди. Микдорий таҳлил (Н. Винер), асосан, интеграциянинг янги товар оқимларини яратишга («trade creation») таъсири ёки унинг савдо оқимларини диверсификация қилиш («trade diversion») йўли билан савдони диверсификация қилишга таъсир кўрсатиш концепцияси доирасида амалга оширилган эди.

Интеграция жараёнида интеграцион гуруҳга аъзо мамлакатлар ўртасида янги товар оқимларининг яратилиши сўзсиз табиийдир, чунки улар ушбу мамлакат ичида нисбатан қиммат ўхшаш товарларни ишлаб чиқаришни бартараф этадилар. Сўнгра гуруҳ ичида ишлаб чиқарилаётган товарлар учинчи мамлакатлардан импорт қилинаётган товарлар ўрнини босади. Интеграция доирасида ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва натижада, гуруҳга аъзо-мамлакатларда аҳоли фаровонлигининг ўсиши, ихтисослашув даражасининг ошиши янги товар оқимларини яратишнинг «соф натижаси» ҳисобланади.

Б. Балассанинг асари (1974 й.) Европа Иттифоқи (ЕИ)да савдони яратиш ва оғиш самараларини ўлчашга бағишланган эди. У 1953-1959 йилларда, яъни ЕИ ташкил этилишига қадар бўлган даврда ЕИ мамлакатларининг импортига талабнинг эгилувчанлигини 7 та тармоқ бўйича 1959-1970 йиллардаги кўрсаткич билан солиштиради. Натижалар савдонинг жиддий, айниқса, ўзаро савдода қулай шароитларнинг яратилиши ҳисобига ўсишини яққол кўрсатди. Бунда ўзиб кетувчи суръатлар ёқилғи саноати, машинасозлик ва автомобилсозлик саноати каби тармоқларда кузатилган эди.

Бошқа тадқиқотлар ўзаро савдонинг кучайиши, айниқса, Божхона иттифоқи шаклланиши шароитларида учинчи мамлакатлар билан савдо ҳисобига ва унинг зарарига амалга ошиши мумкин. Баъзан савдо оғишининг салбий самараси ижобий самарадан ошиб кетиши мумкин (Н. Винер). Шунга мувофиқ, интеграция шароитларида ҳам ўзаро савдо, ҳам ушбу бирлашмага аъзо бўлмаган учинчи мамлакатлар билан савдо ўсиши зарур деган хулосага келинди. Бу ҳар доим ҳам таъминланмайди, шу сабабли инглиз иқтисодчиси Дж. Мид томонидан илгари сурилган «иккинчи энг яхши» назарияси (1955 й.) пайдо бўлди. Унинг моҳияти шундаки, халқаро иқтисодий интеграция ҳақиқатан ҳам ўзаро савдони рағбатлантиради, лекин эркин савдо амалиётидан орқада қолади, шу сабабли иккинчи энг яхши восита ҳисобланади.

Л. Кеохане, П. Робсон, М. Дюватрипон ва бошқалар устун омиллар сифатида ноиқтисодий тавсифдаги омилларни ажратишга уриндилар, яъни интеграцион гуруҳлар мамлакатларга янада ишончли муудофаа қобилиятини

таъминлашга имконият яратади, «элита клуби»га аъзо бўлиш миллий обрўни ошириш мақсадига айланади ва шу қабила сий омилининг интеграцияни ҳаракатлантирувчи асосий омили сифатида хизмат қилишини асослайди. Албатта, ушбу жиҳат муҳим аҳамият касб этади, лекин у мазкур ишнинг предмети ҳисобланмайди, чунки у мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларга бағишланган.

Либерал иқтисодчилар интеграцияни бозор кучларининг эркин хатти-ҳаракатини таъминлашга қаратилган жараён сифатида баҳолайдилар. Паретонинг оптимум қоидаси шакллантирилди, унга мувофиқ интеграцион жараён бошлангандан сўнг ресурслар оптимал равишда қайта тақсимланади ва бу янги шароитларда энг юқори меҳнат унумдорлигига ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига олиб келади. Мазкур эркин рақобат таъсири остида янада кенг бозор макони доирасида товарлар ва хизматлар, капиталлар ва ишчи кучининг эркин кўчиши туфайли амалга ошади.

Агар дастлаб интеграция объекти сифатида халқаро савдо кўриб чиқилган бўлса (В. Репке), кейинги тадқиқотлар ушбу тушунчани кенгайтириб, капиталлар ва ишчи кучи ҳаракатланишининг таҳлили билан бойитди (М. Аллэ, М. Гальперин, Д. Виллей, Т. Сцитовский, Б. Баласса ва бошқалар). Бошқача айтганда, интеграция тобора кўпроқ ишлаб чиқариш омиллари назарияси нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. Либераллар нуқтаи назаридан интеграциянинг моҳияти мос равишда янги бирлашма доирасида барча тўсиқ ва чекловларни бартараф қилиш, рақобат кучларининг таъсири ҳамда ишлаб чиқарувчиларнинг энг юқори фойда келтирувчи товарлар ишлаб чиқаришга ихтисослашуви орқали халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашувини таъминлаш натижасида мамлакатлар ўртасида иқтисодий айирбошлаш эркинлигини кенгайтиришдан иборатдир. Интеграциялашувда имкониятларнинг расмий тенглиги амалда пастроқ рақобатбардошликка эга қатнашчиларнинг ҳақиқатда иқтисодий тенгсизликка дуч келиши билан ифодаланади.

«Кейнс назариясининг издошлари» ўз «дирижистик» концепцияси доирасида интеграцияни тадқиқ этар экан, асосий эътиборни интеграцион гуруҳ доирасида миллат устки органларини ташкил этишга ва келишилган иқтисодий сиёсатни олиб боришга қаратади. Айнан шу жараёнлар интеграциянинг объекти сифатида ажратилади, айна вақтда, давлатлар унинг субъектларига айланади. Э. Хаас, М. Бийс, А. Филипп, Д. Пиндер, Г. Мюрдаль, Я. Тинберген, Р. Санвальд, Дж. Столпер, Р. Сменд, В. Хуперт ва бошқа иқтисодчилар кўп йиллар мобайнида, интеграциянинг моҳиятини миллат устки давлатлараро интеграцион органлар ёрдамида келишилган қўшма иқтисодий сиёсатни олиб бориш билан боғлаб, айна шу ҳолатни ёқлаб чиқадилар.

Қатор иқтисодчилар (Г. Хакен, В. Милованов, М. Табор, Р. Далимов, Г. Насреддинов) халқаро иқтисодий интеграциянинг синергетик модели моҳиятини очиб бердилар, улар энг самарали сценарийларни аниқлаб,

интеграция шароитида иқтисодий тартибга солишни янада мақсадга мувофиқ амалга оширишга имкон беради¹³.

Интеграциялашган тизимни яратиш умумий мақсадни (бандликнинг ўсиши, ижтимоий барқарорлик ва ҳ.к.) қўйиш ва унга биргаликда эришишга имконият яратади. Интеграциялашган тизим доирасида аъзо давлатларнинг саъй-ҳаракатлари билан умумий бозор яратилган вақтда умумий муаммоларни ҳал қилишда давлатнинг ролини ошириш энг оптимал қарорлар қабул қилишга кўмаклашади, товарларни ишлаб чиқариш самарали бўлиб боради.

Мамлакатлар «чекланганлик омили»ни (хомашё, ишлаб чиқариш омилларини) енгиб ўтиш учун ўз иқтисодийтини бирлаштиришга интилади. Айнан шу омил ишлаб чиқариш кўламининг ўсишига, товар табақаланиши (дифференциацияси) ҳамда янги технологияларнинг ривожланишига кўмаклашади, деб таъкидланади.

12.2. Халқаро интеграциянинг асосий мақсади ва вазифалари

Халқаро иқтисодий интеграциянинг асосий мақсади интеграцион гуруҳга аъзо мамлакатлар ялпи аҳолисининг фаровонлигини оширишдан иборат.

Турмуш даражасининг ошишига ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва «иқтисод кўлами» устунликларидан фойдаланиш, трансакцион харажатларни қисқартириш, қулай ташқи сиёсий муҳит ва янада барқарор шароит яратиш, ўзаро савдо шароитларини яхшилаш, иқтисодий тузилмавий қайта қуришга кўмаклашиш ва унинг ўсиш суръатларини жадаллаштириш ҳисобига эришилади.

Интеграциянинг бевосита оқибати сифатида ишлаб чиқариш кўламининг ўсиши статик (ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳажми) ва динамик омиллар («камроқ харажатлар билан ишлаб чиқаришни ўрганиш») натижасида рўй берадики, ушбу омиллар иқтисодий субъектларга янада катта бозор имкониятларидан кенг, шу жумладан, ишлаб чиқаришни янада самарали ташкил қилиш йўли билан фойдаланиш имконини беради (П. Робсон, А. Рюгман).

Технологик омил муҳимлигининг кўп даражали ўсиши мамлакатларни илмий-техник ва тажриба-конструкторлик ишлари (ИТТКИ)га харажатларни кескин оширишга мажбур қилади. Мамлакатларнинг ИТТКИга харажатларини фақат интеграция ҳолатидан ёндашилгандагина, яъни қўшма саъй-ҳаракатлар билан янги ишланмалар яратилганда ва улардан биргаликда фойдаланилганда камайтириш мумкин. Интеграция рақобатнинг ўсишига олиб келади. Бу эса ишлаб чиқаришни ривожлантириш, сифатни ошириш ва ҳ.к. учун кучли рағбатдир.

Интеграцион гуруҳлар иштирокчилари сони ва қамраб олинишига кўра қуйидагича ажратилади:

а) иккитомонлама – амалиётда энг кам тарқалган (Австралия ва Янги Зеландиянинг келишув асосида амал қилувчи интеграцион бирлашмаси);

¹³ Далимов Р.Т., Махамбетова З., Худякова Н.К. Международная экономическая интеграция. Уч. пособие. – Т.: Университет, 2004. С. 25.

б) кўп томонлама – минтақавий интеграцияда энг кенг тарқалган;

в) континентал – Лотин Америкаси иқтисодий интеграцияси (ЛАИИ), Африка бирдамлиги ташкилоти (АБТ).

Интеграцион жараёнлар билан Европа, Шимолий Америка, Ҳинд-Тинч океани ҳавзасининг улкан ҳудудлари, Лотин Америкаси, Африка, араб мамлакатлари ҳудуди қамраб олинган. Ҳар бир минтақавий интеграцион гуруҳ ўз хусусиятлари, ташкил қилиш ҳамда фаолият юритиш механизмларига эга.

Интеграцион жараён икки даражада – глобал ва минтақавий даражаларда ривожланар экан, бир томондан хўжалик ҳаёти байналмилаллашувининг ўсиши, бошқа томондан мамлакатларнинг минтақавий асосда яқинлашуви билан тавсифланади. Минтақавий интеграция глобаллашув билан бир қаторда ривожланиб бораётган параллель минтақавийлашув тенденциясини ифодалайди. Ҳозирги вақтда интеграциянинг иккала шакли – ҳам глобал, ҳам минтақавий шакли яхши ривожланмоқда.

12.3. Халқаро иқтисодий интеграциянинг объектив шарт-шароитлари ва субъектив омиллари

Минтақавий халқаро интеграциянинг объектив шарт-шароитлари иқтисодий ривожланиш даражаларининг яқинлиги (саноати ривожланган мамлакатлар, ривожланаётган мамлакатлар, собиқ Иттифоқ мамлакатлари ўртасида) ҳисобланади. Интеграциянинг бошқа белгиси ва зарур шarti географик қўшничилик, умумий чегаранинг мавжудлиги, ўзаро боғланган транспорт коммуникациясидир. Интеграция билан қамраб олинган мамлакатларнинг бошқа қўшни давлатларга нисбатан тезроқ ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг намоёйишкорона самараси интеграцион жараёнлар ва уларга янги давлатларни жалб этишни жадаллаштирувчи куч бўлиб хизмат қилади.

Интеграциянинг муваффақиятли ривожланиши учун қулай объектив шарт-шароитларга эга бўлишнинг ўзи етарли эмас, бунинг учун у ёки бу бирлашмага аъзо давлатларнинг меҳнат тақсимооти ва кооперациясини чуқурлаштириш, ўз мустақил ҳуқуқларининг тобора кўпроқ қисмини божхона, валюта, иқтисодий ва сиёсий иттифоқларнинг миллат устки ташқи иқтисодий, фискал ва монетар бошқариш органларига бериш орқали ўзаро савдо-иқтисодий, молиявий-инвестицион ва бошқа муносабатларни устун ривожлантириш бўйича субъектив сиёсий иродаси ва қатъийлиги зарурдир.

Интеграцион бирлашма раҳбарияти мамлакатларда дастлабки фарқланишнинг мавжудлигидан келиб чиқиб, хўжалик ички ва ташқи иқтисодий фаолият учун шароитларни конвергенция (яқинлаштириш) ва унификация қилиш (уйғунлаштириш) сиёсатини олиб боришда аъзо-мамлакатларнинг махсус манфаатларини максимал ҳисобга олиши зарурдир. Интеграцион жараёнларни сунъий кучайтириш ёки секинлаштириш, одатда, аниқ мамлакатлар ҳамда бутун бирлашма учун иқтисодий ва ижтимоий йўқотишларга олиб келади.

Халқаро интеграция, саъй-ҳаракатларни бирлаштириш тўғрисидаги расмий келишувлар халқаро меҳнат тақсимоли ва кооперацияси чуқурлашувидан ҳамда ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва концентрациясидан келиб чиқувчи, макро ва микродаражаларда ишлаб чиқаришни байналмилаллаштиришнинг объектив устунликларидан фойдаланишга реал асосланганда юқори натижаларга олиб келади¹⁴.

Ҳозирги вақтда интеграцион жараёнлар турли шаклларда Жанубий ва Шимолий Америка, Европа, Осиё ва Африкада ҳам ривожланмоқда. Улар ривожланган, ривожланаётган ва ўтиш давридаги мамлакатларни қамраб олади.

12.4. Халқаро интеграциянинг босқичлари ва шакллари

Олтмиш йилдан ортиқ тажрибанинг кўрсатишича, иқтисодий интеграциянинг тўртта кетма-кет босқичи ва тегишли тўртта шакли мавжуддир:

1. Эркин савдо зонаси.
2. Божхона иттифоқи.
3. Умумий бозор.
4. Молиявий-иқтисодий иттифок.

Эркин савдо тўғрисидаги Шимолий Америка келишуви (НАФТА) 1994 йил декабрдаги АҚШ, Канада ва Мексика ўртасида тарифлар ва савдо шароитларини ўзаро тартибга солиш тўғрисидаги давлатлараро пакт асосида яратилган эркин савдо зонаси тўғрисидаги ҳужжатни ўзида ифодалайди. У, хусусан, Шимоли-ғарбий яримшарда 2005 йилга келиб эркин савдо зонаси яратиш ҳисобига АҚШда америкаликлар учун кўшимча 3 млн. янги иш ўринларини яратишни назарда тутар эди. Ҳақиқатда эса ҳаммаси аксинча рўй берди. Мексикалик арзон ишчи кучи, айниқса, паст малакали ва нисбатан арзон меҳнат талаб қилувчи соҳаларда америкаликларни четлаштира бошлади.

Шунга боғлиқ равишда 2017 йил январида Трамп ўзининг инаугурация маросимидаги нутқида “Агар шериклар америкалик ишчиларнинг аҳволини адолатли қайта кўриб чиқишдан бош тортсалар”, у “НАФТАдан чиқиш истаги тўғрисида хабар бериши”ни билдирди. АҚШ ва Мексика ўртасида деворнинг қурилиши билан мустақамланган бундай қатъий баёнот АҚШ маъмурияти томонидан минтақавий интеграцияга бутунлай янги ёндашувлардан далолат бериб, улар НАФТА туфайли АҚШнинг энг йирик савдо шерикларидан бирига айланган кўшни давлатлар билан мавжуд халқаро келишувларга нисбатан миллий манфаатларнинг устунлиги ва прагматизмга асосланади.

Меркосур (Mercosur) — Жанубий Америка мамлакатларининг умумий бозори, Аргентина, Бразилия, Уругвай, Парагвай ва Венесуэла ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий келишувдир. У 1991 йилда Меркосурнинг тузилмасини белгилаган, 1994 йилда ўзгартирилган ва янгиланган негиз асосида ташкил этилган. Унда Венесуэланинг аъзолиги 2017 йил 5 августда тўхтатилди.

Ташкилотнинг номи испанча «Mercado Común del Sur» иборасидан олинган бўлиб, «Жанубий Америка умумий бозори» маъносини билдиради. Бирлашган бозорни ташкил қилишдаги биринчи қадам сифатида Аргентина ва

¹⁴ Семёнов К.А. Международная экономическая интеграция. – М.: Логос, 2001. С. 25.

Бразилия томонидан 1986 йилда имзоланган эркин савдо тўғрисидаги келишув хизмат қилади. 1990 йилда ушбу келишувга Парагвай ва Уругвай қўшилган.

Меркосур 1994 йилда имзоланган ОУРО Прето келишувига мувофиқ 1995 йил 1 январдан бошлаб янада юқори интеграцион даражага: эркин савдо зонасидан божхона иттифоқига айланди.

Меркосурда Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатлари аҳолисининг 55,3 %и (300 млн. дан ортиқ киши), тўғри хорижий инвестицияларнинг 40 %и, минтақа мамлакатлари ташқи савдоси ҳажмининг 33 %и жамланган. Бирлашма аъзолари ЯИМининг ялпи ҳажми 3,3 трлн. долл. га етади.

Бирлашма ўз катталиги ва иқтисодий салоҳияти бўйича ЕИдан кейин иккинчи божхона иттифоқи ҳамда ЕИ ва НАФТАдан сўнг учинчи эркин савдо зонасини ўзида ифодалайди. 2004 йил декабрида Меркосур раҳбарлари Саммитида парламент тузилиши тўғрисидаги ҳужжат қабул қилинди. Ушбу келишувнинг шартлари бўйича у аҳоли сонидан қатъи назар 2010 йилга келиб, ҳар бир мамлакатдан 18 та вакилга эга бўлиши керак. Чили, Колумбия, Эквадор, Перу, Гайана ва Суринам ҳозирги вақтда ассоциациялашган аъзолар мақомига эга. Мексика ва Янги Зеландия расмий кузатувчилар сифатида тавсифланади.

2000 йилларнинг бошида Россия томонидан бир неча бор Меркосур билан ҳамкорликни ривожлантиришга чақирувлар эълон қилинди. Ушбу бирлашма улушига Россиянинг бутун Лотин Америкаси билан савдо айланмасининг ярмидан ортиғи тўғри келади ва унинг умумий ҳажми 6 млрд. долл. ни ташкил қилади. Россия 2000 йилдан бошлаб ушбу интеграцион бирлашма билан бевосита мулоқот олиб боради. Бу жиҳатдан у, масалан, Европа Иттифоқидан жиддий ортида қолади. ЕИ 1991 йилдан бошлаб Меркосур билан уюшма тўғрисидаги музокараларнинг ўн та раундини ўтказди. Минтақа мамлакатлари учун ЕИ ва Россия билан ҳамкорликни чуқурлаштириш маълум даражада АҚШнинг табиий устунлигига қаршилик кўрсатишдир.

Минтақавий иқтисодий интеграцион жараёнларни яратиш ва ривожлантиришнинг анъанавий намунаси ҳанузгача **Европа Иттифоқи** ҳисобланади. У 60 йиллик қисқа тарихий давр ичида интеграцияга тааллуқли барча 4 та ривожланиш босқичи ва шакллари: 1957-1968 йиллардаги Эркин савдо зонасидан бошлаб, ягона валюта – еврога эга Молиявий-иқтисодий иттифоққача бўлган босқичларни босиб ўтди. Бунда охириги икки ўн йилликда ЕИ аъзолари сони дастлабки «олтиталик»дан 28 та Европа мамлакатларигача кўпайди.

Бироқ 2016 йилнинг охирида умумхалқ референдуми чоғида буюк британияликларнинг кўпчилиги Бирлашган Қиролликнинг ЕИдан чиқиб кетиши учун овоз берди (Brexit). Парламентнинг иккала Палатаси томонидан тасдиқланган Буюк Британиянинг ЕИдан чиқиши тўғрисидаги референдум қарори Ҳукуматга 2017 йил март ойининг охирида ЕИ ташкил этилганлигининг 60 йиллигини нишонлашдан сўнг дарҳол ушбу «никоҳни бузиш» деб ном олган жараённи бошлашга имкон берди.

Бу ЕИ дезинтеграциясининг бошланишими? Буюк Британия ортидан эски дунёнинг Франция, Нидерландия, Греция каби бошқа мамлакатларининг ЕИдан чиқиши давом этадими? Ҳар йили ЕИнинг сиёсатидан норози французлар, голландлар, юнонлар ва бошқа европаликлар сони ортиб бораётганлигига қарамай, бу ҳақида гапиришга ҳали эрта бўлса керак. ЕИнинг иқтисодий салоҳияти ҳали-ҳануз анча юқори, лекин Европада унга аъзо мамлакатларнинг миллий давлат манфаатларини пухта уйғунлаштириш заруратини ҳисобга олмаслик эндиликда мумкин эмас.

Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги муносабатлар 1991 йилда мамлакат мустақиллиги эълон қилинган вақтдан бошлаб барқарор ривожланмоқда. 1996 йилда Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги келишувнинг (ШХК) имзоланиши кенг доирадаги масалалар бўйича иккитомонлама муносабатларнинг бошланишига асос солди. Сиёсий музокара; товарлар савдоси; бизнес ва инвестициялар; интеллектуал, саноат ва тижорат мулкни ҳимоя қилиш; қонунчилик соҳасидаги ҳамкорлик; иқтисодий ҳамкорлик; демократия ва инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича ҳамкорлик; ноқонуний фаолиятнинг олдини олиш мақсадларида ва ноқонуний иммиграциянинг олдини олиш ва уни назорат қилиш мақсадларида ҳамкорлик; маданият соҳасидаги ҳамкорлик ва техник кўмаклашиш соҳасидаги молиявий ҳамкорлик – бу ҳамкорлик соҳаларининг барчаси Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги келишув билан қамраб олинган.

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Европа билан ҳамкорликни ўз ташқи сиёсатининг устуворликларидан бири сифатида эълон қилди. Европа давлатлари билан муносабатлар ҳам иккитомонлама даражада, ҳам 1999 йил 1 июлдан кучга кирган Ўзбекистон Республикаси ва Европа Ҳамжамиятлари ва уларнинг аъзо-давлатлари ўртасидаги Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги келишув доирасида ривожланмоқда. Бешта «Ўзбекистон-ЕИ» кўшма органлари: Ҳамкорлик кенгаши (12 та мажлис ўтказилган), Ҳамкорлик кўмитаси (12 та мажлис), Парламент ҳамкорлик кўмитаси (10 та мажлис), Савдо ва инвестициялар бўйича қуйи кўмита (10 та мажлис), Адлия, ички ишлар, инсон ҳуқуқлари ва турдош масалалар бўйича қуйи кўмита (11 та мажлис ўтказилган) ташкил этилди ва муваффақиятли фаолият юритмоқда.

2011 йил 24 январда Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А. Каримовнинг Брюсселга ташрифи ўтказилди ва унинг доирасида Европа Иттифоқи Комиссияси (ЕИК) президенти Ж.М. Баррозу ва ЕИнинг энергетика бўйича комиссари Г. Эттингер билан учрашувлар бўлиб ўтди. Ташриф чоғида қуйидаги ҳужжатлар имзоланди: Ўзбекистонда Евроиттифоқ дипломатик ваколатхонасини (Делегациясини) таъсис этиш тўғрисидаги Келишув, Энергетик соҳада ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандум ва 2011-2013 йилларда ЕИК Техник ёрдам индикатив дастурини амалга ошириш тўғрисидаги Меморандум.

Брюссель шаҳридаги олий даражадаги ташриф томонларнинг турли соҳаларда конструктив асосдаги ва ўзаро манфаатли ҳамкорлигини кенгайтиришга бўлган икки тарафлама қизиқишларини намоён этди.

2011 йил 31 майда Ўзбекистонда Европа Иттифоқи делегацияси расман аккредитация қилинди.

2012 йил 28 ноябрда ЕИ Ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Бош вакил К. Эштоннинг Ўзбекистонга ташрифи Президент И.А. Каримов томонидан қабул қилинди.

Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлари даражасидаги «ЕИ-МО» минтақалараро диалоги доирасида ўтказилаётган тадбирларда фаол иштирок этмоқда.

ЕИ ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар – Янги шериклик мақсадларида мунтазам қайта кўриб чиқилувчи ЕИ ва Марказий Осиё стратегиясининг ажралмас қисми бўлиб, у ҳамкорликнинг умумий мақсадларини, сиёсат соҳасидаги жавоб чоралари ва ЕИнинг Марказий Осиё мамлакатлари билан биргаликдаги ҳаракатларининг устувор йўналишларини белгилаб беради.

Президент Ш. Мирзиёев бошчилигидаги Ўзбекистоннинг янги раҳбарияти суд, маъмурий тизим ва хавфсизлик хизматини ислоҳ қилишнинг муҳим жараёнини бошлади ва бизнес иқлимни яхшилаш бўйича муваффақиятларга эришмоқда. ЕИ ушбу ва бошқа ислоҳотларга, хусусан, уларнинг самарали амалга оширилишига кўмаклашмоқда. ЕИ Европа Парламенти аъзоларининг, ЕИнинг Марказий Осиё бўйича Махсус вакилининг, Европа молия институтлари вакилларининг ва Европа Ташқи алоқалар хизмати ҳамда Европа Комиссияси мансабдор шахсларининг ташрифлари орқали янги ҳукумат билан ўзаро хатти-ҳаракатларни амалга оширмоқда.

Бундан ташқари Ўзбекистонда ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ чоралар, масалан, 2017 йил февралда Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасида энергетика соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Англашув меморандумини амалга ошириш бўйича ўзаро ҳамкорлик узайтирилди. 2017 йил 10 ноябрда Самарқанд шаҳрида ЕИ-Марказий Осиё учрашуви ўтказилди. Ушбу учрашувда ЕИ Ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Бош вакил/Европа Комиссияси Раис ўринбосари Федерика Могерини Европа Иттифоқининг вакили бўлиб қатнашди.

ЕИ ва Ўзбекистон ўртасида Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги келишувнинг бажарилиши ҳамда мониторинги музокара ва қарорлар қабул қилиш учун қатор қуйидаги форумлар доирасида амалга оширилмоқда:

- Ҳамкорлик Кенгаши;
- Ҳамкорлик бўйича қўмита;
- Савдо, иқтисодиёт ва инвестициялар соҳасида ҳамкорлик бўйича; Адлия ва ички ишлар, инсон ҳуқуқлари ва турдош масалалар бўйича қуйи қўмиталар. Яқинда ривожланиш мақсадларида ҳамкорлик бўйича янги қуйи қўмита ташкил этилди ва ўз фаолиятини бошлади;

- Парламент ҳамкорлик қўмитаси;

- Савдо ва иқтисодий муносабатлар.

Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Келишув доирасида Ўзбекистон ва ЕИ бир-бирига энг кўп қулайлик бериш режимини тақдим этади. У қуйидагилар бўйича амал қилади:

- импорт ва экспортга қўлланиладиган божхона божлари ҳамда йиғимлари;

- импорт қилинадиган товарларга қўлланиладиган тўғри ва эгри солиқлар;

- ички бозорда товарларни сотиш, харид қилиш, ташиш, тарқатиш ва фойдаланиш қоидалари.

Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Келишув, шунингдек, ЕИ ва Ўзбекистон ўртасидаги савдода барча миқдорий чекловларни тўхтатишни назарда тутди ва миллий ишлаб чиқарувчилар импортнинг ноҳақ таъсирини ҳис этганларида уларни ҳимоялаш тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олади. Бундан ташқари Келишув Ўзбекистоннинг халқаро савдоси УСТ қоидаларига мувофиқ олиб борилишини таъминлаш мақсадидаги иқтисодий ҳамкорликни назарда тутди. Европа Парламенти Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги келишувга ўзгартиришлар киритувчи «Тўқимачилик баённомаси»ни мувофиқлаштиригандан сўнг Келишувнинг тегишли қоидалари, шунингдек, тўқимачилик маҳсулотлари савдосига ҳам қўлланилмоқда.

Ўзбекистон ЕИнинг Умумий преференциялар тизими устунликларидан фойдаланади; бу алоҳида савдо битими бўлиб, унинг доирасида ЕИ ривожланаётган иқтисодиётга эга мамлакатларга ўз бозорига бир томонлама устунлик билан кириш имконини беради. Ривожланаётган иқтисодиётга эга мамлакатларнинг ўсишига кўмаклашишга қаратилган Умумий преференциялар тизими ушбу мамлакатларнинг экспортчилари ЕИ билан савдода айрим ёки барча номдаги товарлар учун паст божлар тўлашини ёки бож тўлашдан озод этилишини кафолатлайди.

ЕИнинг тараққиёт мақсадларида Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари билан ҳамкорлиги ҳар бир мамлакатнинг аҳволи ва эҳтиёжларига мослаштирилган кўп йиллик минтақавий ҳамкорлик стратегиясига асосланган.

Ўзбекистон ҳукумати пахтани ишлаб чиқариш ва уни бирламчи қайта ишлашга асосланган совет типдаги иқтисодиётни саноат ва агросаноат иқтисодиётига қайта ўзгартиришга қаратилган тузилмавий ислохотларни амалга оширишни бошлади. 2014-2020 йилларга мўлжалланган ЕИнинг Кўп йиллик индикатив дастури тараққиёт сиёсатидаги бундай ўзгаришларни қўллаб-қувватлайди. Дастур бюджетига тўртта йўналиш: 1) диверсификация ва меҳнат унумдорлиги; 2) табиий ресурслар ва экотизимларни барқарор бошқариш; 3) бандлик ва даромад манбаларини яратиш; 4) қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилувчи ижтимоий ҳимояга муҳтож, аҳоли гуруҳларини ижтимоий-иқтисодий турмуш стандартларини ошириш йўналишлари бўйича қишлоқ минтақаларининг ривожланишига кўмаклашиш учун 168 млн. евро ажратилган.

Тараққиёт мақсадларида Европа ҳамкорлиги доирасида ушбу ажратмалар бир нечта тематик дастурлар, шу жумладан, Барқарорлик инструменти, Европа демократия ва инсон ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш инструменти, Ноҳукумат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш дастури, шунингдек, қатор ЕИга аъзо-мамлакатлар томонидан тақдим этилаётган кўмак билан тўлдирилмоқда. Тематик дастурлар доирасида ҳамкорлик, шунингдек, инсон салоҳияти ривожланиши ва ижтимоий ривожланиш, табиий ресурсларни барқарор бошқариш, ядро хавфсизлигини таъминлаш, миграция ва сиёсий бошпана бериш масалаларига тааллуққидир. Бешта Марказий Осиё мамлакатлари учун ЕИ томонидан тараққиёт мақсадларида тақдим этилаётган кўмакни Европа молиявий институтларининг кредитлари билан тўлдириш мақсадида 2010 йилда таъсис этилган Марказий Осиё учун Инвестицион жамғарманинг амал қилиши Ўзбекистонга ҳам тарқалади. 2017 йилда Европа Тиклаш ва тараққиёт банки Ўзбекистон билан ўз ҳамкорлигини тиклади. 2017 йил октябрда **Европа инвестицион банки (ЕИБ)** Ўзбекистон билан Ҳадли битим имзолади.

Марказий Осиё минтақаси табиий офатлар, шу жумладан, зилзила, сув тошқини ва кўчкилар кўп содир бўладиган ҳудудга киради. ЕИнинг минтақадаги инсонпарварлик фаолиятининг устувор йўналиши табиий офатларга тайёргарлик кўриш ва уларга жавоб қайтариш мақсадида миллий институтлар ва маҳаллий жамоалар салоҳиятини оширишдан иборатдир. Европа Комиссияси амалдаги Табиий офатларга тайёргарликни таъминлаш бўйича дастур доирасида аҳолининг такрорланувчи табиий офатларга бардошлилигини ошириш учун маҳаллий даражадаги ташаббусларни молиялаштиради. 1994 йилдан 2015 йилгача даврда ЕИ томонидан Марказий Осиёда инсонпарварлик ёрдамига ажратилган маблағлар 222 млн. евродан ошди.

Хусусан, менежментга ўқитиш учун 3,4 миллион евро миқдоридаги ёрдам.

Хусусий секторни ривожлантириш ҳамда кичик ва ўрта бизнесни саноатлаштириш Ўзбекистон ҳукуматининг асосий устуворликлари ҳисобланади. Шу сабабли, Европа Иттифоқи тегишли сўровномани қабул қилгач, Менежментга ўқитиш дастурини 2018 йил сентябригача узайтирди.

Ҳозирги кунга қадар Ўзбекистоннинг етакчи кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг 126 та олий бўғин раҳбарлари замонавий бошқарув усуллариини ўргандилар, шу жумладан, амалий таълим олдилар ва 20 та ЕИга аъзо мамлакатларда кундалик менежментда қатнашдилар. 29 нафар юқори малакали инструкторлар уларнинг савдо-саноат палаталарида ёки бизнесга кўмаклашувчи бошқа ташкилотларда жорий ишларни яхши бажара олиши учун касбий малакасини такомиллаштирдилар.

Бундан 25 йил аввал, 1991 йил 8 декабрда “Беловеж” номли дам олиш масканида Россия, Украина ва Белоруссия **Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ)**ни яратиш тўғрисидаги келишувни имзолادилар. 1991 йил 21 декабрда Олма-ота шаҳрида таъсисчилар ҳуқуқи билан яна 8 та собиқ Иттифоқдош республика – Озарбайжон, Арманистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Молдова,

Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон ҳам МДХга кирди (Болтиқбўйи республиклари кўшилмади, Грузия кейинроқ МДХга аъзо бўлиб кирди, лекин 2008 йил 8 август воқеаларидан сўнг МДХдан чиқиш тўғрисида ариза берди ва ушбу ташкилот Низомига кўра, бир йилдан сўнг, 2009 йилда унинг таркибидан чиқди). Янги мустақил давлатлар аввал бошданок ягона сиёсий ва иқтисодий тизимнинг барбод бўлиши ва бозор тажрибаларининг муваффақиятсизликлари билан боғлиқ умумий инқирознинг аниқ кўринишларига дуч келди.

МДХга кўшилган собиқ Иттифокдош республикаларнинг ўзаро бирлашиш даражаси 1991 йилда ЕИга нисбатан анча юқори эди. Бироқ уларнинг кўпчилигида ўтказилган «шок терапияси» шаклидаги туб бозор ислохотлари ва улар ўртасида хўжалик ва ишлаб чиқариш алоқаларининг кескин узилиши натижасида аввалги ягона халқ хўжалиги комплексининг назорат қилинмайдиган ва ҳаддан зиёд дезинтеграциясига олиб келди.

МДХ ташкил этилган вақтдан роса 2 йил ўтгач, 1993 йил 24 декабрда, унга кирувчи мамлакатлар Иқтисодий иттифок тузиш тўғрисида Шартнома имзоладилар ва у ЕИ намунаси бўйича асосий интеграция тадбирларини куйидагича босқичма-босқич амалга оширишни назарда тутар эди: 1994 йил ноябрида Эркин савдо зонасини (ЭСЗ) шакллантириш; 1995 йил декабрда Божхона иттифоқи тўғрисидаги Келишувни имзолаш; 1996-1997 йилларда Тўлов иттифоқи ва унинг негизда Умумий товарлар, капиталлар ва ишчи кучи бозорини яратиш; ва ниҳоят, 1999 йил бошларига режалаштирилган Евро ягона валютасини киритишда ЕИдан ўзиб, 1998 йил ўрталарида умумий валюта киритиш билан иқтисодий иттифокни шакллантириш. Бошқача айтганда, МДХ барча ушбу босқичларни 4 йил ичида жадаллашган суръатлар билан босиб ўтишни кўзда тутди (маълумки, ЕИга буларнинг барчаси учун 1957 йилдан бошлаб 40 йилдан ортиқ вақт, яъни 10,5 баробар кўп вақт керак бўлди).

Иқтисодий иттифокни тузиш тўғрисидаги Шартномани амалга ошириш учун 1994 йил 21 октябрда Давлатлараро иқтисодий кўмита (ДИК) – тасарруф этиш ва назорат функцияларига эга доимий фаолият юритувчи ўзига хос миллатустки орган ташкил этилди. Бироқ ДИК орқали кўзланган интеграция мақсадларига эришиб бўлмади. Боз устига жараён биринчи босқичнинг ўзидаёқ тўхтаб қолди. Бундан ташқари ўша вақтда мавжуд бўлган рубль зонаси ҳам барбод бўлди. Ҳамжамият ривожланишининг ушбу босқичида марказдан қочиш кучлари марказга интилиш кучларига нисбатан анча кучлироқ эди.

Янги мамлакатлар олдин бир-биридан нафақат сиёсий, балки иқтисодий жиҳатдан ажралиб иш кўришни, сўнгра эса бирлашишнинг янги шаклларини излашни маъкул кўрди. 1999 йил апрелда МДХ органлари (ДИК аппарати, МДХ Ижроия қотибияти, давлатлараро ва ҳукуматлараро тармоқ органлари) ягона орган – МДХ Ижроия кўмитасига қайта тузилиб, у ўша вақтдан бери **миллатустки** эмас, балки мувофиқлаштирувчи функцияларни бажариб келмоқда.

Ҳатто, деярли 20 йилдан сўнг ҳам, 2008 йилда Кишиневда Ҳукумат раҳбарлари Кенгаши (ХРК)да қабул қилинган 2020 йилгача даврда МДХ стратегиясида Эркин савдо зонаси (ЭСЗ)дан Божхона иттифоқи (БИ)га ўтиш

вазифаси кўйилмаган эди. МДХда амалда фаолият юритувчи ўзига хос эркин савдо шакли – ЭСЗ тўғрисидаги Шартнома билан фақат 2011 йил 18 октябрдагина юридик расмийлаштирилди. МДХ доирасида ЭСЗ тўғрисидаги шартномани 8 мамлакат: Арманистон, Белоруссия, Қирғизистон, Қозоғистон, Молдова, Тожикистон, Россия ва Украина имзолади. Озарбайжон ва Туркменистон ушбу Шартномани имзоламади. Ўзбекистон унга кейинроқ – 2012 йилда қўшилди.

Шунга қарамай, ўтган йигирма беш йиллик давр ичида МДХ доирасида Ҳамдўстлик мамлакатларининг савдо, транспорт ва коммуникациялар, маданият, фан ва таълим, глобал ва минтақавий хавфсизлик, барқарорлик ва тинчлик соҳаларида ҳамкорлик каби устувор йўналишларда мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлик бўйича тажриба тўпланди.

Ўзбекистон, МДХ давлатлараро ўзаро ҳамкорлик тузилмаси сифатида доимий музокаралар жараёни, энг аввало, олий даражадаги ва вужудга келаётган янги хавфлар ва таҳдидларга қаршилик кўрсатиш учун келишилган чораларни ишлаб чиқиш, халқаро хавфсизликнинг кўпгина кекин масалаларини ҳал қилиш бўйича сиёсий диалогнинг муҳим механизми бўлиб қолмоқда, шунингдек, барча аъзо давлатлар учун максимал ижтимоий-иқтисодий самарага эришиш учун серқирра хўжалик жараёнларини мувофиқлаштирувчи вазифасини ўтамоқда, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон янги шароитларда МДХни устувор йўналишларда амалий ўзаро ҳамкорликнинг муҳим зарур институти сифатида қараб, МДХ фаолиятида иштирок этишда, айниқса, МДХ ҳудудида тўлақонли эркин савдо зонасини шакллантиришда ўз ёндашувларини жиддий оптималлаштириш ва сифат жиҳатдан янги саъй-ҳаракатларни амалга оширишни кўзлайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг миллий координатори даражасини Ташқи ишлар вазири ўринбосаридан Бош вазир ўринбосаригача ошириш, шунингдек, МДХ Иқтисодий кенгашида ўз иштирокини тиклаш тўғрисидаги қарор қабул қилинди. Бундан ташқари МДХ доирасида Ўзбекистон ҳамкорлигининг ҳуқуқий асоси ва ҳолатини ҳар томонлама қайта текшириш асосида Ўзбекистоннинг МДХда қатор устувор йўналишлар, энг аввало, савдо, инвестициялар, транспорт, туризм, таълим ва фан, шунингдек, хавфсизлик соҳалари бўйича сиёсатини фаоллаштириш бўйича «Йўл харитаси» ишлаб чиқилади. Ўзбекистон Президенти Ш.М. Мирзиёев бу ҳақда Сочидаги МДХ Саммитида (2017 йил 10 октябрь) баёнот берган эди. У биринчи қадам сифатида ноябрда Тошкентда илк бор МДХ Ҳукумат раҳбарлари Кенгаши мажлисини ўтказиш, 2020 йилда эса илк бор Ҳамдўстликда раисликни қабул қилиш ва Ўзбекистонда навбатдаги Давлат раҳбарлари Кенгашини ўтказиш таклифини киритди.

Ўзбекистон Президенти, шунингдек, Оила институти ва анъанавий оилавий кадриятлар тўғрисидаги Баёнотни қўллаб-қувватлаб, ушбу муҳим соҳада тажриба алмашиш мақсадларида кейинги йилда Ўзбекистонда «Оилани мустаҳкамлашда ва ўсиб келаётган авлодни тарбиялашда ўз-ўзини бошқариш

органларининг роли тўғрисида» халқаро конференция ташкил қилиш таклифини киритди.

Умуман олганда, Ўзбекистоннинг ҳамдўстликнинг бошқа мамлакатлари сингари тўлақонли иштироки уларнинг асосий миллий-давлат манфаатларига жавоб беради. Бу ерда масала ҳар бир алоҳида босқичда оптимал танланган интеграция шакллари ва усуллари ҳисобига ушбу манфаатларни янада кўпроқ даражада уйғунлаштиришга имкон берувчи дастакларни топишдан иборат.

Қатор мамлакатлар МДХ доирасида ривожланаётган жараёнларга параллель равишда янада чуқур алоқаларга ва интеграциянинг ривожланган шаклларига эга кам сонли минтақавий гуруҳларни шакллантиришга бўлган уринишларини амалга оширди. Н. Назарбоев МДУдаги чиқиши ва 1994 йил 8 июнда «Независимая газета»даги «СССР эмас, лекин МДХ эмас» («Не СССР, но не СНГ») мақоласидан бошлаб, турли тезликдаги ва турли даражали интеграция ғоясини таклиф этди.

Фақат 2000 йилдаёқ, В. Путиннинг қўллаб-қувватлашидан сўнг, 1999 йилда Россия, Белоруссия ва Қозоғистон томонидан эълон қилинган БИ ва Ягона иқтисодий маконни (ЯИМ) яратиш тўғрисидаги ташаббус негизида Қирғизистон ва Тожикистонни кўшимча жалб қилган ҳолда Евросоё Иқтисодий ҳамжамияти (ЕврОсИХ) ташкил этилди.

2005 йил августда Қозон шаҳрида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистонни, шунингдек, Россияни ўз ичига олувчи Марказий Осё ҳамкорлик Ташкилоти (МОХТ) ЕвросИХ билан бирлашди. Бу моҳиятан Ўзбекистоннинг ЕвросИХга қўшилишини англатади, чунки бу даврда МОХТнинг бошқа аъзо мамлакатлари ЕвросИХга қўшилиб бўлган эди. ЕвросИХнинг мақсадлари: интеграциянинг ихтиёрийлиги, иқтисодий прагматизм, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, суверенитетни ҳурмат қилиш ва давлат чегараларининг дахсизлиги Ўзбекистонни қониқтирар эди, бироқ у ўша вақтда миллатустки органларнинг функцияларини кучайтиришни қўллаб-қувватлашга тайёр эмас эди, бусиз эса БИга ўтиш мумкин эмас. Шунга боғлиқ равишда Ўзбекистон 2008 йилда ЕвросИХда ўз иштирокини тўхтатди. Маълум жиҳатдан бу «Россия, Белоруссия ва Қозоғистон учлиги»нинг ажралиб чиқиши билан ҳам боғлиқ эди.

Айрим ҳолатлар ўша вақтда Қирғизистонни ҳам қониқтирмаган эди. Тожикистон, дастлаб, БИда таъсисчи сифатида иштирок этиш истагини билдирган, бироқ унга ушбу ташкилотнинг ҳеч бир аъзо мамлакати билан умумий чегараларга эга эмаслиги туфайли БИда қатнаша олмаслиги сабабли рад жавоби берилди. Бир неча йилдан сўнг «Россия, Белоруссия ва Қозоғистон учлиги» доирасида 2011 йилда БИ, 2012 йилда ЯИМ тузилди ва ниҳоят 2014 йилда уларнинг Евросоё Иқтисодий Иттифоқи (ЕОИИ) тўғрисидаги шартномаси ратификация қилинди. ЕОИИ бошқа мамлакатларнинг қўшилиши учун очикдир. 2015 йилда унга Арманистон (бошқа қатнашчилар билан чегарадош бўлмаса-да) ва Қирғизистон кўшилди.

ЕОИИ Совет Иттифоқини тиклашни англамайди, чунки режали асосда эмас, балки бозор асосида шакллантирилади. Бироқ суверен функцияларнинг

бир қисми топшириладиган миллатустки органларнинг яратилиши иштирокчилар, шу жумладан, РФ томонидан оғир қабул қилинади. ЕОИИда иштирок этишнинг иқтисодий нафлари барча мамлакатлар учун қуйидаги омиллардан келиб чиқади: умумий бозордан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш кўламини ўстириш, бандликни ва рақобатбардошликни ошириш, нархларни пасайтириш, фаровонликни ошириш. ЕОИИ давлатларидан РФга меҳнат мигрантлари Россия фуқароларига тенглаштирилган, улардан иш патентини харид қилиш талаб этилмайди.

2012 йилдан Москвада иттифоқнинг Олий Евроосиё иқтисодий кенгашига бўйсунувчи миллатустки орган – Евроосиё иқтисодий комиссияси (ЕИК) фаолият юритади. Шунингдек, ЕИКнинг бошқа исталган қарорлари унинг ваколати доирасида ЕОИИнинг барча аъзо мамлакатлари учун мажбурийдир. ЕОИИ МДХда интеграциянинг олий шаклидир, унинг шартномавий-ҳуқуқий базаси ЕврОсИХда, БИда, ЯИМда, шунингдек, УСТ қоидаларни ҳисобга олган ҳолда эришилган барча нарсаларни ўз ичига олади.

ЕОИИ мамлакатларининг жамланма ЯИМи барча МДХ мамлакатлари ялпи маҳсулотининг 85 %ини ва 2,3 трлн. долларни ташкил этади; саноат салоҳияти 600 млрд. долл., қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 112 млрд. долл. деб баҳоланади. ЕОИИ ялпи маҳсулотининг ялпи ҳажми жаҳон ЯИМнинг 4,5 %ини ташкил қилади. Бу ЯИМнинг номинал қийматдаги умумий ҳажми бўйича АСЕАН билан, Харид қобилияти паритети (ХҚП) бўйича аҳоли жон бошига ЯИМ бўйича МЕРКОСУР билан қиёслана олади. Бироқ ЕОИИ мамлакатлари, айниқса, Қирғизистон сўнгги кўрсаткич бўйича нафақат НАФТАнинг етакчи мамлакатларидан, балки МЕРКОСУР мамлакатларидан ҳам ортда қолади.

ЕОИИ асте-секин ривожланмоқда. Бироқ Е. Кузьминанинг фикрича, унинг ривожланишини секинлаштираётган қатор ички омиллар мавжуд. Евроосиё Иқтисодий иттифоқи ичидаги асосий иқтисодий муаммолар ва камчиликлар аъзо-мамлакатларни миллий иқтисодиётининг хусусиятлари билан, хусусан, қуйидагилар билан боғлиқ:

1. Учинчи мамлакатлар, хусусан, ЕИ давлатлари ва Хитой бозорига йўналганлик.

2. Янги ишлаб чиқаришларни ривожлантириш ва мамлакатларнинг ишлаб чиқаришга ихтисослашувининг зарурати, шунинг ҳисобига Иттифоқ ичида ўзаро савдони ўстириш учун товарлар номенклатурасини кенгайтириш.

3. ЕОИИ мамлакатлари саноат мажмуаларини ривожлантиришнинг тармоқ устуворликлари экспорт саноат товарлари номенклатураси каби юқори мувофиқлик даражасига эга, бу эса уларнинг ўзаро бир-бирини тўлдиришига эмас, балки рақобатлашишига олиб келади.

4. Инновацион соҳага инвестицияларнинг етишмаслиги. БМТ таснифига кўра, 1 кг хомашё маҳсулотининг қиймати 100 доллардан ошмайди, бундан фарқли равишда 1 кг илмталаб маҳсулотнинг қиймати 1 млн. доллардан ортади. ЕИК саноат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб беради. Бироқ аниқ қўшма лойиҳалар ҳануз ишлаб чиқилмаган. Ушбу тармоқларга ўзаро инвестицияларнинг мавжуд эмаслиги асосий тўсиқ ҳисобланади.

5. Транспорт инфратузилмасининг етишмаслиги.

Қўшни давлатлар ўртасида, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида бўлганидек, сиёсий-иқтисодий тавсифдаги мураккабликлар вужудга келмоқда. Масалан, 2017 йил кузида, Қирғизистонда президент сайловолди кампанияси чоғида вужудга келган муаммолар кейинчалик жиддий савдо-божхона муаммоларига айланди.

Бутун интеграцион гуруҳ ва унинг ҳар бир қатнашчиси учун нафларни кўпайтириш ҳисобига ушбу ва бошқа муаммоларни ҳал қилиш, ЕОИИ қатнашчиларининг марказдан қочиш интилишларини камайтириш, бизнинг фикримизча, марказга интилиш самарасини кучайтириши мумкин. Кўп йиллар мобайнида манфаатларни уйғунлаштириш ва бир интеграция шаклидан бошқасига босқичма-босқич ва тайёргарлик даражасига қараб турли (иккилик, учлик, бешлик) форматларда реал ўтиш бўйича сабр-тоқатли иш талаб этилади. Ушбу жараёнда шошма-шошарлик ярамайди, ЕИнинг тажрибаси ҳам, МДХнинг тажрибаси ҳам бундан далолат берадики, бундан керакли сабоқларни олиш зарур.

Шунингдек, интеграциянинг локомотиви – ушбу гуруҳнинг энг йирик иқтисодиёти бўлмиш Россиянинг ролини кучайтириш лозим. Нафақат савдо, балки яхши мувофиқлаштирилган саноат, илмий-техник, инновацион сиёсат зарурдир. «Бир белбоғ, бир йўл» ташаббуси билан ЕОИИ ва ШХТ жараёнларини бириктириш гоёси ҳам эътиборга лойиқ.

Истиқболда буларнинг барчаси ЕОИИни ташкилотнинг ўз қатнашчилари ва кўпгина бошқа потенциал иштирокчилар, айниқса, МДХ ва ШХТ мамлакатлари, шу жумладан, Ўзбекистон учун иқтисодий жозибадорлигини оширади.

Хулоса

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон турли интеграцион бирлашмалар, айниқса, ЕИ каби гуруҳлар билан ҳамкорлик қилишга шай турибди. Лекин гео-иқтисодиёт нуқтаи назаридан МДХ доирасида эркин савдо зонасини мустаҳкамлаш жараёнига фаол қўшилиш биринчи навбатдаги ва устувор вазифа ҳисобланади. Унга янги шароитларда Ўзбекистоннинг, айниқса, зич ўзаро алоқалари шаклланаётган барча Марказий Осиё мамлакатлари киради. Шунингдек, Россия билан стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янги мазмун билан бойитиш Ўзбекистоннинг МДХ худудида интеграцион жараёнлардаги иштирокини фаоллаштириш учун кўшимча имкониятлар яратади.

Таянч иборалар: интеграция, халқаро интеграция, интеграцион гуруҳлар, Европа Иттифоқи (ЕИ), Марказий Америка мамлакатларининг умумий бозори (МЕРКОСУР), Эркин савдо тўғрисидаги Шимолий Америка келишуви (НАФТА), Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ), Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ).

Назорат учун саволлар

1. Интеграция моҳияти нимадан иборат?
2. Интеграциянинг шакллари ва босқичларини ёритиб беринг.
3. Етакчи интеграцион гуруҳлар ҳақида маълумот беринг.
4. Эркин савдо зонаси деганда нимани тушунасиз?
5. Божхона иттифоқи деганда нимани тушунасиз?
6. Умумий бозор нима?
7. Молиявий-иқтисодий иттифоқ нима?

ГЛОССАРИЙ

Автоматлаштирилган ахборот технологияси – маълумотларни узатиш, тўплаш, сақлаш ва қайта ишлаш учун ҳисоблаш техникаси ва алоқа тизимлари усуллари ҳамда воситалари қўлланиладиган ахборот технологияси.

Айланма маблағлар – хўжалик юритувчи субъектларнинг айланма фондлари ва муомала фондларини ташкил этувчи маблағлар. Айланма фондлар таркибига ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгуси давр харажатлари киради. Муомала фондлари таркибига тайёр маҳсулотлар, пул маблағлари, ҳисоб-китобдаги маблағлар киради.

а) асосий бўлмаган сиёсий ташкилотлар;

б) асосий сиёсий ташкилотлар.

Аҳолининг реал даромадлари – нарх даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдори, яъни аҳолининг ихтиёрида бўлган даромаднинг харид қуввати.

“Ақлли кишиларнинг кетиб қолиши” – мамлакатдан “интеллектуал элита” вакилларининг чет элда ишга жойлашиш мақсадида чиқиб кетиши.

Божхона божи – товар давлат чегарасини кесиб ўтганда солинадиган махсус пул солиғи.

Божхона иттифоқи икки ва ундан ортиқ давлатларнинг бир-бирига ва учинчи мамлакатларга нисбатан соддалаштирилган тариф сиёсатини ўтказишидир.

Божхона тарифи – товар оқимларининг чегарани кесиб ўтишида давлат томонидан олинадиган солиқ миқдори кўрсатилган тартибланган товарлар рўйхати.

Блок-занжир (Blockchain) – номарказлашган тақсимланган маълумотлар базаси. У блоклар сифатида маълум бўлган ўзаро боғланган транзакциялар партияларидан ташкил топган (номланишига ҳам шу сабаб бўлган: ингл. Blockchain – «блокчи занжир»). У ягона серверга эга эмас. Унинг айнан бир хил нусхалари тармоқ барча иштирокчиларининг компьютерларида сақланади.

Базель қўмитаси талаблари – банк тизимининг барқарор амал қилиши ҳамда ўз мажбуриятларини бажара олишини таъминлаш учун ўрнатилган халқаро меъёрлар мажмуи бўлиб, у капиталнинг етарлилик даражасини, банкларни назорат қилиш жараёнига ҳамда бозор интизомига қўйилган талабларни ифодалайди.

Бандлик – меҳнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнат билан машғул бўлиши; фуқароларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган ва қонунга зид келмайдиган, меҳнат даромади берадиган фаолияти.

Банкрот – хўжалик суди томонидан эътироф этилган, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондиришга ёки мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги.

Барқарорлик – нарса ва ҳодисаларнинг амал қилиши ва ривожланишдаги ўзига хос муайянлик ҳолати.

Бизнес фойда олишга қаратилган (эҳтиёж ва муҳтожликни қондириш натижасида) тадбиркорлик фаолиятини англатади.

Биткоин рақамли танга бўлиб, у бошқа исталган криптовалюта сингари ҳеч қандай молиявий ташкилот ёки ҳукумат томонидан тартибга солинмайди. Бошқача айтганда, у номарказлашган. У фойдаланиш учун қулай ва жаҳоннинг исталган нуқтасидан бошқасига маблағларни оддий ва ишончли ўтказишни амалга ошириш имконини беради.

Бозор конъюктураси – муайян вақт мобайнида товарлар бозорининг ҳолатини тавсифловчи вақтинчалик иқтисодий вазият бўлиб, қуйидаги белгилар орқали аниқланади: ички ва ташқи савдодаги ўзгаришлар; ишлаб чиқариш ва қурилиш динамикаси; товар захиралари ҳаракати; нархлар динамикаси ва ҳоказо.

Бюджет дефицити – бюджет харажатларининг бюджет даромадларидан ошиб кетиши натижасида вужудга келган тақчиллик.

Валюта – маълум бир давлатнинг қонун билан ўрнатилган пул воситаси (миллий валюта), бир ёки бир неча етакчи мамлакатларнинг валютаси кўринишидаги жаҳон резерв пуллари, Халқаро валюта фонди ва Европа валюта тизими аъзолари томонидан кўп томонлама ҳисоб-китобларда фойдаланиладиган халқаро валюта бирликлари.

ГАТТ – Савдо ва тарифлар бўйича Бош келишув – ташқи савдо операцияларини ўтказишда белгиланган тамойилларга амал қилишга рози бўлган мамлакатларни бирлаштирувчи савдо ва тариф масалалари бўйича халқаро акт.

Глобал муаммолар – оламшумул аҳамиятга эга бўлган ва ўз ечимини топишида жаҳондаги барча мамлакатларнинг биргаликдаги ҳаракатларини талаб этувчи цивилизациямизнинг энг долзарб масалалари.

Глобал молиявий-иқтисодий бозор – жаҳон мамлакатлари ўртасидаги молиявий-иқтисодий алоқаларни ягона хўжалик тарзида амал қилишига асосланган муносабатлар.

Давлат бюджети – давлат даромадлари ва сарфларининг молиявий режаси.

Даромад солиғи – фуқароларни бир йил давомидаги ялпи даромадидан олинадиган мажбурий тўлов (солиқ).

Даромад солиғи ставкалари – аҳоли даромадларидан табақалаштирилган ҳолда олинадиган солиқларнинг фоизлардаги даражалари.

Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-ҳунар дастурларни онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги

шароитларни яратишни жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутди.

Дефляция – инфляция даврида муомаладаги қоғоз пулни камайтириш. Давлат томонидан муомаладаги пул миқдорини камайтиришга қаратилган молия ва пул-кредит тадбирларини қўллаш орқали амалга оширилади.

Диверсификация – (лотинчадан *diversus* – ҳар хил ва *facere* – қилмоқ, бажармоқ) – ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматларни сотиш бозорларини кенгайтириш мақсадида тармоқ ва корхоналар фаолият соҳаларини кенгайтириш, маҳсулот ва хизматлар ассортиментларини кўпайтириш.

Диверсификация стратегияси корхона фаолиятини мавжуд маҳсулотлар ва бозорлар турини кенгайтириш орқали ривожланиш стратегиясидир. Диверсификация стратегияси корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятини ривожлантиришнинг энг етакчи замонавий тенденциялардан бири ҳисобланиб, у орқали корхоналарни бозор шароитида вужудга келадиган турли қалтисликларга бўлган рақобатбардошлигини оширади. Диверсификация стратегияси – корхоналарда янги маҳсулотлар линияларини ишга тушириш, қўшма корхоналар тузиш, бошқа корхоналарни сотиб олиш ва бошқа турли услубларда амалга ошириши мумкин.

Дивиденд акциядорлик жамияти соф фойдасидан акция эгаларига тўланадиган қисми бўлиб, у акциядорларга нақд пул ёки акциялар билан тўланади.

“Демографик портлаш” – жаҳоннинг кам ривожланган ва камбағал мамлакатларида назорат қилиб бўлмайдиган даражада аҳоли сонининг ўсиши.

Евр универсал европа ҳисоб-китоб-тўлов бирлиги бўлиб, ЕИга аъзо мамлакатлар ҳудудида ЭКЮ ўрнига жорий этилган.

Европа валюта тизими (ЕВТ) – ЕИ аъзоларининг ҳудудий валюта гуруҳи.

Европа Иттифоқи (ЕИ) – Европанинг 25 та давлатини бирлаштирувчи иқтисодий ва сиёсий гуруҳ.

Жаҳон баҳоси талаб ва таклиф эгри чизиклари таъсирини ҳисобга олган ҳолда миллий нарх кўрсаткичлари таъсирида халқаро савдо марказларида ҳосил бўлади.

Жаҳон бозори моддийлаштирилган ва моддийлаштирилмаган кўринишидаги ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол босқичларни ўз ичига олувчи ХИМ субъектлари (миллий ва ҳудудий иқтисодиётлар, халқаро ташкилотлар ва корпорациялар)нинг ўзаро иқтисодий таъсирлашиш глобал муҳитидир.

Жаҳон ишчи кучи бозори (ЖИКБ) – миллий хўжалик тизимлари ва жаҳон иқтисодиёти доирасида ишлаб чиқарувчи кучларнинг даражаси, табиати ва жойлашувига сезиларли таъсир этувчи иқтисодий фаол аҳолининг мамлакатлар ва ҳудудлар ўртасида жами миграцион айланмаси.

Жаҳон банки – ўзаро бир-бири билан боғлиқ бешта институтдан таркиб топган кўп томонлама кредит ташкилоти.

Жаҳон савдо ташкилоти – халқаро савдонинг институционал ва ҳуқуқий асосини ташкил этувчи мустақил давлатлараро ташкилот.

Жаҳон банки 1944 йилда Халқаро валюта жамғармаси билан бир вақтда тузилган биринчи давлатлараро инвестиция институтидир. Банк ўзининг фаолиятини 1946 йил 25 июндан бошлаган.

Жаҳон бозори конъюнктураси – жаҳон товар бозорларидаги сотиш шарти, ушбу бозорлардаги талаб, таклиф, нархлар даражаси, уларнинг ўзгариш тенденциялари.

Жорий конъюнктура – муайян даврда товарларга бўлган талаб ва таклифнинг таркиби, динамикасини шакллантирувчи иқтисодий шароит ва омиллар мажмуи. Жорий конъюнктура айна даврдаги миллий ва жаҳон иқтисодиётининг у ёки бу омилларидан таркиб топган вақтинчалик вазиятни ифодалайди.

Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш (ЭКОСОС) БМТнинг асосий бошқарув органларидан бири бўлиб, унинг ХИМ соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб туради.

Иқтисодий интеграция – ҳудудий миқёсда сифат жиҳатдан янги иқтисодий муҳитни яратиш йўли орқали миллий хўжалик комплексларини ўзаро яқинлаш ва бир-бирига кириб бориши жараёни.

Иқтисодий иттифоқ – иқтисодий интеграциянинг олий кўриниши, у умумий ҳуқуқий меъёрлар, солиқ базасини соддалаштирилиши, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда ягона стандартларни жорий этиш, ягона валютага ўтиш кабилар билан тавсифланади.

Иммиграцион квота – хорижий фуқароларнинг кириб келишини давлат томонидан миқдорий чеклаш.

Инвестиция муҳит – мамлакат иқтисодиётида хорижий инвестицияларнинг самарали айланиши зарур бўлган шарт-шароитлар комплекси.

Иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги мамлакат иқтисодиётининг халқаро савдода иштирок этиш, жаҳон бозоридаги ўз ўрни ва мавқеини сақлаб қолиш ва кенгайтира олиш, жаҳон талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқара олиш лаёқати бўлиб, куйидагилар орқали белгиланади: мамлакатдаги ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий даражаси, ишлаб чиқариш харажатлари миқдори, ишлаб чиқарилаётган товарлар сифати, инфратузилманинг ривожланганлик даражаси, мутлақ ва нисбий устунликларнинг мавжудлигидир.

Иқтисодиётнинг реал сектори иқтисодиётнинг бевосита моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ соҳаси бўлиб, у ўз ичига саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа тармоқларини олади.

Иқтисодий ночор корхоналар – муайян миқдорда капитал йўқотиш, ишлаб чиқариш майдонларининг қисқариши, ишсизлар сонининг ортиши,

рақобатбардош бўлмаган маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва бунинг учун катта миқдорда материаллар, хомашё, ёнилғи, меҳнат ресурслари сарфлайдиган қолоқ, самарасиз корхона.

Иқтисодий ўсиш – реал ялпи ички маҳсулот умумий ҳажмининг ёки аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал ялпи ички маҳсулотнинг олдинги йилга нисбатан ўсиши.

Импорт – мамлакат ички бозорларида сотиш учун чет эл товарлари, капитали, технологияси ва хизматларни олиб келиш. Импорт халқаро меҳнат тақсимоти натижасидир. У вақтни тежашга, иқтисодиёт, аҳоли эҳтиёжини қондириш вазифаларини муваффақият билан ҳал қилишга кўмаклашади.

Инвентаризация – корхоналар, фирмалар, ташкилотларда нақд мулк ва товарларни рўйхатдан ўтказиш; натура ҳолидаги бойликларнинг мавжудлиги ёки ҳолатини, маблағларни мунтазам текшириб туриш, шунингдек, уларнинг моддий бойликларни ҳисобга олиш қайдномаларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадларида даврий қайта ҳисобга олиш.

Инвестицион кредитлар – ишлаб чиқаришни кенгайтириш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, модернизациялаш ва реконструкция қилиш, янги бино ва иншоотларни қуриш учун зарур бўлган воситалар ҳамда қимматли қоғозларни сотиб олиш мақсадида олинган узоқ муддатли кредитлар.

Инвестицион лойиҳа дастури – Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган қонунчилик андозаларига мувофиқ ишлаб чиқилган зарур ҳужжатларни ҳисобга олган ҳолда капитал қўйилмалар ҳажми ва амалга ошириш муддатининг мақсадга мувофиқлигини асословчи ва инвестицияларни (бизнес-режа) амалга ошириш бўйича амалий фаолият дастури.

Инвестицион сиёсат савдо менежменти умумий стратегиясининг бир қисми бўлиб, корхонани ривожлантириш учун активларни кенгайтиришнинг энг самарали йўллари тиклашни назарда тутади.

Инвестицион солиқ кредити – солиқ мажбурияти бўйича тўлаш муддатини ўзгартириш имконияти берилади, агар солиқ тўловчида белгиланган тартибдаги асос бўлса, у ҳолда солиқ тўловларини камайтирилган ҳолда маълум бир вақт ичида босқичма-босқич тўлаш мумкин бўлади.

Инвестицион ҳамкорлик халқаро иқтисодий муносабатларнинг бир кўриниши бўлиб, ресурсларни рационал тақсимлаш, халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этиш натижасидаги устунликларидан фойдаланиш орқали давлат томонидан иқтисодиётда нисбатан юқори натижаларга эришиш, технологик ишлаб чиқариш тузилмасини янгилаш кабиларни мақсад қилган.

Инвестиция иқтисодий самара (фойда, даромад) олиш ёки ижобий ижтимоий натижага эришиш учун сарфланадиган пул маблағлари, банкларга қўйилган омонатлар, пайлар, қимматли қоғозлар (акция, облигациялар), технологиялар, машиналар асбоб-ускуналар, лицензиялар ва самара берадиган бошқа ҳар қандай бойликлардир.

Инвестиция дастури – ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида мамлакат ёки чет элларда иқтисодиётнинг турли тармоқларига узоқ муддатли капитал киритиш учун ишлаб чиқилган дастур.

Инвестиция комплекси – инвестиция фаолиятини таъминловчи ташкилотлар, корхоналар ва фирмалар мажмуаси.

Инвестиция муҳити – инвестициялар жозибадорлиги ҳамда хавф-хатар даражасини белгилаб берувчи ижтимоий-иқтисодий, молиявий ва сиёсий омиллар мажмуи.

Инвестиция фаолияти – инвестиция мақсадларини амалга ошириш билан боғлиқ фаолият. Инвестиция комплекси ташкилотлари орқали амалга оширилади.

Инвестиция фаолияти иштирокчиларига буюртмачилар, пудратчилар, етказиб берувчилар, банклар, суғурта компаниялари, лойиҳаловчилар, воситачилар, илмий-маслаҳат фирмалари, ўз мамлакатидаги қонунчиликка кўра инвестициявий мулк эгалари (тасарруфчилари) ёки буюртмалардан фойдаланувчи сифатида қатнаша олувчи хорижий ташкилотларни киритиш мумкин.

Инвесторлар – хусусий ва қарзга олинган мулкрий ва интеллектуал қийматларни сарфлаш ҳақида қарор қабул қилувчи инвестиция фаолияти субъектлари. Инвесторлар объектлар ва инвестиция натижаларига эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Инвесторлар кредиторлар ва харидорлар ролини бажаришлари, шунингдек, инвестиция фаолиятининг бошқа иштирокчилари функцияларини бажаришлари мумкин. Одатда, инвесторлар капитал қўйилмалар сарфланадиган соҳаларни аниқлайдилар, контракт ва шартномаларнинг шартларини ишлаб чиқадилар ва инвестиция актининг бошқа томонлари билан – контрактор, ҳукумат органлари, пировард маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва шу маҳсулотнинг истеъмолчилари билан ҳисоб-китобларни амалга оширадилар.

Инқирозга қарши мўлжалланган чоралар дастури Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан 2009-2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши ишлаб чиқилган чоралар дастури бўлиб, мазкур дастурда талабни рағбатлантиришга йўналтирилган бир қатор молиявий имтиёзлар ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминловчи чора-табдирлар мажмуи ўз аксини топган.

Инновацион технологиялар иқтисодиётга янгиликларни татбиқ этиш босқичларида қўлланилувчи усул ва воситалар мажмуи бўлиб, ўз ичига жорий этиш, тренинг, консалтинг, трансферт, аудит, инжиниринг каби турларини олади.

Инновация жараёни – янгилик ғоясини ривожлантиришдан унинг пировард истеъмолчи томонидан истеъмол қилинишигача бўлган мантиқий изчилликда ҳаракатланувчи жараён. Бу янгиликнинг илмий-техник, ишлаб чиқариш-иқтисодий ва ижтимоий-ташқилий салоҳиятини яратиш, ривожлантириш ва ундан фойдаланиш жараёнидир. Инновация жараёнининг қуйидаги босқичлари мавжуд: янгиликни яратиш, уни ўзлаштириш, тарқатиш ва такомиллаштириш.

Инфляция – пул муомаласи қонунларининг бузилиши натижасида миллий валютанинг қадрсизланиши, нархларнинг ўсиши.

Инфляция даражаси – маълум вақт ичида (ой, йил) нархлар даражасининг фоиздаги ўзгариши.

Инфратузилма – товар ишлаб чиқариш шартларини таъминловчи ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқлари комплекси: йўллар, алоқа, транспорт, маориф, соғлиқни сақлаш.

Ипотека – банкнинг гаров хат, кўчмас мулк гарови асосида муайян муддатга ссуда бериши.

Ипотека кредити – жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой қурилишига барпо этиладиган уй-жой гарови остида бериладиган узок муддатли кредит. Ипотека кредитлари тижорат банклари томонидан қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик ва муддатлилик шартларида берилди.

Истеъмол – ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнининг охириги фазаси, ижтимоий маҳсулотдан аҳолини иқтисодий талабларини қондириш жараёни.

Истеъмол кредити – марказий банк томонидан барқарорлик даврида қўлланиладиган пул сиёсати дастаги. У банklar ва бошқа махсус кредит институтлари томонидан аҳолининг узок муддатли истеъмол товарларини сотиб олиш учун бериладиган кредит.

Истеъмол товарлари – инсон эҳтиёжини қондиришга мўлжалланган истеъмол буюмларининг товар шакли; пулга сотиб олиб, истеъмол этиладиган моддий маҳсулотлар ва ҳар хил хизматлар.

Иш билан банд бўлган жами аҳоли – ишчи кучи (иқтисодий фаол аҳоли)нинг ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган қисми.

Ишлаб чиқариш – маълум даврда алоҳида хўжалик юритувчи субъектлар тармоқлар ва иқтисодий секторлар томонидан ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар қиймати.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси ишлаб чиқаришнинг ривожланиши учун ташқи шарт-шароитларни таъминловчи тармоқлар мажмуи бўлиб, ўз ичига темир ва автомобиль йўллари, электр, газ ва сув таъминоти, алоқа коммуникациялари, омбор хўжалиги ва ҳоказоларни олади.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш – ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, уни маънавий жиҳатдан янгилаш, таркибий жиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олувчи жараён. Ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг асосий йўналиш ва воситалари қуйидагилар ҳисобланади: корхоналардан эскирган асбоб-ускуналарни чиқариш; замонавий техника ва технологиялар билан алмаштириш; маҳаллий ресурслар асосида ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этиш; ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини кенгайтириш; ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ва ресурсларни тежаш; сифатни бошқариш ва сертификатлаш тизимини жорий этиш; чиқитсиз ва экологик тоза технологияларни жорий этиш ва ҳоказо.

Ишсизлик – иқтисодий жиҳатдан актив (фаол) аҳолининг бир қисми ўз кучини қўллай олмай «ортиқча» бўлиб, меҳнат захираси армияси бўлиб қолиш ҳодисаси.

Картель – ташқи савдо ассоциацияси (унинг аъзолари алоҳида товар гуруҳлари бўйича ишлаб чиқариш ва нарх сиёсатини мувофиқлаштириб олишади).

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури – «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1997 йил 29 августда қабул қилинган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимининг жаҳон миқёсидаги ютуқлари асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган.

Капитал қурилиш – янги қурилиш, корхоналарни кенгайтириш, реконструкция қилиш, замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлаш, асосий воситаларни мукамал таъмирлаш, шу жумладан, лойиҳа-қидирув ишларини бажариш.

Капитал қўйилмалар – қувватларни такрор ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объектларини қуришга қаратилган ресурслар ва жами ижтимоий меҳнатнинг қийматини акс эттирувчи иқтисодий категория. Давлат томонидан (давлат бунортмаси) турли мулкчилик шаклларидаги корхоналар, ташкилотлар, банклар ҳамда хусусий шахслар томонидан ажратиладиган пул маблағлари капитал қўйилмаларнинг манбалари бўлиши мумкин. Капитал қўйилмалар янги корхоналар қуришга ёки амалдаги корхоналарни қайта таъмирлашга йўналтирилиши мумкин.

Капитал таъмирлашда асосий воситаларни йирик кўламда буткул деталлари, қисмларини алмаштириш билан боғлиқ қайта таъмирлаш тушунилади.

Капитал харажатлар – асосий капиталга киритиладиган маблағлар ва захираларнинг ўсиши.

Касаначилик – йирик саноат корхоналари билан тузилган шартнома асосида уй шароитида маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш.

«Катта йигирмалик» – 20 та йирик мамлакатлар гуруҳи бўлиб, унга жаҳондаги энг бой мамлакатлар ва йирик ривожланаётган давлатлар киради ва улар ҳиссасига жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 90 фоиз улуши тўғри келади.

Кичик бизнес субъектлари – корхона кўлами, ишлаб чиқариш ҳажми, ишловчилар сони, молиявий маблағлари миқдори ва бошқалар жиҳатидан имкониятлари чекланган ишлаб чиқарувчи субъектлар. Республикамизда саноат ишлаб чиқаришнинг айрим тармоқларида (масалан, енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик саноати ва ҳ.к.) 100 кишигача, айримларида (масалан, машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика саноати ва ҳоказоларда) 50 кишигача, хизмат кўрсатиш соҳасида 25 кишигача ишловчи корхоналар кичик бизнес субъектлари ҳисобланади.

Кичик корхоналар – мустақил хўжалик фаолиятини олиб боровчи, ўз балансига бўлган, солиқлар ва бошқа тўловларни тўлагандан сўнг қолган фойдасини ўзи тақсимлайдиган корхона.

Конъюнктура бозорда маълум бир вақтда юзага келган иқтисодий ҳолатдир (асосан, талаб ҳамда таклиф нисбати ва у билан боғлиқ бўлган нархлар даражаси орқали юзага келади).

Кооперация алоқалари – турли соҳа ишлаб чиқариш тармоқларида маълум маҳсулотни тайёрлаш бўйича узоқ муддатли алоқаларни ўрнатиш.

Корхоналарга преференция бериш – миллий иқтисодиётда фаолият кўрсатувчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида улар томонидан ишлаб чиқаришга чет элдан олиб кириладиган хомашё ва материаллар, яримтайёр маҳсулотлар, шунингдек, асбоб-ускуналарни олиб киришда бож тўловлари ва бошқа жараёнлар бўйича енгилликлар (имтиёзлар) берилиши.

Корхоналарни техник қайта қуроллантириш – алоҳида ишлаб чиқариш турларини замонавий талабларга асосан янги техника ва технологияларни киритиш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш, эскирган қурилма ва ускуналарни янгилаш ва алмаштириш, ишлаб чиқариш тузилмаси ва ташкил этилишини яхшилаш йўли билан корхонанинг техник даражасини ошириш бўйича чоратадбирлар мажмуаси. У ишлаб чиқариш интенсивлигини кучайтириш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилашга йўналтирилган бўлади.

Корхонанинг инновацион салоҳияти – корхонанинг янгиликларни жорий қилиш ёрдамида бозор шароитларида фаолиятнинг самарадорлигини ошириш мақсадида корхонанинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланадиган ривожланиш қобилияти. Корхонанинг инновацион салоҳияти ички инновация жараёнидаги барча босқичларнинг (ижтимоий меҳнат ва ресурсларнинг сарф меъёрлари асосида) бир маромда кечишига имкон беради.

Кредит – жисмоний ва юридик шахсларнинг вақтинчалик бўш маблағларларини муайян тамойиллар асосида қайтариш шарти билан фойдаланишга бериш жараёнида вужудга келган иқтисодий муносабатлар мажмуи.

Криптовалюта пулларнинг хавфсиз, нормарказлашган шакли бўлиб, унинг транзакциялари ягона марказга эга бўлмаган ва бирор-бир кимсага бўйсунмайдиган компьютерлар тармоғи билан текширилади ва амалга оширилади.

Кутилаётган инфляция даражаси – мавжуд ижтимоий-иқтисодий ахборотлар, маълумотлар асосида алоҳида шахс ва корхоналар томонидан кутиладиган бўлғуси даврдаги инфляция даражаси.

Меҳнат бозори меҳнатга қобилиятли аҳолининг иш билан банд бўлган ва банд бўлмаган қисмлари ва иш берувчилар ўртасидаги муносабатларни ҳамда уларнинг шахсий манфаатларини ҳисобга олувчи шартномалар асосида

ишчи кучи харид қилиш-сотишни амалга оширувчи, шунингдек, унга бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатларни бевосита тартибга солувчи, бозор иқтисодиётининг мураккаб, кўп аспектли, ўсувчи ва очиқ ижтимоий-иқтисодий тизимчасидир.

Меҳнат ҳақи жорий даврда иш берувчи томонидан ёлланган ходимга бажарган ишлари учун берилган пул ёки натура усулидаги тўловлар бўлиб, улар ҳисобланган суммалар йиғиндисидан ташкил топади ва икки қисмга бўлинади: иш ҳақи ва ижтимоий суғуртага ажратмалардир.

Микрокредит – хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва бошланғич сармояни шакллантиришга бериладиган кредитлар. Микрокредитлар: а) юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик фаолияти учун энг кам иш ҳақининг 50 баробаригача; б) микрофирма ва деҳқон хўжаликларига энг кам иш ҳақининг 100 баробаригача; в) фермер хўжалигига энг кам иш ҳақининг 200 баробаригача берилади.

Микрофирма – кичик бизнес корхонасининг бир тури. Мамлакатимизда саноат ишлаб чиқаришнинг тармоқларида 20 кишигача, хизмат кўрсатиш соҳасида 10 кишигача, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 кишигача ишловчи корхоналар микрофирма ҳисобланади.

Модернизация – объектни такомиллаштириш, яхшилаш, янгилаш, уни янги талаб ва меъёрларга, техник шарт-шароитларга, сифат кўрсаткичларига мослаштириш.

Молия тизими – молиявий муносабатлар ва турли даражада уларга хизмат қилувчи молиявий муассасалар мажмуаси.

Молия-банк тизими тарихан шаклланган ва белгиланган қонун-қоидалар асосида фаолияти юритувчи мамлакатдаги молия–кредит муассасалари мажмуидир.

Молиявий «кўпиклар» – реал қийматга эга бўлмаган пул ва облигациялар ҳажмининг кўпайиши.

Молиявий институтлар – белгиланган қонун-қоидалар доирасида фаолият юритувчи мамлакатдаги молия-кредит ташкилотлари.

Молиявий манбалар – иқтисодиётнинг турли даражасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш учун тақозо этилувчи молиявий маблағларнинг келиб чиқиш манбалари. Масалан, молиявий манбалар аҳоли ва корхоналарнинг манбалари, давлат бюджети маблағлари, қарзга олинган маблағлар, хорижий инвесторларнинг маблағлари ва бошқа кўринишларда бўлиши мумкин.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва жаҳон бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, Навоий вилоятининг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 3 декабрдаги «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида ташкил этилган. «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона ҳудудида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий йўналиши – замонавий хорижий юқори унумли асбоб-ускуналар ва техника, технологик линиялар ва модуллар, инновация технологияларини жорий этиш ҳисобига юқори технологияли, жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотларни кенг кўламда ишлаб чиқаришдан иборат.

Нарх – товар қийматининг пулдаги ифодаси.

Ноу-хау – муаллифлик гувоҳномаси (патент) билан ҳимояланмаган ишлаб чиқариш тажрибаси ва маҳорат сирлари.

Озиқ-овқат хавфсизлиги – миллий ва глобал эҳтиёжларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имконияти.

Офшор ҳудудлар миллий иқтисодий маконнинг бир қисми бўлиб, бу ерда хорижий ҳуқуқий ва жисмоний шахслар тижорий операцияларни чет эл валютасида амалга оширишади.

Портфель инвестициялар – хўжалик объектини эксплуатация қилиш туфайли даромад олиш ҳуқуқини кафолатловчи капитал қўйилмалари.

Протекционизм – хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига давлатнинг бевосита ва билвосита усуллар орқали фаол аралашувини назарда тутувчи иқтисодий сиёсат.

Преференция – иқтисодиётни мақсадга мувофиқ ривожлантириш ва тартибга солишда айрим соҳа ва тармоқлар, корхона ва ишлаб чиқариш турларига нисбатан берилувчи имтиёз, афзаллик ва устуворликлар.

Протекционизм – давлатнинг хориж рақобатидан ички бозорни ҳимоя қилиш сиёсати, мамалакатга олиб келинаётган товарларга юқори божлар белгилайди, айрим товарларни олиб келиш чекланади ёки умуман тақиқланади.

Пудрат – шартнома ёки хўжалик юритишнинг бир тури. Бир томоннинг иккинчи томон талабига кўра белгиланган ишни бажариши тўғрисидаги шартнома.

Пул-кредит сиёсати – давлат томонидан иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида пул муомаласини ташкил этиш ва барқарорлигини таъминлаш учун амалга ошириладиган барча чора-тадбирлар мажмуи.

Пул – ҳамма товар ва хизматлар айирбошланадиган, умумий эквивалент сифатида фойдаланиладиган, бошқа барча товарлар қийматини ифодаладиган махсус товар.

Реконструкция (қайта тиклаш) – фаолият юритаётган корхонани маънавий ва жисмоний эскирган қурилма ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш, технологик бўғинлар ва ёрдамчи хизматдаги номутаносибликларни йўқотиш йўли билан

алмаштириш ёрдамида тўлиқ ёки қисман ўзгартириш. Қайта тиклашда эски цехлар ўрнига янги цехларни қуришга рухсат берилади.

Савдо ва тараққиёт бўйича БМТ Анжумани (ЮНКТАД) – БМТ тизими доирасидаги махсус муассаса.

Савдода энг қулай шароит яратиш режими – мамлакатлар ўртасида келишилган ҳолда ўрнатилган савдо операцияларининг имтиёзли тартиби.

Саноат тараққиёти бўйича БМТ Анжумани (ЮНИДО) – БМТ тизими доирасидаги махсус муассаса.

Сальдо – муайян вақт давомида молиявий тушумлар ва сарфлар, экспорт ва импорт қиймати (савдо баланси сальдоси), хорижий тўловлар ва тушумлар (тўлов баланси сальдоси) ўртасидаги фарқ.

Самарали иқтисодий сиёсат – давлатнинг иқтисодиётни барқарор ривожлантиришга қаратилган, ҳар томонлама асосланган, изчил ва ўзаро уйғунлаштирилган чора-тадбирлари мажмуи.

Сектор институцион бирликлар йиғиндиси бўлиб, уларнинг мақсади, молиялаштириш манбалари ва функциялари бир хил бўлади, натижада уларнинг иқтисодий ҳуқуқи ҳам ўхшашиб кетади.

Сервис – жисмоний ва юридик шахсларга, умуман, кенг аҳоли қатламига хизмат кўрсатиш; ишлаб чиқариш-техника мақсадларида маҳсулотларни, моддий-маиший, хўжалик ва бошқа саноат маҳсулотларини сотиш ҳамда уларни ишлатиш билан боғлиқ бўлган хизмат кўрсатиш соҳалари.

Солиқ имтиёзи – солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ тўлашдан тўлиқ, қисман ва вақтинча озод қилиш шакли.

Солиқ кредити – бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини маълум муддатга кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ёки солиқни қайтариш шакли.

Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби – кичик бизнес субъектларини рағбатлантириш мақсадида қўлланиладиган солиққа тортиш тартиби.

Солиқ ставкаси – солиқларни ҳисоблашда солиқ базасининг ҳар бир бирлиги ҳисобига тўғри келадиган солиқ меъёри.

Солиқ юки солиқ тўловчиларнинг муайян даврда бюджетга тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғиндиси. Мамлакат миқёсида муайян даврдаги барча тўланган солиқлар ва йиғимларнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи ҳам солиқ юкини ифодалайди.

Солиқ юкини енгиллаштириш – солиқларнинг фоиз ставкаларини камайтириш ва имтиёзлар яратиш.

Солиқлар белгиланган ва муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва беғараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари тушунилади.

Солиқларни унификация қилиш – солиқ механизмини соддалаштириш мақсадида иқтисодий моҳияти, солиққа тортиш объекти ўхшаш бўлган солиқ турларини бирхиллаштириш.

Трансмиллий корпорациялар (ТМК) – чет эл активларига эга бўлган йирик компанияни иқтисодий ташкиллаштириш кўриниши.

Тўғри инвестициялар – фойда олиш билан биргаликда капитал кўйилаётган объект устидан назоратни таъминлаш ҳуқуқини берувчи капитал кўйилмалари.

Тўлов баланси мамлакатнинг барча резидентларининг қолган барча мамлакатлар билан маълум вақт оралиғидаги (одатда, бир йил) иқтисодий битимлари натижаларини системалаштирилган ҳолда қайд этилишидир.

Талаб – харидор, истеъмолчиларни бозорда муайян товарларни, неъматларни сотиб олиш истаги; бозорга олиб чиқилган ва пул имкониятлари билан таъминланган эҳтиёжлар.

Таннарх – маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш учун кетган барча харажатларнинг қиймати.

Таркибий ўзгаришлар – миллий иқтисодиётнинг самарали ва барқарор таркибий тузилишини таъминлаш мақсадида унинг тармоқ ва соҳаларини изчил равишда ўзгартириб бориш. Таркибий ўзгаришлар ўз ичига янги тармоқларни барпо этиш, баъзиларини кенгайтириш, айрим самарасиз, истиқболга эга бўлмаган тармоқларни қисқартириш каби чора-тадбирларни олади.

Ташқи қарз – мамлакат ҳукумати, молия-кредит ташкилотлари, йирик корхоналарининг бошқа мамлакатлар молия-кредит муассасаларидан қарзга олган молиявий маблағларининг жами ҳажми.

Ташқи нодавлат қарзлар – мамлакатдаги хусусий шахслар (молия муассасалари, корхоналар ва аҳоли) томонидан бошқа мамлакатлар молия-кредит муассасаларидан қарзга олган молиявий маблағларининг жами ҳажми.

Ташқи савдо – бир мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан савдоси.

Ташқи савдо сиёсати – бир мамлакатни бошқа мамлакатлар билан олиб бораётган савдоси (экспорти ва импорти) борасидаги сиёсати. Бунга тенг ҳуқуқлилиқ ва икки томонлама манфаат олиш кўзда тутилади. Экспорт ва импортнинг товар таркиби ва географик ҳажмига асосан олиб борилади.

Телекоммуникацион инфратузилма компаниянинг телекоммуникацион инфратузилмаси – турли ахборотларни: автоматлашган бошқарув тизимлари маълумотлари, электрон хабарлар, интернет-графика, турли файллар ҳамда «овоз» ва видео кўринишидаги ахборотларни узатиш вазифасини ҳал қилувчи ўзаро алоқадор тизимчалар мажмуасидир.

Телекоммуникация – симли, радио, оптик ёки бошқа электромагнит тизимлардан фойдаланиб, сигнал, белги, матн, тасвир ва товушларни ёки бошқа кўринишдаги ахборотни узатиш, қабул қилиш ва унга ишлов бериш жараёни. Ахборот-коммуникация технологиялари асосида маълумотларни масофадан узатиш жараёни.

Тижорат банклари – саноат ва савдони қисқа муддатли кредитлар билан таъминлаш, шунингдек, хусусий мижозларга турли турдаги банк хизматларини кўрсатишга ихтисослашган банклар.

Турмуш даражаси – аҳолининг зарур моддий ва номоддий неъматлар ҳамда хизматлар билан таъминланганлик ҳамда уларни истеъмол қилиш даражаси.

Тўғридан-тўғри инвестициялар – бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнини ташкил этиш ёки янада кенгайтириш мақсадида хорижий шериклар томонидан узоқ муддатли капитал қўйилмалар киритиш. Тўғридан-тўғри инвестициялар инвесторларга мазкур ишлаб чиқариш жараёнлари устидан назорат қилиш имконини беради.

Тўлов баланси – муайян муддат давомида мамлакатнинг чет элларга тўлаган ва худди шу давр мобайнида мамлакатга чет элдан тушган тўловлар суммалари нисбатини тавсифлайди. Тўлов туркумига ташқи қарз, унинг фоизи, четдан олинган товарлар ва хизматлар ҳақи, хорижий инвестициялар, хорижда дипломатик ишларни, иқтисодий алоқаларни юритиш харажатлари, фуқаролар ва қўшма корхоналарнинг чет элга пул ўтказмалари ва ҳоказолар киради.

Узоқ муддатли депозитлар – жисмоний ва юридик шахсларнинг тижорат банкларига бир йилдан ортиқ муддатга қўйилган пул кўринишидаги жамғарма ва омонатлар.

Унификация – турли хилдаги маҳсулотлар, деталлар, узеллар ва бошқа қўлланиладиган материаллар ва технологик жараёнларни рационал жиҳатдан бир хиллигини таъминлаш.

Уяли алоқа – уяли тармоққа асосланган мобиль радиоалоқанинг бир тури.

Умумий бозор – ишлаб чиқариш омилларини миллий чегаралар орқали эркин кўчиб ўтиши таъминладиган иқтисодий интеграция кўриниши.

Франчайзинг – бир компаниянинг бошқа йирикроқ ёки бош компаниянинг савдо маркаси, товар белгиси ва бошқа атрибутларидан фойдаланиш.

Фермер хўжалиги – ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи мустақил хўжалик юритувчи субъект.

«Фитч Рейтингс», «Мудис», «Стандарт энд Пурс» халқаро рейтинг компанияси – фаолияти банклар, молиявий институтлар, инвестиция ва акциядорлик компанияларининг кредит лаёқатини ўз вақтида ва аниқ баҳолашга йўналтирилган халқаро рейтинг агентликлари.

Фонд бозори – қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий воситаларнинг олди-сотди жараёнлари амалга оширилувчи махсус ташкиллаштирилган бозор.

Халқаро валюта фонди (ХВФ) йирик ҳукуматлараро валюта-молия ташкилоти бўлиб, БМТнинг махсуслаштирилган муассасаси сифатида тартибга солиш, маслаҳат бериш ва молия-кредит соҳасидаги вазифаларни бажаради.

Халқаро иқтисодий муносабатлар – мамлакатлар ва ҳудудлар ўртасидаги, халқаро ташкилотлар ва корпорациялар иштирокидаги хўжалик алоқалари тизими.

Халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси – ишлаб чиқариш босқичларининг ўзаро бир-бирини тўлдириши ва уларни мувофиқлаштириш мақсадида миллий иқтисодий комплексларнинг ҳамкорлик қилиши.

Халқаро ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви мамлакатлар ўртасидаги меҳнат тақсмоти кўриниши бўлиб, унда ўзларининг ички эҳтиёжларидан ортиқча бир турдаги маҳсулотлар тайёрлаш билан шуғулланувчи миллий ишлаб чиқаришларнинг табақаланиши юз беради.

Халқаро валюта жамғармаси – халқаро савдо ва валюта ҳамкорлигини ривожлантиришга таъсир кўрсатиш мақсадида 1944 йилда ташкил этилган халқаро валюта-молия ташкилоти. Халқаро валюта жамғармаси – аъзо давлатлар ўртасида валюта-кредит муносабатларини тартибга солиб туриш ва уларга тўлов балансининг камомади билан боғлиқ валютавий қийинчиликлар пайтида чет эл валютасида қисқа ва узоқ муддатли кредитлар бериш йўли билан молиявий ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган ҳукуматлараро ташкилот. ХВЖ ўз амалий фаолиятини 1947 йил 1 мартдан бошлаган.

Халқаро ташкилотлар – уларнинг ҳар бири халқаро сиёсатда ўзларининг фаолият мақсадлари йўналишларига қараб, ер юзи тараққиётида эгаллаб турган мавқеларига қараб, умуман, халқаро сиёсий-амалий муносабатлар жараёнида ҳаракатларга киришадиган бошқа халқаро ташкилотлар тизимидаги мақомларига қараб аҳамият касб этади.

Халқаро транзит хорижий юкларни жўнатиш ва қабул қилиб олиш пунктлари берилган мамлакат ҳудудидан ташқарида бўлиши шартида ташилишидир. Агар товарлар божхона омборига жойлаштирилмасдан ташилса, бевосита халқаро транзит, божхона омборидан фойдаланилса, билвосита халқаро транзит ҳисобланади.

Хизмат кўрсатиш соҳаси – ижтимоий ишлаб чиқаришнинг моддий-буюмлашган кўринишга эга бўлмаган истеъмол қийматларини яратишга йўналтирилган соҳалари. У ўз ичига моддий хизматлар кўрсатиш (транспорт, алоқа, савдо, маиший хизмат ва ҳоказо) ҳамда номоддий хизматлар кўрсатиш (хукукий маслаҳатлар бериш, ўқитиш, малака ошириш ва ҳоказо)ни олади.

Ҳозирги иқтисодий адабиётларда кўпроқ инвестициялар деган синоним атама қўлланилади, тўғридан-тўғри инвестициялар, реал инвестициялар ва асосий капитал каби атамалар ҳам қўлланилади.

Хусусий тадбиркорлик фуқаролар (алоҳида фуқаролар) томонидан ўзларининг таваккалчиликлари ва мулкий жавобгарликлари остида, шахсий даромад (фойда) олиш мақсадида амалдаги қонунчилик доирасида амалга ошириладиган ташаббускор хўжалик фаолиятидир.

Хусусий ташкилотлар – демократик давлатларда, индивидуаллар ва хусусий ташкилотлар мустақил иш юритишга ҳаракат қилади. Масалан, рўзнома ва ойномалар хусусий тарзда бошқарилади. Давлат мактаблари билан хусусий мактаблар ҳам фаолият кўрсатади. Кўплаб корхоналар хусусий тарзда

бошқарилади. Британия, Швеция ва кўплаб давлатларда (яъни демократик давлатларда) саноат ва хизмат кўрсатишнинг айрим тармоқларига давлатнинг ўзи эгаллик қилади. Тоталитар давлатларда эса ҳукуматнинг ўзи аксарият уюшмалар ва ташкилотларни шакллантиради ва назорат қилади. Бу давлатларда одамлар давлатнинг рухсатисиз бирор-бир гуруҳга бирлаша ҳам олмайдилар.

Шахсий даромад – жисмоний шахсларнинг солиқ тўлагунга қадар даромади.

Шахсни мунтазам камол топтириш – фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг муҳим шарти ва таркибий қисми. Шахсни ривожлантириш жараёнлари инсоннинг салоҳият ва мақсадларини рўёбга чиқариш борасида нафақат давлат, жамият таъсири, балки шахснинг ўз саъй-ҳаракатларини фаоллаштиришни ҳам тақозо этади.

Экспорт – товарлар, хизматлар, инвестиция, қимматли қоғозлар, технологиялар ва бошқаларни ташқи бозорга чиқариш.

Эмиссия – қоғоз пулларнинг ғазнахонага ёки бошқа давлат молия органлари томонидан муомалага чиқарилиши; барча шаклдаги пул белгиларини муомалага чиқариш.

Эркин индустриал-иқтисодий зона – мамлакат ҳудудининг хорижий мамлакатлар томонидан турли шакллардаги ҳамкорликдаги тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун рухсат этилган қисми. Мазкур зоналарда махсус имтиёзли шарт-шароитлар, жумладан, имтиёзли солиқлар, божхона тўловлари, ижара, виза олиш, валюта айирбошлаш, меҳнатга ёллашнинг қулай тартиблари белгиланган бўлади.

Эркин сайловлар халққа ўз лидерларини танлаш ҳуқуқини ҳамда лидерлар ва халққа ўз фикрларини баҳсли масалаларда эркин билдириш ҳуқуқини беради. Сайловларда сайланган шахслар чиндан ҳам халқнинг вакиллари эканлигига ишонтириш учун вақти-вақти билан учрашувлар ўтказиб турадилар. Сайланиш имконияти бундай вакилларни халқ фикр иродасига эътибор беришларини кафолатлаш учун кўмак бўлади.

Экспорт квотаси – мамлакат экспорти қийматининг унинг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)га нисбати (фоизларда).

Эмбарго – алоҳида мамлакат ёки давлатлар гуруҳи билан савдони бутунлай тақиқлаш.

Эркин иқтисодий ҳудудлар мамлакатнинг шундай ҳудудики, бу ерга олиб кирилган товарлар миллий божхона юрисдикциясидан ташқарида ҳисобланади, бинобарин, божхона назорати ва солиққа тортишдан озод этилади, яъни бу миллий иқтисодиётнинг бир қисмини ташкил этиб, бу ерда мамлакатнинг бошқа ҳудудларида қўлланилмайдиган ўзига хос имтиёзлар ва рағбатлантиришлар тизимидан фойдаланилади.

Эркин савдо ҳудудлари (ЕСХ) преференциал ҳудуд ҳисобланиб, унинг доирасида божхона ва миқдорий чеклашлардан холи савдо тартибига риоя қилинади.

Ягона солиқ тўлови – кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида турли солиқ ва йиғимлар ўрнига содалаштирилган тартибда тўланувчи солиқ тури.

Ялпи ички маҳсулот – мамлакатда бир йил давомида ишлаб чиқарилган жами пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор қиймати.

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) – маълум давр (одатда, бир йил) давомида бир мамлакат худудида яратилган жами қиймат.

Янги индустриал мамлакатлар (ЯИМ) – иқтисодий жиҳатдан энг тез ривожланаётган Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги давлатлар гуруҳи.

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт фонди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги молиявий муассаса бўлиб, фаолиятининг асосий мақсади иқтисодиётнинг етакчи, энг аввало, базавий тармоқларини модернизациялаш ва техникавий қайта қуроллантириш бўйича лойиҳаларнинг амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, мамлакатни муттасил, барқарор ва мутаносиб равишда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эришиш ҳамда самарали таркибий ва инвестициявий сиёсатни амалга оширишдан иборат. Бугунги кунда мазкур фонднинг жамғармаси 3,7 миллиард долларни ташкил этади.

«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки қишлоқ қиёфасини ва қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини сифатли яхшилаш, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, уй-жой қурилишини узоқ муддатли имтиёзли кредитлаш тизимини кенг жорий этиш мақсадида ҳамда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига мувофиқ 2009 йил 30 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «Ғаллабанк» акциядорлик тижорат банки негизида ташкил этилган. «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкнинг устав капитали 150 миллиард сўм миқдорида шакллантирилган.

«Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослаштирилган шубба инжиниринг компанияси «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини ижро этиш ҳамда аҳоли пунктларининг бош режалар ва архитектуравий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларига мувофиқ тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой қурилиши кўламини кенгайтириш асосида қишлоқ аҳолисининг турар-жой шароитларини тубдан яхшилаш мақсадида 2009 йил 3 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ташкил этилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 488 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 104 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, НМИУ, 2017. – 56 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт таррақиёти ва халқ фаровонлиги гарови. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 48 б.
6. Мировая экономика. / М.В. Пашковская, Ю.П. Господарик. 4-е изд., перераб. И доп. – М.: Университет “Синергия”, 2017. – 768 с.
7. Мировая экономика и международные экономические отношения. Учебник под ред. А.С. Булатова. 3-е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2017. – 916 с.
8. Мировая экономика и международные экономические отношения. Учебник для бакалавриата. / Под ред. А.И. Погорлецкого, С.Ф.Сутыринв. 3-е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2017. – 916 с.
9. Бондарев А.К. Международные экономические отношения. Учебник. / А.И. Евдокимов, А.К. Бондарев, С.М. Дроздов; Под ред. А.И. Евдокимов. – М.: Издательство Юрайт, 2016. – 499 с. Серия: Бакалавр. Академический курс.
10. Пономарева Е.С. Мировая экономика и международные экономические отношения. Учебное пособие. / Е.С. Пономарева, Л.А. Кривенцова. – М.: ЮНИТИ, 2013. – 287 с
11. Назарова Г.Г., Иминов З.М., Халилов Х.Х., Хамидов О.Б. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2011.
12. Миллий ва халқаро иқтисодиёт. Ишмухамедов А.Э., Юсупов А.С. – Т.: МЧЖ “RAM-S”, 2007 й.
13. Киреев А.П. Международная экономика. В 2-х ч. - Ч. 1. Международная микроэкономика: движение товаров и факторов производства. Учебное пособие. – М.: Междунар. отношения, 2006.
14. Киреев А.П. Международная экономика. В 2-х ч. – Ч. 2. Международная макроэкономика: открытая экономика и макроэкономическое программирование. Учебное пособие. – М.: Междунар. отношения, 2006. Международные экономические отношения. / Под ред. В.Е. Рыбалкина. – М.: ЮНИТИ, 2008. – 591 с.
15. Исламов Б.А., Исмаилова Н.С., Хасанов Т.А., Зикриёев А.С., Данабаев И.Т. Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2018. – 850 б.

16. Daniel Costa and Jennifer Rosenbaum. Temporary foreign workers by the numbers March 7, 2017 <https://www.epi.org/publication/temporary-foreign-workers-by-the-numbers-new-estimates-by-visa-classification/>

17. United Nations, Department of Economic and Social Affairs, Population Division (2017). International Migration Report 2017: Highlights (ST/ESA/SER.A/404).

18. Ray Marshall. Value-added immigration: Lessons for the United States from Canada, Australia, and the United Kingdom. Economic Policy Institute 2011.

19. Grubel H.G. The Theory of International Capital Movements. In: Black J., Dunning J.H. (eds) International Capital Movements. International Economics Study Group. Palgrave Macmillan, London, 1982.

20. Wong K. (2006) Are International Capital Movement and International Labor Migration Substitutes under National Externality? In: Langhammer R.J., Foders F. (eds) Labor Mobility and the World Economy. Springer, Berlin, Heidelberg

21. Tille, Cédric & van Wincoop, Eric. “International capital flows”, Journal of International Economics, Elsevier, vol. 80(2), 2010, pages 157-175.

22. ЮНКТАД. Доклад о мировых инвестициях за 2016 год. “Гражданство” инвесторов: вызовы политики.

Интернет-сайтлар

1. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.

2. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

3. www.uza.uz – Ўзбекистон Миллий Ахборот агентлиги.

4. www.ifmr.uz – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти.

5. www.ziyonet.uz – Ziyonet таълим портали.

6. www.economics.ru – “Экономическая газета” газетасининг расмий сайти.

7. www.ereport.ru – Жаҳон иқтисодиёти бўйича таҳлилий материаллар портали.

8. www.globfin.ru – Жаҳон молия бозори бўйича таҳлилий материаллар, мақолалар ва янгиликлар портали.

9. www.cia.gov – Умумжаҳон фактлар китоби.

10. www.wto.org – Умумжаҳон саво ташкилоти.

11. www.worldbank.org – Жаҳон банки.

12. www.europa.eu – Европа Иттифоқи.

13. www.unctad.org – БМТнинг Савдо ва тараққиёт конференцияси.

14. www.imf.org – Халқаро валюта фонди.

15. www.un.org – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти.

16. www.oecd.org – Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти.

17. <http://fortune.com> – «Global 500» рейтинг журнали.

18. www.tradingeconomics.com – «Иқтисодий кўрсаткичлар» сайти.

19. www.gks.ru – Давлат федерал статистика хизмати (Росстат).

Б.А. Исламов., Р.Х. Шодиев, Н.С. Исмаилова,
З.Т. Шодиева, Ғ.Л. Ёзиев

ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ
МУНОСАБАТЛАР

Дарслик

“*IQTISODIYOT*” - 2019

Муҳаррир
Мирҳидоятова Д.М.

Мусаҳҳиҳ
Матхўжаев О.А.

Лицензия АІ № 240 04.07.2013 й. Теришга берилди 05.10.2019. Босишга рухсат этилди 12.10.2019. Қоғоз бичими 60x80 1/16. Times гарнитураси. Офсет босма. Офсет қоғози. Шартли босма табағи 16,4. Ҳисоб нашр варағи 16,0. **Адади 100** нусха. Баҳоси келишилган нархда

“*IQTISODIYOT*” нашриёти ДУКнинг матбаа бўлимида чоп этилди. 100003. Тошкент шаҳри Ислон Каримов кўчаси, 49-уй.

0000 Халқаро иқтисодий
муносабатлар. Дарслик.
/Исламов Б.А., Шодиев Р.Х.,
Исмаилова Н.С., Шодиева З.Т.,
Ёзиев Ғ.Л. – Т.: IQTISODIYOT,
2019. – 262 б.

1. Исламов Б.А.,
2. Шодиев Р.Х.,
3. Исмаилова Н.С.,
4. Шодиева З.Т.,
5. Ёзиев Ғ.Л.

ISBN 0000000000

УЎК:0000
КБК:0000